ДАМИН ТЎРАЕВ

ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ ТАФАККУР ВА МАҲОРАТ МУАММОСИ

SHDO'TAU
0000001243

Ч35.2
89
Т-98

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

O'zbek filologiyasi fakulteti
O Q U V Z A L

ДАМИН ТЎРАЕВ

ЎЗБЕК РОМАНЛАРИДА БАДИИЙ ТАФАККУР ВА МАҲОРАТ МУАММОСИ
(60-80- йиллар)

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

2350
O'zbek filologiyasi fakulteti
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAU
KUTUBXONASI
AXBOROT-RESURS MARKAZI
33845

Тошкент
"Университет"
2001

Мазкур монографияда ўзбек романчилигининг XX аср 60-80-йилларидаги ривожланиш хусусиятлари, хусусан, жанрнинг бойиб бориши, тасвирдаги бадиий тафаккур ҳамда жанрдаги янгиланишлар, давр ва қаҳрамон, ғоя ва конфликт каби ёзувчи маҳоратини ўрганувчи маҳорат масалалари хусусида илмий-назарий мушоҳада юритилади.

Китоб олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари ва талабаларига, роман жанри билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор **Умарали Норматов.**

Тақризчилар: Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори, профессор **Наим Каримов**, филология фанлари номзоди, доцент **Гулчеҳра Имомова.**

© "Университет" нашриёти, 2001

Ушбу китобни меҳрибон онам Норсулув Эсон оқсоқол қизининг ёрқин хотирасига бағишлайман.
Муаллиф

КИРИШ

Ҳар бир давр адабиётининг тараққиёти жамиятнинг ўсиши, баъзида инқирозга юз тутиши ва баъзида миллий кўтарилиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кечади. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, "маънавият - инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг кучқудратидир. У йўқ жойда бахт-саодат бўлмайди. Нафақат қўҳна тарих, балки янги тарих ҳам бунинг кўплаб мисолларини беради"[1]. Шу нуқтаи назардан қараганда, ХХ асрнинг иккинчи ярмидаги ижодий маҳсулот, хусусан, прозамизнинг йирик жанри бўлган романчилик соҳасидаги ютуқ ва камчиликларни, ижодий тажриба ва кўникмаларни умумлаштириш ҳамда улардан муайян хулосалар чиқариш бугунги адабиётшунослигимиздаги катта илмий ва амалий аҳамиятга молик масалалардан биридир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ХХ аср ўзбек адабиёти ўзининг дастлабки кунлариданоқ халқ ва давр эҳтиёжини қондиришга уринди. Бу ҳол, шубҳасиз, ўзбек романчилигига ҳам бевосита дахлдордир.

Маълумки, роман жанри ўзининг ўта мураккаб табиатига кўра, наср асарлари орасида ажралиб туради. Роман тарихи шуни кўрсатадики, у юзага келган даврларданоқ инсон ҳаётининг бадиий солномаси сифатида шоҳ жанрлардан бўлиб келган.

Роман адабиётнинг йирик жанри эканлиги ХХ асрда тугал эътироф этилди. Жанр теварагидаги асримизнинг 50-60-йилларида бошланган ва ҳануз давом этаётган баҳсларда ҳам унинг табиатидаги ранг-баранглик, инсон ҳаётининг онгли даврини, унинг маънавий ва ички дунёсини жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий ҳамда ижтимоий муаммолар билан уйғун тасвир этиш орқали бера олиш хусусиятлари исботланди. Албатта, бундай хусусиятлар саксон йиллик ривожланиш тарихига эга бўлган ўзбек романчилиги табиатига ҳам тегишлидир.

Таниқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов ибораси билан айтганда, "ўзбек романи катта довонларни босиб ўтди. Бугун ўзбек романи Шарқ ва Ғарб тилларига таржима қилиниб, дунёга танилди. Абдулла Қодирий, Садриддин Айний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов, Асқад Мухтор,

---

[1]Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент, 1993, 79-бет.

Пиримқул Қодиров романлари дунё китобхонларининг жавонларидан ўрин эгаллади"[1].

Агар сўнгги ўн йилликлар романчилигимизнинг ривожига назар ташланса, унда ўзига хос бадиий изланишлар жонланганлигини кўриш мумкин. Бу даврда яратилган романлар орасида китобхон имтиҳонидан ўта олган ўзига хос асарлар талайгина. Хусусан, О.Ёқубов, С.Аҳмад, А.Мухтор, П.Қодиров, Мирмуҳсин, Р.Файзий, Ў.Ҳошимов, Ў.Усмонов, М.Муҳаммад Дўст, О.Мухторов, Ш.Холмирзаев, Н.Қобул, Т.Мурод ўз асарларида жаҳон романчилиги ва миллий адабиётимизнинг анъаналарини ўзлаштирибгина қолмай, ҳаёт қатламларини бадиий тадқиқ этишда, замондошларимизнинг мураккаб руҳий оламини тасвирлашда ўзларининг истеъдод қирраларини ва янги эстетик қарашларини намоён этмоқдалар.

Тўғри, ўзбек адабиётшунослиги илмида роман жанри поэтикаси ва ўзига хос хусусиятларини, унинг ички тараққиёти босқичларини тадқиқ этган ишлар талайгинадир. Хусусан, И.Султон, М.Қўшжонов, Л.Қаюмов, С.Мирвалиев, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, У.Норматов, Н.Каримов, Н.Худойберганов, О.Икромов, Ҳ.Умуров, И.Мирзаев каби олимларимизнинг тадқиқотларида жанрнинг илмий-назарий муаммолари ва жанрий ўзига хосликлари таҳлил этилган тадқиқотлари мавжуд.

Романчилигимизнинг ички тараққиётидаги рангбаранглик адабиётшунослигимиз олдида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жанрдаги тараққиёт ва бугунги ҳаётимизнинг ижтимоий-мафкуравий эҳтиёжлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ХХ асрнинг иккинчи ярми, янада аниқроғи, 60-80-йиллар ўзбек романининг ҳаёт ҳақиқатини қай даражада бадиий тажассум эттиргани ва буни бадиий тафаккурнинг қандай кўринишларида юзага чиқарганлиги ҳамда ғоя, образ, конфликт, сюжет ва композиция каби бадиийлик компонентлар борасидаги романнависларнинг маҳоратини ўрганишга жазм этдик.

Умуман олганда, жанрга оид турли тадқиқот ва мулоҳазаларнинг давом этиб туриши адабиётшунослигимиз равнақи учун фойдали бўляпти. Зотан, жанр тақдири хусусида фикр юритиш, биринчидан, ҳозирги давр адабиётшунослигимизни илмий-назарий фикрлар билан бойитса, иккинчидан, бадиий ижод жараёни ютуқларини умумлаштириш ёзувчиларимиз учун амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг маҳоратини оширишга хизмат қилади.

---

[1] Адабий турлар ва жанрлар. I- жилд, 302-бет.

I БОБ

ДАВР МУАММОЛАРИ ВА ҚАҲРАМОН

Ҳаёт - кўп қатламли, кўп қиррали, кўп муаммоли тўхтовсиз ва чексиз ҳаракатдаги жараёнлар йиғиндисидан таркиб топган. Адабиёт - ана шу чексиз, гўзал ва бой ҳаётдан туғилади. Шу боисдан ҳам давр муаммолари адабиёт муаммоларига айланади. Демак, конкрет тарихий шароит, даврнинг маънавий эҳтиёжлари, унинг муаммолари бадиий адабиётнинг тараққиёти жараёнида, хусусан, давр қаҳрамонлари тақдирида ҳам ҳал қилувчи мезонлардан ҳисобланади.

Бадиий адабиётдаги бош қаҳрамон талқинида даврнинг долзарб муаммоларини мужассам этиш ижоднинг асосий масалаларидан бўлиб келгани аён масала. Зотан, ҳар бир бадиий асар ўз даври ижтимоий онги қатламларидаги янгиликлардан яралар экан, ёзувчи ўз ижобий қаҳрамон савияси билан давр кашфиётчиси юксаклигида туриши керак.

Ўзбек романчилиги кейинги йилларга келиб, давр қаҳрамонларини яратишда ва уларда ҳаётнинг мураккаб муаммоларини, турмушнинг энг муҳим ижтимоий қатламларидаги силжишларини замондошлар тафаккуридаги туб ўзгаришларни умумлаштириб, индивидуаллаштириб бериш соҳасида етарли тажриба тўплади. Шу тўпланган тажрибани таҳлил этиш шуни кўрсатдики, ёзувчилар ўз қаҳрамонлари характерларини кашф этиш жараёнида турмушда учраб турувчи тасодифий хусусиятлар ва муаммоларни эмас, аксинча инсон шахсининг туб моҳияти ва ўзагини ташкил этувчи, нисбатан барқарор ва давр билан биргаликда унга ҳамоҳанг равишда борадиган хусусиятларига, ижтимоий турмуш ва муҳит таъсирида таркиб топган асосий ирода йўналишини белгиловчи етакчи жиҳатларга таянишди.

60-йилларнинг охирларида Мирмуҳсин томонидан яратилган "Дегрез ўғли" романи шу нуқтаи назардан эътиборга лойиқ асарлардан биридир. Муаллиф ўз романида замондошлари хаёлида куртак отиб келаётган, энг аввало, жамиятни гўзаллаштиришга хизмат қиладиган ғоя - халқпарвар раҳбар ва уни туҳматлардан асраш муаммосини ўртага қўяди. Айни чоғда романнинг бош қаҳрамони бўлган Арслон Ўлмасбоевни аввалги ижобий

қаҳрамонлари сингари нуқсонсиз ва доғсиз қилиб яратмади. У ўта ишонувчан шахс. Унинг характеридаги ана шу етакчи унсур (хусусият) баъзан адаштиради ва фаолиятида душманларга раҳм-шафқат билан муносабатда бўлишга олиб келади. Характернинг бу бош белгиси мазмуннинг салмоқдорлигини, ҳаққонийлигини, универсаллигини, оригиналлигини, таъсирчанлигини таъминлашда ёзувчига беқиёс имкониятлар очиб берган. Тасвирда Арслон Ўлмасбоевнинг руҳий изтироблари чизилади. Бу изтироблар шахсий туйғулар доирасини ёриб чиқиб, туҳматларнинг кўринмас занжири билан кишанлаб ташланадиган, турғунлик деб аталган даврнинг даҳшатли башаралари томонидан мансабдан юлиб олинмоқчи бўлган, раҳбарлик идораларидан қўтир мушукдек қувиладиган, ҳатто дўстлари ҳам бир балоси бўлмаса амалидан олинармиди? - деб ҳазар қиладиган муҳит тасвири билан боғланиб кетади. Бундай ҳол давр фожиаси эди. Уни ёзувчи тўқиб чиқаргани йўқ. Зотан, муаллиф бош қаҳрамон фаолиятини тўлдирадиган муҳитни турмушнинг ўзидан олган. Арслон Ўлмасбоев ана шу даврнинг фарзанди. У фаолият кўрсатган шароит, унда юз бериши мумкин бўлган тарихий воқеалар "Дегрез ўғли" романи сюжетини яратишга ҳаётий асос бўлган. Китобхонлар кўз ўнгида бош қаҳрамон босиб ўтган салмоқдор тарихий йўлнинг мураккаб жараёнлари жамият тақдири билан туташган ва чирмашиб кетган ҳолда намоён бўлади. Арслон образи воситасида Ўзбекистонда ишчилар синфининг ташкил топиш тарихи, унинг иккинчи жаҳон уруши йилларида Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолишдаги қаҳрамонликларини очиб берилиши жараёнларида мазмун салмоқдорлиги таъминланган, даврнинг долзарб муаммолари ўз тажассумини топган. Ёзувчи бош қаҳрамонни кашф этишда объектив позицияда туриб турмушни бутун мукаммаллиги билан кўрсатишга даъват этди. Чунки, ижодкор доимо ҳаётий ҳақиқатга содиқ қолиши керак. Шу нуқтаи назардан, "Дегрез ўғли"даги бош қаҳрамоннинг маънавий оламидаги бойликка ҳалоллик, ростгўйлик, садоқатлилик ҳамда фидоийликка кўз ташланар экан, ёзувчи уларни фақат ўз ўлчови билангина эмас, балки асардаги жуда кўп ва хилма-хил ҳаётий образлар ўлчови билан тортиб кўради ва давр эҳтиёжини қондирадиган бадиий ҳақиқатга эришади: "донолар айтганидек, ўз вақтида одамларга яхшилик қилиб яшаган инсон

ҳамма замонлар учун ҳам мўътабардир". Демак, роман ана шундай ибратли инсон тўғрисидадир.

Ижобий қаҳрамон асар оригиналлиги учун жуда кенг имкониятлар очиб беради. Роман мазмунидаги салмоқдорлик, ҳаққонийлик ва кенг қамровлилик бош қаҳрамон кашфиётида адабиётнинг тасвир доирасига кирмаган, ҳаётий материалларнинг янгилиги ва тилга олинмаган оригинал ғояларнинг мавжудлиги билан таъминланганлигидагина ҳақиқий таъсирли санъат асари яратилади. Шу қонуният нуқтаи назаридан ўрганилганда, "Дегрез ўғли" романида шаҳар ҳаётининг ҳали (А.Мухтордан ташқари) ҳеч бир ёзувчи томонидан бадиий ижодга олиб кирилмаган янги қатламлари билан танишамиз. Зеро, ўзбек ишчилари сулоласининг туғилиши, такомили ва улар орасидан ижтимоий турмушимизни фаровонлаштирувчи халқпарвар раҳбарларнинг чиқиши, меҳнаткаш аҳлининг ўз севимли раҳбарини иғвогарлар туҳматидан асраб қолишдаги жасоратлари билан боғлиқ турмуш ҳодисаларининг янгилиги ва оригиналлигига иқрор бўламиз. Бир вақтлар ижобий қаҳрамон кашфиётида унинг ожиз ва нуқсонли томонларини кўрсатиш сохта жамият - социалистик турмуш ҳақиқатини бузиш, ижтимоий тузумга туҳмат қилиш саналар эди.

Романдаги бош қаҳрамоннинг тақдири ва ҳаёти, шунингдек, иккинчи ва учинчи даражали персонажлар қисмати орқали турмушнинг кенг қамровли тасвири типик шароитни юзага келтиради. Роман сюжети тўқимасида 1939 йилнинг эрта баҳоридаги Каттақўрғон сув омбори қурилиши - халқимиз ҳаётидаги муҳим ҳодиса сифатида эъзозланиб, бўрттириб кўрсатилади. Бош қаҳрамон ҳаётни қайта қуриш, жамиятни гўзаллаштириш ва мукаммаллаштириш учун олиб борилаётган меҳнат жанглари орасидан олиб ўтилиб, ўзига бир умрлик бахтсевги инъом этган Барчиной билан боғланади. Турмуш ҳақиқати ғоятда гўзал акс эттирилган бу тасвирнинг "Дарахт мевадан. олдин гул кўрсатади ёки Арслондан йигирма ёш кичик бўлган денгиз хусусида" деб номланишида ҳам фалсафий моҳият мавжуд. Бош қаҳрамон ўзбек халқи тарихий муҳити ва миллий оҳанг бахш этган жозиба билан ўсиб, улғайиб боради. У ўз она халқи олдига тарих томонидан қўйилган қаҳрамонона вазифаларни бажарувчилар сафида бўлади. Агар ҳар бир бадиий асарни ижтимоий онг соҳасидаги янгилик нуқтаи назаридан текширадиган бўлсак, бош қаҳрамонни

тарбиялаган, уни халқ манфаатларининг илғор курашчиси юксаклигига кўтарган кучларни кўрсатиш - давр романчилигимизда илдиз отаётган янгилик эканига амин бўла борамиз. Демак, бу романдаги ихтирочилик шундаки, ёзувчи бош қаҳрамоннинг муҳим ижтимоий ва ахлоқий қиёфасини ҳаёт ҳақиқатига, унинг ечимига таяниб яратган. Кўринадики, даврнинг қалб тепишини ўзида мужассам этган ижтимоий кучларни бош қаҳрамонни шакллантирувчи муҳит тарзида роман саҳифаларига дардли умумлашма тарзида олиб кирилиши ҳам муваффақиятли чиққан. Демак, давр муаммоларига фақат бош қаҳрамонгагина дахлдор масала деб қарамасдан, уни бадиий асар мазмунини белгиловчи муаммо сифатида ўрганиш тақозо этилади. Романда халқ ўз севган раҳбарини иғволардан сақлаб қолувчи тенгсиз куч эканлиги бадиий ҳақиқат юксаклигида очиб берилган. Демак, халқпарвар раҳбарни лавозимидан олиб ташлашга қаратилган туҳматлардан ҳимоя қилиш романда даврнинг муҳим ва илғор муаммоси тарзида китобхонлар диққатига ҳавола қилинган.

Ижобий қаҳрамон ёзувчининг эстетик идеалини ташувчидир. Ҳар қандай ҳаётий ҳодисани эстетик баҳолаш ва уни гўзаллик нуқтаи назаридан бадиий тадқиқ этиш туфайли ижобий қаҳрамон яратилади. Масалан, Арслонннинг студент дўстлари Зоҳидий, Қодир, Бурхон сингари асардаги образларнинг эстетик идеал билан таъминланишига эътибор берайлик. Улар жамият манфаатларига ва одамларга муносабатда намуна бўла оладиган шахслар сифатида бош қаҳрамонни тўлдириб келади. Бу тўрт баҳодир бутун ўзбек халқи билан қўшилиб жамиятимизни гўзаллаштириш ишида қатнашган қаҳрамонлардир. Энг муҳими, бу қаҳрамонларнинг ҳаётга бўлган меҳри уларни гўзал қиёфага киритади.

Бош қаҳрамоннинг отаси - кекса дегрез Мирюсуфни олайлик. У бутун умрини покиза, ҳалол, мард, меҳнатсевар бўлиб ўтказган. Шу боисдан ҳам у руҳан ва жисмонан соғлом, гўзал қиёфага эга шахс. У фарзанди учунгина эмас, балки бутун халққа ибрат бўлган. Ёҳуд Нишон ака, Шавкат Нурғалиев, Самандаров, Барчин, Дилбар, Саидбеков ҳамда Ҳайитбой оқсоқолларни олайлик. Булар бош қаҳрамонни янада кенгроқ ихтиро қилиш томон, бутун жамиятни гўзаллаштириш, адолатли қилиш сари йўллайди.

Давр руҳини ва тўлақонли бош қаҳрамон тимсолини бериш жараёни нуқтаи назаридан "Дегрез ўғли" ёзувчи ижодида ва адабиётимиздаги ютуқлар сифатида баҳоланади. Хусусан, адабий жамоатчилигимиз уни мамлакатимизда ишчилар синфининг юзага келиши ва шаклланишини бирмунча кенг эпик планда тасвирлаган роман сифатида қайд этди.

Ушбу сатрлар муаллифи профессор Б.Имомов билан ҳамкорликда ёзган тақризида романдаги сюжет асосида ётган конфликтни ташкил қилувчи кучлар тўқнашувида сустлик сезилишини, баъзи эпизодлардаги лавҳаларда китобхонни ишонтирмайдиган ҳолатлар мавжудлигини қайд этган ҳолда, "роман давр руҳига кўра воқеаларнинг мураккаб ва кенглиги, кўтарилган проблемаларнинг чуқур ахлоқий-ижтимоий моҳиятга эга бўлиши билан ажралиб туради"[1] деган фикрни билдирган эди. Бизларнинг бу фикримизни адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов роман ҳақидаги якуний баҳо сифатида шарҳлаб, асардаги асосий камчилик-номукаммаллик "бутун қисмларни, барча образларни зарур тартибга солиб турадиган марказий маънонинг заифлигида"[2] деб ҳисоблашишига қўшилиш қийин. Негаки, романда шўро кишиларининг меҳнат фронтидаги фидокорликларини кўрсатиш, Ватанимиз ҳаётининг ранг-баранг лавҳаларини очиб бериш, замондошларимиз образларини яратиш каби "марказий маъно" борки, буни заиф деб бўлмайди. Чунки асарда тасвирланган воқеа ечимида характерлар тақдири орқали давр руҳини, ундаги силжишларни яққол кўрамиз. Зотан, ҳақиқат қарор топганидан, уруш йиллари кишиларнинг ғолибона ҳаракатидан, халқимизнинг куч-қудратига тўла ишончидан китобхон мамнун бўлади. Яна қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки, романда даврнинг муҳим томонларини кўрсатувчи воқеалар тасвирланади. Бу эса қаҳрамон фаолиятини кенг кўламда ёритишда анча қўл келган. Иккинчи жаҳон уруши, фронт орқасида олиб борилаётган чора-тадбирлар билан боғлиқ эпизодларда, кишилар қисматида ўша даврнинг муҳим воқеаларини кўрамиз. Ўз ўрнида бош қаҳрамон фаолияти асардаги персонажлар характерларининг очилишига,

---

[1] "Тошкент оқшоми" газетаси, 1973 йил, 12 март.

[2] Қўшжонов М. Сайланма. Икки жилдлик. Иккинчи жилд. Тошкент, F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 61-бет.

уларга боғлиқ равишда давр руҳини ва ҳаётнинг турли-туман қирраларини тадқиқ этишга имкон берган.

Тўғри, ҳурматли адабиётшуносимиз қайд этган композицион номукаммалликлардан кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, Мусоват қори, Зиё афанди образларининг мантиқи ҳаётий заминни - давр руҳига мувофиқ тарихан далиллашни, шу асосда курашни кескинлаштиришни талаб этади. Бизнингча, асар камчиликлари хусусида сўз юритганда унинг ютуқларини камчиликлари соясига суриб қўймаслигимиз керак.

Шу ўринда адабиётшуноснинг "Арслоннинг Мусоват қори тузоғига тушиб қолишига умуман ишониб бўлмайди"[1] , деган фикри ҳам бир ёқлама ҳамда мунозаралидир.

Демак, ҳаётий эҳтиёж туфайли асардан ўрин олган барча образлар яхлит, гўзал санъат асарларининг яратилишига хизмат қилади, ўзида давр аломатларини намоён этади.

Бироқ, ёзувчининг бош қаҳрамонни яхлит идрок қилиш жараёнида бир услубий қусур бор. Муаллиф роман воқеаларига меъёридан ортиқ аралашаверади, бош қаҳрамоннинг ноҳақ туҳматга учраганини далилловчи кўплаб эпизодик қаҳрамонларни яратиб, асар саҳифаларига ҳеч бир эҳтиёжсиз бемалол олиб кираверади. Натижада, роман бадиий шаклида ортиқча ўсимталар пайдо бўлиб, китобхоннинг қизиқувчанлигини сусайтиради. Ёзувчининг далиллаш санъатидаги бундай услубий нуқсон Боймат, унинг хотини, қизчаси Субҳия тақдирлари, қанчалик жозибали бўлмасин, катта ҳаётий умумлашмалар туғдирмасдан, роман бош қаҳрамони билан пайвандланиб, "қариндошлашиб" кетмаган ва шунчаки, бир қишлоқдош сифатидаги муносабатлар бадиий шакл жозибадорлигини таъминлашга ожизлик қилиб қолган. Ваҳоланки, бош қаҳрамон муаммоси ҳаёт материалининг хусусий моҳияти асосида туғиладиган мазмуннигина эмас, айни чоғда бадиий шакл унсурларини ҳам қамраб олади. Чунки, бадиий мазмун шаклланиб, вояга етиш жараёнида ўз манбаининг санъат асарига кўчмасдан аввалги умумий мазмуни ва қиёфасида эмас, балки фақат ўз мавжудлигини ифода этувчи янги кўринишга киради.

---

[1] Кўшжонов М. Сайланма. Иккинчи жилд. 63-бет.

Ана шу янги қиёфа - кўриниш бадиий шаклдир. Буни В.Г. Белинский санъатдаги биқиқлик деб атайди[1].

Адабиётшунос М.Бахтиннинг таърифи билан айтганда, "Муаллифнинг шахси ва унинг замондошлари энг аввало, ўзлари яшаётган кунларга алоқадор воқеаларни кўришади, тушинишади ва баҳолашади. Шу билан бирга муаллиф ўз даври ва ўз замонасининг асиридир"[2]. Демак, ижодкорнинг асарида ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда қўллаган услубий ранглар мавзунинг ва ҳаёт муаммоларининг замондошлари учун қанчалик қадр-қимматли ҳамда аҳамиятли эканлиги, ғоявий баҳонинг актуаллиги етакчи ўринда туриши керак. Шу билан бир-га ҳар бир давр мавзуси ҳақида мулоҳаза юритаётган танқидчи ва адабиётшунос ҳам ана шу даврнинг, ёзувчи яшаб ижод этган замоннинг "асири" эканлигини унутмаслик керак.

Ана шу нуқтаи назардан ёзувчи Одил Ёқубовнинг "Диёнат" романига ёндошайлик. Аввало, бу роман давр ва замондошларимиз ҳақидаги мушоҳадаларимизни бойитиш қудратига молик ҳамда ҳаётимизда содир бўлган камчиликлар бадиий инъикосидан туғилган бақувват асардир. Унда бадиий тафаккур кўзи билан борлиқни тадқиқ этиш, қаҳрамонлар тақдири ва фаолиятида турғунлик даври келтириб чиқарган иллатлар силсиласи, ўша замоннинг баъзи тенденциялари чизиб берилади. Эътиқод, ҳалоллик, диёнат, ижтимоий манфаатга садоқат каби инсоний масалалар замондошларимиз қиёфасида таъсирчан ифодаланган. Жумладан, тўғри йўлдан оғишмай борувчи, шахсий эътиқоди, имони, ғоявий масалани амалга ошишида охиригача фаол курашувчи замондошларимиздан зиддиятли ҳаёт йўлини матонат билан босиб ўтган йирик олим НормуроД Шомуродов, вазмин, зукко, ўзида халқ манфаатини, инсонийликни мужассамлаштирган раҳбар Аброр Шукуровлар алоҳида ўрин тутадилар. Таназзулга юз бурган давр қаҳрамони деб кўкларга кўтарилган Отақўзи ўз раҳбарлик қобилияти билан шуҳрат таратиб, баланд мартабаларга эришган, кўпчилик ҳайиқадиган, обрў орттирган, бир сўзини икки қилдирмайдиган, аслида юлдузни бенарвон урадиган

---

[1] Қаранг: Белинский В.Г.Танланган асарлар.Т.,Ўздавнашр, 1955. 19-20-бетлар.

[2] Кўчирма адабиётшунос Л.Н.Целкованинг "Современный роман" номли китобидан олинди.М.,Изд."Знание", 1987, стр.6.

бошлиқлардандир. Отақўзи ҳаёти орқали биз даврнинг таназзулини кўрамиз. Афсуски, муаллиф буни ўз пайтида айтиши қийин эди. Ёзувчи давр тарбиялаб вояга етказган, унинг барча ютуқ ва камчиликларини ўзида мужассамлаштирган бош қаҳрамонни яратишни ижодий ният қилган. Дарвоқе, реалист ёзувчи ўз она халқи тақдири билан боғлиқ бўлган ҳаёт муаммоларини бадиий умумлаштирган давр типларига ўтказмоқчи бўлган. Муаллиф асарда, бадиий адабиётга ҳар бир одам - типик ва шу билан бирга тўла-тўкис аниқ шахс бўлади, деган қонуниятдан келиб чиқиб иш кўради. Шундай иш кўриш жараёнида даврнинг адабий типларини яратишда мураккаб тақдирли шахсларга дуч келади. Бундай шахсларни тамомила ижобий ёки бутунлай салбий ҳам деб бўлмайди. Бундай мураккабликни Отақўзи характерида очиқ-ойдин кўрамиз. Отақўзи ёзувчи учун ўзи қаламга олаётган ҳаётнинг шаклан хилма-хил манзараларини тасвирлаб кўрсатиб, уларнинг барчаси бир ғоявий уруғдан, бош қаҳрамонни яратган давр моҳиятидан пайдо бўлади дейилган ҳақиқатни ифодалаш учун зарур. Отақўзини давр яратган. Ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамони бўлади. Ёзувчи 70-йилларда республикамизнинг жуда кўп туманларида бўлиб, юзлаб раислар ҳаётини синчиклаб, чуқур ва атрофлича ўрганган. Натижада, Отақўзи образини яратишга муяссар бўлган. Одил Ёқубов адабиётшунос Умарали Норматов билан бўлган суҳбатларининг бирида Отақўзининг феъл-атвори жиҳатидан Уйғуннинг "Навбаҳор"идаги Дадавойга, А.Қаҳҳорнинг "Синчалак"даги Қаландаровга издошдек кўринади, деган фикрига эътироз билдириб, Отақўзи образини узоқ кузатишлари, ҳаёт ҳодисалари тўғрисидаги кўп йиллик ўйлари маҳсули, давр фарзанди, у бажарган ишларни на Дадавой, на Қаландаров бажара олар эди, деб айтган эди. Ёзувчи ўзидан олдин адабиётимизда яратилган бадиий типлардан нусха кўчириш йўли билан эмас, балки ҳаётдан ўрганиш орқалигина яхши ижтимоий типлар ярата олишини қатъий уқтиради[1].

Китобхон Отақўзи образини салбий ёки ижобий дейишга ҳам иккиланади. Сабаби, Отақўзида дилларни ёлқинлатадиган инсоний саховат ҳам, киши ғашига тегадиган манманлик ҳам мавжуд. Энг муҳими, "романдаги

---

[1] Қаранг. Норматов У.Талант тарбияси. Т., "Ёш гвардия" нашриёти, 1980. 130-131-бетлар.

эпик тафаккурни яратувчи, ҳаракатга келтирувчи барча кучлар, воситалар ҳам, ёзувчи диққат маркази ҳам барча-барчаси Отақўзига уланган..."[1] .Ёзувчи ўзи айтмоқчи бўлган ғояни китобхонга турли-туман тасвир йўллари билан етказишга интилиб, биринчи галда ижобий қаҳрамонларнинг ҳаётини таҳлилдан ўтказувчи, турмушнинг барча икир-чикирларини ҳам ўткир назар билан текшириб, бош қаҳрамон ҳаётида содир бўлган ҳодисалар ва психологиясидаги ўзгаришларни баҳоловчи янги типини яратади. "Диёнат"даги Нормурод Шомуродов, Аброр Шукуровлар ана шундай янги ижобий қаҳрамонлардир.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, Нормурод Шомуродов характерини индивидуаллаштирувчи психологик кечинмалар ҳаққоний тасвирланган, "бўлиши мумкин бўлган" кескин ҳодисалар ва психологизмлар силсиласидан иборат қилиб бадиий "тўқилган" реалистик образдир.

Кўп жиҳатдан Нормурод Шомуродов ёзувчининг тасдиқловчи эстетик идеалини - асар пафосини ифодалайдиган марказий образлардан биридир. У ҳалоллик, принципиаллик, инсоний эътиқод машъали сифатида ёзувчи ижодий ниятининг индивидуаллашган ижтимоий моҳияти бадиий инъикосидир.

Ёзувчи Нормурод Шомуродов ҳаёти манзараларини реал бўёқларда ишонтирарли тарзда чизиб берадики, китобхон бутун борлиғини жамиятга бериб, қариганда раҳм-шавқатга муҳтож бўлиб қолган, ҳатто, ўз эъзози ва қадр-қимматини қариндошларидан ҳам топмаган буюк зотларни кўриб инсон қисмати хусусида жуда катта бадиий умумлашмалар чиқарилганига дуч келади. Нопоклик авжига чиққан йилларда бундай сифатларни сақлаб қолиш улкан жасорат, маънавий қаҳрамонлик эди. У бутун умр бўйи илм соҳасида нопок бўлган Воҳид Миробидов билан рақобатда бўлади, ҳеч қачон ўз гапидан қайтмайди, ўзини ҳақ деб билган жойда бирор кимсани аямайди. Нопок устозга эргашган жияни Ҳайдарнинг диссертация ҳимоя қилиши чоғида, ўзи истамаган ҳолда, унинг оёғига болта уради. У сохта усуллар билан меъёрига етмаган диссертацияни ҳимоя қилдираман деб уринган жияни Отақўзини ўз жиғилдонини ўйлаб нопок йўлга кирган худбин сифатида қоралайди.

---

[1] Худойберганов Н. Парвоз давом этади. Тошкент. F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 134-бет.

Нормурод Шомуродов ўз рақиби учун қўйнига тош солиб, ўч олиш пайида юрадиганлардан эмас. У фақат бир нарсага лоқайд қараб тура олмайди: доим оғзида офтоб чарақлаб, ҳамиша кулиб турадиган фан доктори, илмни ўз манфаати йўлидаги бир восита деб биладиган, мақсади олдида ҳар қанақа ҳақиқатни шу бугун, шу сония қурбон қилишга тайёр турган Воҳиб Миробидов билан ҳимоя мажлисида жангга киришиб, диссертантни ҳам, унинг раҳбарини ҳам букиб қўяди. Фандаги бундай нопок йўлнинг жамият тараққиётига ва истиқболига раҳна солиши муқаррарлиги тўғрисида китобхонларни огоҳлантириб бадиий умумлашмаларга олиб келади. Ҳақиқатан, Ҳайдар танлаган мавзу - шўр ерларни ювганда зовурларга йиғиладиган оқова сувларни қайта ишлатиш муаммоси ниҳоятда қалтислиги, бу сув ернинг шўрини янада ошириб юбориши, диссертациядаги тажрибалар диаграммалари ва уларда келтирилган рақамларнинг сохталиги уни жим турмасликка ундайди.

Кўринадики, Нормурод Шомуродовни шароит вояга етказган, у ўз даврининг, жамиятининг, халқнинг садоқатли фарзанди. Зотан, бу олим давр иллатларига қарши ўт очади. Сохта қаҳрамонликка, сохта олимликка, ошна-оғайнигарчилик йўли билан кўпчилик мулкига чанг солишга, ўз манфаатини деб ҳақиқатни оёқ ости қилишга шу даражада нафрат билан қарайдики, иш ва турмуш сабаб, Воҳид Миробидов, Жамол Бўрибоевлар билан ҳар гал тўқнашганда жамият ва халқ манфаатини ўйлаб улар билан жанг қилади.

Давр муаммоларининг долзарблигини таъминловчи яна бир ижобий образга эътибор берайлик. Ёзувчи даврнинг жиловлаб бўлмайдиган асов кучини Отақўзи образида умумлаштириб ва индивидуаллаштириб берар экан, фақатгина Нормурод Шомуродовлар хонадонининг уни тўғри йўлга кирита олмаслигини чуқур идрок этади. Шу боисдан ҳам қўшалоқлантиришга жазм этиб, Отақўзини аросатга соладиган янги куч - Аброр Шукуровни яратиб, уни Нормурод отага ғойибона ҳаммаслак қилади, кейинчалик бу икки шахсни учраштиради.

Жуда мураккаб турмуш чигалликлари Аброр Шукуров кўз ўнгида намоён бўла боради. Ёзувчи Аброр Шукуров билан Нормурод Шомуродовлар воситасида ўз замонаси учун жуда зарур бўлган химиялаштириш фожеаларини катта журъат билан кўтарадики, бу билан давр юкини кўтара оладиган ижобий қаҳрамонлар ярата

олиш маҳоратини намоён қилади. Замона руҳи, замона дардлари, замона ташвишлари уларнинг оддийгина танишув суҳбатларида бўртиб туради. Нормурод ота "Мени кўпдан бери ўйлантириб юрган бир муаммо бор, химия муаммоси" деса, Аброр Шукуров "Ҳа, ҳаммани ҳам ташвишга солаяпти бу муаммо" деб уни қувватлайди. Бироқ, Нормурод ота "Мана менинг жияним машҳур колхоз раиси, ҳар йили беҳисоб дори ишлатилади, лекин бунинг оқибатлари нима бўлади, буни ўйлайдими - йўқми, буни билмайман" деб Отақўзи билан фикран жангга киришади. Нормурод Шомуродов билан Аброр Шукуровларнинг химиялаштириш фожеаси тўғрисидаги ташвишлари ижтимоий онг соҳасида туғилиб келаётган янги қарашларнинг куртаклари эди. Бу иккала алломанинг ташвишларида жамиятнинг тараққиёти учун зарур бўлган янги ғоялар кашф этилганди. Бундай илғор ғоялар даврнинг етакчи кучи бўлмиш Отақўзилар онгида ҳукмрон бўлган ғояларга мос тушмайди, уларни кураш гирдобига тортади. Кўринадики, Нормурод Шомуродов ва Аброр Шукуровлар ўз замондошларидан анча олдинда боради, ижтимоий фожеаларни келтириб чиқарувчи муаммоларга замондошларининг диққатини тортади. Ёзувчи кўпгина муҳим ижтимоий ва ахлоқий масалаларнинг ечимини ҳаётнинг ўзидан излаб топувчи, ихтиро қилувчи ижобий қаҳрамон тарзида Аброр Шукуровга таянади. Шукуров Тошкентда идорама-идора юриб ҳамма жойда унинг районига дахлдор қурилиш ва техника материалларини Отақўзининг ўмариб-кетиб, социал адолатсизлик юз берганлигининг гувоҳи бўлади. Қайнотасиникидаги шодуҳуррам, тўкин-сочинлик билан Шомуродовнинг уйида бўлиб ётган хазин, меҳр билан йўғрилган чолу кампирнинг имо-ишоралари, ғамгин руҳияти бу икки оила ўртасида қандайдир пинҳоний адолатсизликдан далолат берувчи тавофут борлигини, у маънавий тафовутда қайнотасининг худди Отақўзи сингари юлғичлигини сезиб туради.

Ёзувчи Отақўзи фожеаси тимсолида даврнинг абадийлик билан туташиб кетадиган қирраларини моҳирона кашф этади. Сохта йўлнинг боши берк эканини, ҳалолликка садоқат ютуқларга олиб келишини Ҳайдаржон тақдирида шу қадар жозибадор қилиб очадики, романнинг айни шу ўринда умуминсонийлик муҳри босилиб, ҳақиқатнинг енгилмаслиги ғояси олға сурилган. Бошига фожеалар туша бошлагач, бош қаҳрамон ўз-ўзини аёвсиз

таҳлил қилувчи замонанинг ва муҳитнинг инсон қиёфасига жиддий ўзгартишлар олиб киришига қодир куч эканини чуқур идрок этувчи, ижобий кучлар тарафида туриб ўз фаолиятини шафқатсиз баҳоловчи, ўзига доғ бўлиб тушадиган иллатлардан қутилаётганини қониқиш билан тан олувчи жасур бир қиёфага кира олади. Бундай ҳол - янги типдаги, ҳали адабиётимизда учрамаган, замонаси ва ўзи тўғрисида адолатли ҳукмга кела олувчи қаҳрамоннинг кашф этилганидан далолатдир. У замонасида авж олиб бораётган эгри йўллар билан бўлса ҳам, фарзандини олим қилиш касалидан қутилгач, тўғри йўлни шиддат билан топиб ола билганидек, икки марта қора тўфон фожеасига учраган, колхозчилари бошига туширган азоб-уқубатларнинг, табиатнинг ўжар кучларини енгаман деб жуда катта моддий ва маънавий зарарларга йўл қўйганининг туб сабабларини излайди.

Ёзувчи Отақўзи фожеаларида конкрет тарихий ҳаётни шунчалик теран тасаввур этадики, бош қаҳрамоннинг давр ҳақиқатини изловчи тафаккурида шу ҳаётнинг абадий яшовчи қирралари кашф этила боради. Отақўзи фожеалари - турғунлик даври фожеалари эди. Ошнаоғайнигарчилик йўли билан қонунчиликни оёқ ости қилиш, шон-шуҳрат кетидан қувган раҳбарларнинг меҳнаткашлар бошига чексиз азоб-уқубатлар солиши сингари иллатлар даврнинг тузатилиши лозим бўлган қусурлари эди. Бундай қусурлар тараққиётимизга раҳна солди, яшашимизни боши берк йўлга киритди. Отақўзи фаолияти тасвирида жамиятнинг нафас олиши, унинг ривожланиш имкониятлари ҳам, ўзаро алоқадорлик қонуниятлари ҳам ўз аксини топган.

Ёзувчи бутун роман ўсиб чиқувчи Отақўзи бадиий типини яратиш билан бош қаҳрамон тўғрисидаги тасаввурларимизни кенгайтирди. Унга ҳаётийлик бахш этиб, схематизмдан халос этди. Отақўзи катта мақсадлар билан яшашни, турмушни қайта қуришни, одамларга янгилик беришни, ғалабалардан завқланиб турмуш кечиришни, камчиликларни эса курашиб тугатиш йўлларини ўргатувчи қаҳрамондир. Отақўзида бир ажойиб фазилат бор - у баъзан тўсатдан инсофга келиб, ўзини аёвсиз қамчилайди, худбин қилиқларидан соқит бўлиш истагида ёнади. Бу ижобий фазилат одатда, бирор қийинчиликка дуч келган ё бошига иш тушган пайтларда содир бўлади. Лекин қийинчиликлар орқада қолиб, иши сал юришгудек бўлса, ўзига берган ваъдалари, ичган онтлари яна эсдан

чиқиб, қайта ҳовлиқа бошлайди. Ёзувчи даврнинг умумлашма бадиий типини яратар экан, юқоридаги етакчи белги - беқарорликдан замонага хос ютуқларни ҳам, турмушдаги тугатилиши зарур бўлган нуқсонларни ҳам бир индивидуал шахсга типиклаштириш, конкретлаштириш имкониятларидан унумли фойдаланди. Отақўзини замонасидай беқарор, шафқатсиз, мағрур, бақувват қилиб яратади. Нормурод отани ҳам қаҳри қаттиқ, унинг фарзанди Жабборни жасур қаҳрамон қилиб яратади. Шу учлик ўзбек халқининг оғир ва шонли тарихини ўзларида ифодалаган сюжет оқимини юзага келтиради.

Характерлар тўқнашувининг асосида давр дардлари, миллионларни ўйлантирган турмуш муаммоларининг ётиши, бу муаммоларнинг халқ манфаатлари нуқтаи назаридан бадиий ечими асарга замонавийлик муҳрини босади. Отақўзи ва пенсионер чоллар ўртасида келиб чиққан экологик муаммо, яъни соф фойдани ўйлаб, гигант чорва мажмуасини қуриш ниятида Мингбулоқдек табиат инъом этган гўзалликни оёқ ости қилинишидан сақлаб қолиш асарни қанчалик давр руҳи билан суғорган бўлса, Соқижон Обидов ва Латофатлар сюжет линияси билан боғлиқ химиялаштириш фожеаси ва ғўза зараркунандаларига биологик йўл билан қарши кураш муаммоси ҳам ўшанчалик руҳ бағишлайди. Ёки Соқижон Обидов, бригадир Али мўйлов ҳамда Нормурод Шомуродовлар муносабатидаги зиддиятларга асос бўлган деҳқончилик маданияти пастлиги давр фожеаси тўғрисидаги муаммо эканлигини қайд этади. Буларнинг барчаси давр ва қаҳрамон тушунчаларининг бир бутунлигидан далолат беради. Кўринадики, фақат ҳаётий характерларнинг тўқнашуви натижасидагина давр муаммоларини кўтариб чиқиш, бутун асар сюжети ва мазмунининг йўналишини салмоқдор қилиш, қаҳрамонларнинг руҳий оламини ёрқин ва бўрттириб очиш эвазига бадиий тафаккурнинг таъсирчанлигини таъминлаш мумкин.

Романнинг ғоявий мазмуни унда тасвир этилаётган ҳодисаларни бевосита мушоҳада этиш натижасида туғилишини эътиборга олсак, асарда тасвир этилаётган воқеалар оқимини сюжет деб аталиши ўз-ўзидан аниқ бўлиб қолади. Агар М.Горький таърифи билан айтадиган бўлсак, сюжет "Одамларнинг ўзаро муомаласи, улар ораларидаги қарама-қаршиликлар, бир-бирларини ёқтириш ёки ёқтирмасликлари - умуман, кишилар орасидаги

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHDTAU AXBOROT-RESURS MARKAZI 33648
ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHDTAU AXBOROT-RESURS MARKAZI O'zbek Kutubxonasi KUTUBXONA 41850

муносабатлар - у ёки бу характернинг типнинг тарихи, ўсиши, ташкил топиб боришидир"[1].

Шу таърифдан келиб чиқиб, "Диёнат" романининг сюжет қурилишига ёндошадиган бўлсак, Отақўзи тарихи, ўсиши, характернинг ташкил топа бориши бош сюжет оқимини ташкил қилади. Бироқ, бу бош оқимнинг шиддатини янада кучайтириш учун яна иккита қудратли сюжет йўналишини - Нормурод Шомуродов ва Жаббор Нормуродовлар сюжет чизиғини бош оқим ўзанига бирлаштирилади. Нормурод Шомуродовнинг сюжет чизиғи шарофати билан ўзбек оғир турмуши, мардикорлик воқеаси, мамлакатнинг 30-йиллардаги давр манзараси қайта жонлантирилса, Жаббор Нормуродов сюжет оқими шарофати туфайли халқимизнинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги кучли ва кучсиз томонлари, Отақўзи билан боғлиқ бош йўналиш сабабли урушдан кейинги давр турмушимиз бутун мураккабликлари, зиддияти бор салобати билан қайта жонлантирилганига гувоҳ бўламиз.

Отақўзи ўзини одамларга кўп фойда етказган, замонасининг етук кишиси деб билади. Ҳайдар ҳам дадасини худди шундай деб тушунади. Айниқса, унинг чўрткесарлигини, мардлигини, ҳар қанақа вазиятда ҳам довдираб қолмасдан енг шимариб ишга киришиб кетишларини, дангалчилигини ва ҳатто чапаниларча қилиқларини - ҳаммасини хуш кўради ва ҳамма нарсада дадасига тақлид қилиш орзуси билан яшайди. Зотан, унинг падари бузруквори Отақўзи кишилар оғзига тушган, ҳаммани ўзига қаратиб маҳлиё этадиган давр, замон қаҳрамонларидан бири. Бу характер замонавийлиги заминида жамиятнинг чирий борганлиги, таназзули мужассам этилганлиги эндиликда - СССР барбод бўлгач, янада ойдинлашди. Бунда биз ёзувчи реализмининг кучини идрок этамиз.

Отақўзи ҳимоя маросимининг қандай ўтишини эмас, шу маросим муносабати билан зиёфатга жой танлаш, кимларни таклиф қилиб, дастурхонга қанақа таомлар тортиш муаммоларини ҳал этиш учун Миробидов билан баҳслашади.Давр шунақа сохта ишларга йўл очган эди. Миробидовга ўхшаш айрим олимлар шогирди билимига ва қобилиятига қараб эмас, машҳур авлоддан танлар ва уларнинг ҳомийларига кандидатлик дипломини

---

[1] М.Горький. Адабиёт ҳақида. Тошкент. Ўзадабийнашр. 1962, 243-бет.

чўнтакда деб ҳисоблайверинг деб дабдабали ваъдалар берар эдилар. Бу типдаги одамлар ҳам ўзларини яхшилик қилувчилар ва фойда етказувчилар деб билар эдилар. Бироқ, асарнинг ҳаётийлиги шундаки, ахлоқий-ижтимоий муҳитни тобора ифлослантириб бораётган, жамиятга зиён етказиб, "яхшилик" қилувчи ва унинг манфаатлари зарар ҳисобига таниш-билишларига фойда етказишни мўлжалловчи шахсларнинг фожеаси очиб ташланиб, жуда катта бадиий умумлашмалар чиқарилди, муҳитнинг поклиги учун курашувчилар улуғланди. Нормурод Шомуродов, Аброр Шукуровлар сингарилар тимсолларида жамият манфаати ўлчовидан келиб чиқиб, яхшилик яратувчилик ибрат байроғи қилиб кўтарилди. Шу тариқа, ҳаётийлик аломати, турмуш ҳақиқатини кўтариб чиқиш, ижобий қаҳрамонларни замонанинг илғор интилиши ва унинг эҳтиёжларини идрок эта билиш юксаклигида кашф этиш - ёзувчининг давр олдидаги бурчи ҳисобланади.

Воқелик бадиий ижоднинг битмас-туганмас тасвир объекти, такрорланмас типик характерлар яратиш манбаидир. Ҳар бир талантли ёзувчи ўз замонасида содир бўлган ҳар бир воқеликни ижодкорга хос ўткир нигоҳ, юксак дид ва кучли ҳиссиёт дарди билан кузатиб боради. Ҳаётда пайдо бўлаётган, илдиз отиб бораётган, истиқболи порлоқ янгиликларни ҳам, тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган турмуш ҳодисаларини ҳам зийраклик билан ажратиб олиб, бадиий ижодга олиб ўтади, типик характерлар орқали уни қайтадан ихтиро этади. Ёзувчи яратган қаҳрамонларда унга замондош бўлган кишиларнинг фазилатлари, хулқ-атворлари, маънавий қиёфаларигина эмас, балки даврнинг етакчи аломатлари ҳам мужассамлаштирилган, характернинг ирода йўналишига асос қилиб олинган, унинг ижтимоий-сиёсий қиёфасини намойиш этувчи белгига айлантирилган бўлади.

Бунга Ўткир Ҳошимовнинг "Нур борки, соя бор" романи мисол бўла олади. Роман кенг китобхонлар оммаси ва адабий жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди, асардаги образлар фаолияти хусусида турли хил фикрлар туғилишига сабаб бўлди[1] . Романнинг ўзига хос

---

[1] Шермуҳаммедов П. "Сколько весит коробочко хлопка?" "Лит. обоз.". 1977, №9; Пархоменко М. Грани художественности. "Лит. обоз.", 1982, №3; Худойберганов Н. Координаты эпического сознания. "Дружба народов", 1979, № 7.

хусусиятлари матбуотда бир неча бор қайд этилиши баробарида унинг ва ижобий қаҳрамонлардаги камчиликларни сунъий равишда бўрттириб кўрсатувчи мақолалар ҳам пайдо бўлди. Масалан, фалсафа фанлари номзоди Аҳмаджон Эшонқуловнинг "Ёшлар прозасига бир назар" номли мақоласида шундай биртарафлама йўналишдаги фикрга дуч келамиз. У ёзади: "Романда порахўрлик, юлғичлик каби иллатлар қаердан пайдо бўлади, уларга қарши қандай курашмоқ керак, деган масала қўйилади-ю, аммо етарли жавоб берилмайди. Сайфи Соқиевич устаси фаранг порахўр, юлғич, чайқовчи, муттаҳам. Аммо унинг романдаги тасвири образ мантиқига тўғри келмайди. Чунки, қайси порахўр, юлғич, чайқовчи, "ҳа, мен шунақаман" деб дангал айтиб, ўзини ўзи тутиб беради? Ҳаёт ҳақиқати бундан бошқачароқ.

Шерзод образини олайлик. Бу образ ҳам ўз мантиқига кўра эмас, аксинча ёзувчи хоҳиши билан ҳаракат қилганга ўхшайди. Шерзод ёмонликни, ифлосликни қоралайди, бу яхши, аммо унинг ёмонликка қарши кураши ҳозирги замон учун характерли эмас. Катта муаммо қўйилгандан сўнг катта кураш йўлларини танлаши керак эди...[1] ".

Бу ўринда танқидчи ҳақ эмас. Тўғри, Шерзод характерини яратишда автор салгина осонроқ йўлни тутганга ўхшайди. Унинг характерини жиддий курашларда тасвирлаганда, ана шу курашдаги драматик ҳолатларни ўз меъёрида берганида, қаҳрамон тақдири мазмундорроқ берилганда асарнинг таъсир кучи янада қудратлироқ бўлар эди. Бироқ, танқидчи айтганидек, қаҳрамонлар ёзувчининг хоҳишига кўра ҳаракат қилган эмас. Романда ифодаланган порахўрликнинг пайдо бўлиш илдизлари бутун тасвир жараёнида исботлаб берилган. Шерзод характеридаги порахўрлик ва юлғичликка қарши кураш нега энди ҳозирги замон учун характерли эмас экан. Танқидчининг фикрича, Шерзод каби эътиқодли журналист ҳаётидаги бундай "майда-чуйда" камчиликка қарши курашмаслиги керак экан-да?.

Таниқли адабиётшунос Матёқуб Қўшжонов роман ва ундаги образлар хусусида анча асосли гапларни ёзади: "Мазмун эътибори билан роман бугунги ҳаёт ҳақида ўйлар, унинг баъзи бир камчиликлари хусусида ўта

---

[1] "Шарқ юлдузи" журнали, 1980, 11-сон, 231-232-бетлар.

ачиниб, куйинишлар билан айтилган мулоҳазалардан иборатдир. Романнинг асосий пафоси ҳам мана шунда.

Роман марказида журналист образи туради. У коммунистик идеаллар асосида тарбия олган, ўсган, улғайган, ўқиб илм олган ва ўзини ўша идеаллар хизматига чоглаган. Ёзувчи юксак идеаллар эгаси бўлмиш бу ёш мухбирнинг қисқа муддат ичидаги саргузаштларини, "ҳаётга даёҳати"ни акс эттиради"[1].

Бу мулоҳазаларда роман тақдирида асосий роль ўйновчи бош қаҳрамон характерини сезгирлик билан таҳлил қила олиш маҳорати мавжуд. Тадқиқотчи характер - бу шахс иродасининг маълум бир йўналишда бўлишидан иборатдир деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам Шерзоддаги ташаббускорлик, ҳалоллик, инсофлилик, меҳнатсеварлик, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқи ва инсоний эътиқод каби хулқ-атворга тегишли психологик белгилар унинг индивидуал қиёфасини чуқур очиб беради.

Адабиётшунос Матёқуб Қўшжоновнинг Аристотель назариясига асосланиб айтган фикрича, ижодда, умуман, бадиий асарда давр қаҳрамонининг тўлақонли қиёфасини яратишда кишилардаги алоҳида психологик хусусиятлардан ташқари, унинг шахсиятидаги мавжуд ирода йўналишини ўрганиб, унга алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, "биринчи саналган белгилар кўпроқ шахснинг индивидуал хусусиятларини белгиласа, ундаги ирода йўналиши кўпроқ типикликни белгилашга ёрдам беради. Бундан ташқари, шахс ирода йўналишини пайқаш ва уни тасвирлаш кўп жиҳатдан ёзувчининг ижодий ютуғига сабаб бўлади...[2]".

Худди ана шундай ижодий тажрибани "Нур борки, соя бор" романида ҳам учратиш мумкин. Ёзувчи Шерзоднинг мухбир сифатидаги қисқа саргузаштлари орқали воқеликдан икки хил белгиларни - индивидуал ва типикликни юзага келтирадиган белгилардан саралаб олиб, давр қаҳрамонининг бақувват характерини яратганки, бу таҳсинга лойиқдир.

Ёзувчи Шерзод саргузаштлари орқали жамият кишиларининг оламни ҳайратга солаётган улуғвор ишларини, ҳайратомуз қаҳрамонликларини тасвирга олиб кирмайди. Уларни нур образида символлаштиради ва

---

[1] Қўшжонов М. Сайланма. Иккинчи жилд, 85-бет.

[2] Қўшжонов М. Ижод масъулияти. Тошкент. F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1981, 20-бет.

тасвир ортига олади. Ана шу нур юксаклигидан туриб, жамиятга доғ бўлиб тушаётган камчиликларни фош қилишни ижодий ният қилиб танлайди. Шу ижодий ниятдан келиб чиқиб, Сайфи Соқиевич характерини яратади.

Романдаги барча воқеалар Шерзод характери ва Сайфи Соқиевич фожеалари билан боғлиқ. Хусусан, олий ўқув юрти профессори, театр ходимлари, колхоз раиси характерларидаги иллатлар ана шу йўсинда фош этилади. Бироқ, тасвирдаги кўпгина ҳолатлар Сайфи Соқиевич характерига мантиқан ёпишмайди. Шу ўринда таниқли адабиётшунос Норбой Худойбергановнинг бу образдаги ҳаётийликнинг етишмаслиги, ўз оқимига биноан эмас, балки муаллиф кўрсатмаси асосида ҳаракат қилишини тўғри танқид қилганлигини[1] эътироф этиш керак.

Янги қаҳрамоннинг туғилишини, унинг ғоявий-маънавий бойишини, ижтимоий психологиясининг кенгайиш жараёнини, жамият ва кишилар билан бўладиган муносабатини характер мантиқига асосан тасвирлаш, бадиий гавдалантириш ҳар доим ҳам адабиётнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолаверади. Л.Толстой сўзлари билан айтганда, асарда тасвирланган воқеа ва характер мантиқи ҳаётдагидек бўлиши керак.

Ёзувчи Ўктам Усмонов ана шундай йўлдан бориб, ижодий муваффақиятга эришган. Унинг "Гирдоб" романи - давр, замондошлар ҳақидаги қалбларга титроқ соладиган, салмоқли фалсафий-бадиий умумлашмалар тасвиридан иборат. Романнинг бош қаҳрамони Азиз Қосимов - ёш илмий ходим. Ёзувчи унга жуда кучли мантиқ бағишлаган.Гарчи, у сиртдан қараганда ниҳоятда беозор, юмшоққина, ювошгина, мўмин-қобил йигитга ўхшаб кўринсада, турмушда ўта жиддий, қатъиятли, иродали, ўз ишончи - бошлаб қўйган иши учун, унинг муваффақиятли тугаши учун кураш йўлидан ҳеч қачон чекинмайдиган, шижоатли инсон. Унинг характери ижтимоий муҳитнинг ижобий таъсири остида ана шундай фазилатлар билан йўғрилиб шаклланган.

Романда тасвирланган воқеалар деярли селекция илмий текшириш институтида бўлиб ўтади. Воқеаларнинг марказида Азиз характери туради. Азиз характеридаги илмга ўчлик, ўзи танлаган касбга бўлган эътиқоди

---

[1] "Дружба народов", 1979, №7, стр.239.

туфайли ҳаётдаги ўткинчи тўсиқларга учрайди. Хотини Салтанат унга хиёнат қилади.

Ёзувчининг замондошларимиз характерини беришдаги ўзига хослиги шундаки, қаҳрамоннинг фанда эришган ютуғи билан асарга нуқта қўймайди. Балки, қаҳрамоннинг мана шундай нурли йўлга чиққунга қадар олиб борган курашини, характерининг тобланишини кўрсатиб беради. Натижада, биз академик Муҳиддин Жабборович, институт директори Расул Оллоёровичларнинг жирканч қиёфалари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Асардаги ҳар бир образ характерида унинг ирода йўналиши кўзга ташланади. Хусусан, Азизнинг ҳаётий тажрибаси кам бўлганлиги туфайли унинг характерида дилидаги гапни, мақсадни очиқ айтиш кўзга ташланса, Муҳиддин Жабборович характерида қувлик, ёвуз ниятини сездирмай амалга ошириш каби йўналишлар мавжуд.

Жамиятнинг бош муҳити давр қаҳрамонларини олға боришга даъват этади ва бунинг учун тегишли, типик шароитларни муҳайё қилиб қўйибди. Бироқ шу шароитда яшаган шахслар феъл-атворларига, психологик хусусиятларига, ўсиб улғайган муҳит ва эгаллаган мавқеларига мувофиқ атрофда кечаётган ҳодисаларга, кишиларга турлича муносабатда бўладилар. Романда ёш ва изланувчан олим Азиз жамият яратган шароит тақозоси ҳамда унинг илғор вакиллари кўмагига таяниб, янги пахта навини яратиш устида қизғин, беором изланишлар олиб боради.

Шуни айтиш керакки, типик шароитдаги қарама-қаршиликлар ҳар хил шаклда бўлиши мумкин. "Гирдоб"да зиддият, характерлараро кураш ва унинг оқибатидан келиб чиқадиган психологик ҳолатлар тез-тез ўрин алмашиб, навбатлашиб, бири иккинчисини тақозо қилиб туради. Шу сабабли романда образлар характерлараро кураш шаклидаги конфликт воситасида типиклаштирилади, индивидуал хусусиятлар билан таъминланади.

Романдаги асосий бош қаҳрамон Азизни изоҳлайдиган бўлсак, у типик, индивидуал ва оригиналлиги билан ёзувчи маҳоратини кўрсатувчи моҳият савиясида гавдаланганлигини айтиш ўринли. Дарҳақиқат, Азиз жамият олдидаги бурчини туйган, шу йўлдаги зиддиятлар, иқтисодий қийинчиликлар, оилавий турмушдаги кўнгилсизликлар, драмалар жараёнидан қоқилиб-сурилиб ўтган, ўз меҳнати самарасига чидам билан етишган, замонамизнинг курашчан,иқтидорли ёш олимларининг умумлашма

ва типик характери бўлиб гавдаланади. Унинг характерида гоҳо учровчи ва пассивлик чегарасига етиб қолувчи тортинчоқлик, хотинига эр сифатида зарур эътибор ва эҳтирос билан муносабатда бўла олмаслик, қатъиятсизлик сабабли руҳан қисиниб, изтироб чекишлари Азиздаги индивидуал қирраларини янада жонлантиради, унга ҳаётийлик бағишлайди. Китобхон роман ниҳоясида типик шароит шарофатидан баҳра олиб, оғир ва заҳматли меҳнати самарасидан ҳам ўзини, ҳам эл-юртни нафлантирган Азизни севиб қолади, ундан мамнун бўлади. Характернинг бундай реалистик ва ҳаётий хусусиятлари, жонлилиги типик шароитнинг бошқа вакиллари образларини ҳаққоний ёритишга имкон яратади.

Ёзувчи шахсий интилишларда ҳам, аниқроғи ижтимоий ва шахсий-оилавий муҳит тасвирида ҳам ҳаёт ҳақиқатини бузмасдан тасвирлашга интилади. Бу айниқса, Салтанат билан Азиз муносабатлари акс этган тасвирда ўз ифодасини топган. Бу кичик оиладаги келишмовчиликларнинг сабабини ҳам ёзувчи анча олдиндан, оилавий тарбия муҳитидан излайди.

Бош қаҳрамон характерининг ахлоқий-психологик мантиқини, замонавийлигини белгилашда унинг ижтимоий инсонлигини кўрсатиш ҳал қилувчи ўрин тутади. Бу ерда гап характерни ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиш шарти айтилаётгани йўқ. Аксинча, гап қаҳрамоннинг давр фуқароси сифатида жамиятнинг илғор ва етакчи руҳи, ахлоқий масалаларига муносабати хусусида кетаётир. Энг яхши асарларда ҳар қандай ахлоқий-оилавий доирада қаҳрамон характерининг шу томонларини ёритиш ҳамиша диққат марказда турган. А.Қаҳҳор, Ч.Айтматов каби ёзувчилар асарлари бунинг ёрқин намунасидир. Азиз ҳам оилада, ҳам ишхонада вильтга чидамли навни яратаман деб кулфатлар гирдобида қолади. Китобхон ҳаётнинг ёзилмаган шафқатсиз қонунлари мавжудлигини, янгилик ҳар қандай тўсиқларни мардона енгиб, ҳар қандай шароитда ҳам ўзига йўл очишини Азиз фаолияти тасвирида ҳис этади.

Ёзувчи ранг-баранг образлар яратар экан, уларнинг қилиқлари, характери, ҳатто исми ва қиёфасига эга бўлган аниқ индивидуал шахс сифатида таркиб топишига алоҳида эътибор беради. Шундай образлардан бири Маҳамат чатоқдир. Ёзувчи бош қаҳрамон образини яратар экан, у ҳаётнинг оғир гирдобига тушганида, унга таянч

бўлувчи, гирдобдан қутулишига ёрдам берувчи мададкорларни ҳам турмушнинг ўзидан олади.

Роман сўнгида бош қаҳрамон жуда катта бахтга эришади, яратган вильтга чидамли янги нави учун Давлат мукофоти билан тақдирланади. Азиз босиб ўтган озми-кўпми ҳаёт йўли, яшаган, курашган, ишлаган муҳити, қувонч ва изтироблари, ҳақиқатни исботлайман, деб сал бўлмаса ўлиб кетай деганлари - шуларнинг бари, гўё ҳадсиз гирдоб, ўпқон ичига тушиб чиққанлари рангбаранг образларнинг яратилишига олиб келган.

Ў.Усмоновнинг "Гирдоб"ида қаламга олинган мавзуида, ҳатто, қаҳрамонлар фаолиятида ҳам, Мирмуҳсиннинг анча йиллар олдин яратилган "Умид" романига ўхшаш томонлари бор. "Умид"да уруғшунос олимлар, "Гирдоб"да ҳам. Бироқ, "Гирдоб" романида ёзувчи шахсий сюжет линиясини ҳам ўз меъёрида бера олган. Мирмуҳсин яратган ёш уруғшунос олимнинг бошига тушганга ўхшаш жуда кўп оилавий фожеалар кетма-кет равишда "Гирдоб"даги уруғшунос олимнинг ҳам бошига тушади. Ёзувчи бадиий тўқима қудратини ишга солиб, бош қаҳрамоннинг оддий турмушдагидан кўра реалроқ ва тўлиқроқ ижтимоий ҳаётини яратади. Бош қаҳрамоннинг янги пахта нави устида ишлаш жараёни "Умид" романидаги бош қаҳрамоннинг фаолиятидан чуқурроқ ва мукаммалроқ экани кўзга ташланиб туради. Агар Умид Қўшчи бобонинг алмашиб экиш тажрибасигагина таянса, "Гирдоб"нинг бош қаҳрамони Маҳамат чатоқ номли машҳур пахтакор ва унинг илғор колхозчилари билан иноқлашиб, уларнинг кўмагида янги навни эктириб, тажрибани кенгроқ кўламда олиб боради. Илмий ихтиро ўзининг амалий фаолиятидаги фидойилари эвазига енгиб бўлмайдиган таянчга эга бўлади. Демак, бош қаҳрамон ижтимоий фаолиятида ҳаётдан нусха кўчирилмайди, балки ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатини дилдан ўтказиб, унга кўнгилдаги гапларни сингдириб, тилагини қўшиб ифодалагани учун ҳам бақувват характер яратиш бахтига муяссар бўлгани сезилиб туради. Ёзувчи "Гирдоб"да бадиий тўқима ёрдамида конкрет одамларда мавжуд бўлган ижобий ёки салбий сифатларнинг, имкониятларнинг ҳали рўёбга чиқмаганларини ҳам бош қаҳрамон ва унинг умр йўлдоши характерларида хаёлан юзага чиқариб тасвирлайдики, натижада, тўлақонли характерлар яратилади.

кунимиз ғоявий-бадиий эҳтиёжларини қондириш ниятида қилинади. Ижобий қаҳрамонлар воситасида ёшларга турмушдан сабоқ бериш, унга зийрак ва соғлом кўз билан қараш кайфиятларини юқтириш, тўсиқларни янчиб ўта олувчи иродани шакллантириш ёзувчининг асл ниятидир.

Демак, юқоридагиларнинг барчасидан, бадиий асарда ҳаётийликни юзага келтирувчи бош омил - муайян тарихий шароитда жамиятнинг маълум табақаси ёки касб-корга оид гуруҳларнинг типик хусусиятларини ўзида мужассамлантирган бадиий типларнинг - давр қаҳрамонларининг яратилишига туташиб кетади, деган хулосага келамиз.

Долзарб мавзу ҳам, турмуш материали ҳам, романдаги табиат тасвири ҳам, ижобий қаҳрамонлардаги ўз касб-корига доир чуқур билим баёни ҳам - агар етук характерлар, даврнинг бадиий типлари даражасига кўтарилмас экан, асарнинг умрбоқийлигини таъминлай олмайди. Даврга ҳамнафаслик ёзувчидан ўз замонасининг ижтимоий ҳаётидаги етакчи тарихий воқеаларни ва янги ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжларни етук характерларда умумлаштириб, типиклаштириб, индивидуаллаштириб беришни талаб қилади. Бу барча даврлар, барча замонлар, барча мамлакатлар ёзувчилари олдидаги бадиий адабиётнинг қўядиган талаби, ижод қонунияти, ғоявий-бадиий баркамолликнинг тақозо этадиган доимий мезон ва хусусиятдир.

Масъулиятли ёзувчи ўз даври тараққиётининг олдида бориши, бадиий ижод соҳасида янги сўз айтиши, давр зиддиятларини жасурона очиб ташлаб, замонаси, адабиёти, ўз халқи ижтимоий онгини янада тараққий қилиши учун жуда катта улуш қўшиши лозим. Ана шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, О.Ёқубовнинг "Оқ қушлар, оппоқ қушлар" романи давр руҳи билан йўғрилган асар эканини тан олишга тўғри келади. Роман "Тиригимда қадримни билмадингиз, жўражон, Ўлгандан сўнг хоҳ билинг, хоҳ билмангиз, жўражон",- дейилган эпиграф билан бошланади. Байт-эпиграфнинг тагида "халқ қўшиғидан" дейилган изоҳ ҳам бор. Бу эпиграф турғунлик давридаги инсон қадр-қимматининг оёқ ости қилинишидан норозилик туйғуларининг қалбларни ларзага солувчи дардлари мавжуддир. Демак, эпиграф асарда қамраб олинаётган мазмунга алоқадор бўлиб, ёзувчининг бош ижодий ниятини кўрсатиб турибди.

Эпиграфдан олдин асарга "Оқ қушлар, оппоқ қушлар" деб мажозий ном берилиши ҳам бегуноҳга жазо бериш ва зулм-ситам ўтказишга қарши исённи англатади. Бу исён Одил Ёқубов ижодида "Бир фелъетон қиссаси, "Ларза", "Қанот жуфт бўлади" сингари қиссаларидан бошланиб, унинг романчилигида бош ғоявий мотивга айланиб бораётир. "Улуғбек хазинаси"да барҳаётлигида Улуғбекнинг қадрига етмаган замондан ва замондошларидан қалби исёнга келган ёзувчи "Диёнат"да Нормурод Шомуродов ва Гулсара аяларнинг тиригида қадрига етмаган маънавий муҳит ва Отақўзи сингари қавму қариндошлардан туғёнга келади. "Оқ қушлар, оппоқ қушлар"да ҳам бутун ўзбек қадр-қимматига дахлдор турмуш умумлашмалари бадиий ҳақиқат юксаклигида қайта кашф этилади. Ёзувчининг қиёмига етган маҳорати шундаки, ҳар бир манзарада, ҳар бир ижобий образ тақдирида даврнинг тузатиш зарур бўлган долзарб жароҳатлари очиб ташланади. Эпиграфдан сўнг тасвир Шораҳим шаввознинг хотини Ойсулувнинг бир ойдан буён қаттиқ бетоб ётганлигидан бошланади. Бу тасвир бош қаҳрамоннинг ишдан четлаштирилиш изтиробларига пайвандланиб юборилади. Бутун умрини, ақл-заковатини, меҳрини боғдорчилик касбига бағишлаган бригада бошлиғи Шораҳим Шоввоз турғунлик йилларида ошнаоғайнигарчилик туфайли мансаб поғоналаридан тез кўтарилган - олдин агроном, кейин бўлим бошлиғи, ундан сўнг совхоз директори бўлган Фотиҳ Музаффаровнинг буйруқбозлик ғазабига учраб ўттиз йилдан бери бошқариб келаётган ишидан бир зумда айрилади-қолади.

Тасвирда ёзувчи турғунлик йилларига хос учта ҳаётий умумлашма ҳукмга олиб келади. Биринчидан, Шораҳим Шоввознинг Фотиҳ Музаффаров билан кескин ва аёвсиз тўқнашувида давр раҳбарлик маданиятига мансуб иллатлар - маъмурий буйруқбозлик бошқарув усули, айни шу жараёндаги қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, қаллоблик зуғумлари, ҳар иккаласининг бирлашуви натижасида қишлоқ хўжалиги тараққиётининг издан чиқиши, меҳнаткаш, ҳалол кишилар қадр-қимматининг оёқ ости қилиниши бош қаҳрамоннинг руҳий изтиробларига сингдириб юборилган. Энг муҳими, ёзувчи буни очиқчасига ўзи ҳам айтмайди, қаҳрамонларнинг тилидан ҳам баён этмайди. Бироқ, китобхон тасвирланган манзарадан, персонажларнинг аёвсиз тўқнашувларидан, бош қаҳрамоннинг руҳий изтиробларидан шундай ҳукмга келади.

Ана шу тарздаги ҳукм - замонавийликка олиб келади. давр руҳини, замонавий эҳтиёжни замондошларга ошкор этувчи восита ролини ўйнайди. Кўринадики, бош ижобий қаҳрамон давр муаммоларини тасвирлашда бош ва марказий фокус ҳисобланади. Қолган барча ижобий образлар ана шу бош ва марказий фокусга бирон-бир даражада боғланиб, давр эҳтиёжларининг ёрқин машъаласи юксаклигини юзага келтирадилар.

Иккинчидан, совхоз директори ва бригада бошлиғи ўртасидаги шиддатли тўқнашувда даврнинг яна бир катта ҳақиқати - турғунлик йилларидаги бутун оғирлик, нотўғри раҳбарликнинг азоб-уқубатлари ором нималигини билмай, ўзи у ёқда турсин, бола-чақасининг ҳам ҳаловатини ўйламай, бойлик яратган заҳматкашлар зиммасига тушиши моҳирона очиб берилган. Кечагина "тухумдан чиққан" раҳбар ҳосилдорликда рекорд қўйган, олма билан узумни ёзгача сақлаш усулларини ўйлаб топган, ёзни-ёз, қишни-қиш демай кетмон урган бригада бошлиғини қинғир йўлга юрмагани учун ишдан бўшатиб юборади. Бу - турмуш ҳақиқати эди. Бош қаҳрамоннинг бошига тушган оғир вазият хотинининг мушкул ҳолатини англашга олиб келади. Ойсулув образида эса учинчи бир умумлашма ҳукм мавжуд: уни ўзбек аёлларидаги ҳар қандай оғир вазиятларда ҳам шикоят қилмаслик, чидамлилик, камтарлик, бутун умрини оилавий бахтга сарфлаш, аввал бола-чақа, кейин невара-чевара деб даврнинг не-не оғир юкларини кўтариш, сўнгги нафасигача кичик авлодга таянч бўлиш сингари миллий қиёфа билан тўқнаштиради. Бу билан ёзувчи яхшиям шундай ўзбек аёллари бор, жамиятимиз шулар билан пок, улар билан чароғон, шулар туфайли ҳар қандай оғир юкларни ҳам кўтара олдик, демоқчи. Бундай миллий туйғуни китобхон манзара тагига бекитган ёзувчи ижодий ниятидан ўзи-ча ихтиро эта олади. Ана шу турмуш умумлашмалари юксаклигида ёзувчи билан китобхон учрашади, давр эҳтиёжларини тушунишда уларнинг фикри бир жойдан чиққандек таассурот қолади.

Ёзувчи мўъжазгина экспозициядаёқ бутун романни мукаммал шаклга киритувчи образларнинг бош қаҳрамон тақдири билан туташиб кетувчи илдизларини очади, моҳирлик билан конфликтнинг илк марта рўёбга чиқиши ва сюжетнинг ривожланишига кучли туртки берадиган воқеа тугунига олиб келиб боғлайди. Экспозициядаги директор Фотиҳ Музаффаров билан бош қаҳрамон

Шораҳим Шоввознинг "оширилган мажбурият" олишидан келиб чиққан тўқнашувлари - воқеа тугуни, қинғир йўлга юрмаган бригадирнинг ишдан олиниши - конфликтнинг илк кўриниши, Шораҳим Шоввознинг Расул Нуриддинов, Музаффар Фармон, Меҳринисо, Нигора тўғриларидаги ўйлари воқеа ривожининг ибтидосидир.

Ёзувчи "оширилган мажбурият" олиш хусусидаги директор ва бригадирнинг аёвсиз тўқнашувини берар экан, томчида қуёш акс этганидек, бу даҳшатли манзара бутун жамиятимизда мавжуд эди, деган ҳақиқатни очиқойдин айтмаса ҳам, тасвирланган манзарадан ҳаёт ҳақиқатини китобхонларнинг ўзлари кашф эта олишига ишонади. Демак, романдаги бадиий ҳақиқат ҳаёт ҳақиқатидан туғилмоқда.

Биз романни ўқир эканмиз, жамият тараққиётига зарар етказувчи кучлар билан уни янада гўзаллаштирувчи кучлар ўртасида шафқатсиз зиддият туғилаётганини идрок эта борамиз. Кўринадики, конфликтда ўз даврининг муҳри бор. Бош ижобий қаҳрамон ўзи оғир аҳволга тушгач, энг аввало, хотинини оғир дарддан қутқазиб, унинг икки истагини бажармоқчи бўлади. Биринчиси - Тошкентга тушиб, катта докторларга кўринса, иккинчиси - Ҳазрати Уккоша мозори ёнидан чиққан иссиқ сувга тушса. Шораҳим Шоввоз ишни иккинчи истакни бажаришдан бошлайди. Бу сюжет шахобчасининг ривожида ҳам конфликтни ўткирлаштирувчи Меҳринисо образи бор. Ёзувчи бу образ кашфиётида муҳитни шахсга ўтказиш мумкин бўлган салбий оқибатларини очиб беришни ният қилган. Меҳринисо хўжаликдаги раҳбарлик лавозимига кўтарилиб, буйруқбоз Фотиҳ Музаффаров ва юлғич Пўлат папкалар муҳитига тушиб қолади. Ана шу муҳит таъсирида қайнотаси ва эри фаолиятини қоралаб, ўз муҳити жиноятларидан бехабар тарзда, замонанинг тарзи шундай деб тушунади.

Ёзувчи ана шу сюжет шахобчасида ҳам турмушдаги жуда қалтис ҳақиқатларни, зўравонларнинг қўли устунлигини, бегуноҳларнинг жазога тортилиб, пулдорларнинг қонунни оёқ ости қилиб, топтаб кета олиш ҳоллари учраб туришини очиб ташлайди. Меҳринисо қалтис йўлга кириб қолганини кечикиб англайди. Натижада, машина аварияси юз бериб, эри Шоқосим ўлим тўшагига тушади. Шораҳимнинг бир фожеаси икки бўлади. Иккала фожеага ҳам зўравон Фотиҳ Музаффаров сабабчи бўлади. Бу маиший сюжет шахобчаси ҳаётдаги жуда

катта маънавий умумлашмалардан туғилгандир. Ўзбек аёлларининг раҳбарлик лавозимларига кўтарилиши билан боғлиқ бўлган оилавий фожеалар, яшашда тўғри йўлдан адашишлар, қайнотаси ва қайнонасининг ўзаро покиза муносабатлари кўзгу бўлиб, ўзи йўл қўйган хатоларнинг турмушда жуда хунук оқибатларга олиб келганини чуқур идрок этиб, кеч бўлса ҳам, яшашда тўғри йўлни топиб олади. Бундай ҳол Меҳринисо образини ўзбек раҳбар аёллари гуруҳининг индивидуал бадиий умумлашмаси даражасига кўтарган. Севги ва оилавий бахт қадр-қимматини лавозим иштиёқи йўлида йўқота бошлаган бу аёлнинг фожеаси романнинг бош сюжет линиясини ўткирлаштира бориб, кульминацияга олиб чиқади, уни энг қалтис ва ҳал қилувчи чўққига кўтариш билан қўшилиб кетади.

Ёзувчи асар конфликтини кульминация томон шиддатли тараққий эттиришда характерлар мантиқига қатъий риоя қилган. Бош қаҳрамонни софдил, иродали, ҳақиқатгўй (бу романнинг бутун мазмунидан ва ижобий қаҳрамонларнинг хулқлари ҳамда ишларидан келиб чиқади), раҳмдил инсон сифатида яратишни ёзувчи ижодий ният қилган. Бутун сюжет оқимида Шораҳимнинг ана шу етакчи белгилари ўзгармайди, балки тасдиқлана боради. Қўшимча мажбурият олиш жараёнида ҳам у ўз софлигини сақлаб қолади, алдамчилик ва хиёнат йўлига кирмайди. Мансабдан айрилганда ҳам унинг иродаси букилмайди. Кетма-кет фожеаларга учраганда ҳам ҳақиқатгўйлигини йўқотмайди. Келини бошига фожеалар туширса ҳам раҳм-шафқат билан шоввозларча муносабатда бўлади. Буларнинг барчаси ҳақиқат ва қадр-қиммат топталган даврни тузатиш учун, жамиятни нопокликлардан фориғ этиш ва турғунликка барҳам бериш, тараққиётни инсоний манфаатларга хизмат эттириш учун жуда катта умумлашма хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Бу хил умумлашмалар, гарчи романнинг матнида, контекстида ошкора тарзда кўринмаса-да, яширинган тарзда берилгани учун, уни китобхонларнинг ўзлари ихтиро қила оладилар. Бу - ёзувчининг маҳоратидан нишонадир. Шу тариқа ёзувчи замон эҳтиёжларини қондирувчи бадиий ҳақиқатлар, етук характерлар кашфиётида ҳамиша турмуш ҳақиқатига таянади. Масалан, оилавий тарбиянинг инсон камолотида ҳеч қандай тадбир билан алмаштириб бўлмайдиган ўчмас ўрни борлиги тўғрисидаги турмуш ҳақиқатини олиб кўрайлик. Романнинг

сюжет тўқимасида бир-бири билан жуда яқин бўлган уч оила тақдири турганини биламиз. Шораҳим Шоввоз ва Расул Нуриддиновлар оиласи жамиятга садоқатли фарзандлар бергани, тарбиянинг шарофати жамият истиқболини таъминлаши Шоқосим ва Нигоралар фаолиятлари, хулқи ва интилишларида умумлаштирилиб, индивидуаллаштирилиши кўзга ташланиб туради. Инсонни бузувчи муҳитга тушиб қолган "Даштстрой" амалдорлари таъсиридан маишатпарастлик йўлига кириб қолган Музаффар Фармоннинг таъсири ўғли Фотиҳ Музаффаровга ўтиб, тўратабиат, юлғич, маишатпараст шахсни дунёга келтирганини ёзувчи турмуш манзаралари тасвирида келтириб чиқарган. Ана шу манзаралардан китобхон турмуш ҳақиқатидан жуда фойдали умумлашмалар чиқара олади.

"Оқ қушлар, оппоқ қушлар"да характерлар мантиқи сюжет тўқимасида уюштирувчилик ролини ўйнайди, унда тасвирга киритилган воқеалар, ифода этилган ғоялар, катта-кичик ишлар орасидаги мантиқий боғланишлар - барчаси характерлар мантиқидан келиб чиқади. Шу йўл билан ёзувчи ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиради, турмуш умумлашмаларидан бадиий умумлашмалар яратади. Айни шу жараёнда ижобий қаҳрамонлар уюштирувчилик ва етакчилик мавқеида турадилар. Чунончи, Шораҳим Шоввознинг ўғли Шоқосим характерининг бадиий сюжет тўқимасидаги ўрнига назар ташлайлик. Ёзувчи Шораҳим Шоввозни ҳам, унинг ўғли Шоқосимни ҳам тарихан конкрет, аниқ бир шароитда тасвирлайди. Шунга кўра, бу икки характер ҳаракат этган шароит, шу шароитда юз бериши мумкин бўлган воқеалар сюжет яратиш имкониятини кўрсатиб туради. Бироқ, Шоқосимнинг вужудида кўзбўямачиликка, сохта обрў орттириш йўлидаги найрангбозликдан иборат жирканч интилишларга қарши ғазаб жунбушга келади. Унинг характеридаги ҳақиқатгўйлик замони харобалик томон тортаётган ўғриликка қарши жангга отлантиради:

"...Аммо бригадамдаги одамлар-чи? Бу жаҳаннам саҳрода қишин-ёзин қора терга ботиб ишлаган шўрлик аёл ва эркаклар-чи? Улар нима қилади? Эртага... икки қўлларини бурниларига суқиб қайтиб борадиларми болачақаларининг олдига? - Шоқосим шитоб билан ўрнидан

турди-ю, ранги оқариб, дир-дир титрай бошлаган Пўлат папканинг ёқасидан ушлади..."[1].

Бу хил муносабатлар, шунингдек, "Оқ қушлар, оппоқ қушлар"да тасвирланган қаҳрамонлар, уларнинг бошидан кечган ҳодисалар ҳаммаси ўзбек халқининг турғунлик йилларида қишлоқ ва шаҳарларида рўй бериши мумкин бўлган воқеалардир. Кўзбўямачилик, сохта обрў ортиришга интилиш, ўз манфаатинигина ўйлайдиган шуҳратталаб ва мансабпарастларнинг оширилган планни бажараман, деб халққа жабр-ситам ўтказишлари, меҳнаткашларнинг қадр-қиммати оёқ ости қилиниб, унга қора ишчи кучи деб қаралиб, унинг пешона тери билан топилган бойликларини ўғирлаб, иқтисодий ночор ҳолатга келтириб қўйилгани, Музаффар Фармоновга ўхшаш бир тўда раҳбар миллионерларнинг пайдо бўлгани бежиз эмас. Зеро, буларнинг ҳаммаси даврнинг типик шароитига мос бўлиб, тасвирдаги ҳақиқатнинг худди шу шароит мантиқидан келиб чиқиши романдан сизиб ўтувчи бадиий тафаккурнинг ҳаққонийлигини таъмин этган. О.Ёқубов роман сюжети тўқимасида турмуш ҳақиқатидан чекинмагани учун ҳам фақат қишлоқ ҳаётинигина эмас, балки шаҳар ҳаётини ҳам, чўлни ўзлаштиришдаги жараёнларни ҳам бутун зиддиятлари - яхши ва жирканч томонлари билан уйғун ҳолда тасвирлай олган.

Ёзувчи ижобий образларни яратар экан, улар туфайли юзага келган ҳар бир воқеа, фаолият-ҳаракат, қилиқ, улар томонидан айтилган фикрларнинг асосли, ишонтирарли, таъсирчан бўлишига алоҳида эътибор беради. Айни шу нуқтаи назардан романнинг марказий персонажларидан бири Расул Нуриддинов образини олиб кўрайлик. Агар Шораҳим Шоввозлар оиласига дахлдор ижобий образлар силсиласида деҳқонлар муҳити, қишлоқ турмуши муаммолари давр юксаклигидан туриб ёритилаётган бўлса, Расул Нуриддинов оиласига дахлдор ижобий кучлар силсиласида маънавий маданиятимизга, зиёлилар сафига умумўзбек халқига доир турмуш умумлашмалари ўз бадиий ечимини топади. Расул Нуриддиновга тинчлик бермаган, уни ўйлантирмаган, ғазаблантирган монументал санъат - ҳайкалтарошликдаги қаллобликлар, юлғичликлар, колхоз-совхозлар мулкига чанг солишлар, кўзбўямачилик, ҳақиқий талантлар

---

[1] Ёқубов О. Оқ қушлар, оппоқ қушлар. Тошкент, F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 95-бет.

қадр-қимматини оёқ ости қилиб, хушомадгўй, кўчирмачи-қаллобларнинг эъзозланиши сингари воқеалар шаҳар ва қишлоқ муносабатларидаги типик ҳодисалар бўлиб, улар жуда улкан бадиий умумлашмаларга олиб келган. Биргина мисол, Расул Нуриддинов ҳайкалтарошлик санъатида истеъдод салоҳиятини авайлаб, эъзозлаб, яхши асарлар яратилиб, жамият тараққиётига, ижтимоий онг тараққиётига кучли таъсир ўтказиш тарафдори. У куёви Беҳзоддаги талант-салоҳиятни пайқайди. Барча чоралар билан нуқсонлардан қутилиб, унинг тўғри йўлга ўтиб олишига кўмаклашади. Ана шу талант соҳибига бўлган муносабатда жамиятни янада гўзаллаштиришга ёрдами тегадиган бадиий умумлашма ўз ифодасини топган. Инсон талантига эҳтиёткорлик билан муносабат даврнинг жуда катта муаммоси юксаклигига олиб чиқилган.

Яна бир факт. Расул Нуриддинов ҳашарчи ўғли воситасида Мирзачўлга боради, талабаларнинг қадр-қиммати оёқ ости қилинганига дуч келади. Дўсти Музаффар Фармонов билан учрашиб давр иллатлари - буйруқбозлик, хушомадгўйлик, фоҳишалик, монокультура (якка пахта ҳокимлиги), ерларнинг шўрлаб ишдан чиқиши, итоатгўйлик,порахўрлик сингари иллатларнинг авж олиб бораётганининг гувоҳи бўлади. Узоқ шимол томонларда бир гуруҳ санъаткорлар ва адиблар билан адабиёт кунларида қатнашганида ўзбек пахтакорларининг оғир ва машаққатли меҳнатини бўяб-безаб кўрсатувчи асарларнинг умумиттифоқ миқёсда нотўғри тасаввурлар туғдираётганини ўз қулоғи билан эшитади.

Бундай ҳаётий кўринишлар романнинг замонавий руҳини, ҳаққонийлигини, бадиий эстетик таъсирбахшилигини таъминлаган омиллардир.

Сўнгги йиллар романчилигимизда турғунлик йилларида вужудга келган турмуш тартиботларини бадиий таҳлил этиш ва уларни давр қаҳрамонлари фаолияти орқали танқид қилишдан иборат янги бир анъана юзага келганлигини айтиб ўтиш керак. Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романи ана шу янги анъана маҳсулидир. Бу ҳақда романга сўнгги сўз битган олим Умарали Норматов шундай ёзади: "Лолазор" романи яна бир бор шундан далолат берадики, бадиий ижодда ҳақиқатни кашф этишнинг энг тўғри, синалган йўли диалектик бадиий тафаккур йўсинидир - ҳодисаларни, инсон ва унинг қалбини бутун мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ҳамда

манфий томонлари билан ҳалол ва теран таҳлил этишдан иборатдир. Шундай иқтидорга - тафаккур йўсинига эга адиб ҳеч қачон замоннинг ўткинчи эпкинлари олдида тебранмайди, замонлар ўзгарганда ҳам авлодлар олдида юзи шувут бўлмайди"[1].

Ҳақиқатдан ҳам романда ҳақиқатни ифодалаш, "замоннинг ўткинчи эпкинлари"нигина эмас, балки ўтмишнинг ёрқин ва хатоли томонларини одилона позицияда туриб ёритиш, халқимиз босиб ўтган йўлга холис нигоҳ ташлаш, оқни оқ, қорани қора ҳолида дангал ва объектив таҳлилдан ўтказиш, давр жумбоқларини халқчиллик ва ҳалоллик билан ечишга уриниш характерлидир.

"Лолазор" романи учта йирик характер саргузаштлари тўқимасидан юзага келади - икки ёзувчи ва бир давлат арбоби. Асардаги Назар Яхшибоев қиёфаси давр типи даражасида кашф этилгандир. Ҳар бир ёзувчи зарур бўлган ҳаётий ҳодисаларни, ўзини тўлқинлантирган, безовта қилган давр ғояларини энг нозик туйғулари ва шахсий эҳтиросларини билан йўғрайди ва образларга кўчиради. Кўринадики, Умарали Норматов тўғри таъкидлаганидек, ёзувчининг энг катта хизмати Яхшибоев ҳаёти маъносини, умр сабоқларини, яхшибоевчилик моҳиятини чуқур таҳлил этиб берганлигидадир.

Ҳаёт ҳақиқатига содиқ ёзувчи "китобхонни муаллиф ҳақида ўйламасликка мажбур қила олиши зарур ва ўз санъати билан автор йўқ - фақат ҳақиқатнинг тасвиригина мавжуд деган туйғуни бунёд этиши керак"[2]. Мурод Муҳаммад Дўст романдаги бошқа персонажларга нисбатан икки образга - бемор Назар Яхшибоев ва қиссанавис Саидқул Мардонов образларига ўз саргузаштларини ҳикоя қилиш ҳуқуқини беради. Ёзувчи бемор Назар Яхшибоевга ҳам, қиссанавис Саидқул Мардоновга ҳам, турғунлик даври, турғунлик психологияси туғдирган ўзбек миллий турмушидаги барча ҳақиқатнинг сирасроридан тортиб, давлатни бошқариш ишларидаги зиддиятли ҳақиқатга қадар очиб ташлай олиш қудратини бахш этади.

Ҳақиқатни турмушдагидек бадиий тасвирга олиб ўтиш маҳорат белгисидир. Турғунлик йилларида юқори

---

[1] Муҳаммад Дўст Мурод. Лолазор. Роман. F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 509-бет.

[2] Левидов А.М. Автор - образ - читатель. Ленинград. Изд-во ЛГУ, 1977, стр. 131.

мансабдаги шахслардан ҳайиқиш, уларга хушомад қилиш, ҳатто амалдорларнинг қавму-қариндошларию таниш-билишларига ҳам хушомад қилиш оддий одат тарзига кириб қолган эди. Ёзувчининг катта хизматларидан бири шундаки, у фақат ўта кетган ёмон кишиларни ёки фақат яхшилик қиладиган қаҳрамонларни тасвирлаш каби адабиётда кенг тарқалган йўлдан воз кечиб, улар ўрнига ҳаётий образларни яратади. Шу боисдан ҳам "Лолазор" романини ўзбек ҳаётининг турғунлик давридаги ҳақиқатга тўғри келадиган бадиий талқини деб баҳолаш мумкин.

"Лолазор"да Булдуруқ ҳаёти, Шўро фаолияти, Ошно билан Назарнинг Ўртақўрғонга ўқишга жўнаши, карвон ва карвонсаройлардаги ҳаёт, машаққатли студентлик йиллари меҳнаткаш ўзбек ҳалқи ҳаёти билан ишонтирарли тарзда боғлаб тасвирланган бўлиб, у вақтда собиқ иттифоқдаги бошқа халқлар каби ўзбек халқи ҳам машаққатли фалокатлар йўлига кириб қолган эди. Биз Ошно ва Назар образлари ўз болалигидаги барча яхши нарсаларни, чуқур инсоний фазилатлар, ҳажми ва аҳамияти жиҳатидан лол қолдирадиган жадал ўсиш суръатларини шу ўзбек халқидан олганини саҳифама-саҳифа идрок эта борамиз. Бинобарин, ҳаққоний тасвир айни турмуш ҳақиқатининг моҳирлик билан характерлар саргузаштларини бойитиб, уларни ранг-баранглаштириб юборганини кўриб қувонамиз.

Шу ўринда иккинчи бир манзаранинг ҳаёт ҳақиқати билан йўғрилганига эътиборни қаратайлик. Талабалик йиллари ортда қолиб, Ошно эндигина мансаб поғоналарига кўтарила бошлаганида ўз она қишлоғи Булдуруққа ташриф буюради."Ҳафсаласи етганини қарангки, Булдуруқнинг мурғак аҳлига машинада бир қоп ўйинчоқ ортиб келган экан...Булдуруқ болалари магазинларда сотиладиган ўйинчоқларга ўрганмаган эдилар, шу сабабдан, ота-оналар айни ғаройибот қаршисида фарзандларидан-да ошарок лол қолиб, фарзандларидан-да ошароқ чўчиб, ҳадиксираб, инжиқланиб қўл чўзган болакайларнинг қулоқ-бошига тарсаки тушириб, Ошнонинг совғаларини чет-четга авайлаб бекитиб қўйдилар"[1].

Агар биз миллийликнинг сири, миллий турмуш ҳақиқатини бера билиш санъати воқеликни, нарса ва ҳодисаларни тушуниш, қабул қилиш ва баҳолашда эканини

---

[1] Муҳаммад Дўст Мурод. Лолазор. 333-бет.

Иккинчидан, даврни ҳаракатга келтирувчи ғояларнинг бадиий образларда берилиши асарнинг ҳаётийлигини таъминловчи омиллардан ҳисобланади.

Мирмуҳсиннинг "Дегрез ўғли" романида халқ севган раҳбарнинг туҳматлар зуғумидан қутқазилиши ғояси жамиятни янада гўзаллаштириш, меҳнаткаш халқ турмушини янада яхшилаш ғоялари билан чатишиб кетиб, бош ижобий қаҳрамон қиёфасида гавдалантирилгани учун асар ўқимишли чиққан. Бироқ, романдаги бош ижобий қаҳрамон билан боғланмаган кераксиз эпизодлар, услубдаги ортиқча баёнчиликлар ҳам мазмунга, ҳам шаклга салбий таъсир этганлигининг гувоҳи бўлдик.

Учинчидан, давр муаммолари кўпроқ ижобий қаҳрамонлар тақдирида берилишини О.Ёқубовнинг "Диёнат", Ў.Усмоновнинг "Гирдоб" романларидаги Нормурод Шомуродов, Аброр Шукуров, Азиз образлари фаолияти таҳлилида кўриб ўтдик.

Тўртинчидан, давр муаммоси етук характерлар, давр типлари О.Ёқубовнинг "Оқ қушлар, оппоқ қушлар" романи таҳлилида кўриб ўтдик. Буларнинг барчасидан келиб чиқадиган хулоса шуки, аниқ бир даврга дахлдор одамларнинг ижтимоий фикр ва туйғуларини, жамият тараққиёти босқичлари билан юзага келган ахлоқни, яратилаётган асар қамраб олган воқеликни инсоний муносабатларнинг муайян шакли тарзида ифодаланишдан иборат бўлиб, инсон шаклининг индивидуал ўзига хослиги ўзаро чатишиб кетади, даврнинг қаҳрамонларини яратишга олиб келади. Ҳар бир давр ўз қаҳрамонларига эга бўлади. Шунга кўра, бадиий асарлардаги қаҳрамонлар, санъат асарларининг композиция қурилишига эътиборан, бош, асосий эпизодик қаҳрамонларга ажратилади.

Хуллас, ёзувчи давр воқеаларини, шу давр тараққиётига хос майлларни ижобий қаҳрамон характерида умумлаштириш орқали инсоннинг жамиятда тутган ўрнини, миллий-ижтимоий турмуш тараққиётини ечиб берувчи муаммоларни акс эттиради.

II БОБ

ҒОЯ ВА УНИНГ ОБРАЗЛАРДАГИ ТАЛҚИНИ

Н.Г. Чернишевскийнинг алоҳида таъкидлашича, "Адабиёт ўз табиати жиҳатидан аср интилишлари учун хизмат қилмаслиги, шу аср идеяларининг ифодачиси бўлмаслиги мумкин эмас. Масала фақат шундаки, адабиёт ... асрни ҳаракатлантириб турувчи идеяларга хизмат қилиши..."[1] керак. Бадиий адабиётнинг таъсирчанлиги, ижтимоий вазифаси, давр эҳтиёжларининг ифодаси ва унинг ҳаётдаги ҳодисалар устидан ҳукм чиқарувчи хусусияти ҳақидаги танқидчи фикрлари жаҳон халқлари сўз санъати мисолида асосли исботини топди.

XX аср 60-80-йиллар ўзбек романчилигининг ўзига хос хусусиятларини очиш учун ғоя ва унинг бадиий образдаги мужассами сингари қирралирини алоҳида-алоҳида тадқиқ этишга тўғри келади. Чунки, "роман бадиийлигининг даражаси асосий ғоянинг чуқурлигига ва айрим хусусиятларда у ғояни ташкил этган кучга боғлиқдир"[2].

Адабиётшуносликда бадиий ғоя тўғрисида гап кетганда, энг аввало, унинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ғоялардан фарқли томонларини аниқлаб олишга тўғри келади. Бадиий ғоя ёзувчининг воқеликни бадиий тарзда ҳиссий акс эттиришдан бунёдга келади. Бадиийликнинг етакчи белгиси бўлган ҳиссий мазмунни фақатгина бадиий ғоя яратиши мумкин. Қадимги тадқиқотларда бадиий ғояни пафос ҳам деб аташган. Бадиий асар пафоси дейилганда қалбларни ларзага соладиган туйғулар дунёсини, тўлиб-тошган ҳис-ҳаяжонлар оламини, бирон нарсага ҳаддан ортиқ мафтун бўлиб қолиш маъноларини тушунганлар. Гегель бадиий ғояни "ички дард" деб баҳолаган бўлса, Белинский "жонли эҳтирос" ёки "қудратли истак" деб таърифлаган. Чунки, "...бадиий асардаги ғоя турмуш ҳодисалари устидан чиқариладиган оддий мантиқий хулоса эмас, балки ҳаётни бевосита мушоҳада қилиш, синчиклаб тадқиқ этиш ва образли эмоционал ифодалаш якунидир. Бу якун бадиий асар

---

[1] Чернишевский Н.Г. Танланган адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, Ўздавнашр, 1956, 11-12-бетлар.

[2] Белинский В.Г. Танланган асарлар. 176-бет.

организмининг ҳар бир ҳужайрасига сингиб кетган бўлади. Шу сабабли бу бадиий асардаги ғояни фақат асарнинг бутун образли мазмуни орқалигина англаш мумкин. Л.Толстой таъбири билан айтганда, ҳар бир бадиий асарнинг ғоясини ифода этиш учун у қандай ёзилган бўлса, шундай қайта ёзиб чиқиш керак бўлади"[1].

Бадиий ғоя образли тафаккур маҳсули тарзида ижодкорнинг борлиққа муносабатидан, даврнинг етакчи дардларини идрок этишдан, унинг истиқболи тўғрисидаги идеаллардан туғилади. Ёзувчи ўзига замондош бўлган она халқи турмушини чуқур ва атрофлича кузатар экан, емирилиб бораётган бир хунукликка ёки туғилиб келаётган бир янгилик ва гўзалликка дуч келиб, қаттиқ таъсирланади. Бу ўринда ёзувчининг ғоявий позицияси, ижодий нияти асар мазмунини ва мотивларини, образларда ифодаланадиган пафосни аниқлаб олишда етакчилик қилади. Бадиий ғоянинг туғилиши асар мавзуининг танланишига олиб келади. "Тема, - деб ёзади М.Горький, - автор тажрибасида бунёдга келган, ҳаётнинг ўзи кўрсатиб берган, аммо ҳозирча автор тасаввурида ҳали тўла-тўкис шаклланмаган бир ҳолда сақланиб, образларда гавдалантиришни талаб қилиб, авторда ишлашга майл уйғотадиган ғоядир"[2].

Адабиётшунос М.Бахтиннинг кузатишича, автор позициясини аниқлашга ёрдам берувчи ғоя монологик типдаги асарларда уч хил функцияни адо этади: биринчидан, у борлиқни кўриш - тушунишнинг нақ ўзи ва ифодалаш принципи, материални танлаш ва бирлаштириш принципи, яъни асардаги барча элементларнинг ягона мафкуравий руҳда бўлиши принципи, иккинчидан, ғоя тасвирланган материалнинг бирон-бир даражадаги яққол ёки онгли натижаси тарзида берилиши мумкин, ниҳоят, учинчидан, автор ғояси бош қаҳрамоннинг ғоявий позициясида бевосита ифодалана олади[3].

Автор позициясини белгилашда асар бош қаҳрамони тутадиган ўрин икки хил кўринишга эга бўлишини ҳам назарда тутиш керак. Чунки салбий персонаж (Қори Ишкамба, Саидий кабилар) тимсолида қаламга олинаётган ҳодисаларни бевосита қоралаш, фош этиш орқали

---

[1] И.Султон. Адабиёт назарияси, 170-бет.

[2] Горький М. Адабиёт ҳақида.Т. Ўзадабийнашр. 1962, 241-бет.

[3] Қаранг: Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского. М., "Советский писатель", 1963, стр.109.

автор ўз нуқтаи назарини, асар ғоясини очади. Ижобий қаҳрамонда эса автор ғояси тўғридан-тўғри, очиқ ифодаланади.

Ҳамид Олимжонннинг "Муқанна" драмаси охирида бош қаҳрамоннинг мардона ўлими олдидан айтган машҳур монологидаги икки мисра айниқса, характерли:

Мен элимнинг юрагида яшайман,
Эрк деганнинг тилагида яшайман.

Аксар ҳолларда шу сўзлар мантиқи ижодкор шахсига нисбатан бериладики, бу бежиз эмас. Зеро, бу ердаги бош қаҳрамон билан муаллифнинг конкрет масала моҳиятига қарашлари, ватанпарварлик туйғулари ўзаро уйғунлашмоқда.

Айрим тадқиқотчилар сўз санъаткорининг умуман позицияси билан конкрет асардаги ёзувчи нуқтаи назари орасидаги тафовутга диққат қилишмайди. Натижада, санъаткор билан асар қаҳрамонининг қарашлари ўртасидаги ўзаро тенглик белгиси қўйиб сўз юритадилар. Аслида, санъаткор эволюциясини унутмасликни эслатган ҳолда, унинг дунёқараши ғоят кенг, мураккаб, баъзиларда зиддиятли бўлиб, унинг муайян асаридаги ғоявий нуқтаи назари ўзаро мутлақо тенг бўлолмайди. Масаланинг моҳиятини шунга қараб характерлаш ва муайян асар хусусида гап кетганида муаллиф билан ундаги персонажлар ўртасидаги муносабат хусусида фикр юритиш тўғри бўларди. Санъаткор дунёқарашининг маълум ва конкрет қирраси кўзда тутилгандагина, М.Бахтин айтганидек, "автор ғояси бош қаҳрамоннинг ғоявий позициясида бевосита ифодалана олади". Демак, бош ижобий қаҳрамон нуқтаи назарини уни яратаётган асар муаллифиники билан тенг қўйиш асоссиз бўлганидек, уларни бир-биридан бутунлай бегоналаштириш ёки уларни ўзаро алоқасиз тасаввур этиш ҳам тўғри эмас.

Асардаги кўзланган ғоявий концепцияни, автор мақсадини ифодалашда кенг қўлланиладиган усулларидан бири "Хотима", "сўнгги сўз", "эпилог" кабилардир. Булар автор ғоявий-бадиий позициясини белгилашда муҳим ўрин тутиши мумкин. Уларда, кўпинча, асар ғоясининг истиқболи, характерларнинг қисмати ниҳояси, порлоқ келажак сари интилишлари, авторнинг ўз қаҳрамонларига меҳр тўла қалб нигоҳи акс этади. Чунончи, Саид Аҳмаднинг "Уфқ" романидаги "Сўнгги сўз"га, Шуҳратнинг "Олтин зангламас", Йўлдош Шамшаровнинг "Чироқ", Вали Ғафуровнинг "Вафодор" романларидаги

"хотима"ларга ҳодиса ва фактларга бўлган муаллифнинг бевосита ва қизғин муносабатлари, буларни хулосаловчи, истиқболга қаратилган хусусиятлар сингдирилган.

Танқидий пафоси, фош қилиш руҳи устун асарлар сарлавҳасидаёқ турмушдаги хунук кўринишларни қоралаш, инкор этиш очиқ ифодаланган усуллар оз эмас: "Қузғунлар" (Ҳ.Ҳ.Ниёзий), "Меҳробдан чаён", "Тошпўлат тажанг нима дейди" (А.Қодирий), "Сароб", "Тобутдан товуш", "Ўғри" (А.Қаҳҳор), "Қонли сароб" (С.Азимов), "Жаннат қидирганлар", "Беш кунлик куёв" (Шуҳрат), "Қора кўзойнак" (Мирмуҳсин) кабилар. Кўриниб турибдики, асарларнинг номланишидаёқ масала моҳиятига йўналтирувчи дастлабки ғоявий туртки бор. Бундай асарларда тасвирланаётган характер ёки факт-ҳодисаларга муносабат, умумий йўналиш руҳидан ташқари, фош этувчи образли ифодаларда очиқ англашилади. Бундай мисолларни жаҳон халқлари адабиётида кўплаб учратиш мумкин. Чунончи, А.Грибоедовнинг "Ақллилик балоси" комедиясидаги Чацкий ўз даврининг тубан қишилари ахлоқига хос томонларни инкор этиш билан бирга турмушга янгича, илғор қарашларни тасдиқлайди. А.Островскийнинг "Айбсиз айбдорлар" пьесасидаги Незнамов, Кручинина тимсолида, "Ўрмон" асаридаги Аксюша, "Сепсиз қиз"даги Лариса, "Момақалдироқ"даги Катерина сингари образларда ёзувчининг тасдиқловчи ғояларини - зулмат ичидаги шуъалаларни кўрамиз. Бинобарин, олийжаноб инсоний сифатларни тасдиқлаш идеаллари А.С.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Некрасов ва бошқа улуғ санъаткорлар асарларига мансуб хусусиятлардир.

Маълумки, асардаги бадиий ҳақиқатнинг ҳаётийлиги ҳақида гапирилганда, санъатнинг дунёни ўзига хос йўсинда ҳис қилиши, унинг воқелик билан алоқаси ва ўша воқеликнинг бадиий ғоядаги ижтимоий функцияси, турмуш ҳақиқатининг образлар орқали эстетик жиҳатдан тадбиқ этилиши тушунилади. М.А.Салтыков-Шчедрин ибораси билан айтганда, "ҳеч бир нарса китобхонга муайян ҳодисани жонли образ тасвирлаганичалик яхши тушунтира олмайди. Фақат ғоявий сохталаштирилмасдан воқеликка мос тушувчи образ бўлсагина бас[1]". Буюк ёзувчи фикрларига эргашиб, яна шуни қўшимча қилиш

---

[1] Салтыков-Шчедрин М.А. Собр. Сочн. В 20-ти т. М., 1965, т.5. стр. 29

мумкинки, санъаткор оддийни оддий қилиб кўрсата олиши, ғояларни воқеликка мос келувчи образларда бериши керак. Чунки, бадиий ўзлаштирилган ғоя китобхон онгида узоқ яшайди. Буюк рус демократ танқидчиси А.И.Герцен бадиий ғоянинг китобхонга нечоғлик соғлом эстетик таъсир ўтказишини ўзи ва замондошлари тажрибасига асосланиб, шундай эслайди; "Шиллер бизнинг ардоғимиз бўлиб қолди, унинг драмаларидаги кишилар биз учун нақ ҳаётда яшаётган шахслар эди, уларни поэтик асар образлари деб эмас, балки жонли одамлар деб муҳокама қилардик, севардик, ёмон кўрардик"[2].

Демак, асарда тасвирланаётган бадиий ғоя образлар талқинида турмушдагидан ҳам "реалроқ", "ҳаққонийроқ" бўлиши, ўқувчида мушоҳада ва "ижод" қилиш туйғусини уйғотиши керак. Умуман, яхши асарларда ўқиганингда, уларда яратилган образларнинг мукаммаллиги тўғрисида ўйлаганингда, турмуш воқеаларини умумлаштирувчи ғояларнинг бадиий образларда берилиш сир-асрорларини назардан ўтказганингда беихтиёр равишда ёзувчи шахси ва шу яратувчининг кашф этилган асардаги ўз образи кўз ўнгимизда гавдаланади.

Бадиий ғоя ёзувчи тасаввурида туғилмаса, азоб-уқубатлар фарёди ва қувончлар дарёсидек ижодкор қалбини банд этмаса, ўзининг ҳаётий эҳтиёжлари билан образларда гавдалантиришни талаб қилиб, ички бир дардга айланмаса, бадиий асар мавзуи аниқланмайди. Масалан, ёзувчи Пиримқул Қодировда "Олмос камар" романини яратиш ижодий нияти 1963 йилдан бошлаб хаёлида айланиб юра бошлайди. Дастлаб ёзувчи Тошкентда яшайдиган замонавий бир оила орқали шаҳар ҳаётини кўрсатишни ижодий ният қилади. Бу ижодий режа ёзувчи мансуб бўлган авлоднинг камол топишини кўрсатиш ғояси билан тўлиша боргани учун ҳам ижодкорнинг ўзига жуда муҳим бўлиб туюла бошлайди. Ёзувчи ўша пайтларда Бобур ҳақидаги роман устида ижодий тер тўкаётган бўлади. Тошкент тўғрисидаги асарни Бобур ҳақидаги роман босилиб чиққандан сўнг хотирини жам қилиб ёзишни режалаштириб қўйган бўлади.

Бироқ, ёзувчи режаларига ҳаётнинг ўзи таҳрир киритади. У Бобур тўғрисидаги "Юлдузли тунлар" романини вақтинча тўхтатиб туриш, бу санъаткор даври

---

[2] Герцен А.И.Собр.сочн. в 30-ти т. М., 1954-1966, т.8. 1956, Идз-во Акад.наук. стр.84

материалларини қайта ва қайта ўрганиб чиқиш, фақат шу классик санъаткоргагина эмас, балки унинг бошқа замондошларига дахлдор бўлган турмуш тарзларини аниқлаш, уларнинг барчасига жиддий эътибор, ўзаро чоғиштириш, таҳлил қилиш ва шу асосда сюжет йўлларини белгилаши керак эди. Буларнинг барчаси ёзувчидан меҳнат ва сабр-тоқатни талаб қилади. Демак, ёзувчи "Юлдузли тунлар" романини бир қанча вақтга ташлаб қўйиб, 1975 йилдан бошлаб, Тошкент ҳақидаги романини ёзишга киришади. "Ўн йилдан ортиқ кўнгилда пишитиб юрган воқеалар қоғозга тез тушди, - деб хотирлайди ёзувчи, 1977 йилда "Олмос камар" босилиб чиқди, уни маъқул кўрган китобхонлардан илиқ хатлар келди, матбуотда ижобий тақризлар чиқди"[1] .

Романнинг бадиий ғоясини ўн йиллар давомида кўнгилда пишитиб юриш, ўз ҳаракатлари билан бу образли ғояни рўёбга келтирадиган характерларнинг моҳиятини тушуниб олиш, шахсларнинг аҳволини, воқеаларнинг очилиб боришини ўйлаб топиш ишлари бажарилгани учун асар осонлик билан қоғозга тушган. Бироқ, ёзувчи жуда қисқа вақтда "Юлдузли тунлар"дек катта ишнинг оралиғида ёзилган бу романга керагича кўп меҳнат сарфлай олмаганини чуқур идрок этиб, уни келажакда яна бир кўриб чиқиб, қайта ишлаб, тўлдирилган нашрини яратишни кўнглида тугиб қўяди. "Изи совимасдан қаламга олинган айрим ҳаётий муаммолар кўнгилдагидек чуқур очилмагани ёзувчига тинчлик бермай қўяди". Шу орада романнинг Москва учун тайёрланган сатирма-сатр таржимасини яхшилаб таҳрир қилиш ва унга кўпгина аниқликлар киритиш, тўлдиришлар ва қисқартишлар қилиш" зарурати туғилаб қолади. Ёзувчи "бу иш жараёнида, албатта, бутуниттифоқ китобхонларининг талаб ва эҳтиёжлари" тўғрисида ҳам бош қотиради. Рус тилида тутқич бермайдиган баъзи нозик товланишларни, мураккаб фикрларни она сути билан ўзлаштирилган она тили ёрдамида топишга муяссар бўлади. Шу жараёнда топилган янги ифодаларни рус тилида айнан бериш имконияти бўлмаганлиги учун қандайдир янги ўзгартишлар киритиш эҳтиёжи сезилади ва шу изланиш-

---

[1]Қодиров П. Олмос камар.Роман.Қайта кўрилган, тўлдирилган нашри. Т., F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 3-бет. (Кейинги кўчирмалар ҳам шу нашрдан олиниб, саҳифаси қавс ичида берилади).

лар ёзувчидан қўшимча вақт, ижодий меҳнат ва ҳафсала талаб қилади. Асарнинг сифатини яхшилаш ва уни бутуниттифоқ миқёсига олиб чиқишга қаратилган интернационал бурчдан келиб чиқиб ёзувчи ўз романини бир ярим йил ичида икки марта бошидан охиригача кўчириб, қайта ишлаб чиқади. Шу тарзда қўшимча меҳнатнинг мевалари ўзбек тилидаги "Олмос камар"нинг 1983 йилдаги қайта кўрилган ва тўлдирилган нашридан ўрин олади.

Биз фикр юритмоқчи бўлган ушбу нашрда "Олмос камар"нинг биринчи нашридаги асосий мақсад, қаҳрамонлар, воқеалар сақлаб қолингани ҳолда ёзувчи ҳаммасининг асл моҳиятини чуқурроқ очишга, бадиий ғоянинг образларда ифодаланишини янада кучайтиришга интилганини ва бу интилиш яхши самаралар берганини кўздан кечирайлик.

Энг аввало, бадиий образда бадиий ғоя билан бадиий-ҳиссий мазмуннинг мутаносиблиги бўлиши лозим. Ана шу мутаносиблик бўлмаса, бадиий образда бадиий ғояга нисбатан бадиий-ҳиссий мазмун қашшоқ бўлса, етук санъат асари яратилмайди. Ёзувчи бадиий ғоя билан бадиий-ҳиссий мазмун ўртасидаги айни шу мутаносибликни сезиб қолади ва сўнги вариантда мазмунни кучайтиришга алоҳида эътибор беради.

"Моҳият эътибори билан қараганда, - деб таъкидлайди ёзувчи, - бу роман "Уч илдиз"нинг мантиқий давоми тарзида ўйланган эди. Маҳкам ва Гавҳарлар биз мансуб бўлган авлоднинг йигирма ёшлик навқирон вакиллари бўлса, Аброр ва Вазиралар худди шу авлоднинг камолот даврига кирган қирқ яшар вакилларидир. Орадан ўтган йигирма йил давомида Тошкент ҳам жуда катта камолот ва янгиланиш даврини бошидан кечирди, илмий-техника инқилоби билан боғлиқ ҳолда табиат муҳофазасига оид долзарб муаммолар келиб чиқди.

Адабиёт инсоншунослик бўлгани учун ҳозирги шароитда одамларимизда бор энг нодир маънавий фазилатларни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш, ҳар бир меҳнаткаш ва халқ кўп асрлик тарихи давомида орттирган энг яхши анъаналарни йўқотмаслик, кишиларимиздаги ватанпарварлик, дўстлик, ҳалоллик, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик, жонкуярлик каби барча олийжаноб туйғуларни худди табиий муҳитдек пок сақлаб, келгуси авлодларга етказиб бериш вазифаси биринчи галда бизнинг зиммамизга тушади.

бир сўзни эшитиб турадиган ва ҳатто кўнглидан ўтган ҳар бир ўйни илғайдиган имон, эътиқод қулоқлари борлигини ич-ичидан ҳис қилиб ўрганган. Ёмон бўлишдан сақланиш, жониворларга ёки мана шу дарахтларга завол келтиришдан, уларнинг уволига қолишдан ҳайиқиш, ана шу пок виждон ва юксак эътиқоднинг яшаш шартига айланган. Унинг рақиблари Шерзод Баҳромов, Сайфулла Раҳмонович сингариларда эса бу фазилатлардан нишона ҳам йўқ. Улар нима қилиб бўлса ҳам ўзларидан юқорида турувчи арбобларнинг кўрсатмаларини сўзсиз ижро этиб, мансабларида тинчгина яшайверсалар, ҳеч бир ижодий фаоллик кўрсатмай, фақатгина қўл остидагиларнинг ихтироларига шерик бўлиб, хамирдан қил суғургандай ишларини битказаверсалар, ҳеч бир кишига яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам қилмай кун кечираверсалар - мақсадлари худди ана шу. Улар пасткашлик ва аблаҳликка томон тез оғиб кетадилар, яхшилик қилишга ва ҳақиқат ҳимоячиси бўлишга қурбилари етмади. Бундайлар ҳаммани ва ҳамма нарсани силаб-сийпалайдиган бўлганликлари учун ўзларидан бошқа ҳеч кимни ва ҳеч нарсани яхши кўрмайдилар. Бу образлар фаолиятида 70 йил улуғланиб келинган жамиятнинг чиркинликларини, инқироз белгиларини қисман бўлсада, сезиш қийин эмас.

Адабиётшунос Т.Т.Давыдованинг асоссиз равишда роман охирида Баҳромовга сунъий нуқсон ёпиштирилиб, ижобий қаҳрамонни ғалаба қилдириш натижасида асар конфликти зўрма-зўраки ечимга олиб келинади деган фикрига[1] қўшилиш қийин. Негаки, романда ҳаёт тасвири, ундаги қарама-қаршиликларнинг берилиши ўқувчини танқидчи айтганидек, бефарқ қолдирмайди. Китобхон "Аброр олиб борган курашга, унинг тортишув ва олишувларига, ташвиш ҳамда қувончларига"[2] ўзини шерик ҳисоблайди. Чунки бош қаҳрамоннинг бу курашлари барча ўзбек зиёлиларига тинчлик бермай келаётган даврнинг муҳим ғояларини ташувчи муаммолардир.

"Омос камар" романида барча образларда яхшилик олмос камарга тенглаштирилади. Ана шу яхшиликнинг жамиятни тутиб туриши, тараққиётни таъминлаши, истиқболни яратиши ҳар бир образда ва умуман бутун асар

---

[1] Қаранг: Давыдова Т.Т. Проза Средней Азии и Казахстана. М., "Знание", 1989, стр. 52.

[2] Норматов У. Турмушнинг теран таҳлили."Шарқ юлдузи" журнали, 1984 йил. №8, 173-бет.

яхлитлигида эмоционал-эстетик тарзда ўз ифодасини топган.

Биз "Олмос камар" романида бадиий образда бадиий ғоя ва бадиий-ҳиссий мазмуннинг мутаносиблигини, тасвир орқали воқеликнинг аслини кўргандай бўлишимизни, бундай жонли тасвир қалбимизни бебаҳо ҳис-ҳаяжонлар билан тўлдириб, ақлимизга янгиликлар бериш юксаклигида эканини кўриб ўтдик. Бундан англашиладики, бадиий ғояда қанчалик эҳтирос кучли ва теран бўлса, ҳақиқатни бутун салобати билан кўрсатувчи ақл ҳам ўшанчалик жой олиши керак. Демак, бадиий ғоя фақат ҳиссий-эмоционал мазмун билан ўз мукаммаллигини таъминлай олмайди. Балки, ижодкор борлиқни, табиат сирларини, давр ижтимоий ҳодисаларини ақл элагидан ўтказиб, бадиий ғояни ўз замонасининг энг илғор онги билан, даврнинг етакчи тафаккури билан зийнатлай олсагина, унинг асари азобланишнинг фарёди ва завқланишнинг мадҳияси юксаклигида кўтарилади ва бадиий ғоя мукаммаллик касб этади. Худди ана шу нуқтаи назардан Ҳамид Ғуломнинг "Мангулик" романига ёндошадиган бўлсак, ундаги даврнинг энг илғор вакили Маҳкам Мақсудов образи тимсолида асар ғоясининг берилишини кўрамиз.Албатта, мазкур романда қаламга олинган мавзу ва унда олға сурилган ғоя халқимизнинг бугунги мақсад ва интилишлари олдида ўткинчи ҳол бўлиб қолганини ҳам эслаш ўринлидир. Бироқ бадиий маҳорат сирлари йўсинида қарайдиган бўлсак, унинг сохталиги янада ойдинлашади. Юқорида эслатганимиз Маҳкам Мақсудов образининг романда ҳеч бир алмаштириб бўлмайдиган ўрни борлигини сезамиз. Бироқ бу образнинг нуқсони шундаки, унда онглилик ва ақллиликка нисбатан ҳиссийлик жуда кам. Ҳаётда ҳеч бир ота қийналмасдан, иккиланмасдан, азобланишлар гирдобидан ўтмай туриб, яккаю ёлғиз ўғлини икки комсомол муаллим ўлдирилган ўлим даргоҳига йўллаши қийин. Чекистлар орасида Масъуднинггина педагоглик мутахассислиги борлиги, у билим юртини тамомлаб, Форобий номли бошланғич мактабда бир йил дарс берганлиги асос бўлишга етарли эмас. Ҳеч бўлмаганда, ёлғиз фарзанд тақдири устида эру хотин ўртасида қалбларни ларзага келтирувчи қаттиқ ва ҳаяжонли зиддият бўлиб ўтиши реал ва турган гап эди. Ёки Масъудни яхши кўрган қиз Салиманинг ўлим даргоҳига ҳеч изтиробларсиз, фақат севги туфайли бориб қолиши ҳам ҳиссий асосланмаган.

Бу ҳам иккала образда ақлий асосга нисбатан ҳиссий асослар анча заифлигига ишора. Ҳар иккаласидагина эмас, романдаги энг салобатли Исоқ оқсоқол образида ҳам ақлий асосга нисбатан ҳиссий-эмоционал тасвир анча бўш чиққан. Бу образларда бадиий ғоя учун зарур бўлган барча воситаларнинг табиий жамулжамлигини вужудга келтириб, ҳақиқий ҳиссий ҳокимликни ташкил этадиган мафтункор ички дардлар етарли эмас. Ёзувчи ана шу хилдаги ички дардлар тасвири ўрнига юқоридаги ҳар уччала образда ҳам ахборот берувчилик билан машғул бўлиб кетади. Бу хил ахборотлар ҳар қанча ижтимоий, ҳар қанча муҳим, ҳар қанча донишманд туйғулар билан зийнатланган бўлмасин, барибир, улар бадиийлик ва ҳиссийликнинг ўрнини боса олмайди. Масалан, Исоқ оқсоқолнинг мардикорликка олиниши, орадан икки йил ўтгач, қайтиб келиб, тўй устидан чиқиши, Каримани Норхўжабойга тўртинчи хотин қилиб берилаётганини эшитиб, уни онаси орқали никоҳдан кейин тўй маросимидан чақириб олиб, у билан учрашиши, қизнинг энди сиз номаҳрамсиз, деб ўзини ўлдирмоқчи бўлгани тўғриларидаги ахборотларда ҳеч бир дард йўқ. Кўринадики, ижтимоий ғояда мутаносиблик бузилган.

Бироқ, романдаги Масъуд, Дилдор, Шерхўжа, Тамара образларида ақлий асос билан ҳиссий асоснинг мутаносиблиги романни ушлаб турувчи устунлардир. Масъуднинг Хўжакентдаги биринчи қадамларидаёқ шу қишлоқ одамларида қандайдир ички ҳис-ҳаяжон уйғотади. Масъуднинг қишлоқ бозорларини, ўзининг илмий-ҳаётий далиллари билан ерпарчин қилинганидан қувониб кетган Қодир ака чапаниларча "мулла йигитнинг велосипеддаги қопини кўрмадингизми, музикаси билан келибди, у сизни ашулага ўйнатса, нима дейсиз?" - деб киноя қилади. Ҳақиқатан ҳам китобхон Масъуднинг Хўжакентдаги биринчи қадамларидаёқ жуда катта бир ички дард, енгиб бўлмас даражадаги субъектив истак мавжудлиги билан таниша боради. Бу ички дард қишлоқ аҳлининг онгини ўйғотиш, уларда душманларга нисбатан муносабатда ҳушёр бўлиш ва тадбиркорлик билан иш кўриш туйғуларини уйғотиш Масъуд образини ғоявий схемага айлантириб қўйган. Унинг чапанилар билан комсомол-муаллимларнинг фожеали ўлимлари тўғриларидаги аёвсиз тўқнашувларида, бой қизи Дилдор билан қилган оқилона суҳбатларида ана шу схематизм излари бўртиб туради.

Ақлий асос билан ҳиссий-психологик негизнинг мувозанати Шерхўжа, Замира, Тамаралар образларида ҳам яхши берилмаган. Бу образлар таъсир кўлами жиҳатидан салбий образлар бўлса-да, ўз руҳий дунёсига эга бўлган, ақл билан иш тутадиган, тақдирлари учун шавқатсиз кураш олиб бора оладиган иродали шахслардир.

Ижтимоий моҳияти билан таъсирбахш ифодасини топган чоғдагина ҳар қандай ғоя адабиёт учун зарур ва қадрлидир. Чунки бадиий адабиётда образлар орқали ифодаланган ғоявий концепциянинг даврга мансуб илғор ахлоқий-психологик хусусиятларга ҳамоҳанглиги, салмоғи, санъаткорона етказилиши ҳал қилувчи аҳамиятга молик. Янада аниқроғи асардаги мақсад қанчалик муҳим, залворли ва ғаройиб мавзу орқали ифодаланмасин, чинакам образларда берилмаса санъат намунаси майдонга келмайди. Бу фикримизнинг исботи сифатида яна бир бор Одил Ёқубовнинг "Диёнат" романига мурожаат этишни ихтиёр этдик. Чунки Одил Ёқубов реалист ёзувчи сифатида ўз асарларида даврнинг эстетик идеалини ифода этиш, уни оригинал образларда бадиий мужассамлаштириш йўлларини изловчи санъаткордир.

Машҳур санъаткор Ф.Достоевскийнинг уқтиришича, бадиийлик романдаги шахслар ва образларда фикрни шунчалик равшан ифода этиш қобилиятики, ўз асарини яратаётиб, ўша фикрни қандай тушунган бўлса, ўқувчи ҳам романни ўқиб чиқиб ёзувчининг фикрини шундай тушунади. Бунинг ёрқин ифодасини "Диёнат" романи мисолида кўриш мумкин. Одил Ёқубов ўзи яратган ҳар бир образга даврнинг ахлоқий идеали нуқтаи назаридан ёндошади, улар фаолиятини баҳолайди, давр ахлоқига мос келмаган ҳаракат ва қилиқларини аёвсиз фош эта бориш орқали ҳодиса ва муносабатларнинг ижтимоий моҳиятига зийраклик билан назар ташлайди.

Шу нуқтаи назардан Латофат ва унинг домласи Обидов образлари характерли. Латофат дунёқараши жиҳатидан Нормурод Шомуродов типидаги образдир. Уни ёзувчи чуқур меҳр билан чизади ва покиза ахлоқ намунаси сифатида талқин қилади. Латофатнинг назарича, гўзал нарса кишининг ахлоқий қиёфасидир, ахлоқсизлик эса ҳаётдаги хунук ва тубан нарсадир. У маънавий қиёфаси тубан бўлган ўз отаси Жамол Бўрибоевнинг ашаддий душмани, Жабборнинг севгисига вафо қилмаган онасини ҳам аёвсиз фош этадиган дангалчи, принципиал

шахс образи сифатида маънавий гўзаллик тимсоли бўлиб гавдаланади.

Асардаги Нормурод Шомуродов, Латофат, доцент Обидов образлари ўзларида ифодалайдиган эстетик идеал туйғулари билан амалий ишлари, орзу ва интилишлари билан китобхонларнинг онгига кучли таъсир кўрсатиб, уларга бир умрлик ҳузур, яшаш завқини бахш этади, ижобий ўрнак намунаси ролини ўтайди.

Маълумки, бадиий образда умумийлик билан хусусийлик чатишиб кетади. Айни шу жараёнда ғоявий идеали мос ҳаётий тўқималарнинг ўрни катта бўлади. Чунки, образли ғоя индивидуал кўринишдаги типикликка айлантирилган аниқ ва ҳиссий-эстетик бирликни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан Ўткир Хошимовнинг "Икки эшик ораси" романини олиб қарайлик. Одамзоднинг умри у эшикдан кириб, бу эшикдан чиқиб кетишдек гап. Ана шу икки эшик орасидаги масофа Ҳаёт деб аталади. Бу романда қарийб қирқ йиллик давр қамраб олинган. Энг мушкул синовлардан ёруғ юз билан ўтган ҳамда юзи қора бўлган инсонлар қисмати роман сюжетидан ўрин олган. Кўринадики, бадиий ғоя, энг аввало, образли фикрдир. У фақат таъсир этилган объектив ҳаёт манзарасидан туғилади. Ёзувчи даврдаги ижтимоий воқеаларни, ўзига таниш, замондош бўлган одамларни узоқ йиллар кузатган. Бадиий ғоя ана шу кузатишлар натижасида туғилган. Демак, ҳар бир образда ўша образ мансуб муҳит одамларига хос фазилатлар, хусусиятлар умумлаштирилиб берилади. Масалан, қурилиш-монтаж бригадасининг бошлиғи Музаффар Шомуродов сиймосида жуда улкан умумлашмалар мавжуд бўлганлиги учун ҳам у бадиий тип даражасига кўтарилган. Энг аввало, бу бош қаҳрамон сиймосида у туғилган, болалиги ўтган, ўсмир сифатида шаклланиб, мустақил ҳаётга қадам қўйган даврнинг руҳи, етакчи майллари, ижтимоий-сиёсий ҳолати, шароитлари умумлаштириб берилганки, ана шу умумлаштирувчи бадиий ғоя образни давр типи даражасига кўтарган. "Совуқ хабар" номли дастлабки манзарадаёқ образларда умумлаштирувчи давр ҳақиқати бўртиб кўзга ташланади. Қурилиш-монтаж бригадасидаги аянчли аҳвол, тегишли материаллар етказиб берилмаганлиги учун одамларнинг бекор туриб қолишлари, бунинг эвазига кам маош олган Сафар ака, Икром ака, Эркинжонларнинг юрак дардлари, ҳақиқатни кўра била туриб, "Кобра" лақабли бошқарма бошлиғи Шавкат

Қудратовичнинг қурувчиларни сохта иш бажаришга зуғум қилишлари, бригадир Музаффарни, қай йўл билан бўлмасин, планни бажаришга даъват этиб, жиноий ишга ундашлари - буларнинг барчаси биз олқишлаб яшаган социалистик жамият муҳити ҳосили бўлмиш қурувчилар турмушининг айнан жонли лавҳаларидир.

Романда бадиий ғоянинг ҳаёт ҳақиқатидан туғилиши, ана шу ҳақиқатнинг ёзувчи эстетик идеали билан мос келиши, унинг "характерлар олами" шаклида намоён бўлиши романнинг фазилатидир. Ёзувчининг маҳорати шундаки, Сафар ака сиймосида бола-чақа боқаман деб, бошлиқларнинг жиноятқорона ишга ундашига ҳам рози бўладиган қурувчилар гуруҳи умумлаштирилиб берилган бўлса, Икром ака сиймосида сохта ишнинг фожеали тугашини олдиндан чуқур идрок эта оладиган, ҳақиқатни қатъий туриб ҳимоя қиладиган қурувчилар гуруҳи умумлаштирилган. Ёзувчи мана булар - ҳақиқатчи, булар - хиёнатчи, булар - мансабпараст, булар - ибрат бўларли кишилар деб очиқ айтмайди, балки китобхонлар ўзлари ҳаётнинг образли оламидаги умумлаштирилган тасвирдан шундай хулосага кела оладилар.

Романнинг биринчи қисмида иккинчи жаҳон уруши даврининг фожеаларга тўла манзараси Қора амма, Ҳусан дума, Оқсоқол бувалар образлари ташиган бадиий ғояда умумлаштириб берилган бўлса, "Робия ҳикояси" деб номланган иккинчи қисмда муаллиф воқеанинг бўлиб ўтган вақтини янада олдинроққа - 30-йилларга кўчиради. Ёзувчи замон ва маконни ўзгартирса ҳам, "характерлар оламида" давр ҳақиқатини бериш меъёрини сақлаб қолаверади. Энди бу қисмда бош қаҳрамонлар Робия ва Кимсанлардир. Робия давр фожеасини бошидан кечирган бир гўдак. У нияти бузуқларнинг туҳмати туфайли халқ жонкуярларидан бири - отасидан ажралади. Робиянинг отаси қисматида ноҳақ айбланган пок одамлар фожеаси берилган. Бироқ, унинг рақиби бўлган Умар закунчи тузум иллатларини очиб кўрсатувчи образлардандир. Унда нопок ишларни қилиб, узоқ вақтлар мансабдорлик даврини суриб, одамларга зулм ва зуғум ўтказиб, жазо ўрнига орден ва бошқа мукофотлар олиб яшаган тоифалар гуруҳи умумлашма бадиий ғояда берилган. Биз Робия ва Кимсанларни бахтли ҳаёт ва инсоний севгидан маҳрум қилган лаънати уруш эканини қалб тўла оғриқ билан образли идрок эта борамиз. Қора аммaнинг оналик ҳурматини, Шомурод акани ноиложликдан

Робияга уйланиш тарихи жуда меъёрида берилган бадиий ғоянинг умумлашма ифодаси деб биламиз. Биз ҳикояма-ҳикоя, қисмма-қисм асарни ўқиб борар эканмиз, уларнинг барчасида халқнинг олий мақсади қурилаётган янги ҳаёт, ҳар қандай мушкул дамларда ҳам имонни, инсонийликни йўқотиб қўймасдан камолот сари тинимсиз интилиш бўртиб турганини кўрамиз. Бошқача айтганда, халқнинг ана шу олий мақсади умумлашма ғояларда нур сочиб турмаганда, ҳар бири повестга тенг келадиган етти қисмдан иборат роман ёзиб шуҳрат қозониш ёзувчига муяссар бўлмаган бўлур эди.

Биз ҳар бир ёзувчида бадиий ғоянинг ўзига хос томонларини илғай борамиз. Масалан, Ўткир Хошимовда бадиий ғоянинг кўпроқ умумлашма қувватини ҳис этсак, Саид Аҳмад романларида бадиий ғоянинг бўрттирилган жиҳатларига кўпроқ мойиллигини сезамиз. Бу фазилат ёзувчининг сўнгги асарларида ҳам етакчилик қилади. Бунинг исботини унинг сўнгги романида яна бир бор кўриш мумкин. Бу романда жуда кўп ғаройиб воқеалар, турли-туман тақдирлар бор. "Жимжитлик" романида бўрттириш образларда ифодаланаётган бадиий ғояни ҳам, қаҳрамонлар фаолият кўрсатаётган шароитни ҳам баб-баравар қамрайди.

Ғоя ва образлар диалектикаси тўғрисида ўйлаганда, М.Горькийнинг "образ ғоядан кўра кенгроқ" деб билдирган ижодий сабоғи устида мушоҳада юритиш лозим. Унинг образ адабиёт ва санъатда фикрлашнинг асосий воситаси, ғоявий мазмунни ифода этишнинг муҳим шакли, фикрни уюштиришнинг тежамли усулидир каби таърифларида ёзувчиларимиз сабоқ оладиган қонуниятлар мавжуддир.

Ана шу тежамли усулдан фойдаланишда баъзи бир ёзувчилар ютуқларга эришади, айримлари эса, ҳар қанча тиришмасин ғоя ва образ диалектикаси кашфиётида адашиб, мукаммал санъат асари яратиш юксаклигини забт эта олмайди. Бадиий образ яратиш устида ишлаганда ғоявий мазмунни ифода этишнинг тежамли усулидан моҳирона фойдалана олмай, образга энг зарурий ғоявий нагрузкаларни юклаш ўрнига асарнинг бош ғояси билан боғлиқ бўлмаган деталлар таъсирига кенгроқ ўрин бериб юборади. Масалан, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсиннинг "Умид" романида ўзбек халқининг пахтачиликни янада тараққий эттириш йўлидаги машаққатли курашлари ва бу курашлар жараёнидаги фидоийликлари

қаламга олинган. Романнинг ғоявий ўзагини ёш селекционер олим - Умиднинг вильтга чидамли янги пахта навини яхтиро қилиш устидаги илмий изланишлари ва шу жараёнга дахлдор бўлган зиддиятлар, курашлар ташкил этиши лозим эди. Бироқ, романда Умид биографияси, қариндош-уруғлари билан муносабати, Салим Обидий тузоғига тушиб қолиб, унинг ахлоқий-бузуқ қизи Жанна билан қилган айш-ишратлари, Ҳафизага бўлган севгисини оёқ ости қилиши, қизнинг севгисидан маҳрум бўлган Умиднинг аянчли аҳволлари, Салим Обидий хонадонидан қувилиши, яна чўтир хотин билан ҳамсоя бўлиб, тоғасининг ташландиқ ҳовлисида фақирона ҳаёт кечиришлари тасвирга киритилган. Бу воқеаларнинг барчаси Умидга алоқадор бўлса ҳам, роман ўсиб чиқадиган бош ғоявий негизга дахлдор эмас, яъни вильтга чидамли янги пахта нави учун кураш ғоясига чатишиб кетмаган.

Умид ва Ҳафиза образларига алоқадор баъзи бир тасвирларни олайлик. Бош йўналишдан келиб чиққан ҳолда образлар вильт касалига чидамли янги пахта навини топишга алоқадор ғоявий юк билан таъминланмаган. Образнинг ғояга нисбатан кенглигини эътиборга олмаслик натижасида унинг фақат бош қаҳрамон севгилиси эканидан келиб чиқиб, Ҳафиза биографиясига оид жуда кўп маълумотлар қисқартирилади: унинг Умидни яхши кўриб қолиши, севган йигити билан учрашувлари, улар севгисига тўсқинлик қилишга интилган безорилар фаолиятлари, қизнинг юриш-туришидаги ўзгаришларни укаси ва бувисининг кузатишлари,отаси ишлаётган Фарғона водийсига сафари, йигитнинг бевафолигини эшитиб, ўз жонига қасд қилишлари, ундан кейинги оилавий ташвишлари, ота-онасининг чеккан азиятлари - барчаси бош ғоя билан боғланмаган тафсилотлардир.

Агар ёзувчи бош ғояга дахлдор бўлган йўналишни Ҳафиза образига ҳам юклай олганида, улар севгисини вильт касаллигига чидамли янги пахта нави билан боғлай олганида (ахир унинг отаси йирик пахтачилик областининг партия котиби-ку), уни медицина инсститутининг талабаси эмас, пахтачилик селекцияси илмий-тадқиқот институтининг жонкуяр ходимларидан бири касби билан боғлаганида, ҳар икки севишган бир муаммо устида ишлаб, бирга зарбага учраб, айрилиқ дардларига ҳам янги нав чигит туфайли йўлиққанларида, эҳтимолки,

образлар бош ғояни ёрқинроқ очувчи вазифа билан таъминланган бўлар эдилар.

Умид ва Жанна сюжет шахобчасида ҳам Салим Обидий бош ғоя билан заифгина боғланган. Профессорнинг хотини Сумбул ая ва қизи Жанна қанчалик ҳаётий чиққан бўлмасинлар, Умид кашфиётларига тўсқинлик қилувчи ғоявий юк билан таъминланмаган. Ахир, Умиднинг янги чигит нави устидаги илмий кузатишларини, ёзувларини оилавий можаролар туфайли ёқиб юборишлари ёки Салим Обидийнинг уни ўзлаштириб олиб, ўз шон-шуҳратини янада оширишга интилиши мумкин эдику?!

Умуман, Салим Обидийлар оиласига эмас, балки пахтачилик обкомининг секретари Пўлатжон Сиддиқовлар оиласи ҳам тасвирда бош ғоя билан унчалик боғланмаган. Катта роман саҳифаларида Қушчибобо образигина бош ғоя билан, яъни вильтга қарши курашни алмашлаб экиш тажрибалари орқали боғлай олган ва прогрессив йўналишнинг ҳимоячиси тарзида кўринади.

Хуллас, "чанокдаги жавоҳир учун кураш" - бутун романни яхлит ғоявий магнит майдони сифатида ушлаб турмайди, барча образларга ўз ғоявий илдизлари билан кириб бормайди, бир бутун санъат асарини юзага келтирувчи қудратли ғоя бўлиб кўзга ташланмайди. Биз ушбу мулоҳазаларни ғоя ва образнинг бир-бирига мос тушиши, агар шу монандлик таъминланмаса, образлар фаолиятлари қанчалик ҳаётий ва ишонтирарли деталлар билан безалмасин, мукаммал санъат асари яратишга хизмат қила олмаслигини алоҳида таъкидлаш мақсадида айтаётирмиз. Демак, бош ғоя санъат асаридаги барча образларни ўз йўналиши билан таъминлаб туриши лозим.

Истеъдодли ёзувчи энг аввало, бош ғояни мукаммал санъат асари шаклида, образли кўра олади, шу ғоя ҳар бир образнинг йўналиш йўлини қуёш янглиғ ёритишига алоҳида эътибор беради ва шундай ижодий жараёнда ҳеч бир ортиқчаликларга йўл қўймай, мукаммал санъат асарини яратади. Шу ўринда Мирмуҳсиннинг иккинчи бир асари "Дегрез ўғли" романини олиб кўрайлик. Бу романда оддий меҳнаткаш сафидан чиқиб, раҳбарлик лавозимига қадар кўтарилган ишчининг биографиясига дахлдор материаллар жамланган. Ёзувчи ўз ижодий ниятида бош ғояни яхлит санъат асари шаклида тасаввур эта олиб, жамғарилган материалларни раҳбар ва халқ ўртасидаги муносабатга доир ғояга бўйсундириб, унинг

ортиқча тафсилотларни четлаб ўтади, воқеаларни ҳам, характерларни ҳам бошқариб туришга зришади. Зотан, раҳбар халқ дилидан хабардор бўлиб, унинг юрак уришини тинглаб, орзу-армонларини рўёбга чиқаришга кўмаклашса, турмуш тараққиётининг олдида бориб, халққа етакчилик қилса, у ҳеч қачон завол бўлмайди ва ҳар қандай кучли тўсиқларни ҳам енгиб ўта олади деган ғоя олға сурилади. Ана шу бадиий ғоя очилиши учун шаҳар ижроия комитетининг раиси Арслон ҳаётидан лавҳалар саралаб олинган. Бу лавҳалар қайта ишланиб, бадиий образларга айлантирилган. Бадиий образлар ғоявий ёрқин ва таъсирчан чиқишларининг иккала шартига ҳам амал қилинган. Биринчиси - образларда ҳаёт ҳодисаларининг, одамлар характерларининг муҳим хусусиятлари халқ ва раҳбарлик проблемаларидан келиб чиқиб умумлаштирилган ва бош ғоядан ўстирилган бўлса, иккинчиси - образларда ҳаёт ҳодисалари ва инсоний фазилатлар, худди турмушда кўрганимиздай, жонли, индивидуал равишда, аниқ шахсларда ифодаланган. Зотан, бу ҳол асардаги Нишон ака, Хумоюн Саидбеков, Шавкат Нургалиев, Арслон, Аббосхон Хўжахонов, Қизил Махсум, Мусоват қори сингари образларда типиклаштириб берилган.

Роман композицияси қизиқарли қурилган бўлиб, бош ғоянинг таъсирчанлигини оширишга йўналтирилган. Унда шаҳар ижроия комитетининг раиси Арслоннинг ишдан четлаштирилиб, уни вазифасидан олиб ташлаш ёки ўрнида қолдириш учун комиссия ишлаётган пайт романнинг қолипловчи шакли сифатида кашф этилган. Ана шу қолипловчи шакл бош қаҳрамон Арслон образининг бутун борлиғини кўзгуда қайта жонлантиргандек, хотирада иккинчи бор тиклаш имкониятини юзага чиқаради. Арслоннинг ўй-кечинмалари ҳам раҳбарлик услубларига хос умумлашмалардан иборат бўлиб, бош ғоя ўзанидан тошиб чиқиб кетмайди. У, раҳбарлик лавозимидан четлатилган шахс сифатида элу юртнинг ўзига муносабатини таҳлилдан ўтказади. Ана шу таҳлилда бош ғояга ишора сезилиб туради.

Романдаги воқеалар 60-йилларнинг охирида юз берган эди. Ҳали қайта қуриш бошланмаган, ошкоралик кенг оммавий тус олмаган бир пайтда халқ демократиясининг куч-қудратини намойиш қилувчи бундай манзаралар яратиш ёзувчининг ютуғи эди. Романдаги Арслон, Хумоюн Саидбеков, Марат Саидбековлар тимсолларида

инсоният орзу қилган нурли жамият хусусиятлари умумлаштирилганлиги, айниқса қимматлидир.

Ҳаёт ҳодисаларининг бадиий образларда тўлақонли умумлашма даражасига кўтарилишида давр конфликтларининг моҳирона бадиий кашф этилиши, шунингдек, тараққиётга тўсиқ бўладиган салбий образларда турмуш ижтимоий қатламининг манфий қирралари кучли даражада умумлаштирилиши, индивидуал салбий типларнинг яратилиши етакчи ўринни эгаллайди. Бусиз санъат асарларидаги ижобий қаҳрамонлар тўлақонли бўлмай, тасвирга олинган турмушнинг социал қатлами ҳам кемтик бўлиб чиқади. Демак, бадиий ғоя ўз даврининг турмуш зиддиятлари, манфий ва мусбат қутблари, ижобий ва салбий қирралари билан тараққиётга хизмат қилувчи ва унга тўсиқ бўлувчи кучлари билан бир бутунликда олингандагина жозибали бўлиши, эмоционал қудрат касб этиши, ғоятда гўзал ифодаланиши ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан Мирмуҳсиннинг "Меъмор" романини олиб кўрайлик.

"Меъмор" романи Мирмуҳсин ижодидагина эмас, ўтмиш маданий-ижтимоий қатлами бадиий ўзлаштириш жиҳатидан ўзбек романчилигида ҳам ютуқ ҳисобланади. Унда ўрта асрлар ўзбек халқи маданий ҳаётининг меъморчиликка оид қатлами қаламга олинган. Меъмор Нажмиддин Бухорий образида халқ орзу-умидларининг, меҳнаткаш халқ виждонининг, яратувчилик қудратининг умрибоқийлиги ғояси мужассамланган. Нажмиддин Бухорий халқ қудратини, ақл-заковатини ўзида жамғарган ижтимоий бадиий тип даражасида яратилгани учун, унинг сиймоси ижодкорлик нурлари билан жилолантирилгани сабабли ўлмаслик тимсоли бўлиб чиққан. Демак, марказий образда ҳам унинг номи билан аталган романда ҳам халқнинг яратувчанлик қудрати умрибоқийдир деган ғоя олға сурилган. Ана шу ғоянинг меъмор образида умумлашма даражасига кўтарилиши учун санъаткор уни даврнинг фожеали воқеалари гирдобидан олиб ўтади.

Қисқаси, Нажмиддин Бухорий сиймосининг бутун бир халқ тимсоли даражасига кўтарилишида унга юклатилган яратувчилик ғояси билан бирга давр конфликтларининг, айниқса, ёвуз кучлар хуружларининг мукаммал ифодаланиши сабаб бўлган. Ана шундай мураккабликлар орасидан ўлимларни доғда қолдириб ўтилган бош

қаҳрамон сиймоси салобат касб этиб, абадийлик нури билан йўғрилганлиги англашилади.

Бадиий асардаги образларда ёзувчи ўз фикрини қанчалик равшан ифодалаган бўлса, китобхон ҳам уни ўшандай тушунса, бадиий ҳақиқат ўз ғоявий ифодасини топган бўлади. Шундай бўлмас экан, ёзувчининг роман ёзишдан нияти қанчалик улкан бўлмасин, ҳаёт лавҳаларини қанчалик жонли чизиб бермасин, санъат асари яратилмайди.

Реалистик санъатда инсоний характер одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуаси ва муайян жамият маҳсули бўлиб шаклланишини, бошқача айтганда ўша жамиятнинг меваси эканини унутмаслик шарт. Зеро, бадиий образ турмушдагисидан фарқли равишда давр ҳодисаларини умумлаштирувчи, ёзувчи идеали қиррасини ифодаловчи хусусияти тасдиқлашга ёки инкор этишга хизмат қилиши билан муҳим. Шу талаблардан келиб чиқиб, Иброҳим Раҳимнинг "Оқибат" романига назар ташлайлик.

Иброҳим Раҳим романчилигимизда узоқ йиллардан буён қалам тебратиб келади. Бу ёзувчи "Оқибат" романини ёзишда жуда улкан ижодий ниятни ўз олдига қўйган.

"Ҳурматли китобхон! Ушбу асар Ўзбекистон халқ ҳашарчиларининг Россиядаги унумсиз ерларни обод қилишдаги жасорати йилномаси бўлиб, унда меҳр-оқибатли замондошларимизнинг биродарлик бурчига садоқати, ҳаёти, фаолияти, қисқаси, ишчан одамларимизнинг матонатли, машаққатли меҳнатининг бадиий хроникасини қаламга олдим. Ўткир дидли, талабчан китобхон "Оқибат"дан заррача бўлсада, маънавий манфаат кўрса, миннатдор бошим осмонга етарди"[1].

Муаллифнинг ушбу изоҳида на бош ғояга, на ғоявий мотивларга ишора йўқ. Гоҳ "халқ ҳашарининг йилномаси" дейилади, гоҳ "машаққатли меҳнатнинг бадиий хроникаси" аталади. Кўринадики, бадиий типлар, характерлар олами, ғоянинг ифодаланиш йўллари ҳақидаги мулоҳазалар ёзувчининг хаёлига ҳам келмайди. Муаллифнинг ўзи изоҳда тан олганидек, ҳашарга жўнашга тайёргарлик, жўнаб кетиш, бориб жойлашиш, у ердаги меҳмонхонадаги ҳаёт, ўзлари учун турар жой қуриб

---

[1] Иброҳим Раҳим. Оқибат. Роман. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. 3-бет.

олиш сингари қатор-қатор воқеалар баёнига берилиб кетади. Характер яратишга эътибор берилмайди. Шундай экан, ёзувчи ўзи қаламга олаётган турмуш материалини эстетик баҳолаш хаёл ва тўқима ёрдамида қайта бичиб, қайта тикланаёган турмушни сайқаллаштириш, типиклаштириш ва индивидуаллаштириш воситаларидан унумли фойдаланиб, образлар оламини яратиш имкониятларини бой бериб қўйган.

Характерлар оламини яратиш - ёзувчининг бош ғояни танлаши ва унинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмларнинг ўзаро ақлий ва ҳиссий жиҳатлардан жой-жойига тушиши, тасвир меъёри ва бунинг бош бадиий ғояга мувофиқлиги тақозо этилади.

"Оқибат"да ана шундай мувофиқлик кўзга ташланмайди. Воқеанинг маркази иккига бўлиниб кетади. Бири - Новгород заминида, иккинчиси - Иваново тупроғида. Ҳар иккала воқеа марказида ҳам ўзбеклар Россия тупроғида ҳашарга боргани, муваффақият билан қурилишни давом эттираётганликлари, уларнинг ўзаро мусобақадошликлари, борди-келди қилиб тажриба алмашишлари, қурилиш майдонларидаги айрим қийинчиликлар, уларни енгиш ва оқибатда тантаналарнинг бошланиб кетиши сингари оддий журналистик кузатишларнинг бир меъёрдаги кетма-кет баёни берилади холос. Бу эса асар ғоясини белгилайдиган бадиийликдан йироқдир. Биз бу ўринда ёзувчининг роман ёзишдан мақсади жуда улкан эканлигини унутмаганимиз ҳолда асарнинг ғояси асосида ётган автор мақсадининг бадиий ғоя сифатида рўёбга чиқмаганлигини айтиб ўтмоқчимиз, холос. Ўзбекларнинг Россия тупроғини ҳашар йўли билан обод қилишни тасвирлашдек, аниқ, ҳаққоний ва олийжаноб мақсад жонли, жўшқин ва бадиий манзаралар ва характерлар оламида ўз ифодасини топмаган. Зотан, ғоя барча қисмларни ягона марказга бўйсундира олмагани сабабли асар заиф бўлиб чиққан. Натижада, жонли тасвир ўрнини узлуксиз баёнлар эгаллаб олган.

Яна бир асар - ёзувчи Жонрид Абдуллахоновнинг "Хонадон" романини олий кўрайлик. Бу романда қишлоқ аҳли ҳаёти, фаолияти, улар ўртасидаги ўзаро тўқнашувлар, кўпдан ҳамманинг хаёлида юрган ва ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар кўтарилиши кўзда тутилган. Шу нуқтаи назардан қишлоқнинг етакчи шахслари образи колхоз раиси, унинг хонадони, район раҳ-

барлари, қишлоқ истиқболига қизиқувчилар образлари қаламга олинган.

Романнинг марказига Жавҳар Сардоров образи қўйилган. Ана шу образ тақдири мисолида машҳур раис хонадонининг емирилиш тарихи анча ҳиссий асосга эга. Бироқ характерда ифодаланаётган бадиий ғоянинг тўлақонли бўлиши учун ижтимоий асос ҳам етарли бўлиши лозим эди. Жавҳар ўз отасининг умр йўлдошига хиёнат қилишидан, ахлоқий бузилишидан жуда эзилади. Унинг ўлими хонадоннинг инқирози тарзида ҳис-ҳаяжон уйғотади. Бироқ ижтимоий асоснинг қамлиги, оила умри нима сабабли фожеа билан тугади, дейилган жумбоқни очиб беришга ожизлик қилади.

Марказий образлардан яна бири Расул Комиловичдир. Бу образда даврнинг руҳи, мураккаб вазият анча ёрқин ифодаланган. У меҳнат қаҳрамони, обком аъзоси, ҳар йили белгиланган иш режасини ошириб бажарувчи илғор ва барча кўрсаткичлар бўйича республика миқёсида донгдор шахс. У ўз территориясида шу қадар ҳокимки, барча ундан ҳайиқади. Пахтага ҳаддан зиёд меҳр қўйган. Ундаги ана шу хислат - даврнинг руҳини пахта яккахокимлигини озми-кўпми ўзида умумлаштирган бадиий ғоя тарзида китобхонларни қизиқтириб, роман бадиийлигини, заифроқ бўлса ҳам, таъминлайди.

Бироқ, Расулжон қанчалик ташаббускорлик, уддабуронлик кўрсатмасин, бу образда ақлий асос кўпайиб кетиб, ҳиссий асос жуда ҳам заиф бўлгани учун характернинг бадиийлик даражаси кутилган савияга кўтарила олмаганига дуч келамиз.

Умуман олганда, Жонрид Абдуллахоновнинг "Хонадон" романи китобхон оладиган маънавият жиҳатидан даврнинг етук бадиий ҳужжати даражасига кўтарила олмаган. Бу ҳол роман образларидаги бадиий ғоянинг умумлаштирилган, айни чоғда индивидуаллаштирилган тарзда қиёмига етмаганини кўрсатади.

Кўриниб турибдики, ўзбек романларида ғоя ва унинг образларда мужассам этилиши ва ўзининг реалистик кўринишлари тарафидан ғоятда бойиб, кенгайиб, сайқалланиб бормоқда.

III БОБ

ЖАНРИЙ ИЗЛАНИШЛАР

Роман жанри билан қизиқувчи олимларнинг кузатишларига кўра, эпик тур бир вақтлар тарқоқ ҳолда яшаган кичик жанрдаги асарларнинг туркумланиши натижасида пайдо бўлган. Шунингдек, эпик туркумланишнинг тобора тараққий эта бориши беқиёс даражада бой имкониятларга эга бўлган мураккаброқ ва сертармоқ янги сюжет тузилишининг юзага келишига сабабчидир. Бундай мураккаб тараққиёт жараёнлари ўз бошланишини достонлардан олган, янги бир жанрнинг, яъни роман жанрининг шаклланишига олиб келган. Халқ китобларининг туғилиши эса, роман жанрининг пайдо бўлиш вақтини яқинлаштирган. XVIII асрга келибгина романнинг специфик жанрий табиати аниқлик касб эта бошлаган.

Француз адиби ва санъат назариётчиси Эмиль Огюст Ален "Нафис санъатлар силсиласи" асарида роман воқеалари билан тарихий ҳаёт воқеаларини таққослаб бундай дейди: "Энг гўзал тарихий асарга ҳам жисм-гўшт етишмайди, у ҳамиша анчайин мавҳум бўлади. Эпик асарда эса жонли фикр ҳаракат қилгани учун унда ўзига яраша ишончлилик ва ҳаётийлик бор"[1].

Француз адибининг эпик бадиий асарни тарихий асардан ҳаётийроқ деб пародоксал фикр билдиришининг боиси, бизнингча, шундаки, тарихий асарда ҳамма томондан эътироф этилган, ҳукумат тасдиқлаган фикр айтилади. Эпик асарда, хусусан, романда эса қаҳрамонлар ўз табиати, феъл-атворига кўра ҳаракат қилади. Шу маънода адабиётчилар Бальзак романлариини барча сиёсатчи, иқтисодчи, тарихчиларнинг асарларидан кўра, кўпроқ билим беришини таъкидлаган эдилар. Бальзак, Диккенс, Флобер, Стендаль, Лев Толстой каби буюк ёзувчилар ўз асарларида бадииятнинг янги дунёсини яратдилар, ўзида гўзалликнинг мисли кўрилмаган ҳолатларини инкишоф эта олишларини тасдиқлашди. Шунинг учун ҳам бу ижодкорларнинг замондоши Гегель ўз давридаги роман ҳақида тўхталиб, эпос қадимги даврда

---

[1] Писатели Франции о литературе. М., Изд. "Прогресс", 1978, стр. 87.

қандай қудратга эга бўлган бўлса роман ҳам ҳозирги даврда ана шундай кучга эга бўлиши керак, деган эди[1].

Роман жанрининг бу даврга келиб етакчилик қилганини машҳур назариётчи В.Г.Белинский романга "замонамизнинг эпопеяси"[2] деб таърифлаганидан ҳам билиш мумкин. Аммо, устоз мунаққиднинг бу фикри ҳамма турдаги эпик асарларга, ҳамма романларга эмас, балки кўпроқ тарихий романларга тааллуқлидир. Аслида, романда айниқса, психологик романларда тарихий ёки тўқима воқеалар инсон характеридан, руҳий оламидан келиб чиқади. Зотан, романда ҳаёт воқеаларидан кўра, инсоннинг руҳий-маънавий олами биринчи ўринда туради. Ростдан ҳам психологик роман устаси Густав Флобернинг "Бовари хоним" романида аёл кечинмалари асосий ўринни эгаллайди. Бу асарда аёлнинг ишқий саргузаштларидан ташқари бирор эсда қоларли ҳаётий воқеа йўқ. Шу важдан, бу романда инсон руҳий кечинмалари етакчилик қилади. Бизнинг асримизда ҳам наср жанрлари орасида роман инсон ҳаёти ва давр муаммоларини акс эттиришда ўз фаолиятини қўлдан берганича йўқ. Бу фикрни ҳам адабий, ҳам илмий манбалар асосида исботлаш мумкин. Чунончи, таниқли рус ёзувчиси И.А.Гончарев ўз даври Европа адабиётида шеъриятдаги инсонга сабоқ берувчанликнинг энг яхши хусусиятлари романга ўтганлигини қониқиш билан қайд этади[3].

Бироқ, ҳозирги роман жанри замонамизнинг муҳим ижтимоий масалаларини ва замонамизнинг бой ҳамда дардли ва туғёнли ички дунёсини нечоғлик тўлақонли акс эттираётгани ҳақидаги мунозаралар тўхтамаяпти. Унинг табиатидаги эпик қўламдорлик, мураккаблик, ички ривожланиш ва шаклидаги ўзгаришлар ҳам бу мунозараларга сабаб бўлаётир. Хусусан, 1963 йилда бўлиб ўтган ёзувчиларнинг халқаро симпозиумида ва халқаро маданият марказларидан бири Серизила-Салдаги (1971) форумда, Страсбург университетида (1975) бўлиб ўтган баҳсда ҳамда "Вопросы литературы" журнали томонидан собиқ совет ва чет эл адабиётшунослари иштирокида ҳозирги замон романчилигининг муаммоларига бағишлаб ўтказилган баҳсда (1978) бир тоифа

---

[1] Қаранг: Гегель. Сочинения. Т. XIV., М., 1958, стр. 273.

[2] Белинский В.Г. Танланган асарлар. 175-бет.

[3] Батафсил қаранг: Гончаров И.А. Собр. Соч. Т.8. М., 1955, стр. 211.

адабиётчилар "романнинг умри тугади" дейишган бўлса, иккинчи бир гуруҳдагилар "роман яшамоқда ва яшайди" деган тезисни илгари суришди[1].

Таниқли собиқ совет адабиётшуносларидан М.Бахтин, В.Чичерин, В.Днепров, В.Пискунов, Л.Ершов, Л.Якименко, В.Оскоцкий, В. Кожинов, М.Кузнецовлар ўз тадқиқотларида роман жанрининг бугунги тараққиёти хусусида жуда қимматли фикрларни олдинга суради[2].

Жаҳон адабиёти институти олимлари томонидан ҳозирги замон роман жанрининг тараққиёти масалаларини ўрганишга бағишлаб нашр этилган тадқиқотлар тўпламларида[3] ва кейинги йиллардаги "Литературная газета" саҳифаларида бўлиб ўтган қизғин баҳсларда унинг дунёни эстетик жиҳатдан ўзлаштириш борасидаги янги кўринишларни намоён этаётганлиги эътироф этилди.

Дарҳақиқат, роман яшамоқда ва яшайди. Чунки ҳаётни акс эттиришдаги энг катта имкониятлар ва эпик кўламдорлик роман жанри доирасида ўзини намоён этади.

Аммо, роман ёзиш деганда фақат асар ҳажмини тушунадиган, юзлаб саҳифаларни зерикарли тафсилотлар билан тўлдирадиган адиблар ҳам йўқ эмас. Роман қаҳрамонлари ҳамма табақадаги, ҳамма касбдаги китобхонларни қизиқтира олиши зарур. Австриялик атоқли адиб Стефан Цвейг буюк инглиз адиби Чарлз Диккенснинг Оливер Твест ҳақидаги романига юксак баҳо бериб,

---

[1] Қаранг: Журн. "Иностранная литература", 1963, № 11; Журн. "Вопросы литературы", 1978, № 12.

[2] Қаранг: Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. М., "Художественная литература", 1975; Днепров В. Черты романа XX века. М.-Л., "Советский писатель", 1965; Пискунов В. Советский роман - эпопея. М.,"Сов.пис.", 1976; Ершов А. Руский советский роман. Л., "Наука", 1967; Якименко Л. На дорогах века. М.,"Художественная литература", 1973; Оскоцкий В. Богатство романа.М., "Сов. пис.", 1976; Кожинов В. Происхождение романа. М., "Советский писатель",1963; Кузнецов М. Советский роман. М., "Сов.пис.", 1980.

[3] Советский роман. Новаторство. Поэтика. Типология. Сб. статей.М., "Наука", 1978; Советский многонациональный роман. Сб.статей. М.,"Наука", 1985; Современные проблемы романа в советском и зарубежном литературоведении. Сб.статей. М., 1984; Современный советский роман. Сб. статей. Л., "Наука", 1979.

унинг жозибали тили ва санъаткорлигини чуқур таҳлил этади. Диккенс шу қадар қизиқарли ёзган эдики, у турли қитъаларда ўз романларидан парча ўқиб берадиган пайтларда минглаб китобхонлар бир кун аввал уйларидан кўрпа-тўшакларини олиб келиб, зиналарда ётиб олишаркан[1]. Агар асар қаҳрамонлари ўзларининг тақдирлари ва қилмишлари билан қалбни тўлқинлантирмаса, албатта бундай романдан қизиқарли ҳикоя яхши.

Шу ўринда машҳур ёзувчи М.Шолоховнинг бундан анча йил илгари айтган қуйидаги гапларини эслаш ўринлидир: "шахсан мен учун роман яшаши керакми ёки йўқми" деган муаммо туриши мумкин бўлмагандек гап.

Масала қандай экиш ва қандай қилиб яхши ҳосил етиштириш зарур? - деган моҳиятда қўйилиши мумкин.

Шунга ўхшаш, романнавис сифатида мен учун ҳам халқимга, китобхонларимга, шарафли хизмат қиладиган романни қандай қилиб яхшиласа бўлади, деган муаммо кўндаланг туриши мумкин"[2].

Жаҳон халқлари адабиётининг тараққиёти мисолида шуни кўриш мумкинки, реалистик адабиётнинг яшаш жараёни роман билан боғлиқ, бошқача айтганда, роман жанри ҳам бадиий адабиёт жанри сифатида ўз вазифасини тугатгани йўқ.

Бизнингча, таниқли рус ёзувчиси Ю.Бондаревнинг қўйидаги фикри роман жанрининг ҳаётийлиги ва эстетик вазифаси ҳақидаги баҳсларга ясалган хулосадир: "Чамаси, инсонда ҳозирча андак ишонч ва умид бор экан, адабиёт ҳам, роман ҳам яшайди"[3].

Ўзбек адабиётшунослигидаги роман жанрига бағишланган ишларда рус ва жаҳон адабий танқидчилигидагидек кўп қирралилик кўзга ташланмайди. Хусусан, адабиётшунослигимиздаги мавжуд ишларда романнинг умри "тугадими" ёки "яшайдими" каби йўналишдаги тадқиқотларга нисбатан жанрнинг адабиётимизда туғилиши ва шаклланиши, улардаги тарихий тематика, психологизм, маҳорат масалалари ҳамда ҳозирги ривожланиш

---

[1] Қаранг: Маҳмудов М. Ғариблар номини мунаввар этган адиб. Ч.Диккенснинг "Оливер Твистнинг бошидан кечирганлари" номли романига сўнгги сўз. Т., 1984. 295-300-бетлар.

[2] Шолохов М.С. Честью послужить народу. "Литературная газета", 1963, 3 август

[3] Кўчирма адабиётшунос В.М.Литвиновнинг "Проза 1984" номли китобчасидан олинди. М., "Знание", 1985, стр. 16.

принципларини ўрганиш етакчилик қилади. Улар орасида М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов, С.Мирвалиев,Л.Қаюмов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, Э.Каримов, Б.Назаров, Н.Худойберганов, С.Мамажонов, Н.Каримов, П.Шермуҳамедов,Х.Умуров, А.Каттабеков, А.Раҳимов, Н.Шодиев каби олимларимиз қаламига мансуб ишлар ажралиб туради.

Сўнгги йилларда роман жанрининг бойлиги ва йўналишлари илгаригига нисбатан сезиларлироқ даражада ўзгариб бормоқда. Эпос, лирика ва драманинг ички тузилиши янгиланмоқда, улар орасида ўзаро яқинлашиш муносабатлари шаклланмоқда. Бу билан жанрнинг асоси бутунлай йўқолиб кетаяпти, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Ҳар бир муайян ҳолда роман лириклаштирилган, драматиклаштирилган ва қатъий эпиклаштирилган бўлса-да, ҳар доим романлигича қолади.

Таниқли адабиётшунос Э.Каримовнинг роман жанрининг жаҳон адабиёти миқёсида бойиб, ривожланиб бориши ҳақидаги қуйидаги мулоҳазалари характерлидир: "Роман шаклларининг такомиллашиши унинг кучли ривожланган даврида мундарижанинг бир марказга уйғунлашиши ҳисобига юз берди. Стендалнинг "Қора ва Қизил", Флобернинг "Мадам Бовари", "Саламбо", Мопассаннинг "Ҳаёт", "Азизим", Тургеневнинг "Рудин", "Арафа", Достоевскийнинг "Тентак" каби романлари ўз ҳажмига кўра, унча катта бўлмаса-да, мазмунан ҳайрон қолдирадиган даражада кенгдир. Шу тарзда романнинг бадиий яхлитлиги сюжет тузилишларининг имкониятлари ҳисобига тобора ўсиб борди.

Улкан роман конструкцияларида сўз сиқиқлик, фикр эса кенглик касб этади. XIX асрда яратилган ана шундай романларни Салтыков-Шчедрин "кичрайтирилган коинот" деб атаган эди"[1].

Дарҳақиқат, ўзбек романчилигининг пайдо бўлиши ва жанрнинг ривожида ҳам "мазмуннинг ҳайрон қолдирадиган даражада кенглиги", "кичрайтирилган коинот" таъриф-тавсифларининг тўғри келишини кўрамиз.

Жаҳон адабиётида Гёте, Пушкин каби йирик адиблар лирик ва драматик турга нисбатан эпик турнинг

---

[1]Адабиёт назарияси. Икки томлик. 2-том. Т.,"Фан" нашриёти, 1979, 214-бет.

тасвир имкониятлари устун эканлигини эътироф этишгани маълум[1].

"Эпоснинг ҳамма асоси, муҳим хусусиятлари романда бордир, - деган эди В.Г.Белинский - фақат айирмаси шундаки, романда бошқа элементлар, бошқа манзара ҳукм суради... Роман ўз мазмуни учун ё тарихий воқеани олиб, унинг соҳасида, эпосдаги каби, қандай бўлмасин бир воқеани кенгайтириши мумкин: фарқ бу воқеаларнинг характерида: демак, воқеани ўстириш ва кўрсатиш характеридадир; ёки роман ҳаётни мавжуд воқеликда унинг ҳақиқий ҳолатида олиши мумкин"[2].

Буюк танқидчининг фикрларидан шу нарса ойдинлашаяптики, эпиклик прозанинг роман жанрига ҳам, роман-эпопея шаклига ҳам хос бўлган хусусият бўлиб, автор томонидан танланган воқеа ижодий ниятга кўра роман ва роман-эпопея жанри доирасида чегараланиб олиниши, ўстирилиши ҳам мумкин экан.

Кези келганда шуни айтиш кераки, ҳозирги адабиётшуносликдаги айрим ишларда прозадаги эпиклик турлича талқин этилмоқда. Хусусан, адабиётшунос И.Кузьмичев роман ва эпопеянинг бир-биридан фарқларини тўғри илғаган ҳолда, уларни ўзаро бирикмайдиган бадиий қурилиш сифатида талқин этиши ҳақли эътирозга йўл очади[3].

Роман жанрининг энг машҳур тадқиқотчиларидан бири, француз олими Пьер Декс "Романнинг етти асри" китобида йирик инглиз, француз, немис адиблари ижодига мурожаат қилиб, ғоят қизиқарли фикрларни ўртага ташлайди. Чунончи, у қадимий юнон эпоси "Илиада" достонида, француз трубадур (рицарь) шоирларнинг достонларида романга хос тафаккур илдизларини кўради[4].

Олимнинг бир қанча фикрларида зиддиятли, ғалати продоксал кўринса-да, аслида уларда жон борлигини сезамиз. Пьер Декс, аввало, достонга хос эпик тасвирга эътибор беради. Масалан, "Илиада" достонида Ахайялик грекларнинг трояликларга қарши ўн йил давом этган

---

[1] Қаранг: Пискунов В. Советский роман - эпопея. "Советский писгель" 1975, стр.9.

[2] Белинский В.Г. Танланган асарлар. 175-бет.

[3] Қаранг: Кузьмичев И. Герой и народ. М., "Современник", 1973, стр. 53-55.

[4] Қаранг: П.Декс. Семь веков романа.М.,Изд. инос.лит.,1962. стр. 84-85

урушининг тафсилотлари тасвирланади. Ҳақиқатан, эпиклик бирор асарда кўпроқ даврни қамраб олишда ҳам кўринади. Демак, буюк достонлардан озиқланган романга хос қонуниятлардан бири - ундаги давр тасвиридир.

Бу жиҳати билан роман илмий-тарихий асарларга ўхшаб кетади. Аммо, биз Геродот, Фукидид, Ксенофонт, Тае Плутарх каби буюк тарихчиларнинг асарларига мурожаат қилсак, бир қарашда улар романга алоқасиздай, тўғрироғи, унинг тарихий асарга сира алоқаси йўқдай кўринади. Аслида тарихий асарлар асосида романдан кўра кўпроқ драмалар, трагедиялар вужудга келган. Шекспир тарихий трагедияларнинг кўпчилиги ("Юлий Цезарь","Анатолий ва Клеопатра", "Корлиолон") буюк рим тарихчиси Плутарх асарларидан озиқланганлигини кўрамиз. Ҳатто, Шекспирнинг баъзи драмаларида Плутархнинг машҳур "Қиёсий ҳаётномалар" китобидаги кўпгина тарихий фактлар шундоғлигича олинганлигини кўрамиз.

Аммо, бу ҳодиса ҳам романнинг эпосга алоқаси йўқлигини билдирмайди. "Алпомиш", "Ширин ва Шакар", "Кунтуғмиш" каби ўзбек халқининг дурдона эпосларини бемалол романга қиёслаш мумкин. Мана шу достонлардаги эпик кенг, муфассал тасвирда, қаҳрамонларнинг характерлари тўлақонлигида, улар руҳий оламининг бойлиги ва ранг-баранглигида романий фикрлаш тафаккурининг манбаларини кўрамиз.

Роман жанри туғилиши ва тарихи моҳиятига кўра, эпиклик билан тарихий жиҳатдан боғлиқ. Ўз навбатида эпиклик унинг асосини ташкил этади. Умуман олганда, романда ҳар доим эпикликнинг моҳияти устунлик қилади. Шунинг учун ҳам Гегель, Бальзак, Белинскийлар роман жанридан эпопеяга хос бўлган эпикликни ажратишга қарши турганлар[1]. Аммо, роман соҳаси эпик достон соҳасига қараганда беқиёс даражада кенгдир[2]. Чунки, "романда асосий қаҳрамон воқеадир. Ижтимоий муҳит ва халқ, жамият ва инсон тақдири, тарихий муҳит (давр) ва қаҳрамонлар феъл-атворини воқелик белгилайди"[3].

---

[1] Қаранг: Чичерин А.В. Возникновение романа-эпопеи. М., "Сов. пис.", 1958, стр. 34.

[2] Белинский В.Г. Мақолалар.Т., Ўздавнашр, 1948, 82-бет.

[3] Каримов Э., Назаров Б. Эпос - адабий тур сифатида. "Адабий турлар ва жанрлар" китобида.1-жилд. Т., "Фан" нашриёти. 1991, 14-бет.

Роман жанрининг эпопеяга хос бўлган эпиклик характери ва моҳиятини бадиий адабиётдаги турли даврларда яратилган асарлар тасдиқлайди. Адабиётшуносликда адабиётнинг дастлабки тараққиёти давридаги йирик тарихий воқеаларни, ҳаётдаги ижтимоий синфлар курашини кенг тасвирловчи барча романларни эпопея атамаси билан талқин этиш мумкин. А.Толстойнинг "Уруш ва тинчлик", А.Серафимовичнинг "Темир оқим"", Д.Фурмановнинг "Чапаев", М.Шолоховнинг "Тинч дон", А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", С.Айнийнинг "Қуллар", Ойбекнинг "Навоий", "Қутлуғ қон" каби асарлари ана шундай роман-эпопеялардир.

Таниқли ёзувчилар яратган асарлар роман ва роман-эпопеянинг бадиий жиҳатдан узвий боғлиқликда эканлигини ва шу билан бирга улар ўртасида воқеликни тасвирлаш ва характерларни кўрсатишда фарқланувчи хусусиятлар мажуд эканлигини исботлайди. Кези келганда шуни айтиш керакки, роман-эпопеянинг жанр табиатини ўрганишни биз олдимизга мақсад қилиб қўймасакда, адабиётшуносликдаги бу хусусда юзага келган ишларга тўхтаб ўтишга тўғри келади. Хусусан, баъзи ишларда роман ва роман-эпопея бир-биридан фарқланмайди. Чунончи, адабиётшунос В.Чичерин роман жанридаги бу икки кўринишни бир номда - "роман эпопея" деб аталишини маъқул кўради. У ёзади: "Роман термини "Уруш ва тинчлик" тимсолида сақланиб қолиш учун тўла асосга эгадир. Ахир, бу асар фақат ўзининг ички ва ташқи кўлами билан роман миқёсидан ортиб кетиши жиҳатидангина "роман эмас". Роман-эпопея шундай романки, у ўзининг одатдаги ички ва ташқи миқёсидан ўтиб кетган бўлади"[1] .

Масалага А.Чичерин нуқтаи назаридан ёндошилса, ҳаётда юз берган воқеаларни чуқур ва кенг қамровли ҳолда тасвирлаган, унинг ижтимоий моҳияти ва илдизини очиб берган, бутун халқнинг кураш тарихини ёритган романларни ҳам ёки ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда баъзи хусусиятлар билан повестга яқинлашадиган "Душман", "Нур қидириб", "Эр бошига иш тушса", "Бинафша атри" каби асарларни ҳам бир номда - роман-эпопея деб аташ керак. Бироқ, ушбу асарлардаги ички мазмун, тасвирланган ҳаёт воқеалари ва қаҳрамонлар фаолиятининг

---

[1] Чичерин А.В. Возникновение романа-эпопеи. стр. 32.

қўлами, улар ташиётган ғоя, ифодалаётган конфликтлар бу имкониятни бермайди. Шунинг учун ҳам А.Серафимович роман ва роман-эпопеядаги эпик тасвирнинг ўзига хос хусусияти ҳақида тўхталиб, ўзининг "Темир оқим" асари мисолида бундай деб ёзган эди:"...Бордию мен кенг тасвирлашни содир этиб, маиший тарзларни юзага чиқарганимда, инсонни барча томонлардан кўрсатганимда, советлар даврининг қандайдир "Уруш ва тинчлик"ка монанд бирон нарса юзага чиқиши мумкин бўларди"[1].

Роман-эпопеяларга хос бўлган эпикликни адабиётшунос Л.И.Тимофеев кенгроқ ва чуқурроқ шарҳлайди. Унинг ёзишича, "Эпос термини икки маънога эга. Тарихий-адабий маънода эпос деб халқ достонлари ва эртакларига айтилади. Назарий маънода эпос деб шундай жанрга айтиладики, унинг асосий хусусиятлари инсон характерининг кенг, ёйиқ тасвирини беришдан иборатдир"[2]. Ў Гегелнинг "эпиклик инсон шахсини омма билан, жамият билан, халқ билан биргаликда олиб тасвирлашнинг махсус бир типи деб" қарашни мавҳум ва маҳсулсиз деб ҳисоблайди. Бу ўринда Л.И.Тимофееев эпос терминининг бадиий адабиётдаги функционал маъносини тўғри таърифласа-да, Гегель нуқтаи назарига бир ёқлама ёндошади. Негаки, инсон шахси аниқ тушунча бўлиб, барча адабиёт турларида жамият ва халқ билан бирон бир даражада узвий алоқада тасвирланади.

Адабиётшунос Л.Якименко М.Горький, М.Шолохов, А.Толстой, Д.Фурманов, А.Фадеев, К.Федин каби йирик романчилар тажрибасига таяниб, ҳозирги давр роман-эпопеяси қуйидаги муҳим хусусиятларни амалга оширгандагина муваффақиятли ривожланишига ишора қилади: "Қаҳрамонни ёки бир неча қаҳрамонларни танлаб олиш даврнинг муҳим белгиларида намоён бўлишига имкон бериши керак, бунда қаҳрамон ёки қаҳрамонлар давр билан тенг бўлишлари даркор.

Тарихий ҳодисаларни саралаш фақат қаҳрамоннинг ички ҳаёт йўли билан белгиланмайди, айни чоғда у

---

[1] Қаранг: Якименко Л. На дорогах века. Изд. 2-е. М., "Художественная литература".1978, стр. 39

[2] Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. Изд. 4-е. Испр. М., "Просвещение", 1971, стр. 357.

тарихий жараённинг қонуний ва муқаррар томонлари содир этилишига имкон бериши керак"[1].

Ўзбек адабиётида фақат эпик шеъриятдагина эмас, балки эпик прозада ҳам ҳаёт материалларига ёндошиш, турмушдаги янгиланиш манзараларини бадиий идрок этиш, унинг энг муҳим қирраларини яратилажак асарларга асос сифатида танлаш жиҳатларидан бир-биридан фарқланиб турадиган романлар юзага кела бошлади. Масалан, А.Қодирий ўз ижодида оилавий ҳаётнинг фожеавий манзараларини ижтимоий тузумнинг фожеалари билан қўшиб юборишни намоён этган бўлса, Чўлпон ўз романида ўлканинг жаҳолат ва зўравонликка қарши норозилигини ижтимоий ҳаётнинг турли қатламлари таҳлили мисолида тасвирлаб берди. Ойбек ўз романларида миллий уйғонишни, ўзбек халқи турмушида янгича онгнинг шаклланишини биринчи планга қўйиб тасвирлайди. А.Қаҳҳор эса, турмушдаги салбий воқеаларни, уларнинг инқирозини бадиий ижодга олиб ўтиш орқали сатира ва юмор кучи билан ҳаётнинг ижобий томонларини улуғлашни ўз ижодининг бош мезони қилиб олди. Астасекинлик билан бўлсада, ҳаётни эпопея кўламида акс эттириш ўзбек романчилигига кириб кела бошлади. Албатта, бундай намуналарнинг пайдо бўлишида миллий адабий замингина эмас, жаҳон ва қардош халқлар адабиётида мавжуд бўлган ютуқлар, анъаналар ҳам муайян таъсир ўтказмай қолмади. Тўғри, бу йилларда Горькийнинг "Болалик", "Одамлар орасида", "Менинг дорилфунунларим", А.Толстойнинг "Сарсон-саргардонликда" ("Опасингиллар", "Ўн саккизинчи йил", "Булутли тонг") каби трилогиялар яратишга интилиш кузатилмаган эди. Шунга қарамай, бу типдаги эпик асарлар руҳига интилиш, уларга хос, ёзувчининг яхлит ва бош ғоявий ниятини, муайян маънодаги мустақил сюжетлар орқали ўзаро бадиий асосда боғлаш каби хусусиятларга эргашиш тамойили кучли эди. Масаланинг бу томони дастлабки ўзбек роман дилогияларини рус ёзувчилари И.Ильф ва Е.Петровнинг "Ўн икки стул", "Олтин бузоқча" романларига кўпроқ қиёс этиш ҳуқуқини беради.

Шу тариқа ўзбек адабиётида катта эпик шаклга молик асарлар яратиш анъанаси бошида талантли ўзбек адиби Чўлпон турганлигини, унинг "Кеча ва кундуз"

---

[1] Якименко Л. На дорогах века. стр. 47

(1935) дилогияси бу соҳадаги илк ва ажойиб намуналардан бири бўлганлигини фахр туйғуси билан эътироф этишимиз керак. Гарчи, бу эпик асарнинг иккинчи - "Кундуз" қисми машъум ва аламли сталинизм даври қабоҳатлари туфайли ўз эгаларига, авлодлар қўлига етиб келиш неъматидан маҳрум қилинган бўлса-да, унинг ўзига хос "Ўтган кунлар"дан иборат мавжуд ва қайта нашр этилган қисми[1] дилогиянинг катта санъаткорлик маҳорати билан яратилганлигига шубҳа сололмайди. Ҳозирги ўзбек романи ўзининг эпик қўламдорлигини А.Қодирий ва Чўлпон асарларида кўрган бўлса, Ойбек романларида ғоявий ва бадиий етуклик синтезлашган образли тафаккурнинг мевалари намоён бўлади. Устоз ёзувчи "Қутлуғ қон" романида ўзбек халқи миллий онгининг уйғонишини деталлаштириш, яъни ҳаётнинг кенг ва ёйиқ тасвирини бош қаҳрамон Йўлчи онгига таъсир ўтказиш нуқтаи назаридан туриб ижод этган бўлса, "Улуғ йўл" романида уни янада мукаммаллаштиради. "Улуғ йўл"да эпик кенглик баъзан публицистик жўшқинлик билан, гоҳо дилларни қитиқловчи лиризм билан, баъзида китобхонлар онгига кучли таъсир ўтказувчи ҳалсафий чуқурлик билан, гоҳида ҳиссиётларни ларзага келтирадиган теран психологизм билан, ўрни келганда чуқур мушоҳадалар гирдобига олиб кирувчи - теран таҳлилий (аналитик) тадқиқотлар билан чатишиб кетади.

"Улуғ йўл"даги жанрий изланишлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ижод жараёнида объект билан, яъни асарга ҳаётий материал сифатида танланган турмуш манзаралари тасвири билан ижод субъекти яхлитлашиб кетади. Ижодкор шахсиятида олам воқеаларини теран англаш ва акс эттириш қобилияти, ижодий фантазия, хотираларнинг қуйма ҳолга келиши ижодий савиянинг юксаклиги, туйғу ва завқнинг чуқурлиги туфайли эпик тасвир ранг-баранглашиб боради. Давр воқеаларининг шиддатли ривожланиши роман саҳифаларига қайта ишланган, ижодий фантазияси фильтридан ўтказилган ҳолда сараланиб киритилади. Ёзувчи воқеаларни гоҳ мадраса хонадонларида, гоҳ майдонларда ва паркларда, гоҳ бойлар хонадонларида, гоҳ бозорларда, гоҳо меҳнаткаш халқнинг фақирона кулбаларида, хуллас, жуда кенг

---

[1] Чўлпон. Яна олдим созимни. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1991.

эпик планда, бутун зиддиятлари билан, қабиҳлиги ва қаҳрамонликларини узвий ҳолда эски удумларнинг йўқолиши ва янги тартибларнинг шаклланувн жараёнида кашф этади. Воқеалар ўрни алмашувининг бу хилдаги кенг кўламлиги эпик тасвирнинг хилма-хил кўринишларини талаб қилади. Воқеалар бойлар хонадонида, уларнинг тўйларида ёки руҳонийларнинг йиғинларида ривожланади. Давр ўзгаришлари жиддий тўқнашувлар, эзувчи синф вакилларининг тафаккурлари орқали таҳлил этилади. Ёзувчи услубидаги бош йўналиш, яъни Россияда ва Марказий Осиёда юз бераётган тарихий ўзгаришларга муносабат билдириш эпик тасвирнинг яхлитлигини келтириб чиқаради. Эпик тасвир эпик характер фаолиятининг кенг ва ёйиқ тасвири билан қуюқлаша боради.

Ёзувчи мадраса толиби Умаралини тасвир марказига олиб, унинг йирик характерини яратади. Китобхонларни унинг ҳужраси томон бошлар экан, у ерда янги кайфиятдаги шоир Сидқий, Хуррам Махсумларнинг давр ўзгаришлари ҳақидаги суҳбатларини, сатирик ва янги руҳдаги шеъриятнинг инсонлар онгини очишдаги ўрнини мунозарали тасвир орқали бериб борадики, бундай ўринларда янги бир кўриниш гувоҳи бўламиз. Умуман, жиддий мунозара руҳи даврнинг бош белгиси сифатида роман саҳифаларига олиб кирилади ва эпик тасвир конфликтнинг ўткирлаша борувига кучли таъсир ўтказади. Мунозара руҳи ҳамма жойда, ишчилар йиғинларида ҳам, бир-бирига душман бўлган синфий кучлар тўқнашган шиддатли кураш майдонларида ҳам, бойлар ва руҳонийларнинг ташвишга тўла йиғинларида ҳам ҳукмронлик қила боради. Мунозара руҳи янги кайфиятдаги ишчиларнинг йиғинлари тасвирини беришда публицистик жўшқинлик касб этиб, даврнинг етакчи майлини очишга хизмат қилади. "Қутлуғ қон" романида Йўлчининг устози сифатида қамоқда учрашган Петров "Улуғ йўл" романида эпик тасвирнинг марказига олинади.

Дилогиянинг олдинги китобида Йўлчи ишининг давомчилари тарзида қаламга олинган Шокир ота, Унсин, Элмурод, Ўроз сингари образлар эпик характерлар даражасига кўтарилиб, улар фаолиятларининг давр ўзгаришлари билан чатишиб кетган ёйиқ тасвири берилади.

Агар биз "Қутлуғ қон" романида ўзбек халқининг янги даврга кириб келиш йўлини биргина бош қаҳрамон Йўлчи характерида умумлаштирилиб, типиклаштирилиб берилганига дуч келган бўлсак, "Улуғ йўл"да уларнинг

сони кўпая борганини кўрамиз. Роман марказида Унсин, Элмурод, Петров, Умарали, Зумрад сингари бир қанча эпик характерлар туради. Ёзувчи ана шу эпик характерлар кашфиётида даврга хос бўлган мунозарали баҳслар, оилавий тортишувлар руҳини тасвирга олиб киради.

Кўриниб турибдики, дилогиянинг биринчи китоби миллий қўзғолоннинг даҳшатли маназаралари билан, бош қаҳрамоннинг ўлими ва ундан қолган ёлғиз хотира билан, эпосларга хос жанг ва йиғи билан тугаган бўлса, "Улуғ йўл"да зафарли юриш билан, улуғ йўлнинг порлаши билан ниҳоясига етган. Энди бу китобда ўлимнинг қам, бахтсизликлар салбий кучлар томонига ўтиб, ижобий кучлар муҳитида ғолиблик онларининг кўпайиши тасвири билан характерланади. Бахтга қарши улуғ йўл - ҳисобланган ўзгаришлар йўли оқибатида, 70 йиллик тараққиётимиз тарихида ўзини оқламади ва ўткинчи-советлар даври бўлиб қолди. Лекин ўзбек романчилиги тараққиётида адабий-бадиий тасвир ранг-баранглигини таъминловчи дилогия шакли шу даврда шаклланди.

Албатта, прозамизда дилогия бирданига пайдо бўлмаганлигини таъкидлаш зарур. 70-йилларга қадар Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" дилогияси, Ойбекнинг "Навоий" романи, "Қутлуғ қон" ва "Улуғ йўл" дилогияси, Сергей Бородиннинг "Самарқанд осмонида юлдузлар" трилогияси ўзбек романчилигининг жанрий ранг-баранглигини ва эпик кўламдорлигини кўрсатиб келган бўлса, Ҳамид Ғуломнинг 1958-1961 йилларда ёзилган "Машъал" дилогияси узоқ вақтларгача адабий жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммасининг диққатини тортиб, қизғин баҳслар уйғотди.

Ҳамид Ғуломнинг "Машъал", Ойбекнинг "Қутлуғ қон" ва "Улуғ йўл" дилогиялари тасвирга олинган давр нуқтаи назаридан яқин туради. Агар Ойбек дилогиясида кўпроқ Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган воқеалар қаламга олинган бўлса, Ҳамид Ғулом асарида, асосан, воқеа уч жойда: Тошкент ва унинг атрофидаги Хумсон ҳамда Қум қишлоқларида бўлиб ўтади. Агар Ойбек дилогиясида эски ва янгининг тўқнашуви митинглар, мажлислар, қизғин суҳбатлар ва мунозаралар жараёнида фикрлар жанги тарзида кечиб, романлар сўнгида ижобий қаҳрамонларнинг қуролли жангги тасвири берилган бўлса, Ҳамид Ғуломнинг "Машъал"ида синфий курашнинг аёвсиз олишувлари, қуролли тўқнашувлар, ўлим ва йиғи ёнмаён яшайди. Кейинги романда ижобий кучларнинг эпик

тасвирига қанчалик аҳамият берилган бўлса, салбий кучларнинг эпик тасвирига ҳам ўшанчалик эътибор билан қаралади. У салбий кучларнинг бутун кирдикорларини тўлароқ ва мукаммалроқ яратмасдан туриб, турмуш зиддиятларини бутун салобати ва яхлитлиги билан бериш мумкин эмаслигини тушунади. Воқеалар оқими кучли тўқнашувлар гирдобидан олиб ўтилиб, Ботиралининг ҳалокатига олиб келиши ишончли тасвир билан йўғрилган. Анъанага айланиб қолган бош қаҳрамон сиймосида бутун бир тарихий даврнинг умумлашмаси берилиши қонуниятти нуқтаи назаридан ёшдошганда, бир қарашда роман воқеаси тугаб қолиши лозимдай кўринади. Аммо дилогия яратувчининг ижодий нияти бош қаҳрамонлардан бирининг ўлими бошқа талайгина қаҳрамонларни келтириб чиқарувчи омиллигини, тарихий тараққиётни биргина йирик шахсни ўлдириш билан тўхтатиб бўлмаслигини, унинг ўрнини босадиган фаол қаҳрамонлар меҳнаткаш халқ орасида жуда кўплигини намойиш қилишдан иборат эди. Бу ўлим дилогиянинг сюжет оқимига ўзгача тўлқинлар олиб кириши, меҳнаткаш халқнинг янги тузум яратишдаги кенг кўламли фаолиятини гавдалантириш томон буриб юбориши кўзда тутилган эди.

Ҳақиқатан ҳам шундай бўлади. "Душманлар" ўйлаганидек Ботиралининг ўлими уларга нажот йўлини очиб бермайди.

Дилогиянинг иккинчи китоби ҳам тарихий тараққиёт сюжет оқимини бошқариб боради. Бироқ бу тараққиёт ўз-ўзича эмас, балки қумқишлоқлик меҳнаткашларнинг шахсий фаолиятлари, оилавий ташвишлари, бахтиёр турмуш учун курашлари билан чатишган ҳолда давом этади. Бу хил чатишма эпик тасвирнинг гоҳ "салбий" кучлар хилватгоҳларидаги ёвуз ниятларини очиб ташлайди, гоҳ ижобий кучларнинг давр тараққиётини юзага келтираётган буюк ишларни талқинини қамраб ола боради. Агар дилогиянинг биринчи китоби ағдарилган миллий буржуазиянинг зарбаларига қарши кураш, янги ҳаётнинг таъмал тошини қўйиш, бойлар мулкини мусодара қилиш, давлатни қўлга олиш, қишлоқларда ерларни камбағалларга бўлиб бериш, умуман, меҳнаткаш оммани "бахтиёр ва нурли ҳаёт" томон етаклаш жанглари билан якун топган бўлса, иккинчи китобда янада кенгроқ кўламдаги тарихий тараққиёт даври қамраб олинади.

Дилогиянинг иккинчи китобидаги ўзбек халқининг миллий қиёфасидаги ўзгаришлар, руҳиятидаги янги жамият томон бурилишлар, Қумқишлоқ меҳнаткашлари характерининг синфий жангларда тобланишлари жараёнида типик бадиий образларга кўчирилиб берилади. Мавлон ака, Ўтап, Қамчи, Эъзозхон, Тозагул, Қумри сингари ўнлаб эпик қаҳрамонлар сиймоси китобда қад кўтаради.

Романда миллий кучларнинг фаоллик доираси кенгая боргани Қумқишлоқдаги янги ҳаётни чил-парчин қилишга ўнлаб эмас, бир қанча миллий ташкилотларнинг "босмачилар" деб аталган миллий қуролли кучларнинг даҳшат солишлари тарихий тараққиётнинг ўзидагидек, реал берилади. Дилогиянинг иккинчи китобидаги сюжет оқими майда шахобчалар билан бирлашиб, йирик дарёни ҳосил қилганидек, "салбий" кучлар ўсиб бориши кўрсатилиши билан бирга ижобий кучларнинг ҳам тобора қудрат касб этиб, енгиб бўлмас оқимини ташкил қилгани, бу оқимда ўзбеклар билан русларнинг бирлашиб кетгани ҳамда миллий, мустақил давлатни орзу қилган кучларнинг енгилиши холислик билан эмас, балки давр талабига мувофиқ тасвирланади.

Саид Аҳмад "Уфқ" трилогияси билан ўзбек романчилиги жанри ривожида янги саҳифа очди. Айниқса, унинг ҳикоя жанрига хос услубий изланишлари эпопеяга жило бахш этган. Трилогиянинг биринчи китоби "Қирқ беш кун" бу асарга роман-эпопея тусини беради. Асарда кўп сиймоли, кўп қиёфали халқ тимсоли намоён бўлади. Роман марказига қўйилган Азизхон образи эпик қаҳрамон тасвирига хос бўёқлар билан чизилган[1] .

"Қирқ беш кун" романидаги воқеалар, баъзан хотира, баъзан руҳий кечинмалар орқали иккита оила - Икромжон ва Умаралилар оиласида бола тарбияси, бу тарбиянинг ғоятда сирли, ечиб бўлмайдиган, истиқболли қаҳрамонликка ёки фожеага олиб борадиган жиҳатлари бадиий умумлашма даражасига кўтарила боради. Ёзувчи кичик-кичик новеллалар яратиб, Турсунбой тарбиясида инсоний қиёфани йўқотиш томон бораётган унсурларни бирин-кетин ишонтирарли даражада чиза борса, Азизхон тимсолида қаҳрамонликка элитувчи куртакларни кўрамиз: у севги ва висол учун курашиб, тўйни бузиб, ўз

---

[1] Каримов Э."Адабиёт назарияси" китобида. Иккинчи том. Тошкенг, "Фан" нашриёти, 1979, 233-бет.

маҳбубини олиб қочади, рўзғор бошига тушгач, ўзини турмуш кечириш гирдобига ташлаб, ҳалол меҳнат қилади. У шу гирдобдан ўзини ҳам, колхози ва юртини ҳам шон-шуҳратларга кўмувчи қаҳрамонликлар кўрсатади, иззат-обрў топади. Ёзувчи ўз қаҳрамони Азизхонни бирданига халқ хашарига олиб кела олмайди. Унинг туғилишидан тортиб, жиловсиз кучини бефойда уруш-жанжалларга сарф этгани, қозоқ паҳлавони Ҳожи Муқон томошаларини кўриб, унга шогирд тушиб, қочиб кетгани, ота-онаси милиция ёрдамида уни топиб уйга келтиришгани, севгилиси қўшни қизни зўрлик билан бошқага никоҳ қилаётганларида тўйни бузиб, олиб қочиши ва шу тариқа йўлда катта Фарғона каналининг бош инженери Бельявскийга учраб халқ хашарига қўшилиб кетиши, бош қаҳрамоннинг халқ паҳлавонлари билан меҳнат жабҳасидаги беллашувлари ғоятда ишонарли чиққан. Биринчи китоб воқеаларининг якунига борилгани сари ёзувчи қаламга олган эпик тасвир орқали, халқ ва қаҳрамон муаммосининг бадиий умумлашмасида китобхонларни лол қиладиган жозибадор кучнинг ғоятда нурлантириб берилганини, бу ғоявий нурлар ёғдусида меҳнаткаш халқнинг бағри сон-саноқсиз паҳлавонларга тўла эканлигини ҳис этамиз. Азизхон ана шу паҳлавонлар силсиласида дилларга ҳузур берувчи, фақат ўз жисмоний кучи билангина эмас, ахлоқий показилиги билан ҳам мафтун этган: у, ўзи олиб қочган севгилиси билан ота-она ижозатисиз, тўйсиз, никоҳсиз қўшилмайди, севгисилининг ўлимидан кейин ҳам унинг хотирасига содиқ қолиб, доктор қизнинг муҳаббатини инкор қилади. Бундай муносабатлар қаҳрамоннинг қадр-қимматини оширади. Азизхоннинг ўзбек романчилигидаги ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук қаҳрамон эканлигини намоён қилади.

Романнинг иккинчи китоби "Ҳижрон кунлари" деб аталади. Энди бу китобда уруш йилларидаги воқелик бутун зиддиятлари билан қаламга олинади. Саид Аҳмаднинг бу китобдаги илҳом ва маҳоратининг самараси, бу китобнинг тенгқурлари орасида ялтираб туришини, уни китобхон бошдан-оёқ шавқ билан ўқиб чиқишини Абдулла Қаҳҳор биринчилардан бўлиб кўрган эди. Ойбекнинг "Қутлуғ қон" ва "Улуғ йўл" дилогиясида, шунингдек, Назир Сафаровнинг "Кўрган-кечирганларим" ва "Наврўз" дилогиясида биринчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек қишлоқлари, фронтга эмас, фронтдан узоқ

жойларда ишлаш учун сафарбар қилинган мардикорлар устида бурқсаган тутун, мингбошиларнинг мажақланган калласи, полиция ўқидан қонга белланган одамлар тасвирланган бўлса, "Уфқ"да "Ўша мардикорлар, ўша халқнинг авлоди" (А.Қаҳҳор) эканидан ҳаяжонга тушасиз. Саид Аҳмад ўзбек халқининг турмушини тарих кўтарган юксакликдан туриб, илҳом ва маҳорат билан асарнинг ҳар саҳифасини, ҳар сатрини китобхоннинг кўнглини топиш меъёрида ярата олган:

"Бундай китобни ёзиш учун ёзувчининг маҳорати, китоб ёзишга ҳаваси, ҳатто енгиб бўлмайдиган хоҳиши ҳам кифоя қилмайди, буларнинг устида дард, ҳаёт берган илҳом, калла ва қалбдан бошқа ҳар қандай майда орзу-ҳавасни, ҳар қандай манфаат-ғаразни қувиб чиқарадиган йирик - юксак ғоя мавж урадиган илҳом керак...

"Уфқ" кечаги кунимизнинг каттакон ва яхлит парчасидир. Бир мамлакат, бир халқнинггина эмас, бутун инсоният оламининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган, одамларни, мамлакат бойлигини комига тортаётган буюк хунрезлик. Уруш бўлаётган жойларда харобалар орасидан қурбонлар остидан қон сизиб оқаётибди. Мамлакат ичкарисида пешона тери, кўз ёши, маҳрумият, қарғиш, наъра... "Уфқ" мана шу кунлардаги ўзбек қишлоғи ҳаётини тасвир қилади"[1] .

"Уфқ" трилогияси ўзбек халқининг 20-йиллардан то яқин йилларига қадар босиб ўтган қаҳрамонона кураш йўлини бадиий гавдалантирди. У роман-эпопеядир. Чунки, унда тасвирланган ҳаёт фалсафаси тарих фалсафаси даражасига кўтарилгандир. "Уфқ" романи жанридаги эпик тасвир Саид Аҳмаднинг халқ турмушидан аниқ ва бой билимга эга эканини, ўзбек халқи миллий ҳаётини чуқур тушуниб, бағоят равшан фикрда ифодалай олиш қудратини намоён қилди. Кўп сюжетлилик, бир персонаж хатти-ҳаракатининг бошқа образлар оламини бойитувчи тарихлар ва ҳодисалар билан чатишиб кетиши "Уфқ" романининг эпик тасвиридаги кўламдорликни келтириб чиқаргандир. Бу романда бош қаҳрамон билан меҳнаткаш омма бирлашиб, яхлитлашиб кетади, халқ тарихнинг ижодкори сифатида намоён бўлади. Масалан, трилогиянинг биринчи томи бўлган "Қирқ беш кун" деб

---

[1] А.Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. 5-жилд. Тошкент, F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 216-217-бетлар.

аталган романда Катта Фарғона каналининг қисқа муддатда, дунёга доврўқ соларли тарзда бунёдга келиш тарихи тасвирга олинган. Романнинг иккинчи ва учинчи китобларида урушдан ва ундан кейинги даврларда халқ қаҳрамонлиги бадиий умумлаштирилган. Бу роман ўзининг эпиклиги жиҳатидан М.Шолоховнинг "Тинч Дон", А.Толстойнинг "Сарсонлик-саргардонлик" сингари романларини ёдга туширади. "Уфқ"даги Икромжоннинг урушдан қочиб, хоинлик қилган ўғли Турсунга муносабати тамомила янги типдаги ўзбек оталарининг умумлашма ва қуйма образидир.

Саид Аҳмад романларидаги қаҳрамонларнинг миллий қиёфасида фақат ўзбек романчилиги эришган ютуқларгина эмас, балки бутун халқимиз адабиёти, хусусан, шеъриятимиз эришган ютуқларнинг ҳам сеҳрли таъсири бор.

Ҳозирги адабиётимизнинг ғоявий-тематик қамровини халқаро миқёсдаги мавзусиз тасаввур қилиш қийин: поэзия, драматургия ҳамда прозада яратилган ўнлаб асарлар бунга далилдир. Улар орасида достон, драма, роман каби жанрлар намуналари ажралиб туради.

Ана шу мавзуда ёзувчи Абдумажид Шомирзаевнинг қисқа вақт оралиғида учта романи босилиб чиқди: "Ғулғула" (1983), "Фаришта ҳузурида бир ой" (1985), "Жаннатдан қувилган одам" (1987). Ирқчилик ва ватанпарастликдан иборат халқаро сионизмнинг реакцион моҳиятини фош қилишга қаратилган ғоявий мазмун, эпиклик моҳиятнинг ташкил этилиши ҳар уччала романлар, асосан, муштарак образларнинг ҳаракат қилиши, услуб тажнислиги уни трилогия дейишга имкон беради. Бу ҳол уни адабиётимизда, хусусан, романчиликда кейинги йилларда кенгайиб бораётган дилогия, трилогия каби эпик қамровли шакллар ўзанига қуйилиши томонидан эътибор беришга арзийди.

"Ғулғула" тил, сюжет, конфликт, композициявий тузилиши каби бадиийлик соҳаларида, образларни индивидуаллаш бобида муайян ютуқларни қўлга киритганлиги шубҳа туғдирмайди. Айни вақтда унда бадиий маҳорат бобида кўзга ташланадиган нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Чунончи, инсон характери даврнинг типик хусусиятларини, ижтимоий муносабат қирраларини ўзига бирон йўсинда сингдирган бўлиши зарур. Бирор образ тилга олиниши биланоқ уни вояга етказган шароит, муҳит тасаввуримизда жонланиши учун қаҳрамон фаолиятини,

унда ифодаланган мақсадни ҳаётий деталлар ҳаққоний кўрсатиш, бадиий ифодалаш туфайли эришилади. Шу маънода Отаев, Зальмон, Ирма каби образлар анча оқсайди. Биринчисининг қиёфаси унча деталлаштирилмаган бўлса, кейинги иккала салбий образни ҳаракатга ундовчи, курашга чорловчи типик шароит - ғоянинг ижтимоий манбаи хира ва асослаб берилмаган. Бундай ҳоллар асарда паришонликни келтириб чиқаради, эпик тасвирдаги ғоявий-бадиий яхлитликка ҳалал етказади.

Эпик тасвирдаги бадиий монеълик қиладиган камчиликлардан бири равонликнинг, ритмик оҳангнинг текис ва сарбаст кечмаслигида, романнинг илк ярми қоқилиб ўқилишида сезилади. Буни ҳаётий деталларнинг автор тасвирида яхлит психологик силсила-занжир сингари бир текис қуйилиб-тошиб чиқмаслиги, баъзан ўзаро олис ҳолат ҳамда муносабатларнинг бирмунча зўрлаб ўзаро уланиши, услубдаги бир хиллик ёки эргаш гапларнинг серқатламлилиги, чўзиқ жумлалар тузиш, юкламаларнинг тез такрорланишини келтириб чиқаради.

Иккинчи китобнинг бошланишида сюжет ривожи, образлар муносабати, улар тушган шароит мураккаб бўлиб, тасвирга драматик руҳ киритади ва ўз таъсирига тортиб олади. Асосан, ритмик равонлик таъминланганлиги ҳам хуш келади: китобхон асфальт йўлдан текис келаётган енгил автомобилда кетаётгандек, равон ўқишда давом этади, характерлар қисматларини, чигалликлар ниҳоясини билишга ошиқади. Шу аснода Ёқуб характери унинг гўдакликдан она дийдорига ташна қалб талпинишлари, ҳақиқий отаси кимлигини билиш борасидаги илинж-изтироблари, нотаниш юртлар - чет эл шароитларига тушиши, сионистларнинг разилона найранглари негизидан келиб чиқадиган зиддият ва мушкулотлар заминида тиниқлаша боради. Ёзувчи Ёқуб характерининг бош мантиқи унинг она юртга садоқат туйғуларида мужассамлигини таъсирли ифодалашга эришади. Унинг фаолиятига жипс ҳолда қаламга олинган Вена, Тель-Авив, Қуддуси-шариф шаҳарлари машмашалари, исроилликлар билан мулоқот, турлича мавқеъдаги тўқнашувлар, у ердаги бойлар билан камбағаллар (масаланинг шу томони ожизроқ ёритилган) ҳаёти ўртасидаги контрастли манзаралар Ёқуб характерини тобловчи заминга айланади. Бироқ китоб бош қаҳрамони ҳаракати билан уланиб кетувчи етакчи сюжет йўли ниҳояланмаган, ечим чала ҳолатида ёпилади. Чамаси, Ёқубнинг изтироблари

романнинг навбатдаги - учинчи китоби мағизини ташкил этувчи ғоя бўлса керак деб ўйлаймиз.

Трилогиянинг учинчи қисмини ёпаётиб, хаёлдан ўтказамиз: эпикликнинг бундай йирик типи - ғоявий ният ва сюжет йўналиши ўзаро бирлашган мустақил асарлар силсиласи турлича услубда эканлигини эслаймиз. Улар автобиографик (Л.Толстой, М.Горькийнинг автобиографик қиссалари) ҳамда эпик-драматик (П.Погодин, "Милтиқли киши", "Кремль курантлари", "Учинчи, тантанавор...", У.Фолкнер, "Қишлоқча", "Шаҳар", "Данғиллама ҳовли" каби) кўринишли бўлиши мумкин. Шу билан бирга айрим трилогиялар қисмлари мустақил сюжет чиғизига эга бўлса-да, ғоявий ният уларни бирлаштиради. А Шомирзаевнинг трилогияси эса ғоявий ният ва сюжет чизиғи бўйича яхлит романдек туюлувчи намуналар типига мансуб. Асарнинг шу хусусияти баъзан мулоҳазалар уйғотади.

Ёқуб Товбиснинг исроиллик сионистлар тузоғидан чиқиб, ўз юртига қайтишини билиш иштиёқида китобхон учинчи романни алоҳида қизиқиш билан ўқийди. Бош қаҳрамоннинг ҳавойи, сохта "жаннат"дан қутилиш йўлидаги интилиш ва курашларига, руҳан оғир изтиробларга дуч келишларига беадад ҳийла-найранг мушкулотларига бардош беришига, тушкунликка тушмаслигига хайрихоҳлик ва ҳамдардлик билан қарайди. Ёқубнинг ниҳоят, ўз юртига қайтиб келиши (бу йўналиш имо-ишораларда, ихчам берилади) билан трилогиянинг ниҳояланиши китобхон кўнглига таскин беради, қаҳрамонга меҳр орттиради.

Нисбатан ёш адибнинг трилогияси асар даражасига кўтарилмаганда ҳам, унда классик намуналардаги бош етакчи хусусиятларни кўриш истаги кўнгилдан ўтишини айтмай ўтолмаймиз. Гап шундаки, Абдумажид Шомирзаев трилогиясида Исроил мамлакатининг ижтимоий-синфий психологияси, халқ оммасининг умумий руҳияти, аҳволи дурустроқ тасаввур қилинмайди. Тўғри, мамлакатда прогрессив кучлар мавжудлиги, сионизмнинг антигуманистик моҳияти муайян образларда бўртиб турмайди ва Ёқуб атрофидаги жуда кўп майда-чуйда ҳийла-найранг машмашалари акс этган, образлар психологиясига сингдирилмаган эпизодлар соясида қолиб кетади. Устига-устак, уччала романда Ёқуб даражасидаги бошқа бирор яхлит образнинг изчил тасвирлаб берилмаганидан, трилогия ўз номига яраша кўп планли ва салмоқли

индивидуал услуб сингариларни диққат марказида тутишимиз лозим. Шунингдек, тасвир предмети, жамият талаби, замон характери, санъат ҳолати, илмий-бадиий тафаккур, ёзувчининг ҳаётий тажрибаси, эстетик идеали ва маданий савияси - буларнинг барчаси бирикиб тасвирга жило берилишини, ранг-баранг эпик манзаралар касб этишини, бадиий изланишларни кўрамиз. Буни романчилигимизнинг кейинги йилларида пайдо бўлаётган намуналарда ўзига хос равишда кўздан кечириш мумкин.

Масалага бевосита киришишдан аввал шуни таъкидлаш зарурки, XX аср романининг сероҳанглиги бизнинг замонамизда янада ўзига хос жарангламоқда. Давр ва унда бўлаётган воқеалар оқими роман жанрига янги мазмун бермоқда ва ундан бадиий изланишлар талаб қилмоқда.

"Вопросы литературы" журнали таҳририяти журналнинг 1978 йилги саҳифаларида танқидчи ва адабиётшуносларнинг роман жанри хусусидаги баҳсга алоқадор чиқишларини эълон қилди. Таҳририят тадқиқотчиларни жанр тақдири ҳақидаги тортишувлардан кўра, романнинг ўзгармас вазифаси - ҳаёт ҳақиқатини қай даражада юзага чиқариш талаби ва буни қандай бадиий кўринишларда акс эттириш масалалари кўпроқ ташвишлантираётгани тўғрисида ёзган эди. Ҳақиқатан ҳам ўша бахсда иштирок этган кўпгина танқидчиларнинг чиқишларида бу жанрнинг тараққиёти, истиқболи, авлодлар ва тарих тақдири қаҳрамон қисматида қайта яратилиши ва ҳозирги давр ижодкорининг романий тафаккури қандай кўринишларга эгалиги хусусида фикр юритиш етакчилик қилди. Бир қатор адабиётшунослар диққат марказида эса классик анъаналарнинг бугунги кундаги тақдири, мифологик тасвир услубининг романга кириб келиши, жанрдаги ҳужжатлиликнинг роли ҳақидаги масалалар турди.

Даврдаги турли масалаларни ва инсониятни ўйлантираётган муаммоларни ранг-баранг услубий чизгиларда бериш ҳамда анъанавий ва ноанъанавий бадиий усулларда, одатдан ташқари жанрий кўринишларда акс эттириш бугунги романчилигимизнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Чунки ижодий жараёнда академик Д.С.Лихачев тўғри қайд этганидек, "ёзувчи томонидан

қўлланган барча бадиий воситалар инсонни қандай тасвирлаш билан узвий алоқада бўлади"[1].

Ҳозирги романчилик жанр тузилишидаги бошқа бир йўл-майл (тенденция) анъанавий ривожланувчи реалистик сюжетга нореал, фантастик воқеалар тасвирининг қўшилишида кўринмоқда. Шу билан бирга жанрлар хусусиятида қўшилиш кўзга ташланади. Бу ерда гап маълум бир жанрнинг (илмий-фантастик) усулларидан иккинчи бир (психологик) жанрнинг муаммоларини очиб беришда фойдаланиш ҳақида кетаяпти. Масалан, Чингиз Айтматовнинг "Бўронли бекат", "Қиёмат" романлари ана шундай бадиий-услубий изланишлар мевасидир. Фантасмагория, нореал (ирреальный), мифологик тасвир элементларнинг киритилиши муаллифга асарда кўтарилаётган муаммоларни теран ва ранг-баранг ифода этишга катта имконият беради.

Ҳозирги романнависларимиз олдида психологик ва мемуар, илмий-фантастик ва фалсафий, тарихий ва ҳужжатли романга хос бўлган хусусиятларни бир жанр чегарасига сингдириш, уларни бирга қўшиш масаласи туради. Буларнинг барчаси ёзувчидан давримизнинг мураккаб муаммоларини ифода этишда бадиий талқиннинг янги тасвир воситаларини ва бадиий усулларини излашни талаб қилади. Бу эса таниқли адабиётшунос М.Бахтин тўғри хулоса қилганидек, олдиндан ҳозирги роман жанрининг "склет"идаги силлиқ ва равон имкониятлари хусусида башорат этиш қийин[2].

Демак, давр ва ижодкор жанр тараққиётида тасвир усулларининг турли қирраларини намойиш этмоқда. Ҳозирги ўзбек адабиётидаги роман жанри тараққиётида янгича бадиий услубий изланишлар кўзга ташланмоқда. Ўзбек прозасининг туғилиши, шеъриятимиздаги эпик тасвирнинг ривожи, ҳаётнинг ўзидаги жиддий ўзгаришлар барчаси бирикиб, миллий романчилигимизнинг туғилишига асос берди. Биринчи ўзбек романи яратилганидан сўнг энг ёш бўлган бу жанр шакли ҳаётни барча жанрлардан кўра кенгроқ ва чуқурроқ ифода этиш имкониятларига эга эканини исботлади. Шунинг учун

---

[1] Кўчирма адабиётшунос С.Мамажоновнинг "Услуб жилолари" номли китобидан олинди. Тошкент. F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 79-бет.

[2] Қаранг: Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики. М., "Художественная литература", 1975, стр. 165.

фикрлайдиган ёзувчидир"[1],- дейди. Бу баҳсга қўшилиш керак.Шу билан бирга адиб ижодига миллий адабий анъаналарнинг таъсирини ҳам эътироф этганимиз маъқул.

Асар тузилишига халқ поэтик анъаналари ва ҳозирги реалистик романчиликнинг хилма-хил унсурлари равшан сингдирилган. Романда миллий поэтик анъаналар фақат мазмун ва сюжетдаги мотивлардагина эмас, унинг тасвирлаш услубида ҳам шундоқ сезилиб туради. "Чинор"даги жанрий-услубий ранг-баранглик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, адабиётшунос Л.Якименко уни қардош халқлар адабиётидаги О.Гончар ва С.Крутилинларнинг асарлари қаторига, новелладан иборат роман шаклига киритади. Романни юзага келтирувчи ҳикоя ва қиссаларда муаллиф вазифани, кўпинча, ўз қаҳрамонларига топширади. Уларнинг ички кечинмаларини очишга уриниб ўтирмайди, бу вазифани ҳикоячи-персонаж бемалол бажараверади.

Агар роман сюжет оқимида ривоятдан ҳикоят, ҳикоятдан қисса шаклланишини сюжетининг хроникал тўқимаси маҳсули деб тушунсак, ҳар бир қиссадан сўнг узоқ ўтмишга қайтиб ривоят тинглаш, ундан сўнг яқин ўтмиш ҳикоятларини англаб, ҳозирги турмуш воқелигининг бадиий таҳлили билан танишар эканмиз, бу усулда бадиий сюжетнинг ретроспектив тўқимаси чатишиб кетганини кўрамизки, бу чатишув "Чинор" романида шаклан ва мазмунан бадиий-жанрий изланишдаги хосликдир. Ўзбек романчилигида А.Мухтор "Чинор"да бошқа романларда кўзга ташланмаган давр бадиий маданиятининг ютуқларини ва майлларини синтезлаштириб, ўзига хос ижодий йўлдан бориб, жанр имкониятларини кенгайтириб, бадиий тасвирда афсонавий ўтмишдан яқин ўтмишга, ундан бугунги турмушимиз томон бўлган эволюцияни қамраб олувчи бадиий шаклни яратиб, хосликка эришди. Демак, А.Мухтор "Чинор"да ўзига қадар яратилган ўзбек романчилигидаги ютуқларни ўзлаштириш, улардан хулоса чиқариш йўлидан борди.

А.Мухторнинг "Чинор" романи жанридаги изланишларда шу нарса англашиладики, ҳар бир ёзувчи ўз ғоя ва таъсирчан гавдалантиришнинг оригинал йўлларини, воситаларини излайди. Шу йўсинда унинг ўз услуби яратилади ва асарлари оша мукаммаллаша боради.

---

[1] Шарафиддинов О. Биринчи мўъжиза. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 422-бет.

Бундай фикр романнинг қадимий ўзбек достончилиги услубига мойил йўналишдан фойдаланилганини тасдиқласа-да, унда муайян қийинчилик, ноҳаётийлик, сохталик, ҳаққонийликка зидлик, баъзан тумтароқлилик излари борлигини, социалистик реализм талаблари доирасида қолиб бичиб-тўқиш ҳоллари сезилиб туришини айтиш зарур. Эндиликда бундай нуқсонлар романнинг ҳаётийлиги, таъсир кучи, характерларининг реаллиги хиралашган ва ҳаётийликдан узоқлашган ҳолда кўриниш билан тасдиқлаб турибди. Бунинг боиси, албатта, роман негизида ҳаёт ҳақиқатидан чекиниш, асоссиз тўқиш майли кучлилиги ва сохта тасвир мавжудлиги билан изоҳланишини айтиш ўринлидир. Сирасини айтганда, вақтида танқидчилик романнинг бу каби нуқсонларини кўз юмиб, асосан, уни кўкларга кўтариш билан банд бўлди.

Демак, ўзбек романчилигида ҳаётни образли ўзлаштиришнинг ифода усули, китобхонни ишонтириш ва завқлантириш йўллари ҳар бир ёзувчи ижодида, ҳар қайси романда доимо ўзгаришда, янгиланишда, замона руҳига ҳамоҳанг равишда юз беради. Ижодий изланишларсиз кашфиёт яратилмайди. Бироқ, роман жанридаги ижодий изланишларнинг ҳамиша ҳам ютуқлар билан тугалланавермаслиги, бундай ҳоллардаги новаторликнинг объектив ва субъектив унсурлари, ижодий таъсир ва озиқланиш, адабий анъаналарни ўзлаштириш ва романни юзага келтирувчи турли компонентларнинг яхлит бир ғоядан ўсиб чиқувини моҳирона эгаллаш мавжуд бўлмаган ҳолларда нодир, оригинал, таъсирбахш асарларнинг майдонга келмаслиги мумкин. Буни бир жиҳатдан "Чинор" намунаси кўрсатиб турибди. Юқоридаги айтилган фикрлар нуқтаи назаридан "Ота" романига ҳам кўз ташлаб ўтиш ўринлидир. Зотан бу асарни муаллифлар роман-биография жанрида, том маънода реалистик асосда ижод қилмоқчи бўлгандир. Одатда, бундай жанр намунасида ҳам воқеалар тарқоқ бўлмай, бир-бирига киришиб кетган, характерлар ўзаро кескин тўқнашувларда, бир сўз билан ифодаласак, бадиий яхлитликда яратилиши керак. А.Шораҳмедов ва Ҳабиб Нўъмоннинг мазкур романини ўқир эканмиз, унда яратилган жуда кўп образлар яхлит бир ғоядан ўсиб чиқмаганига, асарнинг бош қаҳрамони билан унда яратилган барча образларнинг бахт топиши ва бахтсизликлари - Йўлдош ота Охунбобоев қиёфасининг ички дунёси, руҳияти таҳлили орқали ифодаланмаганига дуч келамиз. Бу, мазкур

тарихий шахс ҳаётига дахлдор биографик романга мансуб бош қаҳрамон характерининг кашф этилиши билан изоҳланадиган камчиликдир. Авторлар жанрга дахлдор ўзбек ва умумжаҳон романчилигидаги айни шу типдаги жанрий-услубий хослик ва бу борадаги ютуқларга таянмайди, уларни назардан четда қолдириш йўлидан боришган.

Иккинчидан, атоқли тарихий шахс тўғрисида биографик роман яратаётганда, унинг муҳитидаги бошқа шахсларга дахлдор материалларни ҳам шу қадар синчиклаб ўрганиш, ўша ҳаётий материаллардан моҳирлик билан фойдаланиш, бош қаҳрамоннинг ўз атрофида кимларга қарши муросасиз кураш олиб борганини, кимларга таяниб, кимларга мададкор бўлганини бадиий конфликтга сингдириш, Охунбобоевни ўраган типик шароитни тарихий ҳақиқат юксаклигидан туриб ёритиш зарур эди. Романга меъёридан ортиқ зарур ва нозарур тўқима образлар асар жанрий-услубий табиатига мос бўлиб тушмаган. Хуллас, бу роман-биография бадиий асар юксаклигида ёзилмаган. "Ота" романи адабий танқидчиликда кескин баҳоланди. Чунончи, роман ҳақида мунаққид Акрам Каттабеков бундай ёзади:

"Бу китобда негадир отанинг ҳаёти ва серқирра фаолиятига оид фактларга кам ўрин ажратилган. Й.Охунбобоевнинг шахсий ҳаёти ва фаолияти даврнинг турли-туман воқеалари, тўқима қаҳрамонларнинг узундан-узоқ саргузаштлари соясида қолиб кетган. У бирон мураккаб вазиятда, мажлисда ёки қизғин тортишув пайтида пайдо бўлади, нутқ сўзлаб ёки бирон чигални ҳал қилиб, яна ғойиб бўлади. Унинг серқирра фаолияти фақат мажлислар билан, алоқа доираси эса, фақат деҳқонлар синфи билан чегаралаб қўйилган"[1]. Танқидчи ўз мулоҳазаларини давом эттириб хулоса қилади: "... буюк шахснинг ҳаёти ва ички дунёсига чуқур кириб олиб, характерни ичкаридан ёритишга эриша олмаганлар... бой материалнинг бадиият "қозони" етарли "қайнамаганлиги", ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқат даражасига ўсиб чиқмаганлигини ҳам афсус билан қайд этиш керак"[2].

Иккинчи бир танқидчи М.Қўшжонов "Ота" романининг яратилиши муносабати билан ёзади: "Роман

---

[1] Каттабеков А. "Ота" ҳақида ўйлар. "Ўзбекистон маданияти" газетаси, 1972, 9 май.

[2] Шу мақолада.

бадиий адабиётнинг олий шаклларидан бири эканлиги маълум. Ундан аввало бадиийлик талаб қилинади. Маърифий аҳамият эса унинг бадиийлигидан келиб чиқадиган белги. Асарни фақат тарихийлик, маърифийлик нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, бадиий асар сифатида унинг объектив қимматини аниқлай олмаймиз..."

Умуман, адабий жамоатчилик "Ота" романини бадиий қимматга эга бўлмаган бир асар сифатида кутиб олди. Кейинчалик, М.Қўшжонов бу баҳсни юмшатиш учун шундай хулосага келди:

"Ота" романи муносабати билан бир фикрни айтиб ўтишга тўғри келади. Бизнинг ўзбек адабиётимизда "Ажойиб сиймолар ҳаёти" рус адабиётидаги "жизнь замечательных людей" жанри ҳанузгача яратилган эмас. Бу жанрга арзийдиган сиймолар эса бизда жуда кўп. Охунбобоев ҳаёти ва фаолияти аввало худди шу жанрда яратилса, бизга ўрнак бўла оладиган унинг ҳаёти ва фаолияти тўлароқ очилган бўларди"[1].

Ҳақиқатан ҳам "Ота"да ҳаёт манзаралари "эҳтиросилҳом, яъни юрак қони" билан қўшилмаган, асар шавқ билан ўқилмайдиган, бадиий жиҳатдан ғариб шаклда бўлиб, романни ундаги юксак ғоя, муҳим тема ҳамда ёзувчилардаги техника ва малака ҳам ушлаб қола олмаганига дуч келамиз.

Романчиликнинг йирик тадқиқотчиларидан бири М.Кузнецовнинг таъбири билан айтганда, "жамиятнинг ўсиб-ўзгариб бораётган воқелиги, ўз янги конфликтлари, зиддиятлари ва янги пафоси билан бизга романнинг шундай бир янги оқимини бердики, унда роман жанрининг илгари кўрилмаган янги уфқлари намоён бўлмоқда"[2].

Адабиётшунос қарашларининг ҳаққонийлигини жаҳон халқлари адабиётининг қатор асарлари исботлайди.Хусусан, Жек Лондон ва Эрнст Хэмингуэй романлари ҳаёт зиддиятларининг улкан манзаралари билан, инсон тақдири фожиалари ёрқин ва теран акс эттирилиши жиҳатидан реализм уфқларини кенгайтирди. Уильям Фолькнер (АҚШ), Жеймс Жейс (Англия), Габриэль Маркес (Колумбия), Дюла Ийеш, Лайош Меш-терхази (Венгрия) каби улкан адиблар романнинг ҳали кашф этилмаган

---

[1] Қўшжонов М. Сайланма, 2 том. 1983, 57-бет.

[2] Кузнецов М. Советский роман. Пути и поиски. Москва, 1980, Изд. "Знание", с.13.

жуда катта, мураккаб ва сирли оламини намоён қилдилар.У Фолькнернинг "Қишлоқ" туркуми, Ж.Жойснинг "Улисс", Г.Маркеснинг "Танҳоликда юз йил", Д.Ийешнинг "Ҳарон қайиғи" ("У дунёда ўлганларнинг руҳларини аросат дарёсидан олиб ўтувчи"), Л.Мештерхазининг "Прометей жумбоғи" романларида ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг мажозий, кўчма маънодаги қиёфалари ва манзаралари тасвирланади. Бу улкан ижодкорлар ўз романлари билан жанр имкониятлари нақадар кенглигини исботладилар. Уларнинг асарларида реалистик жанр имкониятларидан, ташқаридаги, реализм методининг кучи етмайдиган пинҳоний онг оқимлари, воқеликнинг мураккаб қатламлари бадиий, фалсафий, психологик таҳлил этилади.

Ўзбек романчилиги жанри тараққиётида 80 йил давомида қандай янгиланишлар юз берди? Юқоридаги изланиш самаралари сезилдими? Бизда романнинг фақат анъанавий реалистик тури борми? Эҳтимол, бизда романнинг Бальзак, Диккенс, Достоевский ва Лев Толстойга хос анъанавий реалистик тури ҳам йўқдир? Балки, бизда фақат социалистик реализм методи талаби билан ёзилган сохта кўтаринки руҳдаги романларгина бордир?

Тўғри, бизда А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", А.Қаҳҳорнинг "Сароб", Ойбекнинг "Навоий", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Мирмуҳсиннинг "Меъмор" сингари асарлари жаҳон реалистик романчилиги савияси талабларига жавоб бера олади. Аммо қолганлари-чи? Сергей Бородиннинг "Самарқанд осмони остида юлдузлар" роман трилогияси ("Оқсоқ Темур", "Гулханлар алангаси", "Елдирим Боязид"), Михаил Швердининг "Санжар ботир", "Жайхун", "Жаҳонгашта дарвеш", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", "Қирқ беш кун", Ҳамид Ғуломнинг "Машъал", "Мангулик", "Бинафша атри", "Тошкентликлар", Одил Ёқубовнинг "Эр бошига иш тушса", "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", Шуҳратнинг "Олтин зангламас", "Жаннат қидирганлар", Жуманиёз Шариповнинг "Хоразм", Иброҳим Раҳимнинг "Тақдир", "Тинимсиз шаҳар", "Генерал Равшанов", Пиримқул Қодировнинг "Уч илдиз", "Қора кўзлар", "Авлодлар довони", Саъдулла Кароматовнинг "Олтин қум", Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб", Ўткир Хошимовнинг "Нур борки, соя бор", "Икки эшик ораси", Омон Мухторнинг "Йиллар шамоли", "Эгилган бош", Нурали Қобулнинг "Унутилган

соҳиллар", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор", Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар", Эркин Самандаровнинг "Дарёсини йўқотган қирғоқ" сингари ўнлаб романларнинг қайси бири чинакам жанр талабларига жавоб бера олади? Булар романнинг қайси турига мансуб?

Биз юқорида тилга олган ўзбек романлари Болтиқбўйи, рус, украин, белорус, грузин, молдаван, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман адабиётларида вужудга келган романларга тенглаша оладими?

Таниқли адабиётшунос Владимир Оскоцкий "Роман бойлиги" китобида мазкур жанрнинг ҳозирги тараққиёти, унинг лиризм билан бойиши ҳақида ёзади: "Йон Друценинг "Кўнгилчанглигимизнинг оғир юки", Олесь Гончарнинг "Тронка" романларининг образли қурилишларида лиризм бу асарларнинг ўзига хос оҳангларини белгиласа-да, айни вақтда (лиризм) шу асарларнинг эпик кўламдорлигига ҳам халал бермайди, албатта. Бу асарлардан бири ("Кўнгилчанлигимизнинг оғир юки") балладага хос оҳангда, иккинчиси ("Тронка") новеллалар шаклида қурилсада, иккала асарда қўйилган мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун муаллифлар эпик образларга мурожаат қиладилар. Йон Друценинг ижодий вазифаси - Молдавия деҳқонларининг биринчи жаҳон урушидан ҳозирги кунларгача босиб ўтган мураккаб тарихий йўлларини кўрсатган бўлса, Олесь Гончарнинг ижодий вазифаси ранг-баранг қиёфадаги ҳозирги воқеликнинг мураккаб муаммолари ва конфликтларини кенг кўламда кўрсатиш эди. Иккала романнавис ҳам ўзлари танлаган ҳаёт материали доирасида давр ранг-баранглигини, замондошимизнинг маънавий ҳаёти мураккаблашиб, унинг халқ, жамият ҳаёти билан муносабатлари нозиклашиб кетганлигини кузатар экан, ўз асарларида дунёнинг яхлит манзарасини гўё айрим бўлакларга бўлиб кўрсатадилар, айни вақтда бу ижодкорлар дунё, давр ҳаётининг яхлитлигини ҳам тасвирлай олганлар, даврнинг яхлит манзарасини сақлаш учун романнавислар, Лев Толстой таъбири билан айтганда, "ижодкорнинг ўзи тасвирлаётган ҳаёт ҳодисаларига маънавий муносабати ҳар қандай асарни жипслаштирувчи семон (цемент) вазифасини ўтайди"[1].

Ўзбек романнавислари ижодида дунё, давр ҳаёти муаммоларининг кенг кўламли манзаралари, айрим қаҳрамонларнинг эпик образлари орқали ҳозирги оламнинг

---

[1] Оскоцкий В. Богатство романа. М., "Сов. пис.", 1976, с.221.

жуда катта, мураккаб ва сирли оламини намоён қилдилар.У Фолькнернинг "Қишлоқ" туркуми, Ж.Жойснинг "Улисс", Г.Маркеснинг "Танҳоликда юз йил", Д.Ийешнинг "Ҳарон қайиғи" ("У дунёда ўлганларнинг руҳларини аросат дарёсидан олиб ўтувчи"), Л.Мештерхазининг "Прометей жумбоғи" романларида ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакнинг мажозий, кўчма маънодаги қиёфалари ва манзаралари тасвирланади. Бу улкан ижодкорлар ўз романлари билан жанр имкониятлари нақадар кенглигини исботладилар. Уларнинг асарларида реалистик жанр имкониятларидан, ташқаридаги, реализм методининг кучи етмайдиган пинҳоний онг оқимлари, воқеликнинг мураккаб қатламлари бадиий, фалсафий, психологик таҳлил этилади.

Ўзбек романчилиги жанри тараққиётида 80 йил давомида қандай янгиланишлар юз берди? Юқоридаги изланиш самаралари сезилдими? Бизда романнинг фақат анъанавий реалистик тури борми? Эҳтимол, бизда романнинг Бальзак, Диккенс, Достоевский ва Лев Толстойга хос анъанавий реалистик тури ҳам йўқдир? Балки, бизда фақат социалистик реализм методи талаби билан ёзилган сохта кўтаринки руҳдаги романларгина бордир?

Тўғри, бизда А.Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён", Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз", А.Қаҳҳорнинг "Сароб", Ойбекнинг "Навоий", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Мирмуҳсиннинг "Меъмор" сингари асарлари жаҳон реалистик романчилиги савияси талабларига жавоб бера олади. Аммо қолганлари-чи? Сергей Бородиннинг "Самарқанд осмони остида юлдузлар" роман трилогияси ("Оқсоқ Темур", "Гулханлар алангаси", "Елдирим Боязид"), Михаил Швердининг "Санжар ботир", "Жайхун", "Жаҳонгашта дарвеш", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", "Қирқ беш кун", Ҳамид Ғуломнинг "Машъал", "Мангулик", "Бинафша атри", "Тошкентликлар", Одил Ёқубовнинг "Эр бошига иш тушса", "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", Шуҳратнинг "Олтин зангламас", "Жаннат қидирганлар", Жуманиёз Шариповнинг "Хоразм", Иброҳим Раҳимнинг "Тақдир", "Тинимсиз шаҳар", "Генерал Равшанов", Пиримқул Қодировнинг "Уч илдиз", "Қора кўзлар", "Авлодлар довони", Саъдулла Кароматовнинг "Олтин қум", Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб", Ўткир Хошимовнинг "Нур борки, соя бор", "Икки эшик ораси", Омон Мухторнинг "Йиллар шамоли", "Эгилган бош", Нурали Қобулнинг "Унутилган

соҳиллар", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор", Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар", Эркин Самандаровнинг "Дарёсини йўқотган қирғоқ" сингари ўнлаб романларнинг қайси бири чинакам жанр талабларига жавоб бера олади? Булар романнинг қайси турига мансуб?

Биз юқорида тилга олган ўзбек романлари Болтиқбўйи, рус, украин, белорус, грузин, молдаван, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман адабиётларида вужудга келган романларга тенглаша оладими?

Таниқли адабиётшунос Владимир Оскоцкий "Роман бойлиги" китобида мазкур жанрнинг ҳозирги тараққиёти, унинг лиризм билан бойиши ҳақида ёзади: "Йон Друценинг "Кўнгилчанглигимизнинг оғир юки", Олесь Гончарнинг "Тронка" романларининг образли қурилишларида лиризм бу асарларнинг ўзига хос оҳангларини белгиласа-да, айни вақтда (лиризм) шу асарларнинг эпик кўламдорлигига ҳам халал бермайди, албатта. Бу асарлардан бири ("Кўнгилчанлигимизнинг оғир юки") балладага хос оҳангда, иккинчиси ("Тронка") новеллалар шаклида қурилсада, иккала асарда қўйилган мураккаб вазифаларни ҳал этиш учун муаллифлар эпик образларга мурожаат қиладилар. Йон Друценинг ижодий вазифаси - Молдавия деҳқонларининг биринчи жаҳон урушидан ҳозирги кунларгача босиб ўтган мураккаб тарихий йўлларини кўрсатган бўлса, Олесь Гончарнинг ижодий вазифаси ранг-баранг қиёфадаги ҳозирги воқеликнинг мураккаб муаммолари ва конфликтларини кенг кўламда кўрсатиш эди. Иккала романнавис ҳам ўзлари танлаган ҳаёт материали доирасида давр ранг-баранглигини, замондошимизнинг маънавий ҳаёти мураккаблашиб, унинг халқ, жамият ҳаёти билан муносабатлари нозиклашиб кетганлигини кузатар экан, ўз асарларида дунёнинг яхлит маназарасини гўё айрим бўлакларга бўлиб кўрсатадилар, айни вақтда бу ижодкорлар дунё, давр ҳаётининг яхлитлигини ҳам тасвирлай олганлар, даврнинг яхлит манзарасини сақлаш учун романнавислар, Лев Толстой таъбири билан айтганда, "ижодкорнинг ўзи тасвирлаётган ҳаёт ҳодисаларига маънавий муносабати ҳар қандай асарни жипслаштирувчи семон (цемент) вазифасини ўтайди"[1].

Ўзбек романнавислари ижодида дунё, давр ҳаёти муаммоларининг кенг кўламли манзаралари, айрим қаҳрамонларнинг эпик образлари орқали ҳозирги оламнинг

---

[1] Оскоцкий В. Богатство романа. М., "Сов. пис.", 1976, с.221.

мураккаб ва яхлит қиёфаси ҳаққоний ва бадиий теранлик билан акс эттирилганми? Тўғри, ўзбек романнависларидан Ойбек ("Қутлуғ қон", "Улуғ йўл"), Назир Сафаров ("Кўрган-кечирганларим", "Наврўз"), Ҳамид Ғулом ("Машъал","Мангулик"),Жуманиёз Шарипов ("Хоразм"), Асқад Мухтор ("Чинор", "Давр менинг тақдиримда") асарларида халқимиз тақдиридаги долғали, бурилиш нуқталарини қаламга олганлар.

Мана шу адибларнинг романлари турлича бадиий савияда, хилма-хил қиёфалар, ранго-ранг ҳаётий бўёқларда битилса-да, уларнинг ҳаммасида етакчи бадиий ғоя даврнинг бош сиёсий ғоясига бўйсунади. Яъни, бу асарларнинг ҳаммасида ўзбек халқининг асосий оммаси - бош қаҳрамонлар (Йўлчи, Гулнор, Унсин, Назиркул, Ботирали, Раззоқ, Пирнафас полвон каби, Собир темирчи, Содиқ, Азимжон каби) инқилобчи сифатида кўрсатилади.

Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар" ва "Меҳробдан чаён" романларида Қўқон хонлиги билан Тошкент беклигида юз берган уруш ва қирғинлар, Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романида мустамлака даврида яшаган халқимизнинг аҳволи, Ойбекнинг "Қутлуғ қон" ва"Улуғ йўл" романларида Октябрь воқеалари арафасидаги халқ ҳаёти, Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романида зиёлилар, ватан тақдири, Назир Сафаровнинг "Кўрган-кечирганларим" ва "Наврўз" романларида мустамлакачиликка қарши Жиззах қўзғолони даври, Ҳамид Ғуломнинг "Машъал", "Мангулик" романларида фуқаролар урушининг алангали йиллари, Жуманиёз Шариповнинг "Хоразм" романида Хива хонлигининг Россия мустамлакасига айланиш жараёни, Шуҳрат, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий ва Иброҳим Раҳим романларида уруш йилларида эл-юрт бошига тушган оғир машаққатлар, халқимизнинг шу даврдаги сабот-матонати, маънавий қалб гўзалликлари, меҳр-оқибат, инсонни қадрлаш каби хислатлари сақланиб қолганлиги акс эттирилган.

Одил Ёқубовнинг "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", Пиримқул Қодировнинг "Уч илдиз", "Қора кўзлар", Асқад Мухторнинг "Чинор", Саид Аҳмаднинг "Уфқ", "Қирқ беш кун" каби романларида урушдан кейинги ва ҳозирги давр ижтимоий муаммолари қаламга олинган.

Таниқли мунаққид Казбек Султонов 70-80-йилларда кўп миллатли собиқ совет романчилигининг тараққиёт муаммолари ҳақидаги "Жанрнинг ривожланиши" номли китобида ҳозирги жамиятимиз ҳаётида жуда катта инқилобий ўзгаришлар юз бераётганлигини айтиб, кўп миллатли собиқ совет адабиёти ана шу катта ўзгаришларга замин яратганлигини таъкидлайди. У, халқларимиз онгидаги инқилобий ўзгаришларга замин яратган муҳим асарлар қаторида Ч.Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" (ёки "Бўронли бекат"), "Кунда", С.Залигиннинг "Бўрондан сўнг", Ф.Абрамовнинг "Ҳонадон", В.Астафьевнинг "Қайғули дедектив", Ю.Бондаревнинг "Сайлов", Ч.Гусейновнинг "Муҳаммад, Мамед, Мамиш", "Оила сирлари", Ю.Мушкетикнинг "Муносабат" ("Позиция"), О.Ёқубовнинг "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", О.Ганчарнинг "Собор", "Сенинг тонгинг" романларини эслатиб, бу асарлар одамларни янгича фикрлашга, воқеликка реал, очиқ кўз билан қарашга, фуқаролик ва санъаткорлик масъулиятига даъват қилувчи асарлар эканлигини айтади[1].

Ўзбек адабиётида Одил Ёқубовнинг юқоридаги асарларидан ташқари, Ўткир Хошимовнинг "Тушда кечган умрлар", Омон Мухторнинг "Эгилган бош", Нурали Қобулнинг "Унутилган соҳиллар", М.Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор", Эркин Самандаровнинг "Дарёсини йўқотган қирғоқ", Тоғай Муроднинг "Отамдан қолган далалар" романларида узоқ турғунлик йилларидан сўнг жамиятимиз, халқимиз фожеалари ошкора, бадиий аксини топа бошлади.

Баъзи адабиётшунос мунаққидлар ўзбек романчилигида янги бадиий изланишлар юз бераяпти десалар, айрим танқидчи ва ёзувчилар бу фикрга эътироз билдириб, ҳозирги миллий романчилигимиз инқирозга учраган, у дунё адабиётидаги бадиий ва маънавий изланишлардан узилиб қолган, маҳдудлик ва тор мавзулар, енгил-елпилик, юзакилик бундай асарларимизни руҳсизлантирмоқда, деган фикрларни билдирмоқдалар.

Шу жиҳатдан адабиётшунос олим Талъат Солиҳов билан ёзувчи Олим Отахоновнинг адабий суҳбати ("Ўткинч ва умид", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1991 йил, 1 февраль) қизиқиш уйғотади.

---

[1] Батафсил қаранг: Султонов К.К.Динамика жанра. М., "Наука", 1989.

"Тили, дини, удумлари ҳам турли-туман халқларнинг адабиёти ҳам турлича, - дейди Олим Отахонов. Шу ранг-баранг адабиёт боғида, таъбир жоиз бўлса, ўзбек адабиёти деб аталмиш ниҳолнинг ўсиши қандай? Бошқа дарахтлар сингари у ҳам мева бераяптими?.. Ғарб адабиётида кўплаб оқимлар мавжуд. Уларда адабий намуналар яралмоқда. Ўтган асрнинг буюк даҳолари Бальзак, Толстой, Диккенс сингари ижодкорларнинг мерос сифатида қолган адабий қуролларининг "эскирган"и, бугунги адабий жараёнда "яроқсиз" ҳолга келиб қолганлиги ҳақида турли фикрлар айтиляпи, мунозаралар кетаяпти. Мана шундай даврда ўзбек романчилигида аҳвол қандай? У, кейинги 20-30 йил ичида нималарга эришди? Унинг ҳозирги мавқеи - даражаси, қўлами, ранг-баранглиги қониқарлими?[1] "

Ёзувчи Олим Отахоновнинг бу саволлари жуда умумий тарзда, мавҳум ҳолда қўйилган бўлса-да, уларда жон борлигини эътироф этиш керак. Талъат Солиҳов адабиёт назариясини яхши эгаллаган мутахассис сифатида муаммоларни анча ойдинлаштирган. У бадиий тафаккур тараққиёти кейинги йилларда мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий, сиёсий тафаккурдаги шиддатли ўзгаришлардан орқада қолаётганлигини айтиб, бундай дейди: "Фақат ўзбек адабиёти эмас, умуман кўп миллатли совет адабиёти ана шу тезкор ўзгаришларни, инқилобий ҳодисаларни бадиий акс эттиришда муайян даражада заифлик кўрсатаяпти"[2].

Талъат Солиҳов совет адабиётидаги энг яхши асарлар (А.Платонов "Чевенгур", М.Бульгаков "Уста ва Маргарита") 20-30-йилларда ёзилганлигини, кейин улар таъқиқлаб қўйилгани учун адабиётимизнинг ўсишига таъсир кўрсата олмаганлигини айтади.

Талъат Солиҳовнинг бу фикрларида жон бор, албатта. Аммо, унинг собиқ совет адабиёти асарлари ижтимоий, сиёсий тафаккурдаги инқилобий ўзгаришлардан орқада қолаётганлиги ҳақидаги фикри асоссиздир. Чунки, аввалроқ айтганимиздек, ва собиқ совет давлати раҳбарлари ўзлари эътироф этганидай, ҳозирги ижтимоий-сиёсий тафаккурдаги жуда катта ўзгаришларга В.Астафьев, В.Распутин, Ч.Айтматов, С.Залигин, Ф.Абрамов,

---

[1] "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, ("ЎзАС"), 1991 йил, 1 февраль.

[2] Шу жойда

Ч.Гусейнов, В.Тендряков, О.Ёқубов каби адибларимиз, А.Вознесенский, Евгений Евтушенко, Белла Ахмадуллина, Ўлжас Сулаймон, А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Х.Даврон каби шоирларимиз ўзларининг журъатли асарлари билан замин тайёрлаганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Аммо шу билан бирга, жаҳон ва ҳатто собиқ умумиттифоқ бадиий романчилиги тараққиётидан ўзбек миллий романчилигининг ўсиши кўп даражада орқада қолаётганлиги ҳам аччиқ ҳақиқатдир. Ахир, гуржи, молдаван, озарбайжон, рус ва айниқса, Болтиқбўйи халқлари адабиётларидан ўзбек, тожик ва туркман адабиётлари ниҳоятда орқада қолганлигининг сабаблари нимада?

Талъат Солиҳов билан Олим Отахонов суҳбатидан шу муаммоларга ҳам муайян жавоб бериш мумкин: "Эҳтимол, бу шаккокликдай туюлар, - дейди Отахонов, - ўзбек романчилигида (60 йил ичида) жиддий силжиш бўлди, деёлмаймиз. Мана, ўзбек романи бадиий жиҳатдан шаклланиб боришини мисоллар орқали кузатинг: "Кеча ва кундуз", шундан кейин ёзилган романлар: "Сароб","Навоий","Уч илдиз", "Ўқитувчи", "Наврўз", "Уфқ", "Умид", "Сўнгги бекат", "Икки эшик ораси", "Лолазор"... Менимча, шу пайтда атайлик Асқад Мухторнинг "Чинор", Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси", Пиримқул Қодировнинг "Қора кўзлар" романлари орқага кетиш жараёнини бир оз секинлаштирди. Таъбир жоиз бўлса, жанр сифатида романнинг обрўсини сақлаб турди. Лекин, афсуски, бу вақтинчалик экан. Ҳолбуки, шу турғунлик даври деб аталаётган даврда ҳам бошқа жумҳуриятлардаги халқларнинг адабиёти озми-кўпми яхши асарларнинг ҳам эгаси бўлиб чиқди"[1] . Ёзувчи Олим Отахоновнинг жонкуярлик билан айтилган бу фикрларида жон бўлса ҳам, улар ҳали ҳақиқатни тўла акс эттирмайди. Чунки унинг талабчан рўйхатидан Ойбекнинг "Қутлуғ қон", Абдулла Қаҳҳорнинг "Қўшчинор чироқлари", Мирмуҳсиннинг "Меъмор", Пиримқул Қодировнинг "Юлдузли тунлар", Одил Ёқубонинг "Диёнат", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар" ("Диёнат" даражасига етмаса ҳам), Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб", Нурали Қобулнинг "Унутилган соҳиллар" каби бадиий ва ғоявий фаол, жамият ҳаётига озми-кўпми теранроқ кириб борилган

---

[1] "ЎзАС", 1991 йил, 1 февраль

романлар тушиб қолган. Пиримқул Қодировнинг Хумоюн ва Акбаршоҳлар ҳақидаги "Авлодлар довони" романи "Юлдузли тунлар"га нисбатан бадиий пухтароқ чиққанлиги ҳам диққатга сазовор ҳодисадир.

Пиримқул Қодировнинг аввалги романида собиқ раҳбарлар даврида кўп "калтак" еб, сал журъатсизроқ ёзган бўлса, кейинги романда у тарих ҳақиқатини, саркардаларимиз ва шоҳларимиз қиёфаларини бор мураккаблиги ва инсоний жозибаси билан, буюк шахслар сифатида ошкора кўрсата олди. Ўктам Усмонов "Гирдоб" асарида, айрим камчиликларига қарамай, жамиятимизда кўзбўямачилик, порахўрлик, халқ манфаатларига зид ижтимоий иллатлар кенг томир ёйганлигини Пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари муҳитида ҳаққоний ва чуқур тасвирлаб берди. Нурали Қобулнинг "Унутилган соҳиллар", М.Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" эссе-романлари ўзбек прозасида танқидий реализм оқими қувватга кираётганлигидан далолат беради.

Атоқли мунаққид Умарали Норматов бир қанча яхши қиссалар муаллифи Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романига ёзган сўзбошисида бир асар таҳлили билан чекланмай, ҳозирги ўзбек романчилиги тараққиёти ҳақидаги қизиқарли мулоҳазаларни айтади. Мунаққиднинг фикрича, кейинги йилларда собиқ совет жамиятида туғилган ижтимоий муаммолар роман жанрида ҳам муайян бадиий услубий ўзгаришларга олиб келмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, Одил Ёқубовнинг "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", Нурали Қобулнинг "Унутилган соҳиллар", Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор" романлари услубий ўзига хослиги билан жанр тараққиётида ажралиб туради. Умарали Норматовнинг фикрича, бу уч асар ўзбек романчилигида янги оқим вужудга келаётганлигини кўрсатади. Бу фикрнинг қанчалик тўғрилигини келажак кўрсатар.

Бизнингча, Одил Ёқубовниг "Оқ қушлар, оппоқ қушлар" романи адибнинг аввалги "Излайман", "Эр бошига иш тушса", "Диёнат" романлари руҳидаги асарларидан биридир. Аммо, "Унутилган соҳиллар" ва "Лолазор" роман-эсселари чиндан ҳам ўзбек романчилигида янгича бадиий-услубий изланишлар кечаётганини кўрсатиб турибди. Гуржи адибаси Людмила Салдадзенинг "Ибн Сино" роман-эссеси ҳам мавзу ва мазмун жиҳатидан ўзбек романчилиги сафига кириши мумкин (унда бизнинг халқимиз ҳаётининг тарихий босқичлари таҳлил

этилади). Қорақалпоқ адиби Т.Қайипбергановнинг номиллий, мусулмон халқлари ҳаётига зид жиҳатлари кўп бўлсада, "Қорақалпоқнома" эссе-романи ҳам жанрнинг янгиланаётганлигини кўрсатади.

Сўнгги йиллар ўзбек романчилигида жанр тузилишидаги изланишлар бош қаҳрамонлар яратиш борасида янада яққолроқ кўзга ташланиб туради. Бу эса, янги замонавий ҳаёт, унинг ранг-баранг томонларини ва барча социал-ижтимоий қатламларини бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан чуқур бадиий ўзлаштиришга, замондошларимиз маънавий қиёфасининг мураккаблашиб боришини ёрқин гавдалантиришга интилишнинг самараси сифатида юзага кела бошлади. Айни шу жараёнда эпикликнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши роман бош қаҳрамонларининг сони ва сифати ўзгаришларга олиб келди. Жанрнинг тарихий тараққиёти фактлардан шу ҳақиқат аёнки, А.Қодирий бош қаҳрамон ҳаёти билан жамият тараққиёти жараёнларини чатиштириб юборган бўлса, романчилик шаклида янги бир даврни бошлаб берган Ойбек бош қаҳрамон сиймосида бутун бир халқнинг фазилатларини, тараққиёт тенденцияларини умумлаштириб беришга сазовор бўлган эди. А.Қаҳҳор эса, романчиликда фожеавийликдан гўзаллик яратиб, роман марказига салбий фигурани қўйиб, миллий зиёлиларнинг фожеасини кўрсатиш орқали жамиятнинг инқилобий ўзгаришларини бадиий талқин қилишда роман шакли ва мазмунига янгиликлар киритди. Шундан сўнг Ҳусайн Шамс романларида конфликтнинг кескинлиги, ижобий қаҳрамонларнинг фаоллиги жанр структурасида бўртиб кўринган бўлса, ҳаётни бадиий талқин этишда эпикликнинг кенгайиб ва чуқурлашиб бориши. А.Мухтор, Ҳ.Ғулом сингари ижодкорларнинг асарларида сезилди. П.Қодиров, О.Ёқубов авлодига келиб, романчиликда бош ижобий қаҳрамонларнинг сони ва сифати жиддий ўзгаришларга учради. П.Қодировнинг "Уч илдиз", "Қора кўзлар", О.Ёқубовнинг "Эр бошига иш тушса", "Оқ қушлар, оппоқ қушлар", Ўткир Хошимовнинг "Икки эшик ораси сингари романлари ёзувчиларнинг шахсий муваффақиятлари бўлиб қолмай, балки бу романлар услубий қурилишдаги ютуқлар адабий тараққиётимизнинг ҳозирги қонуниятлари ва характерли хусусиятлари билан изоҳланиши лозим. Юқоридаги романларда ёзувчилар Ўзбекистон қишлоқлари турмушида рўй бераётган улкан воқеаларни бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан

бадиий умумлаштириш жараёнларида оддий меҳнат кишиларининг фикрлаш доираси жуда кенглигини, маънавий қиёфаларида жамиятимизнинг тараққиёти туфайли таркиб топаётган янги хусусиятларни, олға силжишимизга ҳалақит бераётган ҳар қандай сохталикларга қарши хужумкорликнинг ортиб боришини кашф эта бошладилар. Юқоридаги романларнинг барчасида бош қаҳрамонлар битта ёки иккита эмас, улар анъанадагидан кўра кўпроқдир. Шу ўринда Асқад Мухторнинг "Туғилиш" романини эслаб ўтиш ўринли бўлар эди. "Туғилиш"да бошланган бош қаҳрамонларни кўпайтириш анъанаси кейинги йиллар ўзбек романчилигида бутун салобати билан тараққий этди.

"Қора кўзлар"да асосий қаҳрамон - ёшлар коллективи. Шунинг учун бу асарда ҳаёт оқими, асосан, қишлоқ ёшларининг интилишлари орқали берилади. Аваз, Замонали, Ҳулкар, Чўлпоной, Холбек, Ортиқ, Жаннат ва бошқа ёш авлод вакилларининг ҳаётга, ундаги ўзгаришларга бўлган муносабатлари тасвирланади. Уларнинг ўзига хос хилма-хил характерлари ҳаққоний гавдаланган. Ёзувчи янги ҳаёт оқимини эпик планда тасвирлаш учун лиро-романтик шакллардан, кескин баҳс-мунозаранинг янги хилларидан фойдаланади. Булар асарни ортиқча шишириш ёки ташқи безак учун эмас, балки янги ҳаёт шиддатли оқимининг тарихий илдизларини очишга, ёшлар маънавий қиёфасини кенг ва чуқур кўрсатишга хизмат қилади. Қамбар ота ва Санам хола турмуши билан Аваз - Ҳулкар турмуши мисолида ёзувчи бир оила қисқа муддатда рўй берган жуда катта ўзгаришларни рамзий шаклда ифода этади. Ёки ота-ўғил Исмат бобо билан Холбекнинг ҳаёт йўлини, қисматини хаёлан қиёсласак, улар ўртасидаги фарқ равшан кўринади. "Қора кўзлар"да автор асосий қаҳрамонлар - ёш авлод характерини тасвирлашда, уларнинг ўзига хос индивидуал белгиларини, хусусиятларини очиб беришда диалектик тасвир усулига кенг мурожаат этади.

Ижодда субъектив фактор билан алоқадор хусусиятлар санъаткорнинг индивидуаллигини таъминлайди, услубий хос қирраларда бир-биридан фарқ қилиб туришга имконият яратади. Шу маънода Ҳамид Ғулом ва Одил Ёқубовларнинг романчиликдаги ижодий услублари мутлақо бир-бирига ўхшамаслигини кўрамиз.

"Мангулик", "Тошкентликлар" романларида Ҳамид Ғуломнинг ёзувчи сифатидаги индивидуал қиёфасини

белгиловчи субъектив факторда, яъни унинг воқеликка эстетик муносабатида тасдиқлаш пафоси, воқеликни инсоний идеаллар нуқтаи назаридан ифодалаш, ижобий кучлар тантанасини бевосита кўрсатиш биринчи планда туради. Одил Ёқубовнинг ёзувчи сифатидаги индивидуал қиёфасини белгиловчи - субъектив факторда, унинг воқеликка эстетик муносабатда ҳаётнинг носоз томонларини драматик кескинлик негизида юзага чиқарувчи психологизм асосида очиб ташлаш, эстетик танқид орқали тасдиқлаш пафоси, турмуш воқеаларининг бутун зиддиятини, ички мураккаблигини кўпроқ фожеавий қисматлар фонида бериш орқали бадиий-ижтимоий типлар яратиш санъати устивор ўринга чиқади.

Одил Ёқубовнинг тарихий мавзуларда яратилган "Улуғбек хазинаси", "Қўҳна дунё" романларида ҳам шу индивидуал услуб қирралари кўзга очиқ ташланади. Улуғбек шахсида олимлик билан шоҳликнинг бир-бирини тан олмаслик моҳиятидаги трагик коллизия бош қаҳрамон фожеаси сабабларидан эканини кўрсатиш орқали унинг қотилларини фош этади. Али Қушчининг шогирди Мавлоно Муҳиддин қиёфасида адиб замонасоз, иродаси заиф, садоқатсиз олимларнинг ижтимоий типини гавдалантиради."Кўҳна дунё" романида адиб Маҳмуд Ғазнавийни золим шоҳ образида кўради. Шоҳнинг ўлим тўшагидаги хасталик даври танлаб олиниб, унинг мураккаб ижтимоий қиёфаси - барча кирдикорлари, босқинчиликлари, қирғинбарот урушлари ва улар туфайли тўпланган бойликларининг ҳаёт билан видолашиш чоғида ҳеч қандай қиммати қолмаганини психологизмли кескин драматик ҳолатларда тасвир этилади. Шоҳлик фожеалари фонида қирғинлик келтирувчи урушларнинг фош этилиши романнинг ғоявий-бадиий қимматини таъминлаган.

Ўзбек романчилигида жанрий изланишлар кейинги йилларда сюжетнинг яна бир тури - ассоциатив сюжет, яъни хроникал, ретроспектив, концентрик сюжетларининг муваффақиятли чатишмасидан иборат бўлган шаклини юзага келтирди.О.Ёқубов ўзининг замонавий мавзудаги "Диёнат" романида колхоз тараққиёти билан боғлиқ бўлган сюжет оқимида хроникал, Шомуродов ва Отақўзининг шахсий-оилавий турмушини тасвирлашда ретроспектив, Аброр Шукурович, Холмуродов, Ҳайдар, Обидов, Воҳид Миробидов, Жамол Бўрибоевлар билан боғлиқ шаҳобчаларда концетрик сюжет йўлларини

қўшиб юбориш орқали бадиий психологизмни чуқурлаштиради ва ассоциатив сюжет яратади. "Диёнат"да Одил Ёқубов индивидуал услубига хос бир муҳим хусусият бўлган мақсадни драматик моҳиятли ҳолатлар тасвирида ифодалаш салмоғи алоҳида кўзга ташланиб туради.

Ўзбек романчилигидаги жанрий изланишларда Ўткир Хошимов яхши натижаларга эришди. У ўзининг "Нур борки, соя бор" номли биринчи романидаёқ концентрик сюжет яратиш маҳоратини намойиш қилди. Романда нур - тадқиқот сюжет яратиш ўлчови бўлиб, асар тугунига олинган соя - турмушимиздаги иллатлар таҳлилига олиб чиқилади ва шу йўл билан воқеаларнинг мантиқий боғланган тизмаси яратилади. Қатор ҳикоялар яратиб, бадиий маҳоратини тоблаган ёзувчи учун бугунги ўзбек миллий турмуши тўғрисидаги куюнчак ўйлари, ҳаётимизнинг олға силжиши учун тўсиқ бўлаётган иллатлар тўғрисида қалби ўртаниб айтаётган муҳим фикрлари романга пойдевор бўлган.

Романнинг бош қаҳрамони - мухбир Шерзод. Унинг онги инсонпарварлик нури билан чароғон, олган билими ва журналистик касбига оид барча қувватини тараққиётимизга бахшида этишга орзуманд бир йигит. Айни шу типдаги бош қаҳрамон ҳамда тадқиқот-сюжет ёзувчининг ижодий ниятига мос бўлиб тушган. Ёзувчи сюжетни Шерзодни касалхонада ётиб, Сайфи Соқиевич билан танишувидан бошлайди. Романда Шерзоднинг ўзи турмушимиздаги турли томонларнинг типиклаштирилган, индивидуаллаштирилган, умумлаштирилган вакили бўлгани учун жамиятимиздаги ютуқларни, халқимиз онгидаги буюк силжишларни сюжет ўқига киритиб ўтирмайди. Муаллиф Шерзоднинг журналистлар муҳитидаги иш фаолиятни кўрсатиш давомида чўнтаги бой, аммо қалби қашшоқ кишилар турмушини тадқиқ этиш йўлидан боради. Шу йўлдан бориб, адиб, жамиятимиз ҳаётига доғ тушираётган эпизодлар силсиласини яратади, воқеликни ҳақиқий талқин этиш маҳоратини намоён этади ва кўпчиликда қизиқиш уйғотади.

Биз Матёқуб Қўшжоновнинг романдаги бадиий изланишлар ҳақида тўхталиб, "эҳтимол, ёзувчи бир оз ўзини чеклаб олса,романларга хос тафсилотини кўпроқ Сайфи Соқиевичнинг ўзига, унинг муҳитига қаратиб, бошқа ҳаёт материалларидан ўзини чегаралаб олган бўл-са, асарнинг таъсир кучи яна ҳам мукаммалроқ бўларди",

деган фикрига қўшилишимиз қийин. Бу ўринда концентрик сюжет - турмуш материалларини бир тадқиқот тугунидан туриб кенгроқ қамраб олувчи адабий-бадиий тасвир кўринишларидан бири эканини унутмаслик лозим. Ваҳоланки, Ўткир Хошимов роман структураси ва мазмунига хос янгиликлар борасида ижодий изланишлар олиб бораётган эди. Бу хилдаги ижодий изланиш ёзувчининг "Икки эшик ораси" романида ўзининг янги қирраларини кўрсатганини ҳам эслаш ўринлидир. "Икки эшик ораси" романида халқимиз ҳаётининг жуда улкан бўлаги, 30-йиллардаги жамоалаштириш воқеаларидан тортиб, то 70-йилларнинг охирлари - турғунлик йиллари ҳодисаларига қадар бўлган давр эпик тасвир қамровига олинган. Эслаш жоизки, адабиётимизда шу романгача эпик қаҳрамоннинг туғилган давридан бошлаб, унинг шаклланиш тарихи, ҳаётнинг туб моҳиятини англаб етиши, яшаш ва кураш тарихи бутунлигича қаламга олинмаган эди. Романда трилогияга арзийдиган ҳаёт материаллари қамраб олинган. Бу ижодий изланишни ёзувчининг ўзи ҳам матбуотда эълон қилинган мақолаларида ва телевидение орқали айтган нутқларида бир неча бор таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, ёзувчи айтганидек, урушгача бўлган воқелик хронологик тарзда биринчи китобда, уруш даври иккинчи китобда урушдан кейинги тинч қурилиш йиллари воқелиги учинчи китобда берилса, трилогия келиб чиқар эди. Ёзувчи бу анъанавий йўлдан чекиниб, ўзбек романчилигида ўзига хос янгича бир роман шаклини яратди.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг "Лолазор"ида эса давр ва макон катта кўламга эга бўлмаса-да, жуғрофий тасвир, кўтарилган муаммолар, яратилган қаҳрамонлар характерининг эпик кўлами ниҳоятда катта.

Демак, адабиётимиз учун нисбатан янги - роман жанрининг ривожланиши жараёнида ёзувчиларимизнинг эпик тасвирлаш тажрибалари доираси кенгайиб бормоқда. Буни аксар яхши асарларда эпик йўналиш характерлар психологизми билан узвий яхлитлиқ касб эта борганлиги, замон ҳодисаларини образлар онги, ҳис этиши, уларни идрок этиб, муайян хатти-ҳаракат, фаолият содир қилишлари, кечинмалар жараёнларидан ўтиб, ўзаро муносабатларга киришиши, ўзликларини кўрсатишлари тасдиқлайди. Шу тариқа санъаткорлик юксалиб, эпик тасвирнинг чуқурлашуви ҳаётийлик билан, уни реалистик асосларда кўрсатиш принциплари билан

боғланади. Оқибатда, психологизм образларни ҳаққоний ва санъаткорона кашф этиш негизига айлана борди.

Ўзбек романчилигининг жанр борасидаги тараққиёти хусусида гапирганда, Нурали Қобулнинг "Унутилган соҳиллар" романини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбек адабиётида илгари ҳам лирик проза муносиб ўрин топган эди. Аммо, лиризм авваллари ҳикоячилик ва қиссанависликда қарор берган эди. Роман - монолог эса ўз жанрий-услубий табиатига кўра лирик кечинмаларнинг кенг кўламини тақозо қилади. Нурали Қобул мазкур романда автобиографик характердаги қаҳрамоннинг лирик кечинмалари орқали муҳим ижтимоий-маънавий муаммоларни тадқиқ этишга интилади. Абдулла Қаҳҳорнинг "Ўтмишдан эртаклар"идаги ижтимоий лиризм анъаналари изидан борган Нурали Қобулнинг лирик қаҳрамони болалик чоғлариданоқ атрофидаги одамларнинг тақдирига катта қизиқиш билан қарайди, адолатсизлик ноҳақликларини теран ҳис этади, улар ҳақида тинимсиз ўйлайди: "Теварак атрофимни тўсиқлар ўраб тургандек, уларни енгиб ўтишнинг иложи йўқдек туюлади. Руҳимни мавҳум ва англаб бўлмас бир ҳолат эгаллайди... "Романда лирик қаҳрамон яйловда ўзи билан бирга ишлаган чўпон Раббим ака билан севгилиси Улбуснинг фожеали тақдирини чуқур ҳамдардлик билан тасвирлайди. Шундай хусусиятларга асосланиб, бу прозамиздаги ижодий изланишларнинг яхши намунаси, деган таассурот қолдиришини таъкидлаш зарур. Барибир ҳам Н.Қобулнинг бу асарида қиссаларидагидек қаҳрамоннинг ички оламини - ундаги руҳий тебранишлар беришда нимадир етишмайди.

Хуллас, ҳар бир ёзувчи ҳаёт муаммоларини бадиий образлар шаклига солиб, китобхонларга етказишда ўз иқтидорига мансуб усулни танлайди, индивидуал йўлдан боради. Бунда тасвирланаётган воқеликни тушуниш, баҳолаш, уни бадиийлик воситаларида нафосат оламига кўчириш маҳорати, таланти, кучи ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бу эса бадиий асарнинг ҳаётийлик, таъсирчанлик ва ҳаётбахшлик қудратини оширади.

Кейинги йиллар романчилигимиздаги яна бир муҳим янгилик бугунги кундаги ўзлигимизни таниб олиш ва намунавий келажакка пойдевор қўйиш борасидаги интилишни ифодалашдир. Бу эса биринчи галда жанрий изланишларда ўз изини кўрсатади. Бундай хусусиятлар миллий адабиётимиздаги роман жанрининг ривожига янги умидлар уйғотади.

IV БОБ

ҒОЯ ВА КОНФЛИКТ

Ижодкор борлиқни, турмуш ҳодисаларини кузатиш, мушоҳада этиш орқали муайян фикрга, хулосага келади. Шу хулоса турмуш ҳақидаги ёзувчи концепцияси бадиий тафаккур тарзида образларда ифодаланади. Асар устида ишлаш, кузатилган ғоявий мақсадга эришиш онгли ва изчил йўналтирилган мураккаб жараён тарзида кечади. Ёзувчи ҳаётни бетараф, муайян дунёқарашдан, ғоявий нуқтаи назардан, бирор бир йўсиндаги идеалдан ажралган ҳолда акс эттирмайди. Балки у ҳаёт ҳодисаларини бадиий асар тўқималарида турлича йўл-усул орқали баҳолайди. Акс ҳолда санъаткор онгидан ташқарида, объектив тарзда ҳукм сурувчи воқеликдаги типик нарсалардан нотипик томонларни, муҳимлардан номуҳимларни, янгини эскидан ўзаро фарқ этиб бўлмайди.

Шунга кўра, бадиий тафаккурнинг икки муҳим томони диалектик алоқада юзага чиқади: борлиққа, воқеликка муносабат ёки ҳаётни тушуниш ва баҳолаш, иккинчиси, шу тушуниш орқали санъаткор тафаккурида туғилган фикрни муайян эстетик принциплар асосида экс эттириш. Бошқачароқ айтганда, санъаткор ғоявий-эстетик идеалини юзага чиқариш жараёнида ўз дунёқараши, воқеликни тушуниши, нуқтаи назари ҳамда ижодий принципларини намоён этади. Ёзувчининг ғоявий позицияси қанчалик аниқ бўлса, унинг ижодий принциплари шунча ёрқин намоён бўлади. Шу иккала томон асарда ижодий принциплар доирасига кирувчи бадиийлик компонентлари (конфликт, сюжет, композиция, тил ва бошқалар)дан фойдаланиш маҳорати, санъаткорликни кўрсатиш орқали юзага чиқади. Ҳар бир асарнинг бадиий савияси ана шу эстетик хусусиятларнинг дилектик бирликда намоён этилиш даражасига боғлиқ.

Инсонийликни, инсоний фазилатларни қадрлаш, унинг моддий ва маънавий фаровонлиги хусусида қайғуриш, одам қадрини ардоқлаш ва унга меҳр-шафқат кўрсатишни улуғлаш бадиий адабиётнинг бош ғоявий пафосини ташкил этади.

Жаҳоннинг кўзга кўринган ёзувчилари ва маданият арбобларининг Иссиққўл анжумани қатнашчилари учрашувида қайд этилганидек, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги даврида ҳаёт ва тинчлик учун кураш сингари

умуминсоний ғоялар борки, улар муайян шахс ва синф манфаатидан устунлик қилади[1].

Бадиий тафаккурда инсонпарварлик ғояларини нафис ва гўзаллик талабларига мувофиқ моҳирона ифодалаш, сўз сеҳри билан китобхон қалбини, онгини забт этиш ва унинг ҳис-туйғуларига эстетик таъсир этиш, бош ва ҳал қилувчи масаладир. Шу нуқтаи назардан қараганда, узоқ тарихга молик халқ оғзаки ижоди ва намуна адабиётимизда инсонпарварлик ғоялари чуқур томир ёйганлигини ҳис қиламиз. Шу ўринда академик Н.И. Конрад инсонпарварлик ғояларининг илдиз отиш тарихига назар ташлаб, уйғониш даврининг бошланиши Шарқда бўлса, унинг охири Ғарбдадир, деган фикрни бежиз айтмаганлигини эслаш ўринли[2].

Дарҳақиқат, бадиий асарнинг умрбоқийлиги ундаги етакчи фикрнинг - ғоянинг ҳаётийлиги билан боғлиқ. Чунки, асар ғояси реалистик адабиётда ҳам ёзувчи дунёқараши ва бадиий-тасвирий принципларининг бош нуқтасини ташкил этади.

Бадиий ижоднинг спецификасига мувофиқ асар ғояси унинг барча компонентларига ва бадиий тўқимасига сингдирилиб ифодаланади. Бу ғоя ҳар қайси жанр таҳозосига, бадиий тафаккур яратиш принципларига мувофиқ равишда ўз ифодасини топади. Шу ўринда академик М.Б.Храпченконинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринли бўлур эди. У "Адабиётни тартибли таҳлил қилиш ҳақида мулоҳазалар" номли тадқиқотида ёзади: "Ҳозирги вақтда уларнинг (бадиий асарларнинг - Д.Т.) турли-туман таркибий қисмлари, - конпонентлари ўртасидаги ўзаро ички нисбатларни очишни олдинга сурмоқ зарур. Бу ерда сўз фақат таркибий қисмларнинг ўзаро таъсирли хусусидагина эмас, шу билан бирга уларнинг бир-бирига тобелиги, адабий ҳодиса бажарадиган умумий вазифасидаги ўрни ҳамда мавқеи ҳақида боради"[3].

Бу ерда бадиий асар компонентларининг ўзаро ички боғлиқлиги ниҳоятда чуқур айтилган. Дарвоқе, гап бадиий асар ғояси ҳақида кетар экан, унинг юзага чиқишида бир қатор компонентларнинг "хизматини" алоҳида қайд этиш керак.

---

[1] Қаранг: "Литературная газета", 1986, 5 ноябрь

[2] Қаранг: Конрад Н.И. Запад и Восток. Москва. 1966. с.45

[3] Храпченко М.Б. Художественное творчество, действительность, человек. Изд.3-е, М., "Сов.пис.". 1982. стр. 360

Асарнинг ички тузилишига мувофиқ ғоя биринчи навбатда бадиий конфликт билан боғлиқ ҳолда ифодаланади. Бадиий асарнинг ғоявий-бадиий қиммати, сюжетнинг пухта ҳамда таъсирчанлиги ундаги конфликтнинг мазмуни ва шунга мос шаклига, унинг қандай ҳал қилинишига боғлиқ. Агар асар мавзуси муҳим бўлиб, конфликт заиф бўлса, мазмун ҳам саёз бўлади, илгари сурилаётган ғоя таъсирчанлик касб этмайди. Академик М.Храпченко адабиётни типологик жиҳатдан турли аспектда ўрганишни қараб чиқар экан, бадиий конфликт масаласига алоҳида тўхталиб, ижоднинг ғоявий бошланиши, образлардаги қарама-қаршиликларнинг юзага чиқиши унинг ёзувчи томонидан яхши танланишига боғлиқлигини алоҳида қайд этади[1].

Конфликтнинг бадиий асар ғоясини очишдаги ўрни ҳақида гап борар экан, даставвал конфликтнинг ўзи нима? Унинг табиати қанақа? - деган саволларга тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Конфликт - бу, аввало ижтимоий категория маъносида маълум ҳаётий курашни, жамият тараққиётидаги зиддиятларни англатади. Шу ҳаётий мазмунга асосан олиниб, асарга негиз этилган конфликт бадиий-эстетик характерда бўлади. Бунда социал ҳаётдаги қарама-қаршиликларни, эскилик билан янгилик ўртасидаги курашни ёзувчи муайян ғоя нуқтаи назаридан акс эттиради. Шунинг учун айрим тадқиқотларда кўпроқ ижтимоий зиддиятларни англатувчи конфликт атамаси ўрнида коллизия терминининг ишлатилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки бунда масаланинг моҳияти кўпроқ қамраб олинади. Коллизия маъносидаги бадиий конфликтда[2], яъни курашда қаҳрамонлар характери намоён бўлади.

Буюк немис шоири И.Бехернинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам асар мазмунини ва ғоясини очишдаги конфликтнинг моҳиятини тўғри тушуниб етишда муҳим аҳамият касб этади: "Бадиий асарга зарур кескинликни юзага келтирадиган нарса нима? Конфликт. Ҳаётда, адабиётда, билимнинг ҳамма соҳаларида бизни олдинга ҳаракат қилишга ундайдиган нарса нима? Конфликт.

---

[1] Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. Изд. 4-е. М., 1977, стр. 282-283

[2] Одатда, драматургия намуналари, роман таҳлили доирасида, кўпинча коллизия термини қўлланилади. Лекин гап терминидан кўра, масаланинг моҳиятини тўғри англашдадир.

Конфликт қанчалик теран, қанчалик аҳамиятли бўлса, шоир ҳам шунчалик таъсирчан, шунчалик аҳамиятли бўлади. Поэзия осмони қачон мусаффо бўлиб, ярақлаб туради? Момақалдироқли жаладан, мусбат ва манфий қутблар тўқнашувидан, конфликтдан кейин"[1].

Ҳаётдаги мавжуд қарама-қаршиликларни бадиий конфликт сифатида талқин этишда ёзувчи асар ғоясига мос ҳолда унга баъзан ўзгартиришлар ҳам киритади. Манбалардан маълумки, И.С.Тургенев "Муму" ҳикоясида асар асосидаги бўлган қарама-қаршиликни воқеа ечимигача ўзгартирмайди. Фақат финалдагина воқеа ўзгаришга учрайди. Ёзувчи Герасимни ўз хўжайини билан тўқнашув ҳолатига олиб келади. У ит ўлимидан кейин помешчик уйини ташлаб кетади. Худди ана шу бурилиш воситасида асар ғояси теранлик касб этади ва ойдинлашади. Кўриниб турибдики, ижтимоий конфликт билан бадиий конфликт ўртасида ўзига хос фарқ бор. Чунки "кундалик турмушда, кишилар ўртасида бўлиб турувчи ҳар қанақа тўқнашувлар, ҳар қанақа зиддиятлар ҳам ... бадиий конфликт учун материал бўлолмайди. Фақат ижтимоий аҳамиятга эга бўлган, маълум ҳаётий концепцияни, мақсадни акс эттиришга хизмат қила олувчи, бунинг учун ўзида зарур имкониятларни мужассам этган муҳим турмуш қарама-қаршиликларигина ... конфликт учун мазмун ва материал бўла олади"[2]. Демак, ҳаётдаги конфликтлар ўзида шахсий ва ижтимоий ғояларни ташиса, ёзувчининг ижодий лабораториясида қайта кашф этилган бадиий конфликтлар баъзи номуҳим қирралардан тозаланиб, ўзининг мавжуд моҳияти устида тарбиявий, эстетик-ахлоқий вазифаларни ҳам мужассамлаштиради. Шу боисдан бадиий конфликт ўз заминига нисбатан муайян даражада устунлик-гўзаллик касб этади. Ҳаётий конфликтни топиш, саралай билиш ҳам маҳорат. Чунки,ҳаётий конфликтга ёзувчининг меҳнати, маҳорати сингиши туфайли у сайқал топади, энг муҳими, асар ғоясини таъсирчан қилади. Бадиий конфликт яратишда эса ёзувчининг истеъдоди ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай экан, бадиий конфликт деганда турмушдаги

---

[1] И.Бехер. Любовь, моя поэзия. М., Изд. "Худож.литература", 1965, стр. 156.

[2] Имомов Б. Ҳаёт ва драматик конфликт. Тошкент. "Фан" нашриёти, 1968, 16 бет.

реал ва муҳим қарама-қаршиликларнинг образли тасвирланиши, ҳаётдаги қарашлар, ҳодисалар ҳамда ғоялар курашининг эстетик жиҳатдан кашф қилинишини тушунмоқ керак. Насрий асарларда, хусусан, романларда конфликт ёрқинроқ кўринади. Бу ҳол шу билан изоҳланадики, агар шеърият руҳий ҳолатдаги муайян дақиқани, ҳисни, фикрни ифодаласа, насрий асарлардаги тасвир ўзида ҳаётни мавжуд зиддиятларни мужассамлаштирган муайян воқеаларини акс эттиради.

Ҳаётдаги қарама-қаршиликларнинг барчаси ҳам санъат асарининг мукаммал ғояси учун асос бўла олмайди. Ҳаётнинг янги-янги қирраларини кўрсатадиган ва давримизнинг етакчи, муҳим масалаларини ўзида мужассамлаштирган қарама-қаршиликларгина бадиий асар ғояси учун таянч нуқта, асосий омил бўла олади. Турмушдаги ҳар қандай воқеа, фактда ҳам ҳаётий қарама-қаршиликлар тўлалигича ўзининг моҳиятини оча олмаслиги, даврнинг етакчи ғоясини ифода қила билмаслиги мумкин. Айтишларича, М.Е. Салтыков-Шчедрин телеграфистка бўлишга ҳаракат қилиб, бундай иш тополмай очликдан ўлган қиз фожеаси ачинарли факт эканлигини, лекин у драма учун сюжет бўла олмаслигини таъкидлаган эди. Ёзувчининг қайд қилишича, бу ҳодисада яшаш учун кураш ҳам, норозилик ҳам йўқ. Бу ерда фақат "Полицейские ведомости" газетасидан олинган оддий воқеа мавжуд"[1] .

Демак, бадиий ижодда ғоя ва конфликт ажралмас бирликни ташкил этади. Чунки, ғоя турмушдаги зиддиятларни мукаммал тарзда, ички ва ташқи жиҳатлари билан бир бутун ҳолда бера билиш санъати орқали ўз ифодасини топади. Асарда берилган зиддиятлар тараққиёт манбаи ҳисобланиб, харакернинг шаклланиш тарихини, такомилини, ғоявий юкни ташиш табиатини очиқ-ойдин кўрсатади.

Бадиий конфликтнинг асар ғоясини юзага чиқаришдаги аҳамияти ўзбек адабиётининг намунавий романлари "Сароб" ва "Қутлуғ қон" мисолида ўз исботини топган эди. Чунки янги жамият учун кураш ғояси - ижобий идеални ифодалаш ҳар иккала асарнинг руҳи (пафоси)ни ташкил этади ва ўша пафос ўзига хос услуб қирраларида амалга оширилади.

---

[1] Батафсил қаранг: Салтыков-Шчедрин. М. Е.ПСС. Москва, т. VIII, стр. 436.

"Сароб"да ёзувчи ғоявий ниятни бадиий равишда амалга оширар экан, асар услубига хослик бағишлашда ҳал қилувчи ўринлардан бирини эгалловчи, асар пафосини ёритишга мувофиқ келувчи ўзига хос конфликт шаклидан фойдаланди. Буни биз асар сюжетини ривожлантирувчи конфликтга куч бағишловчи характерларнинг қарма-қарши, антагонистик тарафлар, ўзаро курашувчилар, қутблар моҳиятида турмаганлигида идрок қиламиз. Ҳақиқатан ҳам Абдулла Қаҳҳор шу дамгача ўзбек адабиётида унча ривож топмаган, Абдулла Қодирийнинг "Калвак маҳзум...","Тошпўлат тажанг...", Ғофур Ғуломнинг "Ёдгор" сингари асарларида илк марта кўринган конфликт шаклини янги ҳаётий материал асосида қўллади ва уни ривожлантирди.

Шу тариқа Абдулла Қаҳҳор янги воқеликни ифодалашда танқидий реалистлар А.Чехов, Л.Толстой ижодида юксак самаралар берган бадиий конфликт шаклидан, унинг психологик усулидан фойдаланди.

Устоз Ойбек эса "Қутлуғ қон" романида тарихий ўтмиш воқелигини курашдан иборат, деб тушунади ва бу курашни конкрет даврнинг социал-синфий антогонизми вакиллари - хакратерлар ўртасидаги кураш шаклидаги конфликтда бадиий тадқиқ этади. Халқ оммаси онгида золимларга қарши кураш туйғусининг зинама-зина, мураккаб жараёнларида, узлуксиз юксала бориши билан бириккан юксак ғоявийлик бадиий баркамол, йирик реалистик характерларда ифодаланади. Шу ғоявий-бадиий бирлик замирида меҳнаткаш халқ онгида инқилобий кураш ва эзувчи синф қаршилигини сингдириш туйғусининг юксала бориши ҳамда ғалабагача давом этиши муқаррарлиги тўғрисидаги халқчил маслак ётади.

Халқимиз сиёсий-инқилобий онгининг юксалишини конкрет давр воқеалари ва ҳаётий конфликт асосида ҳаққоний, ғоявий бадиийликнинг юқори даражадаги бирлигида, кенг миқёсли эпикликда моҳирона ифодаланиши билан "Қутлуғ қон" асари ўзбек романчилигининг муносиб намунасига айланди.

Ҳозирги ўзбек адабиётида, айниқса, унинг роман жанрида умумбашарий ғояларни оғир ва мураккаб, ҳатто фожеавий, ижтимоий аҳамиятли жабҳаларда кўрсатиш, инсон маънавий камолотини, руҳий бардошини, мардона иродасини санъаткорона ифодалашнинг шоҳиди бўламиз. Уларда ҳозирги ижтимоий ҳаётимиздаги бош конфликтларнинг тадқиқи қаламга олинган бўлиб,

замондошимиз учун зарур бўлган тарбиявий масалалар биринчи планда туради. Чунончи, Ватанга садоқат, фарзандга меҳр-муҳаббат энг олий инсоний туйғулардан. Таниқли ёзувчи Саид Аҳмад "Уфқ" романида ўзига хос йўл тутиб, ана шу сифатларни характерларарo кураш шаклида эмас, балки роман персонажлари қисматидаги зиддиятли нуқталар тарзида белгилайди. Адибнинг маҳорати давр ҳодисалари фонида мўътабар инсоний туйғуларни бутун мураккаблиги билан ҳаққоний ифодалашда яққол кўринади. Юрт бошига хатар ва даҳшат булутлари ёпирилиб келган оғир дамларда биттаю-битта ўғилнинг нобакорлик қилиши ва хоинлик йўлига ўтиши муштипар она - Жаннат холани жаҳаннам оташига солади, фарзандга бўлган оналик меҳри билан эл-юрт олдидаги бурч туйғуси ўртасидаги зиддият уни ичидан кемиради. Ўғилнинг оғир жинояти унинг юзини эл-юрт олдида шувит қилсада, она ўз фарзандига бўлган меҳр-муҳаббати туфайли ундан воз кеча олмайди. Бир-бири билан келиштириб бўлмайдиган, ечиш маҳол бўлган трагик моҳиятли икки туйғу кураши, қалб изтироблари оқибатида Жаннат хола умри хазон бўлади. Характернинг фожеали қисмати якунида китобхон Жаннат хола образидаги маъсумалик, фарзандга меҳрибонлик, Ватан олдидаги бурчни чуқур идрок этиш туфайли оғир мусибат коллизияларига ғарқ бўлиш онларида унинг инсоний туйғуларини ҳис этади ва унга чуқур ҳамдардлик, ачиниш ҳисси билан қарайди. Шундай ҳамдардлик, ачиниш заминида хоин фарзанд Турсунга нисбатан нафрат кучаяди.

Романдаги Икромжон бутун мураккаблигича ифодаланган. Муаллиф бу образнинг фожеавий характерини Жаннат холага нисбатан бошқачароқ мураккабликда чизади. Ўғли туфайли Икромжоннинг ҳам дами ичида, тили қисиқ. Шунга қарамай, у бурчни чуқур туяди. Зеро, у урушда қатнашиб, бир оёғидан ажралиб қайтган ватанпарвар шахс.Жанговар ҳаёт қучоғида ўтган дамлар, уруш машаққатлари билан боғлиқ шароитлар унинг характерига ўз тамғасини босган. Шунинг учун у тўқайда хоин фарзандга бақамти келганида ўзини тутиб туролмайди: ўғлига қарата ўқ узган чоғда ҳам оталик ҳиссини йўқотмайди - кўнглида ўқнинг хато кетишини тилайди. Икромжондаги фарзандга муҳаббат туйғуларининг ҳаққоний тасвирини унинг ўғли қабри устидаги изтиробга тўла дардли-фожеали ҳолатида кўрамиз:

"Икромжон қабр тепасидан кетолмади. Ҳар гал ўрнидан туриб кетмоқчи бўлади-да, яна фарёд уриб ўзини қабр устига отарди"[1].

Шундай фожеали қисматларга дуч келган Икромжон ўзидаги одамийлик сифатларига кўра китобхон қалбига киради. Мураккаб фожеавий қисматни реал ва қабариқ ҳолда таъсирчан ифодалаш романнинг бош ғоясини - тинчлик инсоният учун нақадар қадрли ва ардоқли эканлигини сингдиришга хизмат қилади.

Уруш мавзуида ҳикоя қилувчи В.Распутин, В.Биков, А.Иванов, С.Аҳмад, Ҳ.Ғулом асарларига яқин турувчи Раҳмат Файзийнинг "Ҳазрати инсон" романи ҳам ана шундай ғояларни тарғиб этиши билан адабиётимизда улкан воқеа бўлди.

Раҳмат Файзийнинг "Ҳазрати инсон" романида ҳам бош конфликт - бутун ғоявий бирликни ушлаб турадиган зиддият қаҳрамонлар билан иккинчи жаҳон уруши туфайли юзага келган оғир вазият ўртасидаги тўқнашув коллизиясидан иборат. Ёзувчи ана шу бош конфликтни белгилар экан, уруш даврининг энг муҳим ҳаётий ҳодисаларини саралаш ва жамиятнинг тараққиёти учун зарур бўлганларини алоҳида бадиий тасвирга олишни ижодий ният қилади. Ҳақиқатдан, фашизм томонидан қилинган хиёнаткорона ҳужум чоғида бу ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолиш масаласи ўз замонаси учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, мамлакатда бунёдга келадиган ундан кейинги авлодлар учун ҳам шу қадар мўътабар эди. Романдаги бош қаҳрамонлар оилавий тарихи сафарбарлик манзаралари билан ҳар куни бир неча юзлаб ўзбек оилаларида такрорланиб турган умумтараққиёт ва умуммиллий ҳодиса сифатида тасвирга киритилганлиги ғоятда муҳимдир. Сафарбарлик, Ватан мудофаасига отланиш буюк ҳодиса эди. Унинг заминида жуда катта даҳшатлар, одамларимиз учун ғайриинсоний ва фалокат келтирувчи муаммолар яширинганди. Шу билан бирга халқ бошига тушган улуғ иш ҳар бир ўзбекнинг ҳақиқий ватанпарвар, фидокор-ҳазрати инсон эканлигини намоён этадиган муқаддас жанггоҳга айланган эди. Ўз турмушини босқинчилардан асраб қололмаган халқнинг ҳаёти, ҳақиқий инсоний турмуш эмаслиги бош образлар тимсолида шу қадар ёрқин очиб бериладики, асарга бош

---

[1] Саид Аҳмад. Уфқ. Трилогия. Тошкент. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1976.

қаҳрамон қилиб олинган асранди бир фарзанднинг фронтга жўнатилиши умум ўзбек халқининг ўз Ватанига муҳаббатидан олий ва гўзал туйғунинг кишиларимиз ҳаётидаги ажойиб ўрнини кўрсатиб берди: Ватан мудофааси учун сафарбарлик жанг майдонларида ҳам, фронт орқасида ҳам ҳақиқий одамларга яшашнинг манбаи эканлигини очиб ташлади ва барчани шундай яшашга интилиш ҳисси билан тарбиялади. Кўринадики, жаҳон уруши туғдирган оғир сафарбарлик вазияти ёзувчи учун ўз асарини салмоқдор ва энг муҳим ғоялар билан суғориш имкониятига эга қилди. Раҳмат Файзий романи халқ ҳаёти учун жуда муҳим бўлган фронтга сафарбарлик ҳодисалари билан боғлаб, бу муаммонинг ўз замонаси учун ҳам, собиқ Иттифоқда яшовчи барча халқларга ҳам нақадар ҳаётий ва зарур қирраларини очишга муваффақ бўлди. Сафарбарлик манзаралари қанчалик эҳтирос ва бадиий маҳорат билан чизиб берилган бўлса, фронт орти ҳаётидаги матонат, жангчи йигитларга совға-саломлар, иссиқ кийимлар ва озиқ-овқатлар йиғиш ва жўнатиш манзаралари ҳам шунчалик эҳтирос ва бадиий маҳорат билан чизиб берилгандир. Бошқача айтганда, ёзувчи тарихчига тенглашиб қолади, жамиятимизнинг бадиий тарихини яратишга интилади, одамлардаги гуноҳ ва савобларни топиб, уларни йиға бориб ўз она халқи характерининг айрим-айрим хусусиятларини бирбирига қўшиш йўли билан бадиий типлар яратишга интилади. Ёзувчи уруш зиддиятларидан энг муҳимларини саралаб олиб, шу зиддиятлар орасидан олиб ўтилган қаҳрамон-ларнинг инсонларга ибрат бўла оладиган хулқатворлар тарихини ёзишга муваффақ бўлди. Бу даврнинг катта бардош ва жасорат талаб этадиган иккинчи муҳим ҳалқасини ҳам топа олди. Бу - уруш кетаётган жойлардан гўдаклар, аёллар ва қарияларнинг Ўзбекистон тупроғига кўчирилиши манзарасидир. Уруш йилларида кўп миллатли халқ учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган эвакуация "Ҳазрати инсон" романининг мазмунини салмоқдор қиладиган ғояларнинг бадиий ифодасига олиб келди. Романда Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов сингари буюк тариҳий сиймолар образлари яратилган. Ёзувчи бу шахслар нигоҳи билан даҳшатли ва фожиавий турмуш ҳақиқатига баҳо беради. Бу эса ўз навбатида яратилаётган ҳар бир қаҳрамоннинг фашизмни қоралаш ва бутун инсоният номидан унга лаънат ёғдириш юксаклигига кўтарилади. Ҳаётда мавжуд бўлган эвакуация манзаралари

қуюқлаштирилиб, тиғизлаштирилиб тасвирга олиб кирилади. Романдаги изчил ҳаққонийлик - фронтга сафарбарлик ҳамда фронт орқасининг мустаҳкамлиги, шунингдек эвакуация қилинганларни жойлаштиришдаги ўзбек халқининг интернационал бурчи салмоқдорликни, ҳаққонийликни, ғоявий мазмунни, кўп қирралиликни таъминловчи бадиийликнинг асосий шартлари сифатида кўзга ташланади. Ёзувчи уруш йиларидаги оғир шароитни романнинг бош конфликти манбаи сифатида танлаб, тарихий воқеликни изчил, ҳаққоний ифода этишда садоқат кўрсатиб, эвакуация қилинганларнинг жуда кўплаб вафот этиши ҳамда уларнинг ўзбек тупроғида дафн этилиши ҳодисаларини бадиий тасвирга олиб киради ва шу билан ғоявий мазмуннинг эмоционал таъсирдорлигини янада оширади. Ёзувчи романда чизаётган қаҳрамонларни ўз уйида, оила даврасида, хизмат бағрида тасвирлаш билан қаноатланмай, китобхонни фожиали ўлимлар ва дафн маросимларига ҳам олиб киради. Бу билан инсон ҳаётининг мураккаб ва кўп қирралилиги тасвирда пайдо бўлиб, ғоядаги ишонтирувчилик кучи бўртиб кўринади. Ёш болаларни ўз она тупроғида кўмаётган гўрков бундай фожиалар илдизини излайди ҳамда жуда оддий бўлишига қарамай, буюк давлат арбоблари дунёқараши миқёсида фикр юритиб, гитлер фашизмини лаънатлайди. Кўринадики, ёзувчи уруш ҳаётининг оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган янги-янги томонларини очиб беришга интилади. Тўғри, сафарбарлик, фронт ва фронт орқасидаги мустаҳкам алоқадорлиги ҳамда эвакуация масалалари ўзбек шеъриятида анча чуқур ишланган эди. Раҳмат Файзий бу бойликлардан ижодий озиқланиб, ўзлаштириб олганлиги, айни шу манзараларни образларда янгилаб юборишга интилиши сезилади. Манзаралар ва образлардаги хослик янги ғоялар ифодаси билан чирмашиб кетади. "Ҳазрати инсон" романи китобхонлар қалбидан бир умр жой оладиган, эмоционал таъсирдор, инсонпарварлик ғояларига бойдир.

Реалист ёзувчи халқнинг олий ва эзгу мақсади билан мос тушадиган улуғвор ғояларни бадиий етук шаклларда ифодалашни кўзлайди. Бунинг учун ғоявий мазмун билан бадиийликнинг бир-бирига мувофиқ келишига эришиш санъати муҳимдир.

"Асарнинг бадиий қимматини белгилаш учун, - деб ёзади Н.Г.Чернишевский, - унинг асосида ётган ғояни жиддий текшириб кўриш керак. Агар асар асосида

ётган ғоя сохта бўлса, бундай асарнинг бадиийлиги хусусида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки ғоя сохта бўлса, шакл ҳам сохта бўлади. Фақат ҳаққоний ғоя акс эттирилган асар бутун борлиғи билан, ҳам шаклан, ҳам мазмунан бадиий бўла олади"[1] .

Шу талабдан ёндошилганда, ҳаққонийликни халқчиллик руҳи билан таъминлашга эришишга интилишни муайян меъёрда "Тошкентликлар" романида ҳам кўришимиз мумкин. Романда кишиларнинг ўз эрки ва мустақиллигини сақлаб қолиш учун олиб борилган ҳаёт-мамот кураши умумхалқ эзгу мақсади тарзида акс эттирилади.

Романнинг бош қаҳрамони Ойниса орзу-умидлари, фаолияти ватандошларимизни уруш йилларидаги муштарак эзгу мақсади билан туташиб кетади ва бу билан ижтимоий моҳият касб этади.

Ҳаётни реализм принциплари асосида акс эттириш томонидан "Мангулик" романи билан "Тошкентликлар"-ни қиёслаб кўрсак, иккаласи икки хил давр социал бадиий типлари, ғоялари, ижтимоий конфликтлари, ўз даврига хос кишилараро муносабатлар бадиий инъикосига дуч келамиз. "Мангулик"да ўз даврининг оғир юкини елкасида кўтарган, жамият тақдири ва халқ бахти учун курашга ўзлигини бағишлаган, Мақсудовлар оиласи ижтимоий-ижобий ҳодиса сифатида кўрсатилса, "Тошкентликлар"да уруш даврининг бутун оғирлигига бардош бериб, жамиятимиз эрки, барқарорлиги ва халқимиз мустақиллигини сақлаб қолишда ўзини аямаган Ойнисалар оиласи ҳаёти қунт ва меҳр билан тасвирланади.

Ғоявийлик билан бадиийлик бирлиги қанчалик юқори бўлса, у асарнинг муваффақияти, эстетик таъсирчанлиги шунчалик кучли бўлади. Шу сабабли ҳаётни бадиий гавдалантириш, уни ифодалаш принциплари, усуллари ҳамда воситаларини сайқаллаштира боришнинг аҳамияти каттадир. Буни бадиийлик компонентларидан конфликт орқали, айниқса, яққол изоҳлаш мумкин. Асар компонентлари орасида конфликт ғоявийлик билан бадиийлик бир бутунликда, яхлитликда зоҳир бўлишни таъминловчи майдон моҳиятига моликлиги сабабли ҳам, ёзувчи унинг ҳаётий негизда таъсирбахш бўлишига алоҳида масъулият билан ёндошади. Шу талаблардан қараганда, "Мангулик" романида ғояни ифодаловчи муносабатларни очишда конфликтнинг қадимий, ўлмас ва

---

[1] Чернышевский Н.Г. ПСС. Т.3. стр 663.

классик шакли ҳисобланган характерлараро кураш шаклидан фойдаланганлигини кўрган эдик. Ҳамза номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган "Тошкентликлар" романида эса ғояни очишда конфликтнинг бошқача - адабиётимизда нисбатан кейин кўринган ва янгича шаклидан фойдаланади: уруш оқибатида келиб чиққан машаққатлар, фронт ва фронт ичкарисидаги қийинчиликлар, айрилиқ-ҳижрон, соғинч азоб-уқубатлари бош ҳаётий зиддиятлар сифатида персонажларни ҳар хил кўринишдаги ташвиш- ўйларга, армонли ҳисларга, изтиробли тўлғанишларга, бир сўз билан айтганда, чуқур коллизияларга солади, уларни индивидуаллаштиришда асосий замин бўлади. Айни чоғда бадиий конфликтнинг юқоридагидек характерлар коллизияси шаклида ҳукм суриши роман услубига хослик, оригиналлик бағишлайди. Бу билан муаллиф ғоявий ниятни манфаати ёки маслаги йўлида бир-бирига сув билан олов мантиқида қарама-қарши турган ижобий ва салбий персонажларнинг ўзаро бевосита, бетма-бет кураши йўсинида очишга ўрин қолдирмайди. "Қизил тонг" фабрикаси ишчилари Ойниса, Попова, Назокат, фирқалардан Дадавой, унинг қизи - Йўлдошнинг севгилиси Гулноз, Маҳамад карвон ва бошқа персонажларнинг характерли индивидуал хусусиятлари давр ва муҳит моҳиятидан келиб чиқувчи, реал психологик вазиятларнинг маҳсули сифатида гавдалантирилади. Эл-юрт учун жанг майдонларида жавлон урган Йўлдош билан Эргаш характерлари ҳам турмуш машаққатлари фонида, уруш сабабли келиб чиққан драматик моҳиятлар - дард, ташвиш азобларидан иборат оғир ҳолатлар занжирида ёритиб берилади.

Романнинг бош қаҳрамони Ойниса ўзининг кўпгина жиҳатлари билан "Машъал" романидаги Эъзозхонни эслатади. Ўша ўт юракли аёл, эри гражданлар урушида мардларча ҳалок бўлган, икки ёш боласи билан бева қолган меҳрибон она. Фақат фарқи Эъзозхон қишлоқда, Ойниса эса шаҳарда. Эъзозхон ўқитувчи, Ойниса эса тикувчи. Ҳамид Ғулом асарнинг бош ғоясини турмуш воқеаларининг жонли тасвири мантиқига сингдириб юбора оладиган ёзувчидир. Шу жиҳатдан қараганда, ёзувчи уруш йилларидаги Тошкент ҳаётини, унинг дўстларга муҳаббатини, Ватанимиз ёвларига нисбатан туганмас қаҳр-ғазабини тасвир эттираётган воқеалар мантиқига моҳирона жойлай олган. Муаллиф асар конфликтини бош ғоя ва мазмунни ёрқинроқ ифода этувчи

восита - асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи жозибадор куч деб тушунади ҳамда бадиий ижодда мавжуд бўлган конфликт кашфиётининг ҳар икки туридан ҳам меъёрида, усталик билан фойдалана олади. Биринчиси, вазият билан инсон орасидаги тўқнашув. Маълумки, ҳар бир асарда бўлгани сингари "Тошкентликлар" романида ҳам қаҳрамонлар тарихан конкрет шароитда тасвирланади. Хусусан, уруш даври ёзувчи томонидан замон тарзида, Тошкентда юз берган воқеалар макон ўрнида танланган. "Тошкентликлар" романида тасвирланган қаҳрамонларнинг ҳаёт шароити ва уларнинг бошидан кечган ҳодисаларнинг барчаси ўзбек халқининг Ватанига фидоийлигини, халқнинг озодлиги ва мустақиллигини Гитлер фашизмининг ёвуз хуружидан сақлаб қолишга қодирлигини кўрсатувчи воқеалардир. Бу эса асарнинг бош ғояси бўлиб, бош конфликтнинг шиддатли тараққиёти ва моҳирона ечими мантиқидан келиб чиқади. Ёзувчи асарни "Ойниса" деган бобдан бошлаб, шу бош қаҳрамоннинг оилавий ўтмишига, биографиясига қисқагина экскурс қилади.

Ёзувчи роман воқеаларида эпизодик характердаги образлараро курашдан ҳам бош мақсад йўлида унумли фойдаланишга ҳаракат қилади, жумладан, эр-хотин Дадавой билан Лобар ўртасидаги характерлараро зиддиятдан бадиий ғояни ёрқинроқ ифода этишда ёрдамчи конфликт сифатида топқирлик билан фойдалана олади. Ҳар бир образга даврнинг ғоявий юкини юклаб, уларни зиддиятга кириштиради. Дадавой ака ўз ҳалол меҳнати билан, Гулноз ўз илми билан Ватан ва халқ бошига оғир кунлар тушганида элу-юртга садоқатини намоён этсалар, Лобар ўзининг бойликка ўчлиги туфайли оилавий номусни оёқ ости қилиб, жамият танасига қуртдай ёпишиб олади, ҳаромхўрлик йўлига кириб кетади. Характерлараро тўқнашув Гулноз ва Йўлдошлар тақдирини ҳам четлаб ўтмайди. Лобар бутун вужуди билан Гулноз ва Йўлдошларнинг бахтиёр бўлишига чанг солмоқчи бўлади ва сарф-харажатлар даҳшати босиб, тўйга қаршилик кўрсатади. Бироқ, Дадавой ака ва Гулноз ёвуз Лобарнинг узлуксиз хуружларини бардош билан енгиб, оилавий турмушни яхшилик томон буришга интиладилар.

Ёзувчи бобдан бобга ўтган сари образлар сонини кўпайтириб боради. Бу образлар ўзларининг турли-туман ғояларни ташигани билан романнинг мазмунини салмоқдор қила борадилар. Турмуш манзаралари тасвирида

халқимиз қадимий урф-одатлари - совчиликнинг ёшлар тақдирини туташтирувчи жозибали жиҳатлари биринкетин очила боради. Совчлик баҳонасида роман конфликти оқимига Ойнисанинг қўшнилари Қумри ва Нозиклар, ишхонасидаги дугонаси Нина Александровна, Ойнисанинг қайнотаси Қўлдошбобо ва қайнонаси Меҳрибон буви образлари кириб келади. Характерлараро зиддият бу бобда худди Лобарга ўхшаган сатанг аёл Нозик билан совчилар ўртасида юз беради. Нозик билан Лобар маслакдош бўлиб, ўзларини барчадан устун қўядилар. Романда ана шу икки хил конфликт бир-бири билан чатишган ҳолда давом этаверади. Ёзувчи конфликтнинг турли кўринишларидан шу тарзда унумли фойдалана бошлайди. Қаҳрамонлар хаёлан ўтмишларини тасаввур этиб, ўз характерларидаги ожиз томонларни қониқиш билан эслайди. Масалан, Дадавой Лобархоннинг характерини чуқур ўрганмай унга уйланиб қўйган. Лобархонни тўғри йўлга соламан деб, уни қайта тарбиялайман деб, қанча заҳмат чекмасин, барибир, фойда бермайди. Бу хатолик Дадавой ва Гулнозларга жуда кўп азиятлар етказади. Бироқ, Дадавой ўзбек урф-одатига кўра, азоб-уқубатда бўлса ҳам, оилани бузмасликка интилади. Аммо Лобар оила удумларини оёқ ости қила бошлайди - аста-кесин йўлдан оза бошлайди, маишатга берилади, баъзи кечалари ичиб келишга тушади. Буни сезган Гулноз ниҳоятда эзилади, хотини томонидан алданаётган отасига ачинади, ўгай она билан зидиятга киришиб, шармандалик ботқоғидан тортиб чиқаришга интилади. Лобар эса тобора ҳаддан оша боради. Нозикнинг укаси Зулунбек билан фоҳиш ишлар қилади, оқибатида, ўз ўйнашини уйга етаклаб келиб, Дадавойнинг ғазабига учрайди ва шармандаларча оиладан ҳайдалади.

Ёзувчи Дадавой акалар оиласини қаламга олар экан, шу оила тимсолида бутун ҳаёт оқимини ва уруш йилларидаги турмушнинг энг майда шахобчаларини тасвирга жамулжам этиб, оилавий ҳодисаларнинг бутун зиддиятларини, қайғули ва кучли томонларини образларда мужассамлаштиришнинг уддасидан чиқа олган. Лобар сиймосида нопоклик ва фоҳишалик разиллиги очиб ташланмаганида, Дадавой акадаги поклик ва ростгўйлик шу даражада бўртиб кўринмаган бўлур эди. Лобар разилона ва ярамас ахлоқнинг тимсоли сифатида Дадавой акалар оиласидаги покликка қарама-қарши қўйилади.

Ёзувчи Гулноз сиймосида ижтимоий таҳлил қудратини ишга солиб, уруш йилларида жуда тез шаклланган ёшларнинг мукаммал бадиий типини яратишга интилган. У медицина институтини битириб, поликлиникага ишга киради ва шу жараёнда Зулунбек Омонбеков билан келиштириб бўлмайдиган зиддиятга киришади. Зулунбек - поликлиниканинг бош врачи. У сохта ишлар қилиб, ошна-оғайнигарчилик йўли билан соппа-соғ кишиларга касаллик варақасини тўлдириб, уларни ишдан озод қилишни Гулноза буюради. Гулнознинг олдида икки йўл: ё Зулунбекнинг сўзига кириб чин инсонийлик, врачлик шаънига доғ тушириш ёки бўлмаса, Зулунбекнинг эгри майлларига зид бориб, ҳар қандай оғирликка бардош бериб, шароит тақозо этиб қолган тақдирда ҳам, аёвсиз курашишдан иборат йўллар кўндаланг туради. Гулноз шу икки йўлдан кейингисини танлайди, ўзининг қалбаки ишларга душман эканлигини кўрсатади.

Ёзувчи ана шу икки врач сиймосида инсонлардаги кучли ва заиф томонларни, қаҳрамонлик ва разилликни, ҳақиқат ва сохталикни жуда ишонарли тарзда типиклаштириб беради. Гулноз меҳнаткаш, билимдон, ҳақиқатгўй ва жасурлик тимсоли сифатида намоён бўлса, Зулунбек заиф иродали, ахлоқсиз, разил, сохталикка муккасидан кетган, қўрқоқ ва хоин одамларнинг типик вакилидир. У армия хизматига чақирилганда қўрқоқ ва хоин сифатида қочоқлик йўлига ўтади. Гулноз эса севимли йигити Йўлдошнинг оғир жароҳатланганлигини ва ҳарбий касалхонага тушганлигини эшитиб, армия сафига кетиш пайтида ариза беради ва жанг майдонлари томон йўл олади.

Ёзувчи ҳар бир образни яратар экан, шу гуруҳга дахлдор бўлган жуда кўплаб қаҳрамонларнинг энг характерли хуусиятларини ажратиб олишга ва кейинчалик бу хислатларни конкретлаштириб асар ғоясига монанд ҳолда бир қаҳрамон сиймосига умумлаштириб беришга алоҳида эътибор беради. Даврнинг улкан ғояларини ташувчи бадиий типлар зиддиятлар гирдобидан олиб ўтилади. Айрим ғиштлардан осмонўпар бинолар қурилганидек, турли-туман кишилардан териб олинган хислатлардан бадиий типлар яратилади. Романда тасвирга олинган уруш йилларининг оғир шароити асарда бош конфликт сифатида ёрқин ғоялар ташувчи адабий типлар яратиш имкониятини туғдиради. Қўлдошбобо ана шундай типлардан биридир. Ёзувчи ижтимоий ва бадиий таҳлил

қуввати билан Қўлдошбобонинг уруш йилларидаги фаолияти, асраб олинган Сергейга муносабати ҳамда бутун умр йиғиб келаётган бойлигини Ватан мудофаасига бағишлашини ёритиш орқали уни ўз даври қарияларининг умумлашма бадиий типи сифатида кўрсатади.

Бадиий асарда ғоя ва конфликт ажралмас бир бутунликни ташкил этгандагина тасвирланаётган қаҳрамоннинг психологияси, кураш ва интилишлари, шунингдек қаҳрамонлар фаолияти кечаётган воқелик ва уларга дахлдор томонларнинг моҳияти қаърига сингиб кетган бўлади. Бадиий асарнинг ғояси ёзувчининг персонажларга бўлган муносабатдан келиб чиқувчи образли, эмоционал ва умумлашма хулосадир. Масалан, Тоштемир, Ойниса, Алижонлар образини олиб кўрайлик. Ёзувчи бу образларни роман тақдирини ҳал қилувчи негиз сифатида талқин этади.

Романдаги Йўлдош ва унинг синглиси Гулнозга қанча ўрин берилган бўлса, Ойнисанинг кичик ўғли Эргаш ва унинг синглиси Назокатга ҳам ўшанчалик майдон ажратилган. Миллион-миллион одамларнинг бошига савдо солган уруш Эргаш ва Назокатлар кўнглига ҳам армон уруғини ташлайди. Ёзувчи Абдулхай образини яратишда ҳам, шунингдек отаси Муса тандирчи ва синглиси Назокат қиёфаларини чизишда ҳам оғир вазиятлардан чиниқиб, тозаланиб, дилларни мафтун этадиган даражада қаҳрамонона фаолиятлар кўрсатиб, роман саҳифаларида намоён бўладилар.

"Тошкентликлар" романи ўзининг шу жиҳати билан қимматлики, у китобхонларга ҳар бир саҳифаси билан янгилик беради. Яратилган ҳар бир образи билан турмушни ёрқинроқ кўришга, тушунишга, ҳис этишга ўргатадиган ғоя билан йўғрилган. Романда қаҳрамонлар қалбидаги изтироблар, уларнинг ёвуз душман билан тенгсиз жанглардаги фожиаларга тўла тақдирлари, яхшиликнинг ёвузликка қарши омонсиз кураши ҳар бир образда такрорланиб туради. Уруш даврининг оғир вазияти билан тўқнаш келган ҳар бир қаҳрамон фаолиятида қайта-қайта такрорланиб турувчи жасорат асарнинг митти мотивини ташкил этади. Ёзувчи томонидан кишиларимизнинг қаҳрамонлигини ҳар бир образда қайта-қайта таъкидлаган асосий оҳанг романнинг бош ва етакчи ғоясидир. Роман халқимиз делегациясининг ўзбек жангчиларига совға-саломлар олиб бориши ва у жойда ғолиб

тошкентлик жангчиларни учратиши билан ниҳоясига етади.

Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, романдаги воқеаларнинг ғоятда кенг жўғрофик кўламда кечиши - персонажларнинг жанг майдонларида, госпиталда, фронт орқасида кўрсатилиши сюжетнинг тарқоқроқ бўлишига олиб келган. Шу билан бирга, бадиий маҳоратга тегишли камчиликлардан тасвирлашнинг изоҳ-баёнлар, хабарлар билан алмашиб узилиб туриши, персонажларнинг кўплиги, психологик жиҳатдан "ҳазм қилинмаган" эпизодларга ортиқча ўрин берилиши эмоционалликни сезиларли даражада сусайтиради.

Маҳорат бобидаги юқоридаги ана шу типдаги бошқа нуқсонлар "Тошкентликлар" ўзбек романчилигининг ҳозирги босқичида эришилган ютуқлар сирасига киритилишини инкор этолмайди. Зеро, романда, умуман қараганда, умумбашарий ғоя - халқларимизнинг уруш чоғидаги дўстлиги, бир жону, бир тан бўлиб, тарихий ғалабамиз йўлида олиб борган мардона кураши, ватанпарварлиги ҳаётий, жонли характерлар қисматида, ўзига хос ғоявий-эстетик принципларда, бадиий завқбахш тарзда, реалистик асосда ифодаланган.

Ана шундай ютуқларини ёзувчи сўнгги йилларда эълон қилган "Қорадарё" романида кўнгилдагидек такомиллаштира олмади. "Қорадарё" романида бадиий ғояни ифодалаш учун конфликтнинг ҳар икки хилидаги ўрни-ўрни билан фойдаланганини кўрамиз.Энг аввало, райком секретари Карим Узоқов ва Қўрғонтепа районидаги колхоз раиси Норхўжа Афзаловларнинг характерлараро бош конфликтга киришганининг гувоҳи бўламиз. Ёзувчи иккита йирик адабий типни яратишни ижодий ният қилган. Ҳар иккаласининг ифода йўналишини ҳам тўғри белгилай олган. Масалан, Карим Узоқовнинг ёши элликка яқинлашиб қолгани, заҳматкашлиги, ҳалоллиги, одамларга меҳрибонлиги бу раҳбарнинг ўзига хос томони. Унинг бир сўзлиги ва қатъийлиги, меҳри юмшоқ ва қаҳри қаттиқлиги тасвирда алоҳида таъкидланган. У халқ депутати, "Олтин юлдуз"ли қаҳрамон. Демак, ҳалоллик, бу - образга юклатилган давр ғояси. Жуда чексиз-чегарасиз нопок ишлар бўлган турғунлик даври учун бу етакчи ғоя эди. Бош конфликтнинг ижобий қутбида Камол Узоқов, Ҳабиба Камолова, Барно Йўлдошева, Илҳом Зуфаров, Умархон Девонов, Толибжон Маҳмудовлар бўлгани ҳолда салбий қутбида Норхўжа Афзалов, Азиз

Абдуллаевларгина туради. Буларнинг бири - раис, иккинчиси - партком секретари. Тасвирга қараганда, Норхўжа Афзалов унча-мунча раислардан эмас, бир қанча орден ва медаллар олган, доврукли, районда фақатгина биринчи секретарни тан олади, бюро аъзоси бўлмаса ҳам бюро йиғилишлари унингсиз ўтмайди ва ҳоказо. У фақат сўнгги уч-тўрт йилдагина ўзини, ўз манфаатини ўйлайдиган бўлиб қолади, халқдан узоқлашади. Бу типдаги раислар романда тасвирлаганидек осонликча ён бермайди. Унинг юқори лавозимда қанча-қанча таянчлари, мададкорлари бўлиши табиийдир. Ана шу ҳаётий заминлар, негадир, четлаб ўтилган. Натижада, роман бадииятига путур етган. Бош конфликт сохтароқ бўлиб чиққан. Натижада, раис ўз даврининг тўлақонли, ёвуз, ҳар қандай жирканч ишларни уддалай оладиган тип даражасига кўтарила олмаган. Унинг шалвираб, раисликни топшириб, шаҳарга ишга кетиб, милиция томонидан қўлга олиниши картиналарида қандайдир сохталик, зўракилик, бош конфликтни милиция ёрдамида, бадииятдан узоқ тарзда ечимга олиб келиш сезилади. Бундайлар туғилган жойини, она қишлоғини, меҳнати сингган мансабини осонликча ташлаб кетмайди, балки ўз рақиблари билан ҳаёт-мамот жангига киришиб, иложи бор бўлган имкониятларнинг барчасидан фойдаланиб, мансабини қайта ололмаса ҳам, қасос шамширини охирги нафасигача қўлдан қўймайдилар. Хуллас, ёзувчи характерлараро бош конфликтни кескинликдан маҳрум этади ва шошмашошарлик қилиб, Кампирравот сув омбори қурилишига боғлиқ бўлган оғир вазият билан тўқнашувчи иккинчи бир конфликт чизиғига ўтиб кетади, ҳаёт ҳақиқатидан чекинади, айни шу ўриндаги имкониятни бой беради. Афзалов анойи одам эмас. Шундай ёнгинасида Кампирравот сув омбори иншооти қурилиши бошланиб, жуда кўп кадрларга эҳтиёж сезилиб турганда ўзини пана жойга уриши, биронта мансабни эгаллаб, бош конфликтдаги ўрнини янги бир вазиятда давом этказиши турган гап эди. Ёзувчи эса бош конфликтни кескинлаштириш, марказий салбий образни давр типи даражасида яратиш имкониятини бой берган.

Ёзувчи сув омбори қурилишидаги характерлараро бош конфликт ўзанини илғай олмагач, сув тошқини, Асад қори иштирок этган Девонов чолнинг молларини ўғирлаш воқеалари билан милицияни аралаштириб конфликтни кучайтириб, асарнинг бадиий таъсир кучини

таъминламоқчи бўлади. Бироқ, бу хил зиддиятларга китобхон сохта бўлгани учун ишонмайди. Чунки, Девоннинг қорабайирини Асад қори ўғирлаб, Норхўжага совға қилмоқчи бўлади. Бунинг ҳаётийлигига ҳеч бир ақл бовар қилмайди. Негаки, бир қишлоқда бўлган одамлар ўғирлик отни танимасликларига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ана шу деталдан конфликтда фойдаланиш зарурати туғилди ҳам дейлик. Унда Норхўжанинг ўғирликдаги иштирокини таъминлаш, унинг узоқ жойдаги таянчларидан бирининг отга ишқи тушиб қолганини, раис эса Асад қори билан тил бириктириб, катта мақсадни кўзлаб, янги юқори лавозимдаги одамини хурсанд қилиш ниятида шу ифлос ишга қўл урганини шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада асослаш лозим эди. Айни шу туришида бу детал сохта бўлиб чиққан, унинг тасвири китобхонни мутлақо ишонтирмайди. Бош конфликтга нисбатан Анвар ва Дилбар ораларидаги ёрдамчи зиддият анча кескин, ишонтирарли, ғоявий таъсирдор чиққан. Дилбар тўғри сўзли, доимо яхшиликка интилувчан оилавий муҳитда тарбия топган. Шу боисдан у, мактабдаги Зебо Қодирова яратган тўсиқларни енгиб ўтиб, институтга киришда Анвар Афзаловга дахлдор ноҳақлик тантанасининг гувоҳи бўлади ва у билан бирга таълим олишдан воз кечиб, сиртқи бўлимга ўтиб кетади, бахтини, муҳаббатини Кампирравот қурилишидан топади, Обиджон исмли мард ва меҳнатсевар йигитга турмушга чиқади. Шунингдек, оилавий турмуш зиддиятлари гирдобида кўзи очилган Анвар мактаб муҳитининг тарбияси ҳамда мустақил турмуш сабоқлари таъсирида ота-онаси бошлаган нопок йўлдан қайтиб, аввал армия сафида, сўнгра БАМ қурилишида қатнашиб, тўғри йўлни топиб олади. У ота-онаси билан қаттиқ зиддиятга киришиб, ноҳақ ва нопок йўлни шу қадар нафратланиб қоралайдики, Анвар характеридаги ҳиссиётлар бирлиги китобхонларни қанчалик кучли тўлқинлантирса, фикрий бирлик ҳам уларни нечоғлик ишонтиради. Анварнинг роман бошидаги номукаммалликдан қутилиб, ўз истиқболини ўзи ярата оладиган мукаммал шахс бўлиб етишаётганига қойил қоламиз.

Кўринадики, "Мангулик", Машъал", "Тошкентликлар" сингари яхши асарлар яратган ёзувчи ғоя ва конфликтда "Қорадарё" романида сохталикка йўл қўйгани учун, турмуш ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришда осон йўлни танлаб, турли-туман уйдирмаларга

берилиб кетган ва шу сабабли унда даврнинг чинакам ижтимоий типларини учратмаймиз.

Одил Ёқубовнинг "Диёнат", Ўктам Усмоновнинг "Гирдоб" романлари ғоя ва конфликт масалалари, уларнинг ўзаро диалектик таъсири, бирлиги чуқурлашганини тасдиқловчи асарлардир.

"Диёнат"да эътиқод, ҳалоллик, ижтимоий манфаатга садоқат, принципиаллик каби инсоний ғоялар таъсирчан ифодаланган. Хусусан, донгдор, ишбилармон, аммо кибру-ҳаволи, манман, раислик амалини суиистеъмол қилувчи Отақўзини даврнинг инсонпарварлик ғояларига содиқ кишилар муҳити оғир дамлар қаршисига келтириб қўяди, уни кўзни каттароқ очиб қарашга чақиради, ҳаддан ошиб, инсонийликни оёқ ости қилиш оқибатларидан огоҳлантиради.

Романнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда виждон, диёнат каби ахлоқ масалаларининг инсонпарварлик моҳиятини, характерлар ўртасидаги тўқнашувларни очиш, изчил босқичма-босқич олиб борилмайди, аксинча, ёзувчи ҳаётий зиддиятлар, муносабатлар таъсирида образлар онгида содир бўлган диалектик кечинмаларни ҳаққоний тасвирлайди, психологик тасвир принципи талабларига содиқ қолади. Романнинг психологик таҳлилга бойлиги жиҳатидан яхши асарларимиздан бири даражасига кўтарилганлигининг боиси шундадир.

Ўктам Усмонов эса "Гирдоб" романида замондошларимизнинг инсонпарварлик туйғуларини бошқачароқ усулда талқин этади: характерлар ҳаракат қиладиган шароит, муҳит улар руҳиятига ғоят мос ва ҳаётий бўлиб, муайян маънода бир йўналишда изчил давом этади. Ёзувчи ҳаётий негизидаги тўқнашувлар туфайли юзага келган психологик ҳолатлар таҳлили орқали характерлар хусусиятларини ёритади. Романнинг муваффақияти шундаки, муаллиф ёш олимга, унинг халқ манфаати йўлидаги эзгу ишига қарши турган кучларнинг мувозанатини бузмасдан драматик ҳолатлар яратади ва таъсирчанликка эришади. Таъсирбахшлик Азиз тарафини ёқловчи, уни курашга илҳомлантирган бош ижобий муҳит вакилларининг инсонпарварлик майлларни қўллаши тасвирланган ўринларда ниҳоясига етгандек туюлади.

Таниқли ёзувчи Иброҳим Раҳим "Оқибат" романида Россиянинг ноқоратупроқ ерларини биродарлик хашари йўли билан ўзлаштиришдек катта ижтимоий

масаланинг инсонпарварлик (гуманистик) моҳиятини ёритишга жазм этган. Романдаги Розиқов, Қудратов, Ҳакимов сингари партиявий раҳбар образлари хийла ҳаётий ва жонли чиққан. Ёзувчи ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни образлар руҳиятини, ўй-фикрларини ёритувчи ҳаётий негизга айлантиради. Асарнинг гуманистик руҳи янги ерлар очаётган турли халқлар фарзандларининг дўстлик, биродарлик туйғуларида, омма манфаати йўлида фидокорлик кўрсатишларида барқ уриб туради. Муаллиф бурчга садоқатни, меҳр-оқибатни улуғлаш ниятида қалам тебратади, ишчан одамларнинг матонатини, машаққатли меҳнатни тасвирга киритиш иштиёқи билан ёнади. Шу билан бирга, маҳорат борасида ёзувчи олға қадам ташлаганлигига қарамай, ғоявийлик билан бадиийликнинг, мазмун билан шаклнинг бирлигига бутун асар давомида эришолмаган. Буни биринчи галда, бадиий конфликтдан изчил ва санъаткорона фойдалана олмаганлигида кўрамиз. Музлаган ботқоқлик устига Бойбековнинг бепарволиги билан жойлаштирилган техниканинг чўка бошлаши, оилавий келишмовчиликлар, зиддиятли шахс Йўлдошев фаолияти конфликт учун жиддий ҳаётий негиз. Ўзаро курашларни ёки чуқур психологик коллизиялар содир этишга қодир бундай ҳаётий кўринишлар сюжетга, характерларга кескинлик ато этувчи кучга муносиб конфликт негизига айланиши лозим эди. Муаллиф эса уларни жўнгина изоҳлайди, баён қилади ва конфликтни сусайтиради. Бунинг оқибатида сюжетга боғланмаган инсоний қисматлар, факт-ҳодисалар, хабар, баён, изоҳ сингари усуллар характерлар психологиясини ўсиш-ўзгаришда бадиий тадқиқ этиш имкониятидан маҳрум этади. Эпик тасвирлаш ва психологик кечинмаларни бадиий таҳлил этиш маҳоратидаги бундай етишмовчиликлар конфликт асосида зарур характерларнинг ёрқин, йириқ, баркамол ҳамда даврнинг завқбахш образларига айланишига, салмоқли ифодаланишига имкон бермаган. Хуллас, романни санъат асари сифатида ушлаб турадиган асосий бадиийлик компонентлардан ҳисобланувчи бош ғоя ва конфликт, уни ибрат олса арзийдиган инсоний оламга айлантирадиган ёрдамчи ғоя ва ёрдамчи конфликтлар бўртиб кўзга ташланмайди.

Фикримизни исботлаш мақсадида роман таҳлилини батафсилроқ тарзда давом эттирамиз. Агар эътибор қилган бўлсангиз, романнинг биринчи бобида ёзувчи

қитобхонларни иккита йирик образ билан - биринчиси, Ўзбекистонда Россиянинг унумсиз ерларини обод қилиш бўйича республиканинг масъул ходими Розиқов, иккинчиси, Ивановога ҳашарчилар олиб кетаётган Қудратов билан гаништирмоқчи бўлади. Шу ниятда аграр программа тўғрисида Розиқов ва Қудратовларнинг суҳбати берилади. Кўринадики, ёзувчининг даъвоси улкан, айни чоғда воқеанинг ўрни жуда оддий даргоҳда - Розиқовнинг қабулхонасида юз бераётир. Бироқ давлат ва халқ тақдирига дахлдор бош конфликтни ҳамда унинг ифодаси бўла оладиган етакчи ғояни тасвирга олиб кира олмайди. Бунинг ўрнига автор турмушдаги икир-чикирлар тасвири билан Ивановога кетувчи хашарчиларни саралаш, Қудратовнинг хотинининг туғруқхонага тушиб қолиши, Гуландом исмли қизнинг ёрдам сўраб туғруқхонага бориши сингарилар тасвири билан ўралашиб қолади. Китобхон иккинчи бобда бирон йирикроқ зиддиятга ва ёрқинроқ ғояни ифодалайдиган инсонлар тақдири ҳамда манзаралар мантиқига дуч келарман деган ният билан асарни кўздан кечиришда давом этади. Бироқ бу умид ҳам пучга чиқади. Яна журналистикага оид воқеалар баёни - хашарчиларнинг Иваново тупроғига кўниши, биродарлик митинги, Қудратовнинг мақтанчоқлик билан тўлиб-тошган нутқи, хашарчиларнинг ўзларига жой ҳозирлашлари сингари репортажнамо тафсилотлар берилади. Тасвирга Иваново обкомининг секретари Кудимов образи киритилади. Бироқ ана шу кенг баёндан асар ғоясини ишонарли ва таъсирдор қила оладиган ҳаётий мазмунни топа олмайсиз. Учинчи бобда Гуландомнинг Ивановога ҳашарга келиш мантиқида ҳам давр тараққиётига хос етук бир оқибат кўзга ташланмайди. У Қудратовнинг Набижон исмли қайнисини севади. Шу боисдан ҳам, Гуландом Набижонни излаб Ивановодаги ҳашарчилар сафига келиб қўшилади. Шу тариқа, ёзувчида образли тафаккур чуқурлиги етишмайди (таъкид бизники - Д.Т.). Ифодаланаётган ҳодисаларни эстетик баҳолаш, гўзаллик нуқтаи назаридан бадиий таҳлил қилиш, қисқаси, турмуш манзараларини нафосат фильтридан олиб ўтиб тасвирлаш маҳорати етишмайди.

Иброҳим Раҳим журналистга хос дид билан романга жуда кўп ҳаётий фактларни йиққан ҳамда уларнинг зиддиятларга бой такомилини бериш ўрнига баёнчиликка интилган. Ёзувчида ана шу ҳаётий фактларни жонлантириб юборадиган бадиий тўқима қуввати - конфликт

негизида ифодалаш иқтидори сезилмайди. Ёзувчи томонидан Иваново тупроғида олиб борилаётган хашарчиларнинг фаолиятлари эстетик идеал тарзида баён этилади-ю, бироқ асарнинг ғоявий мазмунини энг аниқ ва энг ёрқин ифода эта оладиган ҳаёт манзаралари, зиддиятлари кўзга ярқ этиб ташланмайди. Натижада, асар кетма-кет, йилма-йил содир бўлаётган, кўпинча, очерк ҳолда учрайдиган воқеалар йиғиндиси тасвиридан иборат бўлиб қолади. Асарни чидам билан ўқиган китобхон ўзбекларнинг Иваново ва Новгород тупроқларида тер тўкиб, янги ҳаёт барпо этаётганлари тўғрисида ахборот, маълумот оладилар холос. Романда ўнлаб ва юзлаб кишиларнинг номи учрашидан қатъий назар, тўлақонли яхлит бадиий образ яратилмаган. Буларнинг ҳаммасини ёзувчилик маҳорати билан боғлайдиган бўлсак, ёзувчи бадиий тўқима ёрдамида тасвир этилаётган шахслар ҳаётининг ҳодисаларини эмас, балки уларнинг энг муҳимларини танлаб, саралаб ола билмаган ва ўша фактларни характер муносабатлари орқали ифодалай олмаган деган хулосага келамиз. Ёзувчи поэтик хаёл ёрдамида тасвирга киритилган шахслар ҳаётининг саралаб олинаётган пайтдаги икир-чикир деб ташлаб кетилган бўш ўринларини тўлдириш учун бадиий тўқима ёрдамида бош ғояни ёрқинроқ ифодаловчи конфликтга дахлдор воқеликка мос тушадиган муносабатларни тасвирга олиб кириши зарур эди.

Иброҳим Раҳим озми-кўпми ёзувчилик сир-асрорларидан хабардор ижодкордир. У ўзи тасвирга олган "Оқибат" романидаги шахсларни албатта бир-бири билан боғланган бўлишини кўзда тутади, чунки бадиий ижодда персонажлар қанчалик яқин қариндошлик муносабатларида бўлсалар, улар орасидаги тўқнашувлар ўшанчалик кучли ва кескин бўлишини сезади. Бироқ бу тўқнашувлар "Оқибат" романида оилавий ҳамда интим турмуш доираларида қолиб кетаверади. Образлараро бош конфликтда ҳам миллион-миллион кишиларни ўйлантирган, давр тараққиёти билан боғланиб кетган тараққиёт учун ҳал этилиши зарур бўлган бадиий зиддиятлар ҳамда моҳирона ечимлар кўзга ташланмайди. Хуллас, "Оқибат" романида ғоявий мазмун билан тўлдирилган, ўрни-ўрнига қўйиб ҳаётнинг қуюқлашган, тиғиз тезлатилган ва зиддиятли тасвири кўзга ташланмайди.

Омон Мухторнинг "Йиллар шамоли" номли романида воқеалар кўлами катта. Бу воқеалар тасвири ғоя ва

конфликт нуқтаи назаридан ўрганиладиган бўлса, улардаги айрим муваффақиятли ўринлар билан бирга қусурли томонлар ҳам очилиб қолади. Романнинг бошланишида уруш тўзонининг Бухородан олис-олисларда қўзғалиб босилганидан кўп йиллар ўтиб кетгани, аммо жангга фарзандларини юборган шаҳарнинг ҳамон ўртаниши, қурбонлар аламини чекиши тасвирга олинган. Демак, асарнинг бош ғоясига ана шу тасвирда жуда ўринли ишора бор. Чунки, "Йиллар шамоли" ҳам уруш қурбонларининг аламини қалбларидан ювиб кета олмаган. Романнинг бошида Чаман қишлоғининг гўзал тасвири, кутубхона, кутубхоначи Олия билан Зумраднинг суҳбати берилади. Ёзувчи Зумрад тасвирида Райҳонбиби хонадонининг ҳилватгоҳларига китобхонларни олиб киради. Бу ўринда ёзувчи даҳшатли вазият билан қаҳрамон ўртасидаги зиддиятни жонли тарзда чизиб бера олган. Уруш вазияти Райҳонбиби қалбига солган жароҳатлар бир умрга тузалмасдир. Айни шу нуқтаи назардан Райҳонбиби характери барча руҳий азоблари билан жонли чиққан. Ёзувчи манзара яратиш ва ҳаёт воқеаларини жонли чизиб беришнинг уддасидан чиқа олади. У Чаман қишлоғи манзарасини яратганда ҳам, Бухоро шаҳри ҳаётини тасвирга олиб кирганда ҳам жонлиликни, турмушни образли тушунтиришни доимо диққат марказида тутади. Қосим билан Камолнинг шаҳар айланишлари, театр томошаларига тушишлари, кейингисининг ота қадрдони касал Қувват бободан хабар олиши, болаликдан дўсти, магазинчи Қосимни жон-жаҳди билан ҳимоя қилиши, қишлоқ кутубхоначиси Олия исмли гўзал қиз туфайли зиддиятларга киришиши, Райҳонбиби манфаати юзасидан Зумраднинг ҳужумларига бардош бериши сингари барча шахсий қарама-қаршиликлар манбаини ёзувчи озми-кўпми идрок эта олгани кўриниб туради. Биз романни ўқир эканмиз, ёзувчининг алоҳидаликни бера билишда, оз бўлса-да, иқтидори борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Романдаги Камол, Зумрад, Қосим, Олия, Райҳонбиби, Умар, Мақсадбиби сингари қатор образларда ўз биографик турмуш йўли, жонли тақдири, тирикчилик ташвиши борлигини сеза борамиз. Бироқ, мукаммал санъат асари яратиш учун шуларнинг ўзигина кифоя қилмайди. Алоҳидаликни бера билиш санъати билан бирга ҳар бир инсон образида турмушдаги умумий тараққиёт қонуниятларига дахлдор бўлган зиддиятларни типиклаштириб ифодалаш орқалигина йирик бадиий

образлар, адабий типлар яратиш мумкинлигига иқрор бўла борамиз.

Романнинг бош қаҳрамони Камол образини олиб кўрайлик. У оддий колхозчидан комсомол ёшларнинг илғор бригадири даражасигача ўстирилади. Ёзувчи ана шу жараёнда колхоз ҳаётининг умумий тараққиётига дахлдор барча ички ва ташқи зиддиятларни - даврга хос кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, порахўрлик, меҳнаткаш халқ манфаатини оёқ ости қилган мансабпарастлар ҳамда ҳақиқатни ҳимоя қилганларга қарши қаратилган ёвузликларни очиб ташлаганида, бош қаҳрамонни бу хилдаги иллатларга қарши курашувчи шижоат билан таъминланганда, "Йиллар шамоли" олиб келган бақувват ғоя ёрқинроқ ифодаланган, даврнинг курашувчи типи яратилган бўлур эди. Камол билан ёнма-ён борувчи Зумрад образини олиб кўрайлик. Унинг шахсий индивидуал турмуш тарзи анча ёрқин бўёқларда берилган. Лаънати уруш туфайли унинг етим қолиш тарихи, Райҳонбибилар хонадонига тушиб, вояга етиш жараёни, Камол билан акасингил муносабатларидаги такомили, шу оилага нисбатан жонкуярлиги - барча-барчаси жонли чиққан. Романда бу қизнинг кутубхоначи Олия билан яқинлиги, жуда кўп ўқиши каби фазилатлар ҳам қистириб ўтилган. Бироқ, унинг сиймосида ҳам давр тараққиётига хос зиддиятларнинг умумлашма унсурлари берилмайди. Бу эса, образнинг тўлақонли чиқишига имконият бермаган. Зумрад жуда кўп китоб ўқиши эвазига қишлоқ хўжалигидаги химиялаштиришнинг зарарларини - ер ва сувнинг заҳарланишини, бу ҳол касофатларининг қишлоқ аҳли саломатлигига чанг солаётганлигини илғаб қолиб, шу хилдаги ёвузликларга қарши ўт очганида эди, даврнинг курашчан фарзандига айланар, жабр-жафо чекиб бўлса ҳам, бадиий тип юксаклигига кўтариларди. Ёки Олия образини олиб кўрайлик. Бу образда ҳам ёзувчи оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган зиддиятларни тасвирга олиб кирган.

У кутубхоначи сифатида колхоз турмушидаги барча зиддиятларни кўра билиши, даврнинг илғор кишиси сифатида раҳбарлик маданиятидаги нуқсонларни англаб етиши, халқимиз маънавий қашшоқлигини тугатиш жангларида жасурлик кўрсатиши ва шу йўлдан жуда кўп зиддиятлар чекиб бўлсада, халқ манфаати курашчисига айланиши юксаклигига кўтарилиши керак эди. Кўринадики, алоҳидаликдаги зиддиятлар, яъни шахсий турмуш

зиддиятлари берилиши билангина давр учун керакли ғояни ифодалаб бўлмайди. Бунинг ёнида давр тараққиётининг умумлаштирувчи зиддиятлари ҳам образ фаолиятига бир шахсий дард сифатида кўчириб киритилиши тақозо этилади. Фикримиз тўлароқ бўлсин учун, Қосим магазинчи образига мурожаат қилайлик. Қосим ўзидаги шахсий нуқсонларни отасидан мерос олади. Ундаги ахлоқий бузуқлик, ҳулқидаги ёвузлик, ҳатто ўз отасини ҳам аямаслик наслий қусур сифатида тасвирланади. Бироқ, у ҳозирги давримиздаги юзлаб ва минглаб магазинчиларнинг типиклаштирилган образи юксаклигига кўтарилмайди. Ундаги ўғирликлар ҳам, Олия билан бўлган бузуқ муносабатларга интилиш ҳам қандайдир майда-арзимас даражададир. Хуллас, Қосим ўлимга маҳкум этилган, емирилиб борувчи хунук ахлоқнинг ёвуз бадиий типи даражасида эмас.

Булардан ташқари Райҳонбиби, Мақсадбиби сингари онахонлар образи ҳам умумлаштирувчи қувватдан маҳрумдир. Очиғини айтганда, Омон Мухтордан алоҳидаликдаги кичик зиддиятларни бера билиш маҳорати бору, бироқ бош ғояни давр дардлари билан нурлантириб юбориш, ҳар бир образни тараққиётнинг кучли зиддиятлари гирдобидан келиб чиқиб иш кўра оладиган кучли ғоявий эътиқод билан таъминлаш жараёнларида бадиий образлар яратиш санъати етишмайди. Натижада, "Йиллар шамоли" романи турмушнинг оддийгина тасвиридан иборат бўлиб қолган бадиий заиф асардир. Орадан ўн йиллар вақт ўтгандан сўнг Омон Мухторовнинг "Эгилган бош" номли романи китобхонларга тақдим этилди. Романга "Эгилган бошни қилич кесмайди.." дейилган халқ мақолидан эпиграф берилган. Ёзувчи янги романнинг марказига даврнинг муҳим ижтимоий, ахлоқий-маънавий муаммоларини кескин қилиб қўяди. Романнинг ғоявий-бадиий йўналишини турли тоифа ва характердаги образларнинг курашуви ҳамда тўқнашувларидан юзага келтиришга уринилади. Муаллиф воқеаларни бир қарашда оддийгина тасвирга киритаётгандай кўринса-да, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги келиштириб бўлмайдиган қарама-қаршиликнинг ранг-баранг қирраларини тасвирга олиб киришга интилади. Натижада, олдинги романига нисбатан китобхонларни ҳаёт ҳақида кенгроқ мушоҳада юритишга ихтиёр этади. Романда ёвузликка қарши курашиб турмушда ҳақиқат тантанаси учун жон фидо этган Қодиржон образи марказда туради.

Бироқ асарнинг номи салбий образ Ғозиддин Қобулов хулқи ва характерига мослаб қўйилган. У жамиятга жуда катта зарар келтирадиган ахлоқий нопокликлар қилса ҳам ноҳақ йўлдан бориб, ижтимоий тараққиётга зарар етказадиган фаолият кўрсатса ҳам, ҳақиқат тарафдори бўлган одамларни ўз шахсий манфаати йўлида оёқ остида қолдириб, эзиб-янчиб ўтса ҳам, ўзидан катта мансабдорлар олдида бошини эггани учун жазоланмайди, омон қолади ва қўллаб-қувватланади. Романнинг конфликтига даврнинг асосий зиддиятини - ҳақ билан ноҳақлик ўртасидаги курашни асос сифатида танлаб олиб, ёзувчи бир оз бўлсада, муваффақиятга эришган. Романдаги воқеа, асосан, шаҳарда, маданият уйларидан бирида бўлиб ўтади. Воқеанинг доираси борган сари кенгайиб, шаҳар миқёсини, кейинчалик Навоий ва Бухоро чегараларини қамраб ола боради. Нопок йўлдан бориб ҳам оилавий, ҳам ижтимоий бахтга эришган бош қаҳрамон Ғозиддин Қобуловнинг емирилиш тарихи роман сюжетига асосий йўналиш сифатида танланган. Бош қаҳрамонга юклатилган ғоявий вазифа ҳам анча ёрқин бўлиб, у ҳаётий зиддиятлар орасидан олиб ўтилгани учун ҳам кучли таъсирдорлик фазилатига эга. Бу ғоя - ноҳақ йўлдан бориб топилган бахтнинг умри қисқадир дейилган қонуниятга асосланган. Ана шу ғоя гоҳ Ғозиддин Қобуловнинг дўсти Аброрларнинг оилавий саргузаштлари, ижтимоий фаолияти мантиқидан, гоҳ Ғозиддин Қобуловнинг оилавий саргузаштлари ва ижтимоий фаолияти мантиқидан келтириб чиқарилади. Ёзувчи романнинг марказига бир эмас, бир нечта турли-туман характерларни - ишдан олинган маданият уйи директори Ғозиддин Қобулов, шу маданият уйи хизматчиси Аброр унга қарама-қарши қўйилган, ноҳақликни қораловчи ва ҳақиқатни ҳимоя этувчи Қодиржон, шунингдек, бошқарманинг янги раиси, ноҳақликнинг ашаддий душмани Шариф Рустамович, бунинг устига фамилияси Ҳақназаров бўлса ҳам ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган профессор Ғозиддиннинг қайнотаси ҳамда унинг жуда юқори лавозимларда ишлайдиган таянчли образлари қўйилган.

"Эгилган бош" романида қаламга олинган мураккаб даврларнинг барча зиддиятларини бир марказга йиғиб турадиган конфликт тарзида ҳақиқат билан ноҳақликнинг тўқнашуви давр тараққиётида бош, етакчи кураш чизиғи шаклида олиниб, роман образларини ғоявий нагрузка билан таъминлашда самарадорликка олиб келган.

Айниқса, марказий қаҳрамонлардан бири Қодиржоннинг оилавий тарихи тузумимизнинг ижтимоий тараққиёти билан ғшонарли даражада чатиштириб берилган бўлиб, бу оила аъзоларининг ҳақиқат тантанаси учун олиб борган кураши тимсолида жамиятнинг зиддиятли тараққиёт гирдобларидан ўтиб олға силжиб келаётгани ҳис этилади. Қодиржоннинг отаси оилавий тарихини олиб кўрайлик. Бу чизиқда ҳам жамият тараққиётининг кичик бир парчаси умумлаштириб берилган. Бу ғоявий нурда эрини фронтга жўнатиб чўпонлик қилган ойисининг ибрати ўзбек аёлларининг турмуш машаққатлари орасидан йўл топиб олға интилаётган қаҳрамонлик тимсолидан кичик бир нишона тарзида роман саҳифаларига жонлантирилган. Худди Қодиржоннинг отаси каби Аброрнинг падари ҳам ноҳақ босқинчилик қилган фашизмга қарши жангларда матонат кўрсатган. Қобулов хулқи муҳокамасида Аброрнинг ҳақиқатга содиқ колиб гапиргани ва ҳақиқий аҳволни ҳаммадан кўра яхшироқ очиб ташлаганлиги учун унинг бошига кутилмаганда фалокат тушади: кўчада қандайдир безорилар ўзини йўқотгунча дўппислаб, сувга ташлаб кетишади ва бир ойдан сўнг унинг жасади топилади. Асарда Адолат ва Аброрларнинг фожиасидэ Ғозиддиннинг қўли борми-йўқми эканига аниқ бир ишора берилмаган. Романни роман тарзида ушлаб турган ғоявий илдизлар ана шулардир, холос.

Адабиётшунос Мирзааҳмад Олимов "Эгилган бош" романи ҳақида "Эгилган бош қиссаси" номли шахсий мулоҳазаларини эълон қилди ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1988 йил, 7 октябрь). Тақриз характеридаги ўз мулоҳазаларида адабиётшунос романга, хусусан, ундаги "қарама-қаршиликлар диалектикаси"га юксак баҳо берада. У: "Асарда кўпчилик воқеаларни бир ипга тизиб турадиган драма бор, барча қаҳрамонларни жиддий ўйлантириб қўйган, уларнинг ҳаётини бутунлай бошқа изга солиб юбориши мумкин бўлган драматик вазият бор: маданият уйи директори Ғозиддин ишдан бўшатилди, қарама-қаршиликлар кураши авж олди... Қарама-қаршиликлар курашининг объектив диалектикаси шундай. О.Мухторов шу диалектикани тўғри илғаган. Воқеалар жараёнида қаҳрамонлар ўртасидаги асл муносабатлар юзага қалқиб чиқади. Ғозиддиннинг енг ичида бажарган ишлари ошкор бўлади. Даврнинг ҳали-ҳозирча кимга ён босиб турганлиги ойдинлашади", - дейди ва шу асосда роман ғояси асосида ётган конфликтни анча

шиддатли кечганлигини исботламоқчи бўлади. Кошкийди шундай бўлса! Бизнингча, мунаққиднинг фикрлари ошириб айтилган бўлиб, ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди.

Бадиий ижод тарихидан шу ҳақиқат аёнки, асарда ғоя, мазмун бош ва ёрдамчи конфликтлар воситасида ўз ифодасини топади. "Эгилган бош" романида ёзувчи бадиий асар ғоясини оддий, мантиқий ғоялардан юксакроқ даражага кўтариш устидаги имкониятлардан тўла фойдалана олмайди. Бош ғоя ҳам, ғоявий мазмун ҳам кучли конфликтларни тақозо этган ҳолда, ана шу конфликтлар ёрдамида бадиий образларнинг психологиясига, тақдирига, воқеалар ва нарсаларнинг моҳияти ичига сингдириб юборилиши керак. Ваҳоланки, ёзувчи Омон Мухторовда ана шу маҳорат етишмайди. Романнинг марказий салбий образи Ғозиддин болаликдан дўсти Аброрга ўзининг Ҳақназаровнинг қизи Ноилага уйланишини қуйидагича изҳор қилади: "Қизини олиб, Ҳақназаровдардан интиқом олмоқчиман, мен билан ҳисоблашмай кўрсинчи", дейди. Ўзи буни "кураш", "исён" деб атайди.

Кўринадики, бош ғояда ёзувчи, энг аввало бош зиддиятни, яъни куёв ва қайнота ўртасидаги кучли тўқнашувни белгилаб олган эди. Бироқ, ижодий ниятдан туғилган бош ғоя талқинида кучли конфликт юз бериши қонуний, куёв-қайнота ва унинг муҳитини аёвсиз фош қилиш, қаттиқ ва шиддатли жангларда эгилиб, таслим бўла бориб, емирилиш томон жуда катта ўкинчлар билан бош эгишга мажбур бўлганлиги далилланиши зарур эди. Ёзувчи бош қаҳрамон характерини яратар экан, унинг бойликка ўчлигини, бебурдлигини, қатъий иродага эга эмаслигини болалик даври ҳаётидан олинган бир неча лавҳа, жонли манзаралар орқали уларнинг моҳиятига сингдириб юбориши керак эди. Агар биз Саид Аҳмаднинг "Жимжитлик" романидаги Мирвали образини айни шу нуқтаи назардан ёдга туширсак, унинг болалик даврида шавқатсиз, золим бўлиб ўсганлигини, итга тириклайин олов бериш, мушукнинг кўзига мих қоқиб азоблаш томошалари моҳиятга сингдириб юборилганлигини ақлий ва ҳиссий асос сифатида қониқиш билан эътироф этамиз. "Эгилган бош"да бундай эмас. Ёзувчи Ғозиддин ва унинг қайнотаси муҳити ўртасидаги бош конфликтни четлаб ўтади. Худди шу нуқсон сабаб бўлиб, Ғозиддин дўсти Аброрга айтиб берган бош ғоя очилмай, кишилар тақдири ва психологияси орқали муҳрланмай қолиб

кетади. Ғозиддин ўзининг бош эътиқодидан чекиниб жуда тезлик билан Ҳақназаровларнинг қулига айланиб боради. Ёзувчи Ғозиддин билан боғлиқ бўлган бош ғояни ҳамда бош конфликтни четлаб ўтиб, унинг инқирозга юз тутишини оилавий изоҳлашга тушади. Ғозиддин Ноилага уйланиб, оилавий ва ижтимоий бахт топгач, ўз она қишлоғини, унинг меҳрибон одамларини, энг даҳшатлиси, ота-онасини унутади. Романда Ғозиддиннинг ёвузликка юз тутиши Тошкент зилзиласидан бошланганлиги баҳонасида тасвирга олиб кирилади.

Тўғри, бундай жонли манзаралар чизишнинг зиёни йўқ. Романда бош ғоядан ташқари даврнинг хусусиятлари ва унинг ишларига, ҳаётига оид жуда кўп томонлар ифода этилиши мумкин. Бироқ, улар ҳам жиддий тўқнашувлар, аёвсиз жанглар, кульминацияга томон шиддат билан ўсиб борувчи кескин ёрдамчи конфликтлар заминидаги ечимга борса, ғоявий мазмун салмоқдор бўлади. Асарда бош конфликт четлаб ўтилганидай, ёрдамчи конфликтлар ҳам меъёрига етказилмаганлиги асарга салбий таъсир ўтказган. Масалан, қишлоқ одамлари - Ғозиддин, Ноила-Ғозиддин, Санамжон-Ғозиддин ўрталаридаги ёрдамчи конфликтларда шиддатнинг етишмаслиги ғоявий мазмуннинг заифлигига олиб келган. У билан Ноила ўртасидаги ёрдамчи конфликтни олиб кўрайлик. Ноила жиноят, ёвузлик, одамнинг инсоний қиёфасини бузадиган ахлоқсизликлар ботқоғига ботиб кетаётган эрининг ташвишини чекади. Уни орқага қайтариб олишга интилади. Маълум муддат бу аёлнинг қалбида норозилик туйғуси шамдек милтиллаб туради. Тўй ўтиб қариндошуруғчилик қарор топгач, Ғозиддин Ҳақназаров томон қайиша бошлайди. Ноила аввалига бунга ортиқча парво қилмайди. Буни табиий ҳол деб тушунади. Отаси билан эри ўртасига ғаразлик солиб қўйгиси келмайди. Ноила бора-бора адашганлигини сезади. У аста-секин отаси билан эрини номаълум ифлос мақсад, ёмон маслак бирлаштираётганлигини ҳис этади. Ана шундай пайтларда ҳам Ноила эрини ҳимоя қилиб, отаси билан, ҳеч бўлмаганда, эри билан аёвсиз жангга киришмайди.Фақатгина эримни отам йўлдан оздираяпти, деб ўйлаш билан, "дунёда нега бузилган одамлар ҳамиша бошқаларни йўлдан оздиришга уринишади, ўзлари сингари бедаво бўлишга ўргатишади, бу қандай бедодлик", деган хаёлга боради ва эри учун курашиб, уни Ҳақназаровлар дастпанжасидан тортиб олмайди.

Ёзувчида ғоявий мазмунни салмоқдор, таъсирдор қилиш учун жуда қулай имкониятлар яратиб берадиган ёрдамчи конфликтлар топқирлик билан белгиланган бўлишига қарамай, улардан фойдаланиш маҳорати етишмайди. Бунга мисол қилиб яна Ғозиддин ва Санамжон ўртасидаги конфликтни кўрсатиш мумкин. Ғозиддин маданият уйидаги Санамжон номли раққоса қизни йўлдан оздиради, уни фоҳишалик ботқоғига ботиради. Ёзувчи Санамжонни Ғозиддин билан кескин конфликтга киритиши, аёллик иффатини топтагани учун ундан ўч олдириши, жабрдийда бир ожиза тарзида ёвузликни лаънатлашда ундан фойдаланиши мумкин эди. Хуллас, ҳар қандай ёрдамчи конфликтда ҳам кескин ва зарбдор шиддат бўлиши, ифлосликлар фош этилиб, покизаликни улуғловчи ғоя бўртиб кўриниши лозим. Ахир, Қудратлар хонадони тасвирга олинганда ёрдамчи конфликтларда ана шундай имкониятлар мавжуд эди-ку. Бундай мантиқийлик Илёс билан Ғозиддин ёки Илёс билан Ҳақназаров ўрталаридаги ёрдамчи конфликтларда ҳам кўзга яққол ташланмайди. Илёс опаси Руқияни олима қиламан деб ёмон йўлларга бошлаган Ҳақназаровдан ўч олиш мақсадида машина балонларини тешиб қўяди. Ҳақназаров эса уни ўғирликда айблаб арзимаган гуноҳи учун қаматиб юборади. Бир неча йиллар азоб тортган Илёс ниҳоят жазодан қутулиб, жуда катта жиноятчи бўлган Ҳақназаров билан тўқнаш келади ва уни фош этади. Бироқ Санамжоннинг ўрнига уни ёллаган Ғозиддин билан кескин жангларга киришмайди.

Ёки Ғозиддин билан Аброр ўртасидаги ёрдамчи конфликт линиясини олиб кўрайлик. Ёзувчи Аброр образини дўстга садоқат туйғуси билан бақувват қилиб яратишга ичтилган. У характер йўналишига кўра ҳалол, покиза шахс бўлиб, дўсти Ғозиддин билан уруш даври қийинчиликларини бирга тортган. Улар ота-оналарининг тўғрилиги-ю, соддалиги учун қўли қисқалигини чуқур идрок этадилар. Бироқ икки ёш икки хил йўлдан кетади. Аброр ўз оддий тирикчилигини ҳалол меҳнати билан давом эттиради. Ғозиддин эса ҳаром давлат орттирган Ҳақназаров сингари сассиқ алафларга қарши жанг очмоқчи бўлади. Кўринадики, ёзувчи Аброрга улкан бир ғоявий вазифа юкламайди. Ғозиддинда эса у бор. Аброрни унинг хотини Зуҳра доимо тўғри, ҳалол йўлга бошлайди. Абрордаги ана шу тўғрилик ва ҳалоллик баъзан Ғозиддин ўта қийин шароитларга тушиб қолганда ўзига мадад

оладиган буюк бир кишидай кўриниши учун имконият яратди. У дўсти ҳузурига мадад излаб келади. Ўзининг кундан-кунга ёмон аҳволга тушаётганлигини, ёвуз касалга мубтало бўлганлигини изҳор қилиб, "бу - қандай касал ўзи?! Айт, менга бирор нима де, неча йиллардан бери ёнимдасан, мени кузатиб юрибсан, аччиқми, нордонми ўз фикрингни тортинмай гапиравер", - деб ялинади. Ёвузчи айни шу имкониятдан фойдаланмайди. Турмушда тўғрилик, ҳалоллик символи бўлган Аброр билан нопоклик ва ёвузлик рамзига айланган Ғозиддинни тўқнаштириб,давр тараққиётининг қонунларини очиб ташлаш маҳоратини намоён эта олмайди. Асар сўнгига бориб иродасиз Аброр ишдаги камчиликларни очиб ташлагани учун ёвузлар томонидан қатл қилинади. Умуман, романдаги Ғозиддин дахлдор бўлган салбий муҳит тагтугигача очиб ташланмайди. Энг ёвуз раҳбарлар Бурхон Тиллаевич, айниқса, Турди Бахриевлар сирлари очилмайди. Ўйиндан чиқиб кетган Раҳим Ғуломович сингари ёвуз типнинг хилватгоҳлари берклигича қолиб кетаверади. Романда салбий муҳитнинг йирик вакилларидан бири - Ҳақназаровнинг кичик куёви Саидобидхонга жуда кўп саҳифалар ажратилади. Бироқ ёзувчи томонидан унга юклатилган ғоявий вазифа туманли бўлиб қолаверади. У билан ҳеч ким конфликтга киришмайди. Шуларнинг барчасидан англашиладики, романдаги жуда кўп нуқсонлар бир талай образларнинг улкан ғоявий вазифа ташимаганлиги сабабли кескин конфликтларга киришмаганлиги сезила боради. Салбийми, ижобийми, қатъий назар, романдаги бош, етакчи ва асосий образлар бўрттирилмасдан, ўз-ўзлари дахлдор бўлган муҳитнинг умумлашма типи даражасига кўтарилмасдан қолаверадилар.

Хуллас, "ҳаётдаги асосий конфликтни чуқур англаб, уни кенг акс эттирган ёзувчиларнинг асарлари ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан бақувват бўлади"[1]. Чунки, ҳаётий конфликт ва унинг асосида ифода қилинадиган характерларнинг, ғоянинг бир-бирига мутаносиблигини, диалектикасини юқори савияда таъминлай билиш иқтидори ҳар бир бадиий асарнинг таъсирчанлик қудратини, ҳаётбахшлигини, умрбоқийлигини, адабиётда тутган ўрнини белгиловчи омилларнинг ҳал қилувчи асосидир.

---

[1]Қўшжонов М. Сайланма. 2-жилд. 188-бет.

V БОБ

РОМАН ВА БАДИИЙ ТИЛ
(Ёзувчи ва персонаж нутқи)

Бадиий ижод шундай бир санъатдирким, унинг биринчи сатриданоқ ёзувчининг сўзга, она тилига бўлган муносабати, ундан фойдаланиш маҳорати кўзга ташланади. Шунинг учун бадиий ижодни сўз санъати дейиш одатий таомилга айланган. Сўз - фикрнинг ифода воситаси, фикр қанча равшан ва аниқ бўлса, у ҳам шунчалик равшан ва аниқ бўлади. Сабабки, фикр сўзда шакл топса, сўз фикрда ўзининг маъно ва ҳиссий имкониятларини намоён қилади. Албатта, бунда ёзувчининг сўздан, тилдан фойдаланиш савияси, маҳорати муҳим аҳамиятга эга.

Тил характерлар, сюжет тўқимаси, композицион қурилиш сингари компонентлар билан биргаликда бадиий асарнинг энг муҳим хусусиятларини, В.Г.Белинский айтмоқчи, оммавийлик ва бадиийликни рўёбга чиқарувчи омилдир. Айтайлик, бадиий асарнинг образлар тасвири, сюжет қурилиши каби томонларида баъзи нуқсонлар, етишмовчиликлар бўлгани билан китобхон уни ўқиши ва баъзан камчиликларни пайқамаслиги мумкин. Бордию, унинг тили нўноқ, сўзлар ўз ўрни, маъноси ҳамда ҳиссий қийматида ишлатилмаган бўлса, дарҳол китобхоннинг ғашига тегади, унинг асарга бўлган эътиборини кескин пасайтиради. Тилдан бошқа компонентлари жиҳатидан нуқсонли асарларга биз ҳар доим дуч келамиз. Ва ҳар бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати ҳар хил эканлигини ҳам яхши биламиз. Шу ўринда шоир Абдулла Ориповнинг куйиниб айтган қуйидаги сўзлари диққатни жалб этмаслиги мумкин эмас. "Она тилимизнинг ипакдай товланиши, гўзал ритмикаси, бой аслаҳахонаси бор. Ҳар қандай шаклни қўллаганда ҳам ана шу хазинадан фойдаланиш керак. Фойдаланиш учун эса билиш керак, билиш учун болаликдан тил бойликларидан баҳраманд бўлиб бориш лозим... Тилимизнинг бойлиги ҳеч қаёққа кетмаган, ўз қўлимизда мавжуд"[1].

Тили камбағал, қашшоқ асарларнинг адабиёт тарихидаги ўрни ҳам чеклангандир. У, кўпинча, адабиётнинг заиф томонини кўрсатувчи, китобхонни адабиётдан

---

[1] Орипов Абдулла. Эҳтиёж фарзанди. Тошкент., "Ёш гвардия" нашриёти, 1988, 142-бет.

бездирувчи, турли таъна-дашномларга рўбарў қилувчи адабий мезон бўлиб қолади. Бежиз эмаски, бундай асарлар юзага келмаслиги ва унинг олдини олиш учун наинки танқидчилик, балки биринчи навбатда ёзувчиларнинг ўзлари кураш олиб боради. Шу ниятда Абдулла Қаҳҳор бир улуғ фикрни айтган эди: "Эҳтирос билан ёзилган ҳақиқий асарда лоқайд саҳифалар эмас, ҳатто сатрлар, сўзларга ҳам ўрин бўлмайди. Бундай асарлар адабиётдагина эмас, халқнинг маънавий ҳаётида ҳам катта воқеа бўлади. Шундагина ёзувчининг сўзи китобхоннинг қулоғидан, киёфаси, унинг кўз ўнгидан кетмайди"[1].

Албатта, бу мулоҳза шунчаки айтилган гап эмас. Балки адабиёт ва китобхон қаршисида ёзувчилик масъуллигини чуқур ҳис этиш туфайли билдирилган фикрлардир. Бунга биринчи навбатдаги жавобни мумтоз (классик) адабиёт, А.Навоий, З.М.Бобурлар ижоди берди. А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғ.Ғулом, А.Қаҳҳор сингари ёзувчиларимиз ижоди ҳам адабиётнинг сўз санъати эканлигини исботлашга қаратилди ва мукаммал намуналар сифатида майдонга келди.

"Тил - бадиий асарда хактерни ёритувчи восита. Ўз навбатида тилнинг замонавийликка алоқадорлигини унутмаслигимиз керак. Чунки, реалистик асарда воқеликни ҳаққоний кўрсатиш учун қаҳрамоннинг ташқи қиёфаси билан бирга унинг ички дунёсини ҳам, мураккаб ҳис-туйғуларини ҳам, ўзига хос феъл-атворини ҳам, характерини ҳам, яшаш шароити ва ҳолатини ҳам тафсилотлар билан тасвир этиш керак"[2].

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир бадиий асар халқ ва миллий адабий тил асосида яратилса-да, у ўз даврининг нафас олишини, аломатларини акс эттириши билан ана шу давр тилининг ривожи ва луғат бойлигига катта таъсир ўтказади. Бу фикрнинг ҳаққонийлигини ҳозирги даврда яратилган асарлар билан "Ўтган кунлар", "Кеча ва кундуз", "Сароб" каби нисбатан анча бурун яратилган асарлар тилини қиёслаш ҳам тасдиқлайди. Демак, давр, сиёсат, жамият тизими яратилган асарлар ғоясидагина эмас, ана шу ғоялар иштирокчиси бўлган уларнинг тилида ҳам ўз муҳрини қолдиради.

---

[1] Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Беш жилдлик. 5-жилд, 162-бет.

[2] Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1973, 8-бет.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, бадиий асар тили масаласи кўп қиррали бўлиб, у ижод жараёнининг барча соҳасини қамраб олади. Хусусан, асар тилининг бадиийлик компонентлари орасидаги вазифаси, жонли, адабий, бадиий тиллар асосида тузилиши, хусусиятлари ва воситалари унинг серқирралигини таъмин этади. Таниқли олимларимиздан И.Султон ва П.Қодировларнинг бу масалани атрофлича таҳлил этган асосий (фундаментал) ишлари[1] бадиий асар тилининг хос хусусиятлари хусусида батафсил тўхталишга ўрин қолдирмайди.

Бадиий асар тилининг ана шу серқирра хусусиятини ҳисобга олиб, биз бу ўринда масалани лингвистик томондан эмас, балки унинг ҳозирги ўзбек романчилигида ғоя ва образлиликни, характерлар оламини юзага чиқаришдаги ўзига хос вазифасини ўрганишга ҳаракат қиламиз. Бадиий асар тилининг бу хусусиятида, энг аввало, муаллиф нутқи ва позицияси, персонаж нутқи етакчилик қилади. Шунинг учун М.Горький "тил - адабиётнинг асосий қуролидир, ҳаёт ҳодисаларини, фактлар билан бирга унинг материалидир"[2] деб таърифлаганда, унинг образлар, типлар, характерлар, манзара ва бадиий тафаккур жараёнини тасвирлашдаги хусусиятига алоҳида эътиборни қаратади.

Бадиий ижод тарихидан шу ҳақиқат аёнки, тил маҳоратига шахсиятни тоблаш, истеъдодни ижодий меҳнатда чиниқтириш, аждодлар (устозлар), тажрибасини чуқур ва атрофлича ўрганиш, бадиий савияни тинимсиз юксалтира бориш, ижод жараёнида ўзлигини англай билиш, бой тажриба, воқелик ва инсоний муносабатларни ўзлаштириш, шахсий усулларни таркиб топтириш, теран кузатувчанлик ва образли тафаккур юксаклигига кўтарилиш, даврнинг ижодкор олдига қўйган тажрибаларини қалбдан ҳис эта олиш босқичларини босиб ўтиш орқалигина эришиш мумкин. Айни шу нуқтаи назардан Одил Ёқубовнинг "Диёнат" романига ёндошар эканмиз, ёзувчи давримизнинг илғор кишиси, эл-юртнинг қувончи ва ғамига шерик, жамиятни олға силжитаётганларга камарбаста, замонамиз ва инсоният ривожига, маънавий

---

[1] Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент. "Ўқитувчи" нашриёти, 1980; Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1973, 8-бет.

[2] Горький М. Адабиёт ҳақида. 239-бет.

ва маданий бойлигимиз тараққиётига таъсир кўрсатувчи фаол ижодкор эканига амин бўламиз.

Романнинг бошланишиданоқ, китобхон Нормурод Шомуродов, Гулсара ая, Отақўзи, Аброр Шукуров, Отақўзининг қизи - Тоҳира образлари билан танишади. Бу образларнинг етарли даражада мукаммал яратилишида ёзувчининг она тилига бўлган самимий, масъул муносабати алоҳида ва муҳим аҳамиятга эга. Эътибор беринг, "Отақўзи миллионер раисларга хос виқор ва дабдаба билан қўққисдан "бостириб" келди". Гапдаги "виқор", "дабдаба", "бостириб келди" сўзлари бажарган экспрессив-услубий маъно нозикликларида катта бир "топшириқ" тажассум топгандай. Романда Отақўзини "виқор" билан юришга одатлантирган муҳит барча ички алоқалари билан очиб ташланадики, ёзувчининг муносабати ана шу муҳит тасвирига кўчиб, унга мукаммал шакл бериб, етук шахсларни хароб қилувчанлик, жамият тараққиётини издан чиқарувчанлик қирралари - Жамол Бўрибоев, Воҳид Миробидов, Бекмурод Холмуродов фаолиятлари воситасида ойдинлашади. Отақўзидаги дабдаба илдизлари ана шу муҳит меваси экани образларнинг ўзаро муносабатларида, фикр алмашувларида намоён бўлади. Буларнинг барчаси, ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги маҳоратини - ўзининг шахсий субъектив таассуротларини қайта ишлаб, уларда умум аҳамиятли - объектив томонларни топа оладиган, тасаввурларга муносиб шакл бера оладиган сўз устаси эканини кўрсатади. "Диёнат"ни ўқий бошлашимиз билан унинг ҳар бир саҳифасида, ҳар бир "хужайраси"да мавжуд бўлган бадиий тил бизни сеҳрлаб олади, тасвирланаётган воқеаларга, қаҳрамонларга қизиқиб кетиб, унинг мафтункор тили хусусида ўйламай қўямиз. Кўринадики, тил маҳорати ёзувчининг кўнглида илдиз отган мазмунга боғлиқ. Кўнгил - бу бадиий асар яратиладиган макон. Ёзувчи ана шу хазина берган бойликка таяниб, ўзи яратаётган образларнинг дилидаги истак ва интилишларини, фикр ва туйғуларини, амалга ошган ва ошмаган ниятларини, умуман, жамият тараққиётига дахлдор бўлган ҳаракатни меъёрига етказиб тасвирлай олади. Бу жиҳатдан биз, "Диёнат" романидаги бадиий маҳорат хусусиятида фикр юритар эканмиз, балки унга шакл билан мазмун бирлигини таъминловчи восита сифатида ёндошганига дуч келамиз.

Бадиий асардаги муаллиф тили ўрнини ҳеч қандай тасвир воситаси бажара олмайди. Ҳар қайси образга,

персонажларга тавсиф беришда, улар ҳолатини тасвирлашда, ҳар бири жамиятимизнинг қай қатламига мансублигини кўрсатишда ёзувчидан "бетарафлик", образларни "тушуниш" талаб қилинади. Агар шу нуқтаи назардан эътибор берсак, "Диёнат" романидаги бир қатор образлар тасвирида муаллифнинг ахборот берувчи нутқи асар асосидаги ғояни очишга қаратилганини кўрамиз. Давр етиштирган бундай ижтимоий типни бутун зиддиятлари, яхшию ёмон қирралари билан кашф этишда тилдан моҳирона фойдаланилади. Энг муҳими, унга баъзида ҳайрихоҳ ҳаётий масалаларда қарама-қарши турувчи Нормурод Шомуродов, Аброр Шукуров, Латофат ва Соқижон Обидовларни кашф этишда тил маҳоратини намоён қила олган. Буларнинг барчаси ҳақиқий санъат асарининг яратилишида турли тил қатламларидан фойдаланиш жараёнларида ёзувчи позицияси, давр руҳи ҳал қилувчи роль ўйнашини яна бир бор кўрсатади.

Яна шуни ҳам эътироф этишимиз керакки, ёзувчи Нормурод Шомуродов ва Отақўзи феъл-атворини, руҳий ҳолатларини тасвирлар экан, кўп масалаларда ўзаро антипат бўлган муҳитнинг бир-бирини тушунишини, ўзаро ўзларининг ҳолатларини тушунтиришни истайди. Ҳатто Отақўзининг хатоларини кўрсатиш орқали ундаги яхши хислатларнинг кўпайишини кўриш истаги бор ёзувчида. Фикримизнинг исботи сифатида қуйидаги тасвирга эътибор берайлик: "... Отақўзи кўча чироғи шуъласида букчайиб ўтирган тоғасини кўрди-ю, негадир марҳум волидасининг вафоти ёдига тушди. Ўшанда, телеграмма орқали хабар топган тоғаси ҳовлидан тобут кўтариб чиқаётганларида етиб борганди. Бошида шляпа, эгнида қимматбаҳо макентош, тоғаси тобутни кўриб бирдан шердай ўкириб юборганди. Анча йироқдан: "Меҳрибоним, жигарим! Ёлғиз опам, дилбандим!" деб бўзлаб келаётган бу салобатли қарияни кўрганда ҳатто тобуткашлар ҳам тўхтаб, ёшу қари баб-баравар хўнграб юборган эди.

Отақўзи ҳозир ўша манзарани эслади-ю, секин юриб бораётган машинадан сакраб тушиб ўзиям бўзлаб юборди:

- Эна ўрнида эна бўлган аяжоним! Ёлғиз ўғли доғида қуйиб ўлган аяжоним! Бағри кабоб аяжоним!

Нормурод ота тимирскиланиб ўрнидан турди, қалтироқ қўлларини чўзиб:

- Қайдасан, жияним! Айрилиб қолдим-ку, аяжонингдан!- деб хитоб қилди-да, ёш боладай хўнграб, ўзини Отақўзининг қучоғига отди"[1].

"Роман ёки повестда, - деган эди М.Горький, - тасвирланаётган кишилар авторнинг ёрдами билан ҳаракат қиладилар, автор ҳамма вақт улар билан бирга бўлади, у китобхонга роман қаҳрамонларини қандай тушуниш лозимлигини айтиб туради, яширин фикрларни, одамлар ҳаракатининг махфий сабабларини тушунтириб туради, кайфиятларини табиат ва шароит тасвирлари билан бўрттиради ва умуман, ҳамма вақт уларнинг жилови автор мақсадига мувофиқ тутиб турилади, автор персонажларнинг ҳар бир ҳаракати, сўзи, иши, муомаласини бемалол ва кўпинча - китобхон сезмайдиган даражада - усталик билан ўзича бошқаради. Бу билан у романдаги кишиларнинг бадиий жиҳатдан аниқ ва ишонарли чиқиши учун ҳар тарафлама ғамхўрлик қилади"[2].

Энг аввало, Отақўзига қарама-қарши турган Нормурод Шомуродов образи билан ёзувчининг бирга бўлиши, унинг яширин фикрларини ошкор этиш маҳорати, кайфиятини табиат ва шароит тасвири билан ташқи қиёфаси ифодаланганидаёқ муаллифнинг бу образга нисбатан самимий, илиқ муносабати сезилиб туради. Эскироқ йўл-йўл пижамасининг кенглиги ҳам, унинг жуда миқти, бақувват кўриниши ҳам, ялтироқ катта боши ҳам, дўнг пешонасини шиддатли бир қиёфага киритиб, қадимги юнон файласуфларига ўхшатиб юбориши меҳр билан чизиб беради.

Одил Ёқубов "Диёнат"даги образларни яратар экан, фақатгина ўз асари доираси билан чекланиб қолмайди, балки шу асарни ўқувчи китобхонлар билан ҳам алоқада бўлишга интилади. Биз "Диёнат"ни барча образлари билан ёзувчи яратган бир олам деб қарасак, автор китобхонга шу оламни таништириш, унинг ҳаққонийлиги ҳақида тасаввур уйғотиш учун воқеликни маълум нуқтаи назардан ифодаланганлигига, ҳар бир образга тегишли нагрузка юкланганлигига дуч келамиз. Натижада, уч бирлик юзага келади. Булардан биринчиси - асарни яратувчи ижодкор шахси, иккинчиси - асарда тасвирланган шахслар, учинчиси - асар қаратилган китобхонлар шахсидир. Бу учлик ўзаро алоқадор, бир-бирига қараган,

---

[1] Одил Ёқубов. Диёнат, 106-бет.

[2] Горький М. Адабиёт ҳақида. 192-бет.

ҳар бири қолган иккаласини ўзида билдириб турувчи уч кўзгудирким, китобхон санъаткорга ва шу билан унинг бадиий образларига боғланиб қолади.

Ёзувчи даврнинг энг етук ва мукаммал типи саналган Отақўзини ва унинг воситасида давр тараққиётига тўсиқ бўлаётган иллатларни фош этмоқчи. Ёзувчининг позицияси ва бош ижодий нияти айни шундай. Шу боисдан марказда Отақўзи образи туради. Ёзувчи Отақўзини, энг аввало, тоғаси Нормурод Шомуродов билан зиддиятга кириштиради. Кўпроқ Отақўзига эрк беради. Ёзувчи китобхонга Отақўзини қандай тушуниш имкониятини яратади. Жумладан, унинг Нормурод Шомуродов таржимаи ҳолига оид маълумотини беришда, биринчидан, ҳаётдаги кескин бурилиш даврларини - ижтимоий жиҳатларни олади. Иккинчидан, Отақўзи нутқида сўзлашув оҳанггини кучайтиради. Унинг ўзи олиб келган меҳмон Аброр Шукуровга тоғасининг кутубхонасини кўрсатар экан, "Бу фақат бир қисми!" дея ғурурланади. Суҳбат тоғаси тўғрисида кетганда эса, у "Ҳа... Э, бу кишини тирик тарих деса бўлади! Шу Тошкентда, Бешёғоч даҳасидаги машҳур Маъдихон эшон мадрасасида таҳсил кўрганлар. Кейин оқ пошшо - герман уруши бошланиб, қишлоқда дўкондорлик қилган оталари "синганлар"-у, бу киши бир кундаёқ, мулла мурқурук муллаваччага айланиб, мардикорликка кетганлар. Мардикорликдан большевик бўлиб қайтиб, қишлоқда қулоқларнинг додини берганлар, кейин Москвага ўқишга кетиб... биринчи сув инженери бўлиб қайтганлар" (7-8-бетлар) деб қониқиш ҳисларини туяди.

Китобхон Отақўзининг Нормурод Шомуродовлар оиласининг тарихи тўғрисидаги ҳикояси жараёни билан танишар экан, ёзувчининг талантига, унинг тил билишига, қаҳрамонлар нутқини мақсадга , бош ижодий ниятига мослаштира олишига маҳлиё бўла боради. Отақўзи нутқида автор нутқи таъсири сезилиб туради. Тоға ўтмиши, унинг қаҳрамон ўғли Жабборнинг ишқий саргузаштлари баёнида ростгўйлик бўртиб туради. Бироқ, тоға оиласининг ҳозирги ҳолати таърифига келинганда, Отақўзи сўзларида нописандлик оҳанги сезила бошлайди. Кўринадики, барча образлар тили ҳам асарнинг ягона марказига келиб бирлашади ва унда ёзувчининг ўзи, унинг асосий ғояси, ҳаётга, тасвирланаётган одамларга муносабати сезилиб туради. Хуллас, ёзувчи ижод жараёнида асар материали, баён тизими, субъект формаларининг

ўзаро муносабати, ғоявий-эстетик таъсир ва китобхонни назарда тутган бўлиб, образлар нутқларини бошқариб туради. Бундай бошқаришни китобхоннинг сезмаслик даражасида бўлиши ёзувчининг тил билиш ва уни қўллаш маҳоратини намоён қилади.

Жумладан, авторнинг тасвир объекти ўртасидаги масофа ва кўриш нуқтасининг бир жойдан кенгайиб ва аксинча, шундай ҳолатдан торайиб бориши кўзга ташланади. Иккинчидан, муаллифнинг ҳар бир образга самимий муносабати таркибида хайрихоҳлик, тасдиқ, инкор, ўта холис, киноялі, сатирик позициялари тасвирдаги ҳар бир жумладан сезилиб туради. Дейлик, ёзувчи, Отақўзини фош этиш позициясида. Унинг Отақўзига муносабатидаги самимийлик таркибида баъзи-баъзида қисман фош этишга мойиллик сезилади. Бунга бош сабаб аслида Отақўзидаги таъсирчан ҳиссиётининг сарбастлиги. У баъзан босиқ, гоҳо сержаҳл, асабий. Унинг характерида баъзида меланхоликлик нуқслари ниш уради. Атрофидаги раҳбариятда турли мижозли кишилар тўпланиб қолган, унинг эркалигига кўниккан, баъзида инжиқликларини кўриб кўрмасликка олувчилар бўлгач, у нима қилсин. Шу важдан ёзувчи учун Отақўзини у яшаётган муҳитдан, ижтимой-социал табақаланиш ҳолатидан ажратиб тасвирлаш нохолислик бўлур эди.

Тўғри, "Диёнат"да автор ўзи гўё "четда туриб" воқеаларни холис кўрсатаётгандай бўлади. Бироқ, китобхон Отақўзининг ҳовлиқмалигини, Нормурод Шомуродовнинг бир сўзли - қатъиятлилигини, Гулсара аянинг раҳмдиллигини, Аброр Шукуровнинг синчковлигини, Тоҳиранинг лоқайдлигини муаллиф тилидан билиб олади. Ёзувчи "Отақўзи тоғасининг феъл-атворини яхши биларди. Тоғаси Нормурод Шомуродов "ҳеч кимни аямас эди",- деб таъриф беради. Шу таъриф тўғри бўлиб чиқади. Автор баёни билан қаҳрамонлар руҳий олами чатишиб, ҳаёт ҳақиқатининг таъсирдор тасвири пайдо бўлади. Нопок йўллар билан ўғлини олим қилмоқчи бўлган Отақўзининг тарафини олиб, Гулсара ая эридан қаттиқ дашном эшитади ва оғир аҳволга тушади:

"Гулсара ая ҳамон зинада ғужанак бўлиб ўтирар, бошидаги оҳори тўкилмаган оппоқ дока рўмоли бир томонга оғиб, кулранг сийрак сочларининг фарқи очилиб қолган, нимжон, қоқ суяк елкалари ҳамон оҳиста титрар, афтидан ҳамон ўпкасини босолмай йиғлар эди...

Домла аъзойи бадани бўшашиб ўзини креслога ташлади... У биларди - кампирининг дарди ҳеч қачон ошкора айтилмаган, бироқ қалбида сўнмас бир дард бўлиб қолган ёлғиз ўғиллари Жабборга бориб тақалади. Агар Жаббор ҳаёт бўлганда, агар у урушда ўлиб кетмаганда, кампир ҳозир шу аҳволда ўтирармиди, унинг ўзи, кимсан Нормурод Шомуродовнинг ўзи ҳам шу куйга тушармиди?... Ҳар сафар кўнгли бир нарсадан озор чекса, дарров хаёлига келадиган бу фикр заҳарли тикан бўлиб кўксига яна санчилдию, лабларида нордон томчи ҳис этиб, шоша-пиша чўнтагидан рўмолча олди".

Фарзанд доғи деган жуда оғир ва силсилали бир дард борким, бу дард оғир табиатли камсуқум, интеллектуал ота-онани ичдан кемириб боради. Ёзувчи образли типиклаштирилган тил воситасида бу дард ёлғиз фарзандига кўз тиккан Нормурод Шомуродовнинг ҳам қисматига, руҳиятига қандай таъсир қилганлигини жуда жонли ва ҳаётий тасвирлаган.

Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг яширин фикрларини ошкор этиб, жуда катта бир турмуш ҳақиқатини - нопок жиғилдонини ўйлайдиган субутсиз, шафқатсиз, юлғич одамларнинг жамиятга етказган зиёнини Нормурод Шомуродовнинг изтиробли ўй-хаёллари воситасида очиб ташлайди. Ёзувчи Воҳид Миробидовни "Бу одам, доим оғзида офтоб чарақлаб, доим кулиб турадиган фан доктори илмни ўз манфаати йўлидаги бир восита деб билади! Ўз мақсади олдида ҳар қандай ҳақиқатни шу бугун, шу сония қурбон қилишга тайёр бу одам!" (31-бет), деб Нормурод Шомуродов билан биргаликда, унинг нутқи орқали айблайди. Шу тасвир асосида бемалол Миробидов характерини белгилаб олиш мумкин. Қаранг: ўша субъектив, шахсиятпараст, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган диёнатсиз, ташқи қиёфада доимо кулги, шодонлик, қалб ичида шахсий манфаатга мукка кетган зулмат...

Тоға-жиян ўртасидаги зиддиятни кучайтира борган ёзувчи гоҳ Нормурод Шомуродовнинг руҳий изтироблари, гоҳи Воҳид Миробидовнинг бу буюк зотни камситувчи хотиралари воситасида Республикамиз илм-фани тараққиётининг зиддиятли кечмиш тарихини роман саҳифаларида персонажларнинг монолог ва диолог нутқлари орқали қайта жонлантиради. Отақўзининг аччиқ устида айтилган ҳақоратомуз гаплари Гулсара ая ўлимининг тезлашишига таъсир этди. Бу нутқ билан фақатгина

Отақўзи нишонга олинмайди, балки тузумга, жамиятга дахлдор, каттароқ мантиқ ҳукмронлик қилади. Бутун куч-қудратини, илмини, борлиғини ўша жамиятга бахшида этган бу буюк зотлар, қаҳрамон фарзанднинг отаонаси оқибатда ёлғизланиб, қадрсиз, қаровсиз, ҳимоясиз ҳолга ташлаб қўйиладики, бундай ҳолат жамиятдан, унинг етакчи кишиларидан норозилик, ҳафсаланинг пир бўлишини идрок этувчи мантиқ келиб чиқади. Ана шу мантиқ туфайли роман ўз бадиий қиммати ёнига, яна бир олий қимматни - илмий қимматни ҳам қўшиб олади ва айни кунларда ниҳоятда замонавий янграйди!

"Диёнат"нинг тил хусусиятларида экспрессив - нутқ қамламларининг бирикиб, чатишиб, ўрни алмашиб келишида автор нутқи бошқарувчи, баҳоловчи, ҳукм чиқарувчилик ролини ўйнайди. Гулсара аянинг ўлими хабарини эшитган Отақўзи уни қишлоққа олиб келиб, иззат-икром билан дафн этиш учун шаҳарга отланар экан, изтиробли хаёллар оғушига шўнғийди. Шундай ўринларда автор нутқи билан қаҳрамоннинг руҳий изтироблари чатишиб кетади:

"Отақўзи студент бўлиб, аянинг яхшиликларини кўп кўрган чоғларида юраги қайноқ меҳрга тўлиб, тоабад чол-кампирга илтифот кўрсатишга қасам ичар, абадулабад уларнинг хизматида бўлишга аҳд қиларди. Қани, ўша аҳдлари? Чол-кампир қариган чоғларида белларига қувват бўладиган, кўнгилларига таскину тасалли берадиган нима эзгулик қилди? Ҳаёт экан. Ўзи ҳам бола-чақалик бўлгандан кейин ёшликда, юрак самимий истаклар, эзгу ниятлар билан тўлиб-тошган пайтларида берган ваъдалар, ичган қасамлар - ҳаммаси ёдидан кўтарилиб, майдачуйда ташвишлар, бу дунёнинг битмас-туганмас ишлари билан ўралашиб қолди. Ўралашиб қолган бўлсаям майли, иззат-нафсга, манманликка кетиб, бу икки ғарибу ғуробанинг дардига ҳамдард бўлиш ўрнига кўнгилларини ўкситиб, дилозорлик қилди! Шу ҳам инсоф, шу ҳам адолат бўлдими? Одамгарчилик қайда қолди" (104-бет).

Бу ердаги муаллиф нутқида қаҳрамонга баҳо бериш орқали диалектик таҳлилнинг ўзига хос кичик зарраси намоён этилади.

Кўринадики, айни шу ўринларда автор нутқи билан Отақўзи изтироблари чатишиб кетган, икки овозлилик пайдо бўлган, шу изтиробдан кейин муаллиф ўз нутқини ажратиб олади, таҳлил қилиш, ҳукм чиқариш юксаклигига кўтарилади:

"Шаҳарга яқинлашган сари бу ўйлар, юракни кемирувчи бу аччиқ пушаймон тобора авж олиб борарди. Ҳа, унда азалдан шундай бир одат бор - баъзан тўсатдан инсофга келиб, ўзини аёвсиз қамчилайди, худбин қилиқларидан соқит бўлиш истагида ёнади! Бу нарса одатда бирор қийинчиликка дуч келган, ё бошига иш тушган пайтларда бошланади. Лекин қийинчиликлар орқада қолиб, иши сал юришгудек бўлса... яна ҳовлиқа бошлайди... Беъмани, беқарор одамларга хос бир субутсизлик!" (104-бет).

Ёзувчи нутқида Отақўзига фақат қора бўёқлар чаплаб ташлаш нияти сезилмайди. Унинг нияти, халқнинг нияти, унинг тилаги, халқнинг тилаги билан бир бўлган, унинг олдига борган, эски қишлоқни бузиб ташлаб, ўрнида замонавий, ҳашаматли, обод ва чароғон турар жойлар барпо этган, иззат-ҳурмат ва обрў орттирган даврларини ҳам ташлаб кетмай чизиб беради. Бироқ воқеа-ҳодисаларни саралаш, таққослаш ва баҳолаш жараёнида ёзувчи бу мураккаб шахснинг элу юртга етказган фойдасидан кўра, зиёни ўлчаб бўлмас даражада ортиқ эканини фош эта боради.

Маълумки, "қаҳрамоннинг нутқи унинг савиясини, фикрлаш даражасини, темпераментини кўрсатишга ёрдам беради... персонажнинг тарихан конкретлилигини, колоритини таъминлайди"[1].

Отақўзини даврнинг ижтимоий типи даражасида яратар экан, ёзувчи унинг жамият доирасида нафақат моддий-маънавий, балки ғоявий-сиёсий муносабатлар таъсирида бўлганлигини чуқур идрок этади. Ҳаётдаги диққат, талаб, муҳим ва ижтимоий аҳамиятли томонларни фош қилувчи образ кирдикорлари воситасида моҳирлик билан тасвирга олиб кирилади. Отақўзи, Ҳайдар ва Миробидовлар муносабатларида - нутқларида даврнинг маъмурий-буйруқбозлик иллатлари конкретлаштириб берилган. Отақўзи - давр типи. У қуда-андачиликда ҳам ҳеч кимни назар-писанд қилмйди. Қудағайи Фазилатни ҳам, келини Латофатни ҳам одам ўрнида кўрмайди, улар билан ҳисоблашмайди, буларга фақатгина буйруққа сўзсиз итоат этувчилар деб қарайди. Қодиржон, Латофат, Фазилатларнинг тўй хусусидаги баҳсларига назар ташласак, персонажлар нутқида улар характерига хос

---

[1] Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. Тошкент. F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1989, 174-бет.

хусусиятлар ярқ этиб турганини, ниҳоятда жонли ва ҳаётийлигини идрок этамиз:

- "Бас,- Қодиржон чаён чаққандай ўрнидан сапчиб турди. - ... Ойимларни айтасан! Бу гапларингнинг оқибати нима бўлишиниям бир ўйлаб кўрдингми? Сен Отақўзи акани биласанми ўзи? Ким билан ўйнашаётганлигингни тасаввур қиласанми ўзи?

- Биламан! Қўлидан ҳар нима келади у кишининг! Оғайнингиз Ҳайдар ҳам шундай деб ўйлайди! Тегмаса... зўрлаб олсам ҳам оламан, деб ўйлайди!

- Оладиям! Қўл-оёғингни боғлаб бўлсаям олади! Ё ҳаммамизни касру-касофатингга қолдирмоқчимисан? Бизниям ўйла! Мени ўйламасанг, ойимларни ўйла! - Мени қўй, болам! Ойи бўлмай ўла қолай мен, ўла қолай! - Фазилат бошига мусибат тушган қишлоқ аёлларидай тизза-ларини муштлаб уввос тортиб йиғлади. - Сени бахти қаро қилгунча, ўла қолганим яхши, қизгинам..." (141-бет).

Кўринадики, автор қаҳрамонларни индивидуаллаштирар экан, жамиятдаги моддий-маънавий, ғоявий-сиёсий муносабатлар таъсирини ҳам образлар нутқига сингдириб юборишга алоҳида эътибор беради. Бу персонажлар нутқи ҳаётдаги одамлар тилини эслатсада, улардан фарқ қилади. Чунки диологларда умумлашган, типиклашган нутқ ҳосилини кўрамиз. Турғунлик йилларида илдиз отган бўйсуниш психологияси Қодиржон нутқида ҳам, Латофат нутқида ҳам бўртиб кўриниб туради. Бу ўринда турмуш тўғрисидаги бадиий таҳлил хулосалаган, ундан ҳукмга томон шиддат билан ривожланиб боради. Қаҳрамон нутқи билан автор нутқи чатишиб кетиб, интонацияда қўшалоқ овоз жаранглай бошлайди:

"Демак, гап шу... тўйни бошлайверамиз!"

Йўқ, Фазилат қизиям унинг ўзидай бахти қаро бўлишини истамайди. Бунга сира йўл қўймайди. Бироқ... қимга боради? Дардини кимга айтади? Отақўзигами? Йўқ. Отақўзи билан бу тўғрида гаплашишнинг ўзи даҳшат!" (142-бет).

"Диёнат"даги автор нутқига эътибор берар эканмиз, даврнинг ечилиши лозим бўлган долзарб муаммолари авторни ташвишга солганини кўрамиз. Масалан, қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришнинг фожиали оқибатлари ёзувчини чуқур қайғуга солади, заҳарланиш жараёнининг жамиятимизга келтирадиган зарарли оқибатларини чуқур англайди ва ўзининг севимли қаҳрамонлари

руҳий изтироблари орқали баҳолайди, образларда гавдалантиради:

" -Биолог бўлсангиз, - деди, - мен сизга битта китоб бераман... Мени кўпдан бери ўйлантириб юрган бир муаммо бор, химия муаммоси.

- Ҳа, ҳамманиям ташвишга солаяпти бу муаммо, - деди Шукуров пешонасини ишқаб.

- Ҳаммани дейсизми? Билмадим, мана, менинг жияним, машҳур колхоз раиси, ҳар йили беҳисоб дори ишлатади, лекин бунинг оқибатлари нима бўлди, буни ўйлайдими-йўқми, билмайман (16-17-бетлар).

Ёзувчи нутқида кимёлаштиришга қарама-қарши қўйилаётган биологик усулнинг янги ҳодиса сифатида ардоқланиши, бу усул ижодкорнинг диққатини тортгани, илҳомлантиргани, жуда яхши англангани ва баҳоланганидан далолат беради. Энг муҳими, маълум ҳолатни бадиий ифода билан баён қилиш ва соддаликни сақлай олади.

Биологик усулнинг қандай юзага келишини ва ривожланишини, мавжуд кимёлаштиришга муносабатини, ҳаётга кандай таъсир этишини Латофат ва Соқижон Обидовлар нутқлари, фаолиятлари воситасида тасвирга олиб киради. Мақсад ўзбек деҳқонига, заҳматкаш ўзбек пахтакорига унутилмас бир яхшилик қилишдек давр муаммоси хусусида бораётгани учун ёзувчи бадиий нутқи билан сўзлашув нутқи қоришма ҳолатида берилади: "...Унинг этагида номоз ўқишга тайёр Латофат!

Соқижон Обидов кафедрага бултур қишда, Москва университетининг аспирантурасини битириб келди. Унинг иши табиатни биологик усул билан муҳофаза қилишга бағишланган... Бултур кўкламда у диплом практикасини шу домла раҳбарлигида ўтди. Обидов Наманган тарафлардан эди. Баҳор пайти, беда кўрпа бўлганда, Наманган теварагидаги кўм-кўм бедазорда "хон қизи" ва "олтин куз" деган қўнғизларни тутишади. Бир қўлларида шиша идишча, бир қўлларида матрапча, бедазорма-бедазор юриб капалаклар овлашди" (61-62-бетлар).

Муаллиф нутқининг бадиий асардаги вазифаси беқиёсдир. Буни ҳис этган ҳар бир ёзувчи асарда тилга олинган муаммолар ҳақида қуруқ маълумот ёки баёнчилик билан кифояланмасдан, балки унинг мусбат ва манфий томонларини холис тасвирлаш орқали китобхон муносабатини юзага келтиради.

"Диёнат"да ёзувчи нутқи ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммоларини яхши билишлигини ва маънавий туйғунинг гард тегмаган мусаффолигини ифодалай билишини кўрсатади. Ёзувчининг воқеаларни бир-бирига пайвандловчи нутқи қишлоқ ҳаётининг бутун қиёфасини қамраб ола билиш, уни бениҳоя аниқ қилиб тасвирлаш ва ҳайкалдай қуйиб ташлаш, ечилиши лозим бўлган муаммолар ифодасида жўшқинлик, тўлалик ва тугалликни таъмин этиш маҳоратини намоён қила олишидан далолат беради. Нормурод Шомуродов билан Соқижон Обидовларнинг меҳнат маданияти пастлиги хусусиятида баҳс-диологлари ана шундай хусусиятга эга.

Ёзувчи тилнинг характерларини яратиш ва улардаги типик хусусиятларни очиб бериш калити эканлигини яхши ҳис қилади. Буни биз романдаги ҳар бир образ ва персонажларнинг ўзига хос феъл-атворини, руҳиятини, фаолиятини тасвирлаш жараёнида кўрамиз. Бундай ҳолатларда муаллиф адабий ва сўзлашув тил имкониятларидан ўз ўрнида фойдаланади. Романдаги Аброр Шукуров ҳақидаги дастлабки таърифни эслайлик: "Аввалги секретарь қанчалик сергап, сершовқин, дали-ғули бўлса, бу шунчалик камгап, камсуқум, аввалги секретарнинг ичидагиси сиртида бўлса, бу аксинча, ичимдагини топ, дейдиган хилидан" (12-бет). Бу тасвирдаги ёзувчи тилининиг қисқалиги ва халқ тилининг ифода кучи ёрқин давр типи бўлган характер яратиш қудратини намоён этмоқда. "Дали-ғули", "ичимдагини топ" деган иборалар турғунлик йилларидаги икки раҳбарнинг ички ва ташқи қиёфасини, иш услубига хос ташкилотчилигини яхши очиб беради.

Муаллиф воқеаларга фаол қатнашади. Тили заҳар, рангги заҳил доцент Соқижон Обидовни ҳақ деб таърифлайди. Бригадир Али мўйловга эса турмуш тўғрисидаги тасаввурлари ўттизинчи йиллар даражасида қолиб кетган, деб изоҳ беради. Юзлари ёғ суртилган, ширмон нондай ялтираб турган бу йўғон, барваста одам учун турмушда "иссиқ овқатдан" катта бахт йўқлигини фош этади. Буларнинг барчаси ёзувчининг тил билиш ва индивидуаллаштириш маҳоратидан далолат беради. Зотан, тасвирнинг ўзи зиддиятга киришаётган шахслар характерларининг яратилиши ҳам кашфиётдир. Одил Ёқубовга қадар ҳеч бир ёзувчи илм фидойиларини шу қадар ишонтирарли даражада пахта далаларига олиб чиқиб, қишлоқ заҳматкашлари ҳаётини замона нуқтаи

назаридан таҳлил эттириб, уларнинг истиқболи тўғрисида қайғуртирмаганини бир ўйлаб кўрайлик. Ёзувчи тасвир ўрнини ва баҳсга сабаб бўлган турмуш муаммосини танлашда ҳам маҳорат кўрсатган.Ёзувчи нутқини таҳлил этар эканмиз, унда даврга, замонага мос вазифаларнинг ижодий ҳал этилганига дуч келамиз. Шу боисдан биз ёзувчи ўз олдига "бажариш" учун қўйган ижодий вазифани унинг шахсий ўйлашининг ҳосиласи, деб эмас, балки тарих, давр, ижтимоий ҳаёт кун тартибига қўйган, сўз санъаткори бадиий тафаккур орқали идрок этган бурч деб биламиз. Одил Ёқубов шу бурчга мувофиқ ўз замонаси ва замондошлари ҳаётига чуқур кириб бориб, улар учун ҳам, келажак авлод учун ҳам аҳамиятли бўлган муаммоларни бадиий ҳал этишга бел боғлайди. Шу ўринда иқтисодий фойда деб табиат гўзалликларини оёқ ости қилаётганларга қарши кўтарилган муаммони олиб кўрайлик. Шундай ўринларда автор нутқидаги, қаҳрамонлар руҳий изтиробларидаги ҳам бадиий, ҳам илмий таҳлил китобхонни табиат ва инсон муаммолари сари етаклайди. Ундаги риторик сўроқ ва ундовлар романдаги таъсирдорликни, туйғу ва эҳтиросни янада кўпайтиради:

"Инсон қўли билан эмас, табиат ўзи яратган бу ярим ёввойи тўқайзорнинг бир томони адирларга, бир томони тоққа туташиб кетарди.

Ёлғиз Нормурод эмас,бу айланада унинг булоқларидан дўппи-дўппи сув ичмаган, ёзда жийда ҳидидан яйраб, кузда қўйинларини тўлдириб жийда териб емаган, саратонда унинг соя-салқин жойларида, арча ҳидидан маст бўлиб ухламаган, қушлар нағмасидан завқланмаган тирик бир жон йўқдир! Наҳот, молхона қурмоқчи бўлган донолар табиат ўзи яратган бу сўлим жойдан бошқа жой тополмаган бўлсалар...?" (173-174-бетлар).

Бу нутқда ҳаётдаги барча нарса бирон бир нисбатда инсонга зарур, унинг ҳаётининг мазмуни, нафосати, завқи учун керак бўлган табиат инъомларининг қудрати намойиш этилган.

Ёзувчининг яратувчи, ташкил этувчи ва бошқарувчи, таҳлил этувчи ва баҳолаб ҳукм чиқарувчи нутқини ўрганиш шундай бир хулосага олиб келадики, бу нутқ соҳиби учун ҳаётда оддий, жўн нарсалар йўқ. Бу нутқ ижодкори ҳар бир воқеа-ҳодисадан маълум хулоса чиқаради, уни баҳолайди, кўз илғамас ҳаётий детал, нарса тагида яширинган улкан бир ҳақиқатни кашф этади.

эканлигига қўшилади ва ёзувчининг "қаҳрамонлар нутқини ишлашда ҳам ҳеч қандай қонун-қоидага риоя"[1] қилмаганини, "натижада қаҳрамонларнинг оғзидан чиққан гаплар уларнинг характерини очишга хизмат"[2] қилмаслигини,"қилганда ҳам кўпинча уларни фаросатсиз ақли паст қилиб"[3] кўрсатганлигига, адабиётимизда "бутун бошли бир роман "тилсиз"[4] бўлиб туғилганига, муаллифнинг "адабиётнинг асосий воситасига - тилга мутлақо беписанд"[5] қараганлигига афсусланади.

"Бадиий тил, - дейди севимли ёзувчимиз Пиримқул Қодиров ҳам ижодкор, ҳам тадқиқотчи сифатида, - асардаги образлар, характерлар ва бошқа компонентларга сингиб кетган бўлади, уларнинг таркибига кириб, ажралмас синтезга айланади. Бадиий тилни тадқиқ қилганингизда, ҳар бир гап ва жумладан маълум мавзу ва ғоя, маълум образ ва характер, маълум сюжет ва конфликтнинг алоҳида заррачалари чиқиб кела бошлайди"[6]. Ў.Усмоновнинг "Гирдоб" романидаги бош қаҳрамонлар - Азиз ва Салтанатларнинг турфа хил кайфиятлари, ҳис-туйғулари, уларнинг фаолиятлари билан танишганимизда бадиий тилнинг серқирра вазифаси ва кенг оламидаги ўзига хос қирраларга дуч келамиз, ҳайратланамиз, туйғумизда руҳий тебранишлар юз беради, ҳаётий тажриба, кўринишлар, ўз эътиқодимиз асосида қаҳрамон билан гоҳо унга эътироз билдириш истагини кўнгилда туямиз. Энг аввало, эътибор қилинг: "Азиз шу зайлда анчагина ўй суриб ётди-ю, охири ўзи сезмаган ҳолда Салтанатга ўхшаб фикр юритаётганидан, фан, кандидатликни тўғридан-тўғри пул, дунёга боғлаётганидан уялди. Илгарилари у илмий мартабаларни бойлик, ҳузур-ҳаловат билан ўлчамасди, асло! Одамларнинг оғирини енгил қилиш унинг ёшлиқдаги бирдан-бир ҳаваси эди. Бу ҳавас қишлоқда кўрган анави воқеадан сўнг қатъий мақсадга айланди. Ўшанда Азизларнинг курси пахта териб юрган колхознинг донгдор бригадири кимёвий дори сепилган

---

[1] Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. Тошкент. F.Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 174-бет.
[2] Ўша жойда.
[3] Ўша жойда.
[4] Юқоридаги китоб, 178-бет.
[5] Ўша жойда.
[6] Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том.Тошкент, "Фан" нашриёти, 1978, 313-бет.

майдонга кириб кетиб... заҳарланиб узоқ ётган, айни йиғим-терим пайтида оламдан ўтган эди..."[1]

Бу ўринда Азизнинг руҳий изтироби ҳиссий мазмун билан пайвандланиб, унда шахсийлик билан умумийлик ғоявий идеалга мос ҳаётий тўқималар асосида индивидуал кўринишдаги типикликка айлантирилган. Аниқ ва ҳиссий эстетик бирлик (илм ва шахсий бойлик ёки илм туфайли инсонларга яхшилик қилиш, фожеали ўлим ва селекционер бўлиш учун қатъий қарор) образнинг ирода йўналишини ташкил этувчи манзарани юзага келтириб,нутқ бутунисича бош қаҳрамон вужудининг зарурий элементларини - эмоционал-эстетик таъсир кучига эга бўлган ҳиссий мазмунни кашф этган. Бу ҳиссий мазмун ўзбек халқининг олий мақсадларига мос тушувчи ғоя билан, одамларнинг оғирини енгил қилиш ғояси билан суғорилган. Натижада, у бутун романни ушлаб турувчи негизга айланган. Романдаги барча ҳодисалар, образлар ана шу ғоя туфайли бир-бирига боғланади, бир-бирини қувватлайди. Демак, роман конфликтининг юзага келиши ва шиддат билан ривожланишида ана шу образли нутқ воситасида кашф этилган ҳиссий мазмун бош манба ролини ўтайди. Ёзувчи Азиз идеалига, орзу-интилишларига, олий мақсадига тушунолмайдиган, фақатгина шахсий бойлик ва ҳузур-халоватни ўйловчи Салтанат характерини қуйидаги нутқда очиб беради:

"-Қани гапир!Мақсадинг нима ўзи?!

- Мақсадимми?! - Салтанат эрига дарғазаб қараганида қошлари хунук ўйнаб кетди. - Дунёга икки марта келмайман. Мен ҳам одамлардай яшасам дейман! Нимам кам улардан! Кўрманми, карманми? Қачонгача уйимдагини сотиб ейман?! Отам бечора, яхшиям кўша-кўша гилам қилиб узатган экан! Пешонам қурсин!... Салтанат шу гапдан сўнг хўнграб йиғлай бошлади..." (16-бет).

Образли нутқ учун махсус бадиий тасвир воситаларининг мўл-кўл ишлатилиши шарт эмас, балки образлардаги ғоя билан монанд тушувчи ҳиссий мазмун манзаралари чизилиши орқали берилишининг ўзи кифоя. Бу нутқда Салтанат руҳий дунёсида яхши яшаш, ҳузур-ҳаловат билан умр ўтказиш ғоялари ҳукмрон. У шунга тинимсиз интилади. Азизга ҳам у ана шу ниятларим

---

[1] Усмонов Ўктам. Гирдоб. Роман. 2-нашри. Тошкент, "Ёш гвардия" нашриёти, 1981, 15-бет (кейинги кўчирмалар шу нашрдан олинган бўлиб, саҳифалари қавс ичида кўрсатилади).

амалга ошади, машҳур олим бўлади, шахсий машинамиз, хизматкорларимиз бўлади, деб турмушга чиққан. Ёзувчи ўз нутқида унинг ана шундай ҳавойи ва ўткинчи хаёлларини моҳирлик билан тасвирлаб, руҳий дунёсини очиб, иккала образ руҳиятидаги умрбод бир-бири билан чиқиша олмайдиган зиддиятли ғоялар ҳукмрон эканлигини кўрсатади. Натижада, ана шу зиддиятли ғояларнинг ташкил қилувчи қудратига таяниб, образли тасвир орқали Азиздаги мақсаднинг улуғворлигини, Салтанатдагисининг кемтиклигини эмоционал-эстетик таъсирдор нутқ ифодаси билан оча боради. Азиздаги ғоянинг улуғворлиги ва тиниқлиги ҳиссий мазмуннинг бадиийлигини таъминлайди. Ана шу ҳиссий мазмун шарофати билан роман саҳифаларидаги тасвир чуқурлашиб, китобхонлар қалби ва ақлини ишғол қила боради. Китобхонлар романнинг дастлабки саҳифаларидаги образли нутқ тасвиридан Салтанатнинг болалиги тўкин-сочинликда ўтгани сабабли унинг ҳаёт ҳақидаги роҳат-фароғатга оид тушунчалари бир ёқлама эканини, ёшлик ҳаёллари уни олисолисларга, номаълум кенгликларга элтиб ташлагани, эрини кутишлар ҳам шаънига ҳақорат бўлиб туюлишини англаб олади. Бундай тасвир ёзувчининг бадиий асар тилидаги ҳиссий мазмунни образдаги ғоя билан пайвандлашдаги маҳоратини намоён қилади.

Ана шу ўткинчи ва хом хаёллардан сўнг автор нутқи орқали унга қуйидагича характеристика берилади: "Салтанат ҳали ёш бўлишига қарамай, ҳаёт неъматларидан тўйиб фойдаланишнинг қанчалар сурурли эканини олдидаги опалари, акалари, кеннойилари ва ўз оиласи мисолида жуда кўп марта билиб олган зийрак қиз эди. У ҳисоб-китобли, тўқ оилада ўсган эди. Отаси кўп вақт савдо идораларини бошқарган, фақат кейинги йиллардагина пенсияга чиқиб, Олой бозоридаги хўжалик моллари дўконига мудирлик қила бошлаган эди" (24-бет).

Бу парчанинг ҳар бир жумласи Салтанат вояга етган муҳитни,унинг характеридаги "йўқчиликка" кўниколмасликни келтириб чиқарган илдизларни китобхон кўз ўнгида намоён этади. Муаллиф нутқидаги ҳиссий мазмунни бўрттирувчи ана шу кичик оилавий зиддиятлар тасвири ижтимоий зиддиятлар тасвирига моҳирона улаб юборилади.

Ёзувчи ҳар бир образ табиатини очишда сўз, ибора, жумла ва ғапларни ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қилади.

Бадиий асардаги қаҳрамонлар нутқининг индивидуал ва типик хусусиятлари ҳақида гапирганда, айниқса, прозада монолог ва диолог кўринишларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш керак. Хусусан, монологик нутқ бадиий асарда тасвирланаётган муаммоларнинг муҳимлигини китобхонга уқтирибгина қолмай, қаҳрамон характеридаги индивидуал томонларни ҳам кўрсата олади. "Гирдоб" романида ёзувчи реалистик адабиётга хос бўлган типик характерни типик шароитларда акс эттиришда, монологик (баъзи адабиётчилар буни хаёлий нутқ ҳам деб аташади) нутқдан моҳирона фойдаланган. Бу айниқса, Азиз образи талқинида бўртиб туради. Жумладан, Азиз ўз ғоясини амалга ошириш учун, оилавий, ижтимоий тўсиқларни енгиб ўтиб бориб, илмий кенгашда ўткир монологик нутқ сўзлайди. Ёзувчи ана шу монологик нутқни тасвирга олиб кирар экан, унга катта бадиий вазифа юклаган:

"...Ўтирганларнинг бари ялт этиб Азизга қаради. У аввал ҳам айрим олимлардан бу саволни эшитган ва қўлидан келганча жавобини берган эди-ю, бироқ ҳозирги вазиятда, кўпчиликнинг ичида, яна ўз домласидан бу саволни эшитиши Азизни довдиратиб қўйди. Назарида ҳамма нарса, ҳатто ҳаёт-мамоти ҳам ўзининг бир оғиз жавобига боғлиқ туюлди ва дадил туриб:

- Натижа чиқади!- деди.

- Асослаб беринг-чи!

- Бу мураккаб масалани бир оғиз сўз билан асослаб бериш қийин, Муҳиддин Жабборович. Лекин шундаям ҳаракат қиламан..." (39-40-бетлар).

Натижада, романда илмий таҳлил билан бадиий таҳлилнинг чатишиб, манзара яратувчи образли нутқнинг кўчирма гап шакли етакчилик қила боради. Ушбу монолог-нутқ бадиий тасвирда, айниқса, илмий ҳаётнинг ниҳоятда муҳим масалаларини, Азизнинг чуқур эътиқодини ҳамда кучли кечинмаларини ифодаламоқда. Энг муҳими, бош қаҳрамон Азизнинг билимдонлигини, селекция тарихидан чуқур хабардорлигини, вильтга чидамли янги нав яратиш учун енгиб бўлмас субъектив дардига айланганини, ёзувчи кўчирма гап шаклидаги монологик нутқ билангина асослай олган. Азиз нутқининг ана шу шакли орқали кўпдан бери унинг миясида ўрнашиб, хаёлини қамраб келаётган фикрларни чандон қизғинлик билан ҳимоя қиладики, бу нутқ уруғчилик тарихининг билимдонигина эмас, балки курашда ўз

позициясидан чекинмайдиган, қатъий иродали шахс характерини ҳам намоён қилади:

"- Баъзи бир ёввойи навлар касалликларга ғоят бардошли иммунитетга эга. Шунинг учун ҳам домла Сергей Матвеевичнинг маслаҳатлари билан ўз олдимга қўйган кичик бир мақсадим шуки, биринчидан, узоқ турдаги эркаклаган ғўзалар оиласидан вильтга иммунитети кучли навни ажратиб олдим, иккинчидан, ўша топилган нав асосида ирсият генетикасини ўрганишга уринаяпман. Учинчидан, мени тўғри тушунинглар, агар қўлимдан келса, умрим, ақлим, имконим етса, вильтга чидамли нав яратишда янги бир услуб қўлламоқчиман" (41-бет).

Ёзувчи типик характерларни типик шароитларда кўрсатишга интилади. Ана шу интилиш туфайли умумхалқ тилидаги турли-туман услубий "қатламлар"дан жуда аниқ ва аниқ мақсадларда, ўрнини топиб, хонасини келтириб фойдаланишга муяссар бўлади. Кўчирма гап шаклидаги монологик нутқ яратишда ёзувчи типик шароит билан ҳисоблашади. Беш минутлик илмий ҳисобот ўрнига Азизнинг раҳбари ўз шогирдига ҳужум қилиб қолади. Шароит ўзгаради. Азиз ўз илмий ахборотини кўнгилдагидек баён этиш имкониятини йўқотади. Академик Муҳиддин Жабборович унга устма-уст зарба бериб, ҳаёлпарастга чиқариб қўяди. Азиз унинг қўпол танбеҳларидан баттар эсанкирайди. Бунинг устига шогирд ва устознинг ҳозирги баҳсида ўтирганлар қандай муносабатда бўлишини - кўпчилик Муҳиддин Жабборовичга ён босишни Азиз олдиндан билгани учун ҳам уч йил давомида йиққан қиёсий маълумотларини, йилт этган умид уйғотувчи дастлабки натижаларини ҳам айтиб ўтишдан фойда йўқлигини билади. Кўчирма гап шаклидаги монологик нутқ ёзувчи томонидан моҳирлик билан ўзлаштирма гапга айлантирилади. Натижада, китобхонлар вазият туфайли изҳор этилмай қолган Азизнинг илмий тадқиқот тажрибалари билан таниша боради.

"Гирдоб"даги бадиий нутқ қатламларини тадқиқ этар эканмиз,бу қатламлар орасида монологик нутқнинг етакчи ўрнини кўрамиз.Кўпинча, диолог нутқлар монолог нутқлар шаклига ўта боради. Бунда далил тариқасида илмий кенгаш давомидаги диологик нутқларнинг монологик нутққа ўтишини кўрсатиши кифоя. Азиз билан Муҳиддин Жабборовичнинг тортишувлари диологик нутқ шаклига сиғмай кетади. Мисол:

"-Ваҳоланки... мен Азизжоннинг меҳнаткашлигидан севингандим. Илм кишиси шундай бўлмоғи керак. Нишонга тегмаган ўқнинг кимга нафи бор? Менга шу йигитни бердинглар, йўқ демадим. Бироқ, фикримиз бир ердан чиқмаяпти. Ваҳоланки, устоз билан шогирд бир хил фикрламадими, тамом! Азизжон ҳеч қандай илмий асосга суянмаган ҳолда пахтачиликка ёввойи пуштни киритмоқчи. Боя у ҳатто, домла Вавиловни ҳам эслатиб ўтди. Ваҳоланки, Азизжон, сиз ёшсиз, ука, катта одамларнинг фикрини сохталаштиришга ўрганманг. Вавилов ҳам, Мичурин ҳам бир-биридан узоқ навларни чатиштиришни тавсия этганлар, лекин ёввойи навларни эмас... Бироқ, мана уч йилдан ортиқ вақт ўтди...Тайинли бир гап айтолмадингиз..." (43-бет).

Ёзувчи диологик нутқдан монологик нутққа ўтиш ёрдами билан ёрқин ва типик образлар яратади. Юқорида келтирилган мисоллардан чиқадиган хулоса шуки, бадиий нутқда одамлар, шу жумладан, ёзувчининг ўзи ҳам умумлашма образлар, индивидуаллашган типик характерлар шаклида намоён бўлади. Ёзувчи воқеликдан, ҳаётда бор одамлардан қуруқ нусха кўчириб кўя олмаганидек, саралаб олган материалларини ҳам пала-партиш тасвирлайвермайди. Балки, типик характерлар мантиқига типик шароитга, деталларнинг ҳаққонийлигига таяниб, нутқ йўналишини ўзгартира боради. Шу нуқтаи назардан "Гирдоб"даги нутқ йўналишига назар ташласак, айниқса, Муҳиддин Жабборович ва Расул Оллоёровичларга дахлдор жойлари икки босқичли ракета парвозини ёдга туширади. Биринчи босқичда бу "буюк зотлар" ҳар қандай йўллар билан бўлса-да, ўз етовларига юрмаган, мустақил фикр ва дунёқарашга эга бўлган истеъдод соҳиби - Азизнинг иродасини букиб, илмий изланиш йўлидан қайтармоқчи бўладилар. Улар нутқининг йўналиши ҳам тўсиқлик қилувчи диолог, монологлардан ташкил топади. Иккинчи босқичда эса, нутқ йўналиши бутунлай ўзгаради. Кашфиёт яратилгач - Азиз ютиб чиққач, энди бу машҳур олимлар унинг кашфиётига шерик бўлмоқ кайфиятига тушадилар.

Ёзувчи ҳаётнинг шафқатсиз қонунини бадиий образларда гавдалантира боради. Янгилик ҳар қандай тўсиқларни мардона итқитиб, исталган шароитда ўзига йўл очиб боришини Азиз образи тимсолида бадиий гавдалантириб беради.

Агар биз бадиий асарнинг тили бир-биридан сезиларли фарқ этадиган икки бўлакдан - автор нутқи ва ва персонажлар нутқидан иборат бўлишини эътиборга олсак, уларнинг ҳаммаси "Гирдоб"да роман мазмунининг эмоционаллигига хизмат қилганини англаймиз. Муаллиф нутқи "Гирдоб"да ахборот берувчилик функциясидан ташқари, персонажларнинг ички дунёсини, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам изҳор этиб беролмайдиган руҳий ҳолатларини тасвирлаб беришнинг уддасидан чиққан. Биз Ўктам Усмоновнинг нутқини синчиклаб назардан ўтказар эканмиз, асарда тасвирланаётган кишиларнинг ўзаро суҳбатлари, ёлғизликдаги ўйлари ва бир-бирларига муносабатларини моҳирона тасвирга олиб кира олганини кўрамиз.

Ҳозирги ўзбек романларидаги тил масалалари хусусидаги мулоҳазаларимизга якун ясар эканмиз, бадиий адабиётнинг тили муаммоси муҳим назарий проблемаларидан бири эканлиги ва унинг серқирралигини ҳисобга олиш кераклигини эслаш лозим. Шу хусусиятдан келиб чиқиб, биз ҳозирги ўзбек романчилигининг ютуқлари ҳисобланган "Диёнат", "Гирдоб" романлари мисолида тилнинг бадиий асарда - асар ғоясини ва қаҳрамонлар характерини очишдаги нутқий вазифаси хусусида кўпроқ тўхталдик. Бу асарлар тилининг таҳлили характерларни яратиш ва типиклаштириш борасидаги, асар ғоясини ифода этишдаги ўзига хос томонлари, автор ва персонаж нутқининг монолог ва диологнинг асардаги фикрни юзага чиқаришдаги роли каби масалаларни ўрганишда ёзувчи учун чексиз имкониятлар эканлигини кўрсатди. Хуллас, юқорида назар ташлаган романларимиз тили, уларнинг "ғоявий мазмуни билан тараққий этиб, такомиллашиб боради"[1].

---

[1] Адабиёт назарияси. Икки томлик. 1-том, 353-бет.

ХУЛОСА

"Адабиёт яшаса, миллат яшар. Адабиёти ўлмаган ва адабиётининг тараққийси чолишмаган ва адиблар етиштирмаган миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан, маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Мўни инкор қилиб бўлмас"[1]. Беназир ижодкоримиз Чўлпон бу донишмандликни 1914 йилда ёзган эди. Чўлпоннинг бу мулоҳазаларида ХХ аср янги ўзбек адабиётининг келажаги миллат келажагини белгиловчи асосий омиллардан бири сифатида қайд этилади. Дарвоқе, ХХ аср жаҳон халқлари маданиятида, хусусан, ўзбек адабиётида янги саҳифалар яратди. Бу эса ўзбек миллий адабиётига ҳам хос бўлган хусусият эди. Бундай ҳол миллий ва Шарқ адабиётларидаги анъаналар билан бирга Ғарб адабий ютуқларини ўзаро уйғунлаштиришдан, янги замонавий реалистик адабиёт яратишдан иборат ўзига хосликни тайин этади. Чўлпоннинг юқоридаги мулоҳазалари нақадар ҳақиқат эканлигини миллий адабиётимизнинг ривожланиш жараёни ва унинг жанрлар бўйича равнақи ва халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни кўрсатиб турибди.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир давр адабиёт учун янги, ўзига хос ғоялар ва қаҳрамонларни бахш этганидек, буларнинг барчаси унинг ва миллатнинг ўз ижтимоий-эстетик эҳтиёжи борлигини, бадиий адабиёт ана шу эҳтиёжларни қондирувчи воситалардан эканлигини кўрсатади. Ўз навбатида, давр янгиликлари, масалалари бадиий адабиётнинг ўзига хос тараққиётини таъминлаб туради.

Жамиятни юксалтириш ҳар бир миллатдошимиз ва замондошимиздан ҳаётга янгича ёндошиш ва илғор фикрлаш талаб қилади. Ҳаётимизда ечимини кутаётган ва бир қатор долзарб муаммоларни атрофлича таҳлил қилмасдан туриб, жамиятнинг адабиёти ва унинг истиқболи ҳақида фикр юритиш қийин. Маънавий иқлимни яхшилашда тарбиянинг қудратли манбаи ва давр руҳининг ифодаси бўлмиш бадиий адабиётнинг аҳамияти бебаҳодир. Чўлпон таъбири билан айтганда, адабиётнинг вазифаси "ҳар киши юрагида бир ботирлик ва фидокорлик" уйғотиши керак.

---

[1] Чўлпон. Адабиёт надур? "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1992, 13 март

Ижтимоий адолатни қарор топтириш ва шунинг асосида янги инсонни тарбиялаш ҳамда шакллантириш бадиий адабиёт пайдо бўлган даврдан бошлаб асосий мақсад ҳисобланиб келган. Буни биз ХХ асрнинг барча даврлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳамма жанрдаги асарларида кўрамиз. Бу биринчи галда ХХ аср ўзбек адабиётининг маҳсули ҳисобланмиш романчилигимиз жанрига ҳам тааллуқли. Бундай хусусиятларни кўрсатиш ва уларни таъкидлаб ўтишдан аввал шуни айтиш зарурки, собиқ иттифоқда, қолаверса она юртимиз - республикамизда, содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар сўз санъати ҳисобланган бадиий адабиёт олдига, унинг тадқиқотчиси қаршисига янги-янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўяди. Хусусан, бадиий тафаккур намуналари бўлган романларни сарҳисоб қилиш, шу соҳага рағбатлантириш бадиий танқид зиммасидаги шарафли вазифалар эканлигини унутмаслигимиз зарур. Зеро, адабий танқидчилик сўз санъатининг навбатдаги ривожланиши йўлида, жамият фуқаролари талабларини қондириш зарур ҳисобланган бадиий ижод равнақи борасида унга камарбаста ва ҳамкор бўлиши керак. Шу маънода романчилик бобидаги аҳволни, унинг пастбаландликларини сарҳисоб қилиш, унга хулосаловчи миқёсда кўз ташлаш алоҳида аҳамиятга молик иш ҳисобланади.

Шу маънода таъкидлаш зарурки, кейинги йиллар романчилиги бадиий тафаккурида ўзига хос ижодий изланишлар жонланганлигини, мазкур йўлда ўзига хос қандайдир уринишлар бўлганини кўрамиз.

Аввало, ҳозирги романчилигимиз муаллифлари ижодкор бурчига мувофиқ жамиятда рўй бериб турган ҳодисаларни акс эттириб, миллий адабиётимиз мундарижасини кенгайтириш йўлида ўз маҳоратларини оширишга интилганликларини қайд этишимиз керак. Ана шундай фазилатлар улар яратган асарларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳуқуқини тайин этади.

60-80-йиллар ўзбек романчилиги мураккаб шароитда, мустабид тузум ҳукмронлиги даврида ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бу давр романчилиги, ўзига яраша ютуқ ва камчиликлари билан олиб қаралса, халқимиз ҳаётида ва бадиий тафаккурида янгича босқич сифатида баҳоланишга ҳақлидир. Уларда давр воқеаларини, шу давр тараққиётига хос майлларни қаҳрамон характерида умумлаштириш орқали инсоннинг

жамиятда тутган ўрни, миллий-ижтимоий турмуш тарзи, ҳаётий муаммолари ўз бадиий тажассумини топди.

Романчнависларимиз асарларидаги образлар орқали талқин этилаётган бадиий ғоя даврга мансуб илғор ахлоқий-маънавий хусусиятларга ҳамоҳанглиги, эстетик ва идеал туйғулари билан китобхонлар онгига таъсир кўрсатиб, уларга бир умрлик ҳузур, ёниб яшаш завқини бахш этади.

Ҳозирги ўзбек романчилиги бадиий тафаккурида бугунги кундаги ўзлигимизни таниб олиш ва намунавий келажакка пойдевор қўйиш борасидаги курашни, у қанчалик оғир бўлса ҳам, бутун кўлами ва мураккаблиги билан тасвирлаш анъанаси туғилаётир. Бу эса, биринчи галда, жанрий изланишларда ўз изини кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтишга ҳақлимизки, ёзувчиларимиз эришган ютуқларга таяниб, йўл қўйилган нуқсонлардан хулосалар чиқариб, мустақил ва демократик давлат қуриш йўлидаги халқимиз интилишларини, бу борадаги курашларни, замондошларимиз қалбида кечувчи орзу-ўйларни таъсирли ифодалайдиган, реализм руҳи билан йўғрилган чинакам бадиий асарларни, шу ҳисобда юксак савияли, ранг-баранг романларни кўплаб ижод қиладилар, маънавий бойликларимиз хазинасини дурдона намуналар билан бойитадилар.

ДАМИН ТЎРАЕВ

ЎЗБЕК РОМАНИДА БАДИИЙ ТАФАККУР ВА МАҲОРАТ МУАММОСИ
(60–80–йиллар)

Муҳаррир *З. Аҳмаджонова*

Босишга рухсат этилди 03.04.2001 й. Бичими 84x108 1/32. Нашриёт ҳисоб табоғи 9,0. Шартли босма табоғи 8,8. Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма № 53.

"Университет" нашриёти. Тошкент – 700174, Талабалар шаҳарчаси, ЎзМУ, маъмурий бино, 5 – қават.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара пудратидаги китоб фабрикасида чоп этилди. Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.

Филология фанлари доктори Дамин Тўраев 1946 йилда Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида туғилган. 1967 йилда Қарши Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тугатган. ТошДУ аспирантурасида тақсил олган. Ўз меҳнат фаолиятини Самарқанд Давлат педагогика институтида ўқитувчиликдан бошлаган. Кейин Қарши Давлат педагогика институтида ўқитувчи, доцент, факультет декани вазифаларида ишлаган. 1967 йилдан буён матбуотда адабий-танқидий мақолалари билан қатнашиб келади. Унинг «Ҳаёт ва сюжет», «Ўзбек адабиётида реализм масалалари», «Бадиий талқин йўлларида» каби рисолалари нашр этилган.

Айни пайтда Қарши Давлат университети Ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири бўлиб ишламоқда.